

Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадiiй, ижтимоий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган № 10 (185) 2012 йил, октябрь

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН МАТЕБУТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЎНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВА
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳаммаджон ҚУРОНОВ

Бош муҳаррир:

Шухрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Мирнўлат МИРЗО
(бош муҳаррир ўринбосари)
Усмон ҚУЧҚОР
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Юлдуз ҲОШИМОВА
Алимурод ТОЖИЕВ

ТОШКЕНТ
ОКТАБРЬ

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ	
Айласа (<i>Нажмиддин Комилов</i>)	3
НАСР	
Рюноскэ Акутагава. Сувошти мамлақатида . Қисса. (<i>Рус тилидан Ойдин Нисо тарж.</i>).....	6
Ёвдат ИЛЁСОВ. Олачипор ажал . Роман. (<i>Рус тилидан Шомухиддин Мансуров тарж.</i>).....	40
ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ	
Озарий баётилар . (<i>Озарбайжон тилидан Карим Баҳриев тарж.</i>).....	38
Михаил ЛЕРМОНТОВ. Денгиз тўлқини . (<i>Рус тилидан Сулаймон Раҳмон тарж.</i>)..	99
Озарбайжон шеъриятдан намуналар	137
Сергей ЕСЕНИН. Шеърлар . (<i>Рус тилидан Эркин Воҳидов тарж.</i>).....	81
ДРАМАТУРГИЯ	
Хусайн ЖОВИД. Шайх Санъон . Драма. (<i>Озарбайжон тилидан Усмон Қўчқор тарж.</i>)	107
АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА	
Наим КАРИМОВ. Хусайн Жовид – буюк озарбайжон драматурги	154
Сирожиддин САЙЙИД. Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан ёхуд Хуросонда бир дарвоза бор	166
М. ЁҚУБОВА. Улуғ ва садоқатли муҳаббат . (<i>Хотиралардан парча</i>).....	171
ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ	
Глобус	181
Унутилмас сиймолар	187
Муқовамизда	201
Тақвим	204
Тарихда бу кун	205

Навбатчи муҳаррир А.ТОЖИЕВ
Техник муҳаррир З.ФОЗИЛОВА
Мусаххих Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Н.ДАВЛАТОВА

Жаҳон адабиёти, 10. 2012

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №185
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинмиши шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 22.10.2012 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Жами 1200 нусха. _____ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўқитувчи” НМИУда чоп этилди.
100206, Ўзбекистон, Тошкент ш. Янгишаҳар кўчаси, 1.

© Жаҳон адабиёти, 2012 й.



АЙЛАСА

*Кўнглум ўртансун агар ғайрингга парво айласа,
Ҳар кўнгил ҳамким сенинг шавқингни парво айласа.*

*Ҳар киши васлин таманно айласам, навмид ўлай,
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.*

*Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.*

*Ғайр зикрин ошкоро қилса, лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.*

*Рашқдин жонимга ҳар наргис кўзи бир шуъладур,
Боғ аро ногоҳ хиром ул сарви раъно айласа.*

*Йўқ оғиздан нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.*

*Офият жонимга етти, эй хуш ул муғким, мени
Бир қадаҳ бирла харобот ичра расво айласа.*

*Келтурунг дафъи жунунимга парихон, йўқ табиб,
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни пайдо айласа.*

*Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,
Ногаҳ аҳли сидқ кўнгли меҳрин ифшо айласа.*

*Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.*

* * *

Да сгорит мое сердце, другой поклонясь, о царица,
хоть раз!
 Но и сердце любое, что страстью к тебе загорится
хоть раз!
 Да не знать мне надежды на встречу с какой-то другой,
не с тобой!
 Но свиданьем с тобой да не смеет никто возгордиться
хоть раз!
 Восхитясь не твоей, а другой красотой, да лишусь я очей,
 Но ослепни и тот, кто твоей красотой восхитится
хоть раз!

Онемей мой язык, не тебя, а другую хвалой помянув,
 Но и каждый язык, восхвалявший тебя, чаровница,
хоть раз!
 И к цветам я ревную тебя. Если б так же обласкан я был
 Шаловливой улыбкой твоей, как нарцисс бледнолицый,
хоть раз!
 Речь моей луноликой сверкает столь тонкой алмазной
 пылью,
 Что мечтает и солнечный луч ей подобно искриться
хоть раз!
 Поспеши, нечестивец, отнять мою душу, налей мне вина, –
 Не оно ль наконец мне поможет с возлюбленной слиться
хот раз!
 Бесноватым я стал! Не врача, но колдунью зовите ко мне,
 Кто колдунье подвластен, пред лекарем разве смирится
хот раз!
 Ваше сердце, о люди любви, предзакатной подобно заре;
 Хоть ярка – коротка! Не дано ей дожидаться денницы
хоть раз!
 Слишком легкой добычей сетей вероломных не будь,
 Навои:
 Разорви их! Пусть плачет бездушная та озорница хоть
раз!

Л. ПЕНЬКОВСКИЙ таржимаси

БАЙТЛАРНИНГ НАСРИЙ БАЁНИ

1. Сендан ўзгага эътибор қилса, кўнглим ўртаниб ёнсин, сенинг шавқингни пайдо қилган бошқа кўнгиллар ҳам ўртансин.
2. Бошқа маҳбублар васлини истасам, ноумид бўлай, Сенинг васлингни тилаган ҳар бир киши ҳам шундай бўлсин.
3. Агар ўзгаларнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб қарасам, кўзим чиқсин, сенинг ҳуснингни тамошо айлаган бошқа кўз ҳам оқиб тушсин.
4. Сендан бошқанинг номини айтсам, тилим тутилсин, номингни зикр этган бошқа тил ҳам шундай бўлсин.
5. Агар ул раъно қоматли нигорим боғ аро сайр айласа, наргисдай

- чиройли кўзлари рашқдан жонимга шуъладай бўлиб ёндиради.
6. Қуёш ҳар заррасидан бир Исо яратса ҳам у менинг тор оғизли (оғзи кўринмайдиган) ой юзли гўзалимдай бўлолмайди.
 7. Хурсандман ул пири комилданки, бир қадаҳ май тутиб (илоҳий муждадан баҳраманд этиб), ўз ҳузурида беҳуду маст этди ва жонимга роҳат, осойишталик бағишлади.
 8. Девоналигимнинг даволаш учун дуохон ё табиб келтиринг, чунки кимники бир пари пайкар гўзал шайдо айлаган бўлса, унга шу муносибдир.
 9. Агар сидқ аҳли – вали инсонлар кўнгли Унинг меҳрин фош этса, осмон тонг ёғдуси каби ўз нуруни бир лаҳза қўймай тўкаверади.
 10. Ҳар қанча тун зулфини тозалаб, хушбўй таратиб, кундуз юзига ёпса ҳам, эй Навоий, дунё гўзалига ов бўлма.

ҲАЗАЛНИНГ УМУМИЙ МАЗМУН-МАЪНОСИ

Навоийнинг ушбу ҳазалини рашқнома деса ҳам бўлади. Ошиқнинг ўз маъшуқасига ишқи шунчалик кучлики, у ҳеч кимни унга яқинлаштиргиси келмайди, иложи бўлсаю, маҳбубасини барча ғайр ва бегона кишилардан яширса, ҳеч ким у ҳақда гапирмаса, ҳатто номини тилига олмаса. Шу боис ҳар бир байт бир илтижоли қасамдай жаранглайди, яъни ошиқнинг ўзи ҳам ёрдан ўзгага боқмасликка онт ичади. Ҳа, ҳақиқий муҳаббат ана шундай, у фақат севган ёр васфини талаб қилади, ўз ёрини барчадан устун деб билиб, бутун вужуди, фикру ўйи билан ёр ёди билан яшаб, унга талпинади. Рашқ ва қизғаниш ахир муҳаббат кучидан нишона. Севмаган одамда рашқ бўлмайди.

Аммо Навоий, ҳар галгидай, бу ҳазалда ҳам яна ошиқона ҳиссиётлар тасвиридан орифона фикрлар баёнига ўтади, бошқача айтганда, муддаоси пири комил ҳузури эканлиги қайд этиб ҳазални яқунлайди.

Нажмиддин КОМИЛОВ





Рюноскэ АКУТАГАВА

Рюноскэ Акутагава 1892 йилда Токиода туғилган. У 1913 йилда Токио университетининг инглиз адабиёти бўлимига ўқишга кириди. Ўқиш билан биргаликда ўша йиллардаги энг нуфузли адабий журнал бўлмиш “Ениситё” да ҳам фаолият юрита бошлади. Адиб ўқишни тамомлагач, Токиода инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлайди.

Адабиётшунослар Акутагава ва Хироси Канни япон адабиётидаги неореализм оқими намояндалари сифатида эътироф этадилар. Бу оқим намояндалари ижодига хос муҳим бир хусусият шундаки, уларнинг асарларида мазмун теранлиги ва кўтаринки руҳ кучли бўлади ҳамда улар инсоннинг камситилиши, хўрланишига қарши туриб, инсонпарварлик ғояларини ёқлайдилар.

СУВОСТИ МАМЛАКАТИДА

Қисса

Бу воқеани руҳий касалликлар шифохонасининг бирида йигирма Бучинчи рақамли бемор ҳаммага гапириб беради. У, чамаси, ўттизни қоралаб қўйган, аммо зоҳиран жуда ёш кўринарди. У нималарни кўрган-кечирган... умуман олганда, нима фарқи бор кўрган-кечирганларининг? Мана, у мен ва шифохона директори шифокор С.нинг олдида тизза кучиб ўтирган кўйи ўз тарихини узундан-узоқ зерикарли ҳикоя қиларкан, вақти-вақти билан панжара орқасида – қовоғи солиқ қорли булутлар томон панжаларини узатганча, эман дарахти кўриниб турган дераза тарафга қараб-қараб қўярди. У ҳар замон имо-ишоралар билан бутун гавдасини ишга солиб, ҳар хил қилиқлар қиларди. Масалан, “мен қойил қолдим”, деяётиб, у бошини кескин орқага ташларди.

Мен унинг ҳикоясини баҳоли қудрат аниқ-тиниқ қоғозга туширдим, деб ўйлайман. Мабодо ҳикоямдан қониқиш ҳосил қилмасангиз, Токио яқинида жойлашган Н. қишлоғидаги шифокор С.нинг руҳий касалликлар шифохонасига боринг. Йигирма учинчи рақамли кўриниши ёшгина бемор, эҳтимол, сизга мулоим таъзим қилади ва ўтиришингиз учун қаттиқ столни кўрсатади. Кейин маънос табассум билан сокин овозда бу ҳикояни такрор гапириб беради. Тугатгач эса... Мен яхши эслайман унинг юзи қанақа тусга киришини. Ҳикоясини тугатгач, у ўрнидан туриб, иккала муштини дўлайтириб бақира бошлайди:

– Йўқол бу ердан! Ярамас! Ҳароми! Аҳмоқ, ичиқора, уятсиз, сурбет, каттазанг, бешафқат, жирканч махлук! Йўқол! Ярамас!

1

Бу воқеа уч йил олдин рўй берганди. Кўпчилик қатори мен ҳам елкамга сафархалтамни осиб, Камикоти иссиқ булоқларига етиб келдим ва у ердан Хотакаяга кўтарила бошладим. Маълумки, Хотакаяга бориш йўли битта – Адзусагава бўйлаб тепага юрилади. Менинг илгари ҳам Хотакаяга ва ҳатто Яригатакэга ҳам боришимга тўғри келган, шунинг учун йўл кўрсатувчининг кераги йўқ эди, тонгги туман оғушида ётган Адзусагава дарёси бўйлаб ёлғиз йўлга тушдим. Ҳа... тонгги туман оғушидаги. Бунинг устига, бу туман ҳали-бери тарқайдиганга ўхшамасди. Тарқаш у ёқда турсин, борган сари қуюқлашарди. Бир соатлар юргандан кейин мен тоққа кўтарилишни бас қилиб, орқага – Камикотига қайтиш ҳақида ўйлай бошладим. Гарчи бу қарорим қатъий бўлса ҳам, барибир туман тарқашини кутишга тўғри келарди, у эса атай қилгандай, ҳар дақиқада қуюқлашиб борарди. “Э-э, чиқишми, чиқиш-да”, – ўйладим охири ва ўнгу сўлга қарамай, ғаровзорга ўзимни урдим, аммо шу билан бирга қирғоқдан ҳам кўп узоқлашмасликка ҳаракат қилдим. Кўрганим фақат қуюқ туман эди. Тўғри, вақти-вақти билан туман ичидан қора қайиннинг йўғон танаси ё оққарағайнинг яшил шохи кўриниб қолар, ёки тўсатдан кўз олдимда ўглаб юрган сигир ва отларнинг тумшуғи пайдо бўларди, аммо булар бари кўриниб ҳам улгурмай, ўша заҳотиёқ қуюқ туман ичига ғарқ бўларди. Шу аснода оёқларим толиб, қорним ҳуштак чала бошлади. Бунинг устига, туманда намиққан альпинистча костюм ва пледим ҳам ҳаддан зиёд оғирлашиб кетганди. Мен барибир чекинишга мажбур бўлдим ва тошларга урилиб оқаётган сув овозидан йўналишни тахмин қилиб, Адзусагава қирғоғига туша бошладим.

Сув яқинидаги тошга ўтириб, энг аввал овқатга уннадим. Тузланган гўшт солинган банкани очдим, қуруқ новдалардан олов ёқдим... Булар учун тахминан ўн дақиқача вақт кетди ва шунда эътибор бердимки, қалин туман аста-секин сийрақлаша бошляпти. Чайнаган нонимни ютаётиб, хаёл билан соатга қарадим. Буни қаранг-а! Бирдан йигирма дақиқа ўтиб қўйибди! Аммо бундан ҳам кўпроқ мени бошқа нарса хайратга солди. Соатимнинг думалоқ ойнасида қандайдир кўркинчли башара акси кўзимга ташланди. Кўрқиб орқамга қарадим ва... Ана шунда ҳаётимда биринчи марта ўз кўзим билан мен ҳақиқий тирик қаппани¹ кўрдим! У орқамдаги қоя устида худди қадимги расмларда тасвирлангандек, бир қўли билан оққайин танасини қучиб, иккинчисини кўзига соябон қилиб, менга кизиксиниб қараб турарди.

Ҳайратдан анчагача қимир этмай туриб қолдим. Афтидан, қаппа ҳам таажжубда эди. У ҳам қўлини кўтарган қўйи қотиб турарди. Ўрнимдан сапчиб туриб унга томон югурдим. У ҳам нарёққа қараб югурди. Ҳарҳолда, менга шундай туюлди. Бир вақт у ўзини четга ташлади-да, шу заҳотиёқ худди ер ютгандай кўздан ғойиб бўлди. Ҳайратим ошиб, ғаровзорни кўздан кечирдим. Хўш, нима бўлди, дейсизми? Қаппа бор-йўғи мендан икки-уч метр нарида экан. У эгилганча қочишга шай бўлиб, елкаси оша менга қараб турарди. Бу ерда ҳали хайратланарли ҳеч нима йўқ. Менинг гангитиб қўйган ва чалғитган нарса унинг танасининг ранги эди. Қаппа қоядан менга қараб турганида кулранг эди. Энди эса у бошдан-оёқ зумраддек ям-яшил бўлиб қолганди. “Ҳап сен ярамасни!” – дея бақирдим ва яна унга ташландим. Кутганимдай, у қочди. Ғаровзорни кесиб, тошлардан сакраб

1 Япон афсоналарида учрайдиган афсонавий махлук.

ўтиб, ўтгиз дақиқача унинг орқасидан елдек учдим.

Оёқларининг тезлиги ва чакқонликда каппа маймундан ҳеч қолишмасди. Уни вақти-вақти билан кўздан йўқотиб, сирпаниб, қоқилиб, ўпкамни кўлтиқлаганча орқасидан югурдим. Каппа сершоҳ баҳайбат каштангача югуриб борди ва бахтимга, унинг олдини хўкиз тўсди. Хўкизки, жуда бақувват, оёқлари йўғон, кўзи қонга тўлган. Уни кўрган каппа аянчли вангиллаб, лип этиб ўзини четга олди ва бор кучи билан чакалакзорга – баланд ғаровлар орасига отилди. Мен-чи... Нимаям қилардим, шошилмай унинг изидан бордим, чунки у мендан қочиб кутулиб бўпти, деган хаёлда эдим.

Афтидан, у ерда етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган чуқурлик бор эди. Бармоқларим каппанинг силлиқ баданига тегиши билан қоронғилик қаърига думалаб кетдим. Ўлим ёқасида туриб ҳам биз инсонлар қандайдир бир бемаъни нарсалар ҳақида ўйлаймиз. Даҳшатдан нафасим ичимга тушиб кетган пайтда Камикоти қайноқ булоқлари ёнида “Каппабаси” деб номланувчи кўприк борлиги эсимга тушди. Кейин... Кейин нима бўлди, эслай олмайман. Кўзимдан ўт чиққандай бўлди ва ҳушдан кетдим.

2

Ҳушимга келганимда, мени каппаларнинг катта тўдаси ўраб олганди. Мен осмонга қараб ётардим. Тепамда семиз тумшугига кўзойнак осган каппа кўкрагимга стетоскоп босганча тиззалаб турарди. Кўзимни очганимни кўриб, имо-ишора билан тинч ётишимни сўради ва қайрилиб тўдадан кимгадир: “Quax, quax”, деди. Ўша заҳотиёқ қаердандир замбил кўтарган иккита каппа пайдо бўлди. Мени кўтариб замбилга ётқизишди ва биз катта оломон кузатувида шошилмасдан қандайдир бир кўчадан кета бошладик. Бу кўча Гиндзидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмасди. Икки четига бук экилган йўлақларда пештахтасининг усти чодир билан ёпилган рисоладагидай дўконлар қаторлашиб турар, катта йўлларда автомобиллар физиллаб учарди.

Ниҳоят, биз тор кўчага бурилдик ва мени бир бинога олиб киришди. Кейин билдимки, бу кўзойнакли каппа – шифокор Чаккнинг уйи экан. Чакк мени тоза ўринга ётқизиб, ичгани бир стакан ранги тиниқ қандайдир дори берди. Мен ўзимни Чакк марҳаматига топшириб ётардим. Тўғрида, бошқа нимаям қила олардим? Бўғинларим шунақанги зирқирардики, қимирлашга ҳолим йўқ. Чакк кунига бир неча марта мени текширгани кирарди. Биринчи марта кўрган каппам – балиқчи Багг ҳам икки-уч кунда бир ҳолимдан хабар олиб турди. Каппалар инсонлар ҳақида биз уларни билганимиздан кўра кўпроқ билишади. Афтидан, каппалар бизнинг кўлимизга тушганидан кўра инсонлар каппалар кўлига тез-тез тушиб тургани учун ҳам шундай бўлса керак. Эҳтимол, “кўлига тушиш” унчалик тўғри ибора эмасдир, аммо бундан қатъи назар, менгача ҳам кўп инсонлар каппалар мамлакатада бўлган. Ҳатто кўпчилиги умрининг охиригача бу ерда қолиб кетган. “Нега?” – деб сўрарсиз. Неғалигини айтсам, каппалар мамлакатада, биз каппа эмас, инсон бўлганимиз учунгина ишламасдан, еб-ичиб яшашимиз мумкин. Инсонларнинг бу мамлакатдаги устунлиги шу эди. Баггнинг сўзига қараганда, бир пайтлар тасодифан каппалар кўлига бир ёшгина йўлсоз ишчи тушиб қолган. У урғочи каппага уйланиб, ўлгунича бирга яшаган. Очигини айтганда, у мамлакатнинг олд гўзалларидан бўлгани учун ҳам жуда моҳирлик билан эрига хиёнат қилиб юрган.

Бир хафтадан сўнг шу мамлакат конунларига биноан мени “алохида имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаро” даражасига кўтаришди. Мен Чакк билан кўшни эдим. Уйим унчалик катта эмас, аммо дид билан жиҳозланганди. Айтиш керакки, каппалар мамлакати маданияти бошқа ўлкалар, яъни ҳарҳолда Япония маданиятидан деярли фарқ қилмайди. Меҳмонхона бурчагида, кўчага қараган дераза ёнида кичкина пианино туради, деворларда ромга солинган суратлар осилган. Фақат атрофдаги нарсалар, уйнинг ўзидан тортиб жиҳозларгача туб аҳоли бўй-бастига мосланганлиги туфайли мен бир қанча нокулайликларга дуч келардим. Ҳар оқшом меҳмонхонамга Чакк ва Багг келишар ва мен улар билан шу мамлакат тилини ўрганишни машқ қилардим. Бироқ мени кўргани келувчилар фақат улар эмасди. Мен алохида имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаро сифатида ҳаммани қизиқтирардим. Шунингдек, меҳмонхонамга қон босимини ўлчатгани Чаккни ҳар куни уйига чақирадиган шиша фирмаси директори Гэрдай одамлар ҳам бўйлаб турарди. Лекин ҳаммасидан кўра, дастлабки икки хафтада мен балиқчи Багг билан яқин бўлдим.

Дим оқшомларнинг бирида меҳмонхонамдаги столда Багг билан юзма-юз ўтирардик. Бирданига ҳеч нимадан-ҳеч нима йўқ Багг тилини ютиб, катта-катта кўзларини янаям йириб очиб, менга бақрайиб колди. Албатта, бу ҳолдан мен хайратга тушдим ва сўрадим:

– Quax, Bag, quo quel quan?

Япончага таржима қилганда бу: “Менга қара, Багг, сенга нима бўлди?” дегани. Лекин Багг ҳеч нима деб жавоб бермади. Бунинг ўрнига у бирданига столдан сирғалиб чиқиб, узун тилларини чиқариб, полга худди каттақон қурбақадай ялпайиб ўтириб олди. Ҳозир устимга сакраса-я! Мени ваҳима босди ва хонадан қочиб чиқиш ниятида секин ўриндикдан турдим. Бахтимга, айни шу пайт меҳмонхонага шифокор Чакк кириб колди.

– Багг, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? – сўради у балиқчига кўзойнаги остидан жиддий тикилиб.

Багг уялиб, қафтлари билан бошини силаганча узр сўрай бошлади:

– Маъзур тутасиз, жаноб шифокор. Мен ўзимни тутиб туrolмадим. Мана бу жанобнинг кўрқиши жуда кулгили экан... Сиз ҳам, жаноб, ўтиниб сўрайман, мурувват қилиб мени кечиринг, – қўшиб қўйди у менга қараб.

3

Ҳикояни давом эттиришдан олдин сизларга каппалар ҳақида баъзи умумий маълумотларни беришни ўз бурчим деб биламан. Каппа деб аталувчи жонзотларнинг ҳақиқатдан мавжудлиги одамларда ҳалигача шубҳа уйғотади. Аммо мен учун бу масалада ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ, чунки ўзим каппалар орасида яшаганман. Хўш, бу қанақа мавжудот? Уларнинг ташқи кўриниши “Суйко-коряку” сингари манбаларда берилган таърифга бутунлай тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам каппаларнинг боши калта жун билан қопланган, оёқ ва қўл бармоқларини сузиш пардалари бир-бирига боғлаб туради. Бўйлари ўртгача бир метр. Шифокор Чакк келтирган маълумотларга кўра, уларнинг оғирлиги йигирма-ўттиз фунт орасида ўзгариб туради. Бироқ айтишларича, эллик фунтлик каппалар ҳам кам бўлса-да учраб тураркан. Кейин, каппа бошининг қоқ учида суйри ликопча шаклида чуқурча бор. Ёш ўтган сари бу ликопчанинг таги қаттиқлашиб боради. Масалан, қариётган

Багг билан ёш Чаккнинг бошидаги ликопчаси бир-биридан фарқ қилади. Аммо каппаларнинг энг ажабланарли хусусияти, ўйлашимча, танасининг ранги. Гап шундаки, улар терисининг муқим бир ранги йўқ. У ташқи муҳитга қараб ўзгаради – масалан, мавжудот ўтлар орасида юрса, ранги уларга мослашиб, зумраддек яшил, қояларнинг устида эса худди тош каби кулранг тусга қиради. Биз биламизки, худди шу хусусият буқаламунда ҳам бор. Улар терисининг устки қатлами бир хил тузилишга эга бўлса керак. Мен булар ҳақида билганимдан кейин эсладимки, халқ оғзаки ижодида ғарбий вилоятлардаги каппалар териси зумрад-яшил, шимоли-шарқ каппалари эса қизил рангли бўлиши қайд этилган. Шунингдек, орқасидан қувганимда қандай қилиб Багг худди ер ютгандай ғойиб бўлганини ҳам эсладим. Дарвоқе, каппалар терисининг остида ёғи ҳам дурустгина бўлса керак: ер ости мамлакатида ўртгача ҳарорат анча паст бўлса ҳам (фаренгейт ҳисобида эллик градуслар атрофида), улар кийим нималигини билишмайди. Ҳа, ҳар қандай каппа кўзойнак тақиши, ўзи билан портсигар олиб юриши, ҳамён тутиши мумкин. Аммо чўнтаги йўқлиги уларга ноқулайлик туғдирмайди, чунки каппанинг қорнида худди кенгуруники сингари ўз қоғи бор, у ерга турли майда-чуйдаларини солиб юришади. Менга фақат уларнинг авратларини ҳеч нима билан яширмасликлари жуда ажабланарли туюларди. Бир куни Баггдан бунинг сабабини сўрадим. Жавобига Багг бошини орқага ташлаб узоқ қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, деди:

– Нима учун сизлар уни яшириб юрасизлар, менга шуниси кулгили!

4

Мен секин-аста каппалар кундалик ҳаётда қўллайдиган сўзларни ўрганиб боравердим. Шу йўсинда уларнинг табиати ва урф-одатлари билан танишиш имконини қўлга киритдим. Ҳаммасидан кўпроқ каппаларнинг кулгили ва жиддий нарсалар тўғрисидаги ғайриоддий, ҳатто тесқари дейиш мумкин бўлган тасаввурлари мени ҳайратга солди. Биз инсонлар муқим ва жиддий қабул қиладиган одатларимиз улар учун кулгили туюлади, инсонлар учун кулгили саналган нарсаларни эса улар муқим ва жиддий деб тушунишга мойиллар. Мана, масалан, биз инсонпарварлик ва адолат тушунчаларига жуда жиддий муносабатда бўламиз, каппалар эса бу сўзларни эшитишлари билан кулгидан қоринларини чангаллаб қолишади. Қисқасини айтганда, каппалар билан бизнинг юмор ҳақидаги тушунчамизда ер билан осмонча фарқ бор. Бир куни мен Чакка туғишни режалаштириш тўғрисида гапирдим. У оғзини очиб, шунақанги хохоладикки, кўзойнаги тушиб кетди. Мен жаҳлим чиқиб, унинг бу кулгуси сабабини тушунтириб беришини талаб қилдим. Эҳтимол, мен унинг гапларининг нозик жиҳатларини англаб ололмагандирман, чунки у пайтларда ҳали каппалар тилини яхши ўзлаштирмагандим, аммо Чаккнинг жавоби тахминан шундай бўлганини эслайман:

– Чинданам фақат ота-онанинг хоҳиши билан ҳисоблашиш қизик туюлмайдами? Чинданам бу худбинлик ва фақат ўзини ўйлашга кирмайдами?

Бироқ биз инсонлар учун каппаларнинг туғруқ жараёнидан кўра бемаънироқ нарсанинг ўзи йўқ. Чакк билан суҳбатимиздан сўнг бир неча кун ўтиб, Баггнинг хотинини тўлғоқ тутди ва мен жараённи кузатиш учун Баггнинг кулбачасига бордим. Каппаларда туғуруқ худди биздаги каби кечаркан. Туғаётган аёлга шифокор ва доя ёрдам бераркин. Лекин

туғишдан олдин ота-каппа оғзини туғаётган хотинининг қорнига қўйиб, худди телефонда суҳбатлашгандек бор овози билан сўрайди: “Сен дунёга келишни хоҳлайсанми? Яхшилаб ўйлаб кўриб, кейин жавоб бер!”. Багг хотинининг тепасида чўккалаб ўтириб, бу саволни бир неча марта такрорлади. Сўнг туриб, стол устида турган финжондаги тозаловчи суюқлик билан оғзини чайди. Шунда онасининг қорнидаги чақалокнинг уялганга ўхшаган товуши элас-элас эшитилди:

– Мен туғилишни истамайман. Биринчидан, отамнинг суяк сурувчи савдойилиги мени кўркитади. Бундан ташқари, каппалар ўзи тикилиб ётибди, яна кўпайишнинг нима кераги бор?

Бундай жавобни эшитган Багг хижолат бўлиб гарданини қашлади. Шу орада доя йўғон шиша найни унинг хотинининг қорнига тикиб, қанақадир суюқлик юборди. Аёл енгил тортди. Аини пайтда унинг қорни дами чиққан пуфакдай шалвираб қолди.

Каппаларнинг болалари онасининг қорнида ётиб шунчалик жавоб бераркан, турган гапки, улар дунёга келиши билан мустақил юради ва суҳбатлашади. Чаккнинг гапига қараганда, ҳатто бир чақалоқ йигирма олти кунлигидан “Худо борми?” деган мавзуда лекция ўқиган. Чакк яна шуни ҳам қўшиб қўйдик, бу чақалоқ икки ойлигида оламдан ўтган.

Туғилиш ҳақида гап кетаркан, мен бу мамлакатга келганимга уч ой тўлганида бир кўча бурчагида кўрганим ҳайбатли шиор варағи ҳақида айтиб ўтмасам бўлмайди. Варақнинг пастки қисмида карнай чалаётган ва қилич ўйнаётган каппалар тасвирланганди. Тепа қисмида эса каппалар ёзув деб қабул қилган соат пружиналарига ўхшаш бурама иероглиф белгилар ғиж-ғиж эди. Варақа матнининг таржимаси тахминан қуйидагича эди (бу ерда яна бирор унча аҳамиятга эга бўлмаган хатоларга йўл қўймадим, деб сўз беролмайман, аммо мен чўнтак дафтарчамга Рапп исмли талаба каппа билан айланиб юрганимизда, у ўкиб берганларини сўзма-сўз ёзиб қўйганман):

“Носоғлом ирсиятга қарши курашаётган кўнгиллилар сафига киринг!!! Соғлом модалар ва нарлар!!! Носоғлом ирсиятни тугатиш учун бемор модалар ва нарлар билан турмуш қуринг!!!”

Ўз-ўзидан равшанки, мен ўша заҳотиёқ Раппга бундай нарсаларга йўл қўйиш керак эмаслигини таъкидладим. Жавобига Рапп хохолаб кулди. Варақа ёнида турган бошқа каппалар ҳам қўшилиб қаҳ-қаҳ отишди.

– Мумкин эмасми? Лекин сизнинг гапларингизга қараганда, бизда қандай бўлса, сизда ҳам шундай-ку. Нима деб ўйлайсиз, нега сизларнинг бойваччаларингиз оқсоч қизларга илакишади, бой қизлар эса ҳайдовчиларга кўз сузишади? Албатта, ички сезгига асосланиб, ғайриихтиёрий тарзда носоғлом ирсиятдан кутулишга интилишади. Мана энди сиз тунов кунни гапириб берган қандайдир бир темир йўл деб бир-бирини қириб ташлаган кўнгиллиларни олайлик, назаримда, бизнинг кўнгиллилар улардан кўра анча олийжаноброқ.

Рапп бу ҳақида жиддий гапирди, аммо унинг меш қорни ҳалиям кулгини ичига ютгандай силкиниб турарди. Аммо менинг кайфиятим қувонадиган даражада эмасди. Қандайдир бир каппа менинг эътиборсизлигимдан фойдаланиб, авторучкамни ўғирлаганини сезиб қолдим. Ғазабланиб, уни ушлаб олмоқчи бўлгандим, териси сирпанчиқ бўлгани учун бу иш осон кечмади. У қўлимдан сирғалиб чиқиб, оёғини кўлига олиб, қочиб қолди. Чивиндай ингичка танасини олдинга эгганча шунақанги тез югурдики, назаримда ҳозир қоқилиб, йўлда узала тушиб ётиб қоладигандай кўринарди.

5

Раппнинг менга кўрсатган хизмати Багникидан кам эмасди. Лекин, энг аввало, Токк билан таништиргани учун мен ундан миннатдорман. Токк – шоир. Шоир каппалар соч ўстиришади ва шу жиҳати билан бизнинг шоирлардан фарқ қилмайди. Вақти-вақти билан зерикиб қолсам, кўнглимни ёзиш учун Фоккнинг ёнига бориб турардим. Ҳар борганимда уни торгина хужрасида, баланд тоғларда ўсувчи гуллар экилган гултуваклар орасида эркин чекиб, шеърлар ёзиб, ўзи хоҳлагандай роҳатланиб ўтирган ҳолида учратардим. Хужра бурчагида унинг модаси қўлида тикиш-бичиши билан ўтирарди. (Токк эркин муҳаббат тарафдори эди ва ўз аҳдига содик қолиб, уйланмаган). Мен кириб борсам, у доимгидай табассум билан кутиб оларди. (Тўғри, каппалар табассумини кўриш унчалик завқли эмас. Ҳарҳолда, мен биринчи пайтларда кўрқардим).

– Келганингдан хурсандман, – дерди у. – Мана бу стулга ўтир.

Токк менга каппалар ҳаёти ва санъати тўғрисида тез-тез ва кўп гапирарди. Унинг фикрича, дунёда оддий каппалар ҳаётидан кўра бемаънироқ ҳеч нарса йўқ. Ота-оналар ва болалар, эр-хотинлар, ака-сингиллар – ҳаммалари ҳаётдаги ягона қувончни бир-бирларини аёвсиз қийнашда кўришади. Ва Токкнинг айтишига кўра, энг катта бемаънилик бу – оиладаги муносабатлар тизими. Бир куни Токк ойнадан қараб, ижирғаниш билан деди:

– Мана, бир томоша қил!... Қанчалар телбаллик!

Кўчада ойна тагида жуда ёш бир каппа оёқларини базўр судраб юриб борарди. Унинг бўйнига бир нечта мода ва нарлар осилган, шулардан иккита ёши ўтганроғи унинг ота-онаси бўлса керак. Токк учун кутилмаганда бу ёш каппанинг фидокорлиги мени қойил қолдирди ва уни мактай бошладим.

– А-ҳа, – деди Токк, – кўриб турибман, сен бу мамлакатнинг муносиб фуқаросига айланибсан... Айтганча, сен социалистсан-ку?

Мен, шубҳасиз, “қуа” деб жавоб бердим.

(Каппалар тилида бу “ҳа” дегани).

– Сен юзта ўртамиёналар учун бир даҳони ҳеч иккиланмай курбон килармидинг?

– Сенинг эътиқодинг-чи, Токк, қанақа? Кимдир менга сени анархист деганди.

– Мен-а? Мен аъло одамман! – мағрур жавоб берди Токк.

Санъат тўғрисида ҳам Токкнинг қарашлари ўзига хос эди. Унинг эътиқодига кўра, санъат ҳеч қандай таъсирларга бўйсунмайди, санъат санъат учун бўлиши керак, бундан чиқди, санъаткор ҳаммадан баланд, ёмонликка ҳам, яхшиликка ҳам кўз юмиб ўтадиган бўлмоғи лозим. Бирок бу қараш фақат Токка тегишли эмасди. Деярли барча унга сафдош шоирлар шундай фикрда эди. Биз Токк билан аъло одамлар клубига бир неча марта бордик. Бу клубга шоирлар, ёзувчилар, драматурглар, танқидчилар, рассомлар, бастакорлар, ҳайкалтарошлар, санъат ҳаваскорлари ва бошқалар йиғиларди. Улар ҳаммаси аъло одамлар саналарди. Биз борганимизда улар ҳамиша электр билан ёрқин ёритилган дам олиш хонасида кайфи чоғ суҳбат куриб ўтиришарди. Вақти-вақти билан улар бир-бирининг олдида ғурурланиб аъло одамларга хос ўз истеъдодларини намойиш этишарди. Мисол учун, бир ҳайкалтарош шайтон қирққулоқлари ўсган улкан туваклар орасидан ёшгина каппани тутиб олиб, ҳамманинг

кўз ўнгида астойдил ишратпарастлик билан шуғулланди. Мода ёзувчи эса стол устига чиқиб, нақд олтмиш шиша эрмонга тўйинтирилган ароқ ичди. Олтмишинчи шишани тугатгач, столдан думалаб тушиб, ўша заҳотиёк нариги дунёга равона бўлди.

Ойдин кечаларнинг бирида биз Токк билан қўлтиқлашиб аёло одамлар клубидан қайтаётган эдик. Одатга қарши Токк дами ичига тушиб борарди. Кичиккина ёруғ ойна ёнидан ўтаётганимизда у бирданига тўхтади. Ойна ортида стол атрофида катта мода ва нар, афтидан, эр-хотин бўлса керак, ва учта болача овқатланиб ўтиришарди. Токк хўрсиниб деди:

– Сен биласан, мен севгида аёло одамларга хос қарашлар тарафдориман. Лекин мана шундай бир манзарани кўрсам, хавасим келади.

– Сенга бунда қандайдир бир қарама-қаршилик бордай туюлмаётими?

Токк ой шуъласи остида қўлларини кўксига чалиштириб, беш каппанинг осойишталикда ўтаётган тановулига бир қанча вақт жим қараб қолди.

– Эҳтимол. Лекин нима бўлганда ҳам ҳу анави стол устидаги қовурилган тухум ҳозир ҳар қандай севгидан кўра фойдалироқ.

6

Гап шундаки, каппалар севгиси инсонлар севгисидан буткул фарқ қилади. Ўзига мос нарга кўзи тушган мода дарҳол уни эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Бу йўлда у ҳеч нарсадан тап тортмайди. Энг тўғри ва очикқўнгил модалар эса ортикча сўзлаб ўтирмай устига ташланади. Бир мода ақлдан озгандай ундан қочган севгилисининг орқасидан қувганини ўз кўзим билан кўрганман. Буям камдай, ўша қочқоннинг орқасидан ёш моданинг ота-оналарию ака-укалари ҳам биргаликда қувлашади... Бечора нарлар! Ҳатто агар уларнинг бахти кулиб қочишга муваффақ бўлишса ҳам, бундай таъқибдан кейин икки-уч ой уйига камалиб жон сақлашига тўғри келса керак.

Бир куни мен уйда Токкнинг шеърлар тўпламини ўқиб ўтиргандим. Қутилмаганда хонага талаба Рапп учиб кирди. У полга чўзилиб, хансираганча деди:

– Қандай даҳшат!... Мени барибир тутиб олишди!

Мен китобни қўйиб, эшикни қулфладим. Кейин калит тешигидан қарадим. Эшик орқасида қора сақич билан упаланган паканагина модача у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрарди. Рапп бир неча ҳафта менинг тўшагимда ётди. Буям камдай, талабанинг тумшуғи чириб, ундан бутунлай айрилди.

Бироқ шундай ҳолатлар бўладики, нар ҳам жонини жабборга бериб, моданинг орқасидан қувлайди. Лекин бу ҳолатнинг пайдо бўлишига ҳам мода шароит яратади. У шундай қиладики, ортидан қувламасликка нарнинг иложи қолмайди. Бир сафар мен модани телбаларча таъқиб қилган нарни кўриб қолдим. Мода астойдил қочар, лекин онда-сонда тўхтаб, орқасига қараб, таъқибчига тегажқлик қилар, тўртоёқлаб туриб олар, нозу фироқни яна давом эттириб бўлмаслигини сезгач эса гўё кучдан қолгандай, бажонидил ўзини тутиб берарди. Нар уни тутиб олиб, ерга ётқизди. Бир муддат ўтиб, ўрнидан турганида унинг кўриниши жуда ачинарли, юз ифодасидан ё афсусланаётгани, ё ҳафсаласи пир бўлгани кўриниб турарди. Лекин у жуда осон қутулди. Менга бошқа бир томошани ҳам кўришга тўғри келган. Кичкинагина нар модани қувлаб кетаётибди. Мода эса уни ўзига тортиш учун қилиши керак бўлган ишни

киларди. Шу пайт уларнинг қаршисидаги тор кўчадан ҳайбатли бир каппа пишиллаб чиқди. Мода унга бирров кўз ташлади-да, бирданига ёнига югуриб бориб, ингичка товuşда бор овози билан қичқирди: “Ёрдамга! Ёрдам беринглар! Мана бу ярамас мени ўлдириш учун орқамдан қувлаб келаяпти!” Баҳайбат нар ўйлаб ҳам ўтирмай кичкинасини ушлаб, тош кўчага йиқитди. Кичкинтой митти панжалари билан елпинганча ҳавони чақириб, жониқиб нафас олди-да, жон берди. Урғочи каппа-чи? У баҳайбат каппанинг бўйнига осилиб улгурган, унга янада маҳкамроқ ёпишиб, ўзига тортиш учун тиржайгани-тиржайган эди.

Мен билган нар каппаларнинг ҳаммаси модалар таъкибига учраганди. Мода каппалар ҳатто хотин, бола-чақали Баггнинг ортидан ҳам қувлашган. Бир неча марта уни тутиб ҳам олишган. Фақат биргина Магг исмли файласуф (у шоир Токка кўшни яшарди) ҳеч қўлга тушмаган. Очикроқ тушунтирадиган бўлсак, бунга сабаблардан бири ундан кўра бадбашарароқ каппани учратиш қийинлиги бўлса керак. Бундан ташқари, у кўчага бошқа нарларга нисбатан камроқ чиқарди. Мен уникага гоҳ-гоҳ бориб турардим ва биз ўтириб суҳбат қураддик. Магг доим ранг-баранг ойнали фонар билан ёритилган нимқоронғи хонасида баланд стол ёнида қанақадир қалин-қалин китобларни ўкиб ўтирарди. Бир куни у билан севги муаммолари ҳақида гаплашдим.

– Нега ҳукуматингиз томонидан нарларни таъкиб қилувчи модаларга жазо берилмайди?

– Ҳаммасидан аввал шунинг учунки, – жавоб берди Магг, – қонун чиқарувчи аппаратда модалар жуда кам. Маълумки, модалар нарларга нисбатан рашкчи бўлишади. Агар қонун чиқарувчи органларда урғочилар сони кўпайтирилганда, нарлар енгилроқ нафас олишарди. Бироқ, яна ишонаманки, бундай чоралар ҳеч қанақа натижа бермаган бўларди. Нима учун дейсизми? Чунки биринчи навбатда амалдор аёллар ҳамкасб нарлар орқасидан югура бошлардилар.

– Бўлмаса сизга ўхшаб яшаш керак экан-да?

Магг ўрнидан туриб, қўллари билан менинг иккала қўлимни сиқиб, хўрсинганча деди:

– Сиз каппа эмассиз, шунинг учун буни тушунмайсиз. Баъзан шу ярамас модалар мени ҳам таъкиб этишларини шунчалар хоҳлайманки...

7

Биз шоир Токк билан тез-тез концертларга бориб турардик. Айниқса, учинчи концерт эсимда қолган. Каппалар мамлакатидаги концерт зали Япония концерт залларидан деярли ҳеч фарқ қилмасди. Зина шаклидаги қаторларда ўрнатилган ўриндиқларда қўлларида, албатта, дастур тутганча уч-тўрт юз мода ва нар каппалар қулоққа айланиб ўтиришарди. Гапириб бермоқчи бўлганим учинчи концертга Токк ва унинг модасидан ташқари файласуф Магг ҳам мен билан борганди. Бизнинг жойимиз биринчи қаторда эди. Аввал виолончелда соло ижро этилди, кейин эса қўлидаги нотасини ўйнатиб, ниҳоятда қисик кўзли каппа саҳнага кўтарилди. Дастурда кўрсатилишича, бу машҳур бастакор Крабак эди. Дастурда... Бироқ менда дастурга эҳтиёж йўқ эди. Крабак Токк каби аъло одамлар клуби аъзоси бўлгани учун менга юзтаниш эди.

“Lied – Craback” (бу мамлакатда ҳатто дастурлар ҳам асосан немис тилида чоп этиларди).

Крабак залда янграган гулдурос қарсақларга жавобан енгил бош эгиб кўйиб, рояль томон юрди ва ўзи ёзган қўшиқни бепарво куйлай бошлади. Токкнинг сўзига қараганда, бу мамлакатда Крабакдай даҳо бастакор ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмайдиган ҳам. Крабак мени жуда қизиқтириб қўйди – мен унинг ҳам мусиқаси, ҳам лирик шеърларини назарда тутяпман – шунинг учун роялдан чиққан овозга диққат билан қулоқ тутдим. Эҳтимол, мусиқа Токк ва Магга мендан-да кўпроқ таъсир қилаётгандир. Фақат биргина жонон (каппалар шундай ҳисобларди) мода, вақти-вақти билан нафратланиб, узун тилини чиқариб қўярди. Магнинг гапига қараганда, мода ўн йилларча олдин Крабакни қувиб, тута олмаган ва шу пайтдан бери бу даҳо бастакорни кўрарга кўзи йўқ эди.

Крабак чалишда давом этар ва борган сари рояль билан курашгандай мусиқани берилиб чаларди. Шу пайт танобийдан бақирди эшитилди:

– Концертни тақиқлайман!

Мен чўчиб тушиб, қўрқа-писа орқамга қарадим. Овоз, шубҳасиз, охириги қаторда ўтирган баланд бўйли, савлатли полициячиники эди. Орқамга қараган пайтимда у ўрнида ялпайиб ўтирганча янада баландроқ овозда бақирди:

– Концертни тақиқлайман!

Кейин эса...

Кейин даҳшатли шовқин кўтарилди. Томошабинлар бир овоздан бўқиришди. “Полиция зўравонлиги!”, “Чал, Крабак! Чал!”, “Овсарлар!”, “Аҳмоқлар!”, “Жўна!”, “Бўш келма!”... Ўриндиклар ағдарилган, дастурлар тўзғиб учган, кимлардир сидрадан бўшаган шиша, тош ва ҳатто бодринг қолдиқларини ҳам ирғитган... Мен бутунлай ўзимни йўқотиб, Токкдан нималар бўлаётганини сўрамоқчи бўлардим, аммо Токкнинг ўзи ўриндикнинг устига чиқиб олиб, жазавага тушганча тинмай бақирар эди: “Чал, Крабак! Чал!” Ҳатто бояги жонон ҳам Крабакка бўлган нафратини эсидан чиқариб, Токкдан баландроқ овозда чинқирарди: “Полиция зўравонлиги!” Шунда мен Магга мурожаат қилдим:

– Нималар бўляпти ўзи?

– Бизда бунақа ҳодисалар тез-тез бўлиб туради. Биласизми, рангасвир ёки адабий асарда ифодаланган фикр... – Магг ёнидан учиб ўтаётган нарсалардан ҳимояланиш учун елкасини салгина қисиб, доимгидай секин ва хотиржам гапирарди. – Дейлик, одатда рангасвир ёки адабий асарда ифодалаган фикр бир қарашда ҳаммага тушунарли, шунинг учун мамлакатимизда китоблар чоп этиш ва кўргазмалар ўтказиш тақиқланмайди. Аммо бизда мусиқа асарларини ижро этишни тақиқлаш амалда учраб туради. Ахир мусиқа асари феъл-атвор учун қанчалик зарарли бўлмасин, барибир мусиқа эшитиш қобилиятига эга бўлмаган каппалар учун тушунарли эмас.

– Бундан чиқди, манави полициячида мусиқа эшитиш қобилияти бор экан-да?

– Нима десам экан... Биласизми, бу бироз шубҳалироқ. Тўғрироғи, бу мусиқа унга хотини билан тўшакда ётганида юраги қандай уришини эслатган бўлса керак.

Можаро борган сари авжга чиқарди. Крабак боягидек рояль ёнида ўтириб, бизга юқоридан такаббуруна боқарди. Вақти-вақти билан отилган аслаҳалардан ҳимояланиш кераклиги унга димоғдорлик қилиши учун ҳалал берса ҳам, умуман, у ўзининг буюк мусиқачига хос кадр-қимматини сақлашнинг уйдасидан чиқар ва қисик кўзларидан бизга ғазаб ўтини

сочарди. Мен... Мен ҳам ҳамма қатори хавф-хатардан ҳар йўсинда қочишга ҳаракат қилиб, Токнинг орқасига яширинардим. Аммо қизиқишим устун келиб, Магдан сўроқлашни давом эттирдим:

– Бунақа цензура сизга ваҳшийлик бўлиб туюлмаётими?

– Асло ундай эмас. Аксинча, бизнинг цензурамиз бошқа давлатларникига қараганда анча илғор. Биргина Японияни олайлик. Атига бир ой олдин у ерда...

Айни шу пайт бир бўш шиша учиб келиб. Магнинг қоқ манглайига келиб тегди. У “quack” деб чириллади-да, ҳушидан кетди.

8

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, шиша фирмаси директори Гэр менга ёқарди. Гэр учига чиққан сармоядор эди. Бу мамлакат каппаларининг бирортасида Гэрникидай мешқорин йўқлигига шубҳа бўлмаса керак, ўзининг чуқур қулай курсисида ястаниб, устрицага¹ ўхшаш хотини, бодрингга ўхшаш болалари қуршовида ўтираркан, у тўлақонли бахтиёрлик рамзи бўлиб кўринарди. Вақти-вақти билан ҳакам Бэпп ва шифокор Чакк билан бирга Гэрнинг уйида уюштирилган зиёфатларда бўлардим. Гэрнинг тавсиясига кўра, мен нафақат Гэр, балки унинг дўстлари билан алоқадор шахсларнинг ҳар хил корхоналарига ҳам бориб турардим. Шулар ичидан мени айниқса қизиқтиргани бир китоб нашр этадиган компания фабрикаси бўлди. Бир ёш муҳандис каппа билан цехга кириб қолганимда гидроэлектрэнергияда ишлайдиган гигант машиналарни кўриб, бу мамлакатда техника даражасининг юқорилигига яна бир бор қойил қолдим. Аниқ бўлишича, бу фабрика ҳар йили етти миллионгача нусхада китоблар ишлаб чиқараркан. Лекин мени ҳайратга солгани нусхалар сони эмас. Ҳайратланарлиси шундаки, китоб ишлаб чиқариш учун ҳеч қандай меҳнат қилишнинг кераги йўқ эди. Буни қарангки, бу мамлакатда китоб яратиш учун махсус воронкасимон ўтказгичдан машинага қоғоз, бўёқ ва қандайдир кулранг кукунсимон нарсани солиш кифоя экан. Беш дақиқа ҳам ўтмай, машинанинг ич-ичидан ҳар хил – бир босма табакнинг биру саккиз, биру ўн икки, тўртдан бир қисми шаклида тайёр китоблар тўхтовсиз оқиб чиқиб келаверарди. Машина ичидан чиқаётган китоблар шаршарасига қараб туриб муҳандисдан ўтказгичга узатилаётган кулранг кукуннинг нималигини сўрадим. Ялтироқ қора механизм ёнида қимир этмай турган муҳандис паришонхотир жавоб берди:

– Кулранг кукунми? Бу эшакнинг мияси. Қуришиб майдалангандан кейин ундан кукун ҳосил бўлади, бор-йўғи шу. Ҳозир уларнинг бир тоннаси икки-уч сэнга тушади.

Албатта, шунга ўхшаш техник мўъжизалар фақат китоб чиқариш компанияларидагина учрамайди. Тахминан бу усуллардан расм ва мусиқа ишлаб чиқариш компаниялари ҳам фойдаланади. Гэрнинг сўзига қараганда, бу мамлакатда ҳар ойда етти юздан саккиз юзгача янги механизмлар кашф этилади, ялпи ишлаб чиқариш ишчи кучисиз ҳам давом этаверади. Натижада барча корхоналарда йилига қирқ-эллик минггача ишчилар ишдан бўшашади (ишсизлар сони ошади). Шунга қарамай, мен бу мамлакатда ҳар тонг қолдирмай ўқиган газеталаримда бирор марта ҳам “ишсизлик” сўзига кўзим тушмади. Бу ҳол менга ғалати туюлди ва бир куни Бэпп ва Чакк билан Гэрнинг навбатдаги зиёфатига

¹ У с т р и ц а – денгиз моллюскаси.

таклиф қилинганимизда тушунтириб беришларини сўрадим.

– Ишдан бўшатирилганларни бизда еб қўйишади, – овқатдан кейинги сигарасини пуфлаб хотиржам жавоб берди Гэр.

У нимани назарда тутаётганини мен тушунмадим, шунда бурнидан кўзойнаги тушмайдиган Чакк менинг таажжубимга чек қўйишни бўйнига олди.

– Барча ишдан ҳайдалганларни ўлдириб, гўштини овқатга солишади. Мана, газетага қаранг. Кўряпсизми? Бу ойда олтмиш тўрт минг саккиз юз олтмиш тўққиз ишчи ишдан бўшатирилди ва шунга яраша гўштнинг нархи ҳам тушгани аниқ.

– Улар ўзларини ўлдиришларига жим қараб тураверишадими?

– Нимаям қила олишарди? Ишсизларни ўлдириш ҳақида қонун бўлгандан кейин.

Бу гапдан кейин айтилган сўзлар шафтоли экилган тувак орқасида кайфи бузуқ ўтирган Бэппга қаратилди. Мен бутунлай эсанкираб қолгандим. Бироқ на жаноб Гэр, на Бэпп ва на Чакк бунда нотабий бирор нима кўрмасди. Бироз сукутдан кейин Чакк устимдан кулгандай ишшайиб давом этди:

– Шу йўл билан ҳукумат очлик ва жонига қасд қилиш туфайли ўлганлар сонини камайтиради. Тўғриси, улар бундан азобланишмайди, озгина заҳарли газ ҳидлатилади, холос.

– Лекин барибир уларнинг гўштини ейиш...

– Э, қўйсангиз-чи шу гапларингизни. Агар ҳозир буни файласуфимиз Магг эшитганида борми, кулгидан қорни ёрилиб ўларди. Кечирасиз, ўз кизини фоҳишалик учун сотувчи омма сизнинг мамлакатингиздан эмасми? Ишчиларнинг гўшти овқатга солиб ишлатилишидан оҳ-воҳ қилишингиз галати!

Суҳбатимизни эшитиб ўтирган Гэр ёнимиздаги столчадан бутербродлар солинган идишни олиб, мен томон сурди ва бамайлихотир деди:

– Хўш, нима қилдик? Балки мана бундан татиб кўрарсиз? Ахир бу ҳам ишчилар гўшtidан...

Мен қотиб қолдим. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилардим. Мен Гэрнинг меҳмонхонасидан ўқдай отилиб чиқиб кетарканман, Бэпп ва Чакк орқамдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб қолишди.

Тун қоронғи эди, осмонда бирорта ҳам юлдуз порламасди. Мен зимистон қаърида уйга қайтаётиб, йўл-йўлакай тинмай қайт қилардим. Ҳатто тим-қоронғида ҳам қайт қилганим нарсалар оппоқ доғ бўлиб, орқамда издай қоларди.

9

Аммо барибир шиша фирмаси директори Гэр, шубҳасиз, ғоятда ёқимтой каппа эди. Биз Гэр билан у аъзо бўлган клубга тез-тез бориб турардик ва у ерда вақтимизни хуш ўтказардик. Гап шундаки, бу клуб Токк аъзо бўлган аъло одамлар клубига нисбатан анча шинам эди. Бундан ташқари, бизнинг Гэр билан суҳбатларимиз файласуф Магг билан бўлган суҳбатларимиздек жуда чуқур бўлмаса ҳам, лекин менинг кўз олдимда мутлақо янги, чексиз кенг дунёни очарди. Гэр тилла қошиқча билан қаҳвасини аралаштириб ўтириб ҳар қандай мавзуда иштиёқ ва завқ билан сафсатабозлик қиларди.

Туманли бир кечада қишки атиргуллар солинган гулдонлар орасида

Гэрнинг сўзларини тинглаб ўтирардим. Эсимда, бу суҳбатимиз энг янги услубда жиҳозланган – оппоқ девор, шифт ва жиҳозларига ингичка зар хошиялар югуртирилган хонада бўлиб ўтганди. Гэр яқиндагина давлат бошқарувига келган “Куоракс” партияси вазирлар маҳкамаси ҳақида кинояли кулимсираб, ўзидан доимгидан кўра ҳам мамнунроқ бўлиб гапирарди. “Куоракс” ундов сўз бўлиб, ҳеч қандай маъно англатмайди, уни “вой-бўй, о-хо” деб таржима қилиш мумкин, холос. Бироқ, нима бўлишидан қатъи назар, улар “Каппалар манфаати учун” шиори остида иш кўради.

“Куоракс” партиясини кўзга кўринган сиёсий арбоб Роппэ бошқаради. Бисмарк қачонлардир: “Тўғрилиқ – энг яхши дипломатия”, деганди. Роппэ эса мана шу тўғрилиқни ички сиёсат қоидаси қилиб олди...

– Ахир Роппэнинг чиқишларида...

– Гапимни бўлмай, эшитинг мени. Тўғри, унинг ҳамма гапи буткул ёлғон. Унинг гаплари буткул ёлғонлигини ҳамма билади, шунинг учун ҳам ёлғон гапирадими, мутлақо ҳақиқатни айтадими, деярли аҳамияти йўқ. Фақат сиз инсонларга ўхшаган нотўғри тушунчали жонзотларгина уни ёлғончи дейишингиз мумкин. Биз каппалар эса ундай эмасмиз... Бироқ буларнинг аҳамияти йўқ. Биз Роппэ ҳақида гапирётгандик. Шундай қилиб, Роппэ “Куоракс” партияси ишини бошқаради, дейлик. Лекин Роппэ ҳам бировга хизмат қилади. Бу Куикуи, “Пу-Фу” газетасининг хўжайини. Бироқ Куикуининг ҳам хўжайини бор. Бу хўжайин – ҳозир ёнингизда ўтирган қандайдир бир Гэр.

– Аммо... Кечирасиз, эҳтимол, мен умуман тушунмагандирман... Лекин “Пу-фу” газетаси, билишимча, ишчилар манфаатини ҳимоя қилади. Агар таъкидлашингизча, газета хўжайини сизга бўйсунса...

– “Пу-Фу” газетаси хизматчиларига келсак, улар ҳақиқатдан ҳам ишчилар манфаатини ҳимоя қилади. Аммо улар фақат Куикуининг гапига киришади. Куикуи эса сизнинг холис хизматкорингиз Гэрнинг қўллаб-қувватлашисиз бир қадам ҳам олдинлай олмайди.

Гэр боягидай кинояли кулимсираб тилла қошиқчаси билан ўйнади. Мен унга қараб туриб нафрат ҳиссини туйишдан кўра “Пу-Фу” газетасининг бебахт ходимларига ачиниб кетдим. Афтидан, Гэр менинг фикримни англади ва меш қорнини янаям олдинга чиқариб деди:

– Э йў-ўқ, “Пу-Фу”нинг ҳамма ходимлари ҳам ишчиларнинг тарафини олавермайди. Ахир бари каппалар ҳам аввал ўз шахсий манфаатини ўйлайди-да, чунки шундай яралганмиз... Бундан ташқари, яна бир нарса вазиятни қийинлаштиради. Гап шундаки, мен, яъни, Гэр ҳам эркин ҳаракат қила олмайман. Ўйлашингизча, ким мени бошқаради?... Хотиним! Гўзал Гэр хоним!

Гэр қаҳ-қаҳ уриб кулди.

– Гэр хонимнинг хизматида бўлиш катта бахт, – дедим мен илтифот билан.

– Умуман олганда, мен мамнунман. Лекин булар ҳақида мен, албатта, фақат сиз билан очиқчасига суҳбатлашим мумкин – чунки сиз каппа эмассиз.

– Шундай қилиб, “Куоракс” маҳкамасини жаноб Гэр бошқаради денг?

– Ҳм... Очиғи, бундай дейиш мумкинми, йўқми, билмайман... Бироқ етти йил олдин биз бошқарган уруш ҳақиқатдан ҳам модалар туфайли бошланган.

– Уруш? Демак, сизларда ҳам уруш бўлган экан-да?

– Албатта, бўлган. Яна бўлади! Билингки, кўшни давлатлар бор экан...

Ўшанда мен биринчи марта бу дунёда сувости ўлкаси туридаги мамлакат ягона эмаслигини билдим. Гэр менга дунё пайдо бўлганидан бери кундузлар каппаларга муносиб кучли душман саналишини айтди. Кундузларнинг қурол-яроғ ва асбоб-ускуналари каппаларнинг қурол-яроғ ва асбоб-ускуналаридан ҳеч қолишмаскан. Кундузлар ва каппалар ўртасидаги уруш ҳақида суҳбат мени қизиқтириб қўйди. Ҳақиқатдан ҳам каппалар кундузларга ашаддий душман саналишини ҳатто “Суйко-коряку”нинг муаллифи ҳам тилга олмаганди, Кунио Янагиданинг “Ямасима халқ афсоналари тўплами”ни-ку гапирмай қўяқолайлик.

– Ўз-ўзидан маълумки, – давом этди Гэр, – уруш бошлангунига қадар икки тараф ҳам бир-бирларига айғоқчилар юбориб туришган. Биз кундузлар олдида саросимали кўрқув ҳис этардик, шунингдек, кундузлар ҳам биздан кўрқиши аниқ эди. Мана шундай бир пайтда мамлакатимизда яшовчи қандайдир бир кундуз эр-хотин каппалар уйига меҳмонга боради. Бу эр-хотинларнинг урғочиси ўз жуфтини гумдон қилиш пайида юрарди. Эри ўта хотинбоз эди ва бундан ташқари унинг ҳаёти суғурталангани ҳам, эҳтимол, хотинини йўлдан оздиришга сабаб бўлгандир.

– Сиз улар билан танишмидингиз?

– Ҳа... Йўқ десам ҳам бўлади. Мен фақат эрини танирдим. Хотиним уни ваҳший деб ҳисоблайди, аммо, менинг назаримда, у фақат ваҳшийгина эмас, балки ақлдан озган, жинсий алоқа борасида бузуқ тасаввурли бир бечора каппа: унга доим модалар уни таъқиб қилаётгандай туюлади... Шундай қилиб, хотини унинг қакаосига цианли калий қўшиб қўяди. Бу қандай рўй берганини билмадим-у, захар солинган финжон меҳмон-кундузга тушиб қолади. Кундуз ичадию, албатта, ўлади. Ва шунда...

– Уруш бошландими?

– Ҳа. Бахтга қарши бу кундузнинг орденлари бор экан.

– Ким ғалаба қозонди?

– Албатта, биз-да. Бу ғалаба учун уч юз олтмиш тўққиз минг беш юз каппа жонини қурбон қилди! Аммо бу йўқотиш душман тарафнинг йўқотишлари олдида ҳеч нарса эмас. Бизда кундуз мўйналаридан бошқа ҳеч қанақа мўйналарни учратмайсиз. Мен уруш пайтида шиша ишлаб чиқаришдан ташқари фронтга тошқўмир қолдиқларини етказиб бериб туриш билан ҳам шуғулландим.

– Фронтда тошқўмирнинг нима кераги бор?

– Бу озиқ-овқат-ку ахир. Биз каппалар қоринни алдаб қўйиш учун тўғри келган нарсани еяверишимиз мумкин.

– Лекин биласизми... Хафа бўлманг-у, жанг майдонида жон олиб-жон бераётган каппалар учун бу... Бизнинг Японияда сизнинг бу фаолиятингизга иснод тамғаси босиларди.

– Бизда ҳам бундай тамға босилиши мумкинлигига шубҳа йўқ. Аммо бу ҳақида менинг ўзим тан олсам, ҳеч ким мени шарманда қилмайди. Биласизми, файласуф Магг нима дейди? “Қилган ёмонлигинг ҳақида ўзинг гапир, шунда ёмонлик ўз-ўзидан барҳам топади...” Эътибор бердингизми, ўшанда мени фақат бойлик орттириш мақсадигина эмас, олийжаноб ватанпарварлик туйғуси ҳам ҳаракатга келтирган.

Шу дақиқада ёнимизга клуб малайи яқинлашди. У Гэр билан сўрашгач, худди сахнадагидай ифода билан деди:

– Сизнинг уйингиз ёнида – ёнғин.

– Ё-ёнғин!

Гэр кўркиб сапчиб турди. Табиийки, мен ҳам турдим. Малай бепарво кўшиб кўйди:

– Лекин ёнғин ўчирилган.

Малайнинг орқасидан қараб қолган Гэрнинг юзида йиғлаб туриб кулаётган одамни кига ўхшаш ифода зоҳир эди. Айни шу пайтда мен ўз ичимдан мана шу шиша заводи директорига нисбатан анчадан бери сақланиб ётган нафратни топиб олдим. Аммо энди қаршимда йирик сармоядор эмас, энг оддий бир каппа ўтирарди. Мен гулдондаги қишки атиргуллар дастасини олиб, уларни Гэрга узатганча дедим:

– Ёнғин ўчирилибди, лекин турган гапки, хотинингиз қаттиқ ташвишга тушган. Мана бу гулларни олиб уйга боринг.

– Миннатдорман...

Гэр менинг кўлимни қисди. Сўнг мамнун ишшайганча шивирлаб деди:

– Ўша кўшни уй ҳам менга тегишли. Энди мен суғурта мукофоти оламан.

Бу ишшайиш... Мен ўшанда ўзимни ёмон кўрмаслик ва нафратланмасликка кўндиролмаганим Гэрнинг бу ишшайишини ҳалигача эсламан.

10

– Бугун сенга нима бўлди? – сўрадим мен талаба Раппдан. – Нима бунча қийнапти?

Бу ёнғиннинг эртасига рўй берганди. Биз менинг меҳмонхонамда ўтирардик. Мен сигарет чекардим, Рапп эса оёқларини чалиштириб, чириб кетган бурни ҳам кўринмайдиган даражада бошини эгганча, ерга қараб, паришонхотир ўтирарди.

– Сенга нима бўлаяпти ахир, Рапп?

Ниҳоят Рапп бошини кўтарди.

– Э йў-ўк, арзимаган гап, муҳим ҳеч нима йўк, – пинқиллаган товушда ғамгин гапирди у. – Бугун ойна олдида туриб, шунчаки секингина: “О-хо, мана, пашшахўр росянка¹ ҳам гуллапти...” дедим. Биласизми, опам буни эшитиб қолиб: “Бу нима деганинг, сен мени пашшахўрга чиқаряпсанми?” деб менга ташланиб қолди. Шу миямни эговлай кетди. Унинг ёнига онам ҳам кўшилди, у доим опамнинг тарафини олади.

– Тўхта-тўхта, гуллаб турган пашшахўрнинг опангга қандай алоқаси бор?

– Менимча, у мени доимо нарларнинг орқасидан қувиб юришига шаъма қилапти, деб ўйлади. Қарабсизки, тортишувга холам ҳам келиб кўшилди – у доим онам билан уришиб юради. Жанжал авжига чиқди. Доим бирдай маст бўлиб юрадиган отам эшитиб қолиб, суриштириб ўтирмай ҳаммани дўппослай кетди. Буям етмагандай, кичик укам можародан фойдаланиб, онамнинг пул солинган ҳамёнини ўғирлаб киногами... ё бошқа ёққами... туёғини шиқиллатган... Мен эса... Мен...

Рапп юзини кўллари билан тўсиб, овозсиз йиғлай бошлади. Табиийки, унга ачинишимга тўғри келди. Яна табиийки, шу заҳоти мен шоир Токк оилавий муносабатлар тизимидан нечоғлик нафратланишини эсладим. Мен Раппнинг елкасига шапатилаб, уни овутиш учун бор кучим ва имкониятимни сарфладим.

– Шунга шунча дилсиёхликми? – дедим мен. – Бунақа ходисалар ҳамма

¹ Росянка – ботқоқликда ўсадиган ҳашоратхўр ўсимлик.

оилаларда ҳам бўлиб туради.

– Ҳеч бўлмаса... ҳеч бўлмаса тумшуғим бутун бўлганида эди...

– Кўлингдан нимаям келарди, бу борада энди ҳеч нима қила олмайсан. Менга қара, Токкнинг уйига бормаймизми-а?

– Жаноб Токкнинг мени кўргани кўзи йўқ. Ахир мен унга ўхшаб оиламдан бутунлай воз кечишга қодир эмасман.

– Унда Крабакниқига борамиз.

Юқорида эслаб ўтганим концертдан сўнг биз Крабак билан дўстлашган эдик, шунинг учун мен бу буюк мусиқачининг уйига Раппни олиб боришга журъат этардим. Крабак сармойдор Гэрдек серҳашам яшамаса ҳам, дейлик, Токкдан кўра анча ҳашаматлироқ яшарди. Унинг хонасида хилма-хил майда-чуйда безакли нарсалар (терракота ва эрон сополидан ишланган ҳайкалчалар кабилар)га лик тўла, турк дивани жойлаштирилган бўлиб, одатда унда Крабак ўз шахсий портрети остида ястаниб ўтириб болалари билан ўйнарди. Аммо бу гал у негадир ёлғиз эди. У кўлларини кўксида чалиштирганча қовоғидан қор ёғиб ўтирганди. Оёқ остида эса йиртилган қоғоз парчалари сочилиб ётарди. Рапп шоир Токка ҳамроҳ бўлиб, Крабак билан бир неча марта кўришган бўлиши керак, лекин ҳозир Крабакнинг кайфияти йўқлигини кўриб жуда кўрқиб кетди ва унга журъатсизлик билан салом бериб, бурчакка қисилиб олди.

– Сенга нима бўлди, Крабак? – дедим мен саломлашишга улгуриб-улгурмай.

– Э-э, нимасини айтай! – овоз берди буюк мусиқачи. – Анави эси паст танқидчини кўрмайсанми? Менинг лирикални Токкники билан солиштирганда ҳеч нимага арзимайди, деб жар солибди!

– Лекин сен мусиқачисан-ку...

– Шошма. Ҳали бунисига чидаш мумкин. Лекин кўрмайсанми, бу ифлоснинг таъкидлашича, Рокка таққослаганда мен ҳеч ким эмасмишман, ҳатто мусиқачи деб аташга ҳам арзимасмишман!

Рокк – мусиқачи, уни ҳамиша Крабак билан солиштиришади. Афсуски, аъло одамлар клубига аъзо эмаслиги учун у билан бирор марта суҳбат қуришимга тўғри келмаган. Лекин унинг пучук бурунли башарасини газеталарда чоп этилган расмларида кўрганман.

– Рокк ҳам даҳо, албатта, – дедим мен. – Аммо унинг асарларида замонавий эҳтирос, жўшқинлик етишмайди, сенда эса бу тўлиб-тошиб ётибди.

– Сен ҳақиқатан шундай деб ўйлайсанми?

– Ҳа, айнан шундай.

Крабак бирданига сапчиб турди-да, танаград ҳайкалчаларидан бирини олиб, полга ирғитди. Кўрқиб кетган Рапп чийиллаб юбориб, жуфтакни ростлашга тайёрланаётган эди, Крабак бизларни имо билан тинчитиб, совуқ охангда деди:

– Ҳамма ўртамиёналар каби сенинг ҳам эшитиш қобилятинг йўқ, шунинг учун сен шундай ўйлайсан! Мен ...мен эса Роккдан кўрқаман!

– Сен? Бунақа камтарлик қилмагин, илтимос.

– Ким камтарлик қиляпти? Нима учун мен камтарлик қилишим керак? Мен сизнинг қаршингизда ўзимни танқидчилар олдидан ортиқ камтар кўрсатаётганим йўқ! Мен – даҳо Крабакман! Бу нуқтаи назардан Рокк мен учун кўрқинчли эмас.

– Унда нимадан кўрқасан?

– Ўзим ҳам билмайман... Эҳтимол, Роккнинг юлдузидандир.

– Негадир мен сени тушунмаяпман.

– Тушунарли бўлиши учун бошқачароқ гапираман. Рокк менинг таъсирига тушмайди. Мен эса доим ўзим билмаган ҳолда унинг таъсиридаман.

– Сендаги таъсирчанлик...

– Э-э, бўлди қил, илтимос. Бу ерда таъсирчанликнинг нима алоқаси бор? Рокк хотиржам ва ўзига ишонч билан ишлайди. У ҳамиша ёлғиз ўзи уйдлаши мумкин бўлган нарсалар билан шуғулланади. Мен эса унақа эмасман. Мен доим безовталаниб ва саросимага тушиб юраман. Эҳтимол, Роккнинг назарида ўртағамиздаги масофа бир қадам ҳам эмасдир. Мен эса бизни ўнлаб миллар ажратиб туради, деб ҳисоблайман.

– Лекин, маэстро, сизнинг “Қаҳрамонлик симфонияси” асарингиз!.. – хадиқсираб деди Рапп.

– Ўчир овозингни! – Крабакнинг қисик кўзлари янаям қисилиб, нафрат билан талабага қаради. – Сен ниманиям тушунардинг? Сен ва сенга ўхшаганлар! Мен Роккни унинг оёғини ялаб юрган бу итлардан кўра яхшироқ биламан!

– Хўп яхши, яхши, тинчлан!

– Агар мен тинчлана олганимда... Мен фақат шу ҳақида орзу қиламан... Қандайдир бир куч мени, яъни Крабакни таҳқирлаш учун йўлимга мана шу Роккни кўйиб қўйган. Файласуф Магг буларнинг барини яхши тушунади. Ҳа, ҳа, фақат ўзининг етти хил рангли фонари остида титилиб кетган фолиантларини¹ варақлашдан бошқасига ярамаса ҳам, буни тушунади!

– Қанақасига?

– Унинг охирги “Телбанинг сўзи” китобини ўқиб кўр.

Крабак менга китобни узатди, тўғрироғи, юзимга отди. Кейин яна кўллларини чалиштириб, кўпол оҳангда деди:

– Хайр.

Биз яна бутунлай дами ичига тушган Рапп билан кўчада пайдо бўлдик. Доимгидай кўча одамга лик тўла эди, қорақайинли салкин йўлакларнинг икки четида катта-кичик дўконлар қаторлашиб турарди. Биз анчагача жим кетдик. Кутилмаганда олдимиздан узунсоч шоир Токк чиқиб қолди. У бизни кўриб тўхтади ва қорнидаги халтасидан дастрўмолини чиқариб, пешонасидаги терни артди.

– Сизлар билан анчадан бери кўришмадик, – деди у. – Мен ҳозир Крабакникига кетяпман. Уникига ҳам кўпдан бери бормагандим...

Бу икки санъат арбоби ўртасида низо чиқишини истамасдим, шунинг учун мен Токка ҳозир Крабак сал ўзида эмаслигини шаъма қилиб қўйдим.

– Ҳа, шундайми? – деди Токк. – Нимаям қилардик, ташрифни кейинга қолдирамыз-да. Ўзи Крабакнинг асаби жойидамас... Айни кунларда ўзимам уйқусизликдан қийналяпман.

– Балки биз билан сайр қиларсан?

– Йўқ, шарт эмас... Вой!

Токк титраб-қақшаб қўлимга чиппа ёпишди. У бошидан оёғигача бутунлай совуқ терга ботганди.

– Сенга нима бўлди?

– Сизга нима бўлди?

– Менга анави машина ойнасидан яшил маймун чиқиб келаётгандай туюлди...

Мен Токкнинг аҳволидан ташвишга тушиб, унга ҳар эҳтимолга қарши

¹ Ф о л и а н т – жуда катта ва қалин китоб.

шифокор Чакка кўринишни маслаҳат бердим. Аммо қанчалик ундамай, бу ҳақида у эшитишни ҳам хоҳламади. Ҳеч нарсдан ҳеч нарса у бизга шубҳаланиб қарай бошлади ва охири садо берди:

– Мен ҳеч қачон анархист бўлмаганман. Эслаб қолинг ва буни ҳеч қачон унутманг... Энди эса яхши қолинг. Ва маъзур тутинг, шифокор Чаккингизнинг менга кераги йўқ...

Биз эсанкираб, Токкнинг орқасидан ажабланганча қараб қолдик. Биз... Э йўқ, биз эмас, мен, бир ўзим. Талаба Рапп бирданига йўлнинг ўртасида пайдо бўлиб қолганди. У энкайиб олиб, икки тарафга кенг ёйилган оёқлари орасидан узлуксиз қатнаётган машиналар оқими ва йўловчиларни томоша қиларди.

– Бу яна нимаси? Нима қиляпсан?

Рапп кўзларини ишқалаб, кутилмаган хотиржамлик билан деди:

– Айтарли ҳеч гап йўқ. Шунчаки, кўнглим беҳузур бўлиб кетди, шунга дунёни тескари томоша қилмоқчи эдим. Қарасам, бари шунинг ўзи экан.

11

Файласуф Маггнинг “Телбанинг сўзи” китобидан парчалар:

* * *

Телба ўзидан бошқа ҳамманинг телбалигига қаттиқ ишонади.

* * *

Бизнинг табиатга бўлган муҳаббатимиз табиатда бизга нисбатан на хасад, на нафрат йўқлиги билан изоҳланади.

* * *

Энг оқил яшаш тарзи ўз замонасининг расм-русум ва урф-одатларидан нафратланишига қарамай, уни бузмасдан яшашдир.

* * *

Биз ҳаммасидан кўпроқ ўзимизда йўқ нарсалар билан ғурурланишни хоҳлаймиз.

* * *

Ҳайкалларни қулатишга ҳеч ким норозилик билдирмайди. Айни пайтда, ўзи ҳайкал бўлишга ҳам ҳеч ким қарши эмас. Лекин пьедесталда фақат Худонинг алоҳида марҳаматига сазовор бўлганлар – телбалар, жиноятчилар, қаҳрамонларгина хотиржам туриши мумкин. (Шу жойини Крабак тирноғи билан чизиб кўйганди.)

* * *

Эҳтимол, бизга ҳаётда керак бўлган барча ғоялар уч юз йиллар олдин айтилгандир. Бизга эса, дейлик, уларни озгина янгитдан алангалатиб (чўғ ташлаб) қўйишнинг ўзи етарли.

* * *

Бизнинг хусусиятимиз ҳамиша ўз онгимизни енгитдан иборат.

* * *

Агар бахтни оғриқсиз, хаётни эса кўнгил совишларсиз тасаввур қилиб бўлмаса, унда..?

* * *

Ўзини ҳимоя қилиш бошқаларни ҳимоя қилишдан кўра қийинроқ. Кимки бунга шубҳа қилса, адвокатга назар ташласин.

* * *

Димоғдорлик, шаҳватпарастлик, шубҳа – мана охирги уч минг йил ичида таниш бўлган барча иллатларнинг сабаби. Балки, барча фазилатларнинг ҳам.

* * *

Жисмоний эҳтиёжларимизни жиловлаш яхшиликка олиб келиши шарт эмас. Балки биз яхшиликка эришишимиз учун ўзимизнинг маънавий эҳтиёжларимизни ҳам жиловлашимиз зарур. (Крабак бу ерда ҳам тирнок изини қолдирганди.)

* * *

Биз каппалар одамларга нисбатан камроқ бахтлимиз. Одамлар каппаларчалик ривожланмаган. (Буни ўқиб, мен табассум қилишдан ўзимни тиёлмадим.)

* * *

Намоён қилиш бу – уддасидан чиқиш, уддасидан чиқиш эса – намоён қилиш. Интиҳосини айтганда, бизнинг бу хаётимиз доим мана шу доира ичида айланиб юради, чиқиб кета олмайди. Бошқача айтганда, бу ерда ҳеч қандай мантиқ йўқ.

* * *

Ақли заифлашгач Бодлер ўзининг дунёқарашини фақат бир сўз билан ифодалаган, бу – “аёл” сўзи. Лекин ҳурматини сақлаш учун у бундай демаслиги керак эди. У ўзининг даҳо эканига, буюк шоирлигига ҳаддан зиёд ишонган, чунки бу унинг кун кўришига ёрдам берган. Ва шунинг учун у бошқа сўзни унутди. “Ошқозон” сўзини. (Бу ерга ҳам Крабак тирнок изини қолдирганди).

* * *

Биз ҳамма нарсада ақлга таянаверсак, ҳеч шубҳасиз, ўз тириклигимизни инкор этамиз. Ақлни илоҳийлаштирган Вольтернинг хаётда бахтли бўлгани инсонларнинг каппалардан орқада қолганини яна бир марта исботлайди.

12

Совуқ кунларнинг бирида “Телбанинг сўзлари”ни ўқиш жонимга тегиб, файласуф Магннинг ёнига йўл олдим. Қайсидир бир бўш йўлакда бўшашганча деворга суяниб турган чивиндай каппани тасодифан кўриб қолдим. Адашган бўлишим мумкинмас, бу ўша, бир пайтлар менинг авторучкамни ўғирлаган каппа эди. “Кўлга тушди!” – ўйладим мен ва

зудлик билан ёнимдан ўтиб кетаётган ҳайбатли каппани чақирдим.

– Анави каппани ушланг, илтимос, – дедим мен. – Бир ойча олдин у менинг авторучкамни ўғирлаганди.

Полициячи таёғини кўтарди (бу мамлакатнинг полициячилари қилич билан бирга таёқча ҳам олиб юришади) ва ўғрини чақирди: “Эй, бу ёққа кел-чи!” Мен ўғри қочишга шайланади, деб ўйлагандим. Бундай бўлмади. У ўта хотиржамлик билан полициячининг ёнига келди. Буям камдай, қўлларини кўкрагида чалиштириб олиб, қандайдир такаббурлик билан юзимизга тик қаради. Унинг бу қилиғи қорнидаги сумкасидан кундалик дафтарчасини олиб, уни сўроққа тутаётган полициячининг жаҳлини чиқармади.

– Исминг?

– Грук.

– Нима иш қиласан?

– Бироз вақт олдин почтачи эдим.

– Жуда яхши. Мана бу одам унинг авторучкасини ўғирлаганингни даъво қиляпти.

– Ҳа, бу бир ойча олдин бўлганди.

– Нима сабабдан?

– Уни кичкина боламга ўйнаш учун бергандим.

Полициячи Грукка ўтқир тикилди:

– Хўш, болага нима бўлди?

– Бир ҳафта олдин ўлди.

– Ўлгани ҳақидаги гувоҳнома ёнингдами?

Озғин каппа қорнидаги сумкасидан бир варақ қоғоз чиқариб, полициячига узатди. У қоғозга кўз югуртириб, жилмайди ва Грукнинг елкасига қоқиб деди:

– Ҳаммаси жойида. Безовта қилганимиз учун кечир.

Мен ҳайратдан донг қотиб, полициячига қарадим. Ориқ каппа бурнининг тагидан бир нималарни гўлдираб, йўлига равона бўлди. Ниҳоят мен ўзимга келиб сўрадим:

– Уни нега қўйиб юбордингиз?

– У айбдор эмас, – жавоб берди полициячи.

– Лекин у менинг ручкамни ўғирлаган-ку...

– Боласига ўйнагани бериш учун ўғирлаган, бола эса ўлган. Мабодо нимадандир шубҳаланаётган бўлсангиз, жиноят кодексининг бир минг икки юзу саксон бешинчи моддасини ўқинг.

Полициячи менга орқа ўгирилиб, нари кетди. Нимаям қилардим? Мен ичимда: “Жиноят кодексининг бир минг икки юзу саксон бешинчи моддаси”, дея қайта-қайта такрорлаганча Маг्नаникага йўл олдим.

Файласуф Маг мехмонни яхши кўрарди. Ўша куни унинг нимқоронғи хонасида ҳакам Бэпп, шифокор Чакк ва шиша фирмаси директори Гэр йиғилишганди. Улар ҳаммаси чекишар, сигарадан чиққан тутун етти рангли фонаргача ўрларди. Менинг энг катта омадим – ҳакам Бэппнинг келгани эди. Ўтиришга улгуриб-улгурмай унга мурожаат қилдим, аммо бир минг икки юзу саксон бешинчи модда ҳақида сўраш ўрнига бошқа савол бердим:

– Минг бор узр, жаноб Бэпп. Айтинг-чи, сизнинг мамлакатингизда ўғриларга жазо борми?

Бэпп зар хошияли сигарасидан тутун бурқситиб, зерикарли киёфада жавоб берди:

– Албатта, жазоланади. Ҳатто ўлим жазоси ҳам жорий қилинган.

– Гап шундаки, бир ойча олдин...

Авторучка воқеасини айтиб бериб, жиноят кодексининг бир минг икки юзу саксон бешинчи моддаси ҳақида сўрадим.

– О-хо, – деди Бэпп. – Бу моддада шундай дейилган: “Қай турдаги жиноят бўлмасин, ушбу жиноятнинг содир этилиш сабаби ёки вазият барҳам топса, жиноят содир этган шахс жазога тортилмайди”. Сизнинг воқеангизни олайлик. Ўғирлик содир бўлган пайтда бу каппа ота эди, аммо энди у ота эмас, шунинг учун ҳам унинг жинояти ўз-ўзидан йўқ бўлди.

– Қандай бемаънилик!

– Ҳеч ундай эмас. Агар ўтмишда ота бўлган каппани ҳозирда оталик вазифасини бажараётгани билан тенглаштирилса, бу бемаънилик бўлиши мумкин эди. Бироқ Япония қонунларида бунга эътибор берилмайди. Аммо биз учун, кечирасиз, бу кулгили туюлади. Хо-хо-хо-хо-хо...

Бэпп сигаретини ташлаб, қаттиқ кулди. Шу пайт ҳуқуқшуносликдан бутунлай йироқ бўлган Чакк суҳбатга аралашди. У кўзойнагини тўғрилаб мендан сўради:

– Японияда ҳам ўлим жазоси борми?

– Албатта, бор. Ўлим жазоси осеиш орқали амалга оширилади.

Бэппнинг лоқайдлиги жаҳлимни чиқарди ва мен захарханда қилиб кўшиб қўйдим:

– Аммо сизнинг юртингизда, шубҳасиз, қатл ҳам маърифатли йўсинда амалга оширилади, шундай эмасми?

– Ҳа, бизда маърифатли йўсинда қатл этишади, – ўта хотиржамлик билан тасдиқлади Бэпп. – Бизнинг юртда қатл қилиш осеиш орқали амалга оширилмайди. Баъзида бунинг учун электр токидан фойдаланишади. Умуман олганда эса бизга электр қўллашнинг ҳам кераги йўқ. Қоидага кўра, шунчаки жиноятчининг юзига унинг жинояти айтилади.

– Нима, жиноятчи шундан ўладими?

– Албатта, ўлади. Эсингиздан чиқмасин, биз каппаларнинг асаб тизимимиз тузилиши сиз инсонларникидан кўра анча нозик.

– Бу усул нафақат ўлимга маҳқум этилганларни қатл этишга, балки ўлим жиноятини амалга оширишда ҳам ишлатилади, – деди шиша фабрикаси директори Гэр. У юзига тушган ранг-баранг шуълалардан бутунлай нофармон тусга кириб, мулойим жилмайди. – Яқинда бир социалист мени ўғри деганди, юрагим ёрилиб ўлаёздим.

– Бу биз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ учрайди. Яқиндагина таниш бир адвокатим ана шундай ўлди.

Бу гапни файласуф Магг айтди ва мен унга бурилиб қарадим. Магг ҳеч кимга қарамай, одатдагидай кинояли тиржайиб давом этди:

– Кимдир уни қурбақа дебди... Сиз биласиз албатта, бизнинг мамлакатимизда қурбақа деб ҳақоратлаш пасткашдан ҳам пасткаш дейиш билан тенг... У эртаю кеч ўзининг қурбақаи ёки қурбақа эмаслиги ҳақида ўйлайвериб, ўйлайвериб, охири ўлди.

– Бу, эътиборингиз учун, ўзини-ўзи ўлдиришга киради, – дедим мен.

– Шундайя-ку, лекин уни ўлдириш ниятида қурбақа дейишган. Сизнинг инсоний нуқтаи назарингизда балки бу ўз жонига қасд қилиш ҳисобланар...

Айни шу дақиқада девор орқасидан, шоир Токк квартираси жойлашган тарафдан тўппонча ўқининг ҳавони портлатгудай қаттиқ овози янгради.

13

Биз зудлик билан ўша тарафга отилдик. Токк баланд тоғ ўсимликлари экилган туваклар ўртасида полда чўзилиб ётарди. Ўнг қўлида тўппонча, бошидан қон сизиб чиқаётганди. Ёнида унинг кўксига юзини босиб, хўнграб йиғлаганча модаси ўтирарди. Уни елкасидан тутиб турғаздим (Одатда мен каппаларнинг сирпанчиқ терисига тегиб кетишдан қочаман).

– Бу қандай рўй берди?

– Билмайман. Ҳеч нарса билмайман. У ўтириб нимадир ёзаётганди – бирданига ўзини отди... Энди мен қандай яшайман?.. Qur-r-r... Qur-r-r... (Каппалар шунақа йиғлайди).

Шиша фирмаси директори бошини ғамгин чайқаганча ҳакам Беппа деди:

– Мана, ортиқча инжиқлик нимага олиб келади.

Бепп ҳеч нима демай зар ҳошияли сигарасини чека бошлади. Чўккалаб жароҳатни текшираётган Чакк ўрнидан туриб, мутахассисга хос оҳангда бизга қараб деди:

– Ҳаммаси тугади. Токк ошқозон касаллигидан қийналарди ва унинг хаётдан кўнгли бутунлай совиши учун шунинг ўзи етарли эди.

– Бироқ бир қаранглар, – деди файласуф Магг худди жонига қасд килувчининг тарафини олгандай, – бу ерда бир хат бор экан.

У столдан қоғоз парчасини олди. Ҳамма (фақат мендан ташқари) унинг орқасига тўпланиб, кенг елкалари оша бўйниларини чўзиб, хатга қарашди.

Тур! Дунёмизни ўраб турган водийга бор.

У ерда муқаддас адирлар ва мусаффо сувлар.

Ўтлар ва гулларнинг ифори.

Магг биз томон бурилиб, кинояли кулиб деди:

– Бу плагиат. Гётенинг “Миньона”си. Назаримда, Токк жонига қасд килишининг сабаби, у шоир сифатида ҳам тамом бўлган кўринади.

Айни шу пайтда Токкнинг уйи ёнига автомобиль келиб тўхтади. Келган Крабак эди. У Токкнинг мурдасини кўриб, бир неча дақиқа эшик ёнида жим туриб қолди. Кейин ёнимизга келиб, Маггнинг юзига қараб бақирди:

– Бу унинг васиятномасими?

– Йўқ, бу унинг охирги шеъри.

– Шеъри?

Крабакнинг бошидаги сочлари тикка бўлди. Магг доимгидай пинагини ҳам бузмай унга қоғозни узатди. Крабак ҳеч кимга қарамай қоғоздаги шеър мисраларига кўз қадади. У Маггнинг саволларига деярли эътибор ҳам бермай, қайта-қайта ўқирди.

– Токкнинг ўлими ҳақида нима деб ўйлайсиз?

– Тур... Мен ҳам қачондир ўламан... Дунёмизни ўраб турган водийга...

– Сиз, назаримда, Токкнинг энг яқин дўстларидан эдингиз?

– Дўстларидан? Токкнинг ҳеч қачон дўстлари бўлмаган. Дунёмизни ўраб турган водийга... Афсуски, Токк... У ерда муқаддас адирлар...

– Афсуски дейсизми?

– Мусаффо сувлар... Сизлар бахтлисиз-ку... У ерда муқаддас адирлар...

Токкнинг модаси ҳамон йиғлар эди. Унга ачиндим ва елкасидан ушлаб хона бурчагидаги диванга обордим. У ерда ҳеч нимадан беҳабар икки-уч ёшли каппача кулиб ўтирарди. Мен модасини ўтқизиб, уни қўлимга олдим ва бироз тебратдим. Кўзимга ёш келганини сездим. Бу менинг каппалар мамлакатадаги биринчи охирги марта йиғлашим эди.

– Бу бекорчининг оиласига раҳмим келяпти, – деди кўзи тушган Гэр.
– Ҳа, бунақаларнинг улардан кейин нима бўлиши билан иши йўқ, – овоз берди ҳакам Бэпп ўзининг одатдаги сигарасини қўлига олиб.

Крабакнинг баланд овози бизни чўчитиб юборди. Қўлидаги шеър ёзилган қоғозни силкитиб, ўзича бақирарди:

– Ажойиб! Бундан зўр дафн маросими марши чиқади!

У қисик кўзлари ялтиллаб, шошилганча Маггнинг қўлини қисди-да, эшик томон отилди. Табиийки, ўша пайтда эшик ёнида Токкнинг қўни-қўшнилари тўпланиб, қизиқиш билан хона ичига мўралаб туришарди. Крабак қўполлик ва беандишалик билан уларни итариб, машинасига сакраб чиқди. Ўша заҳотиёқ машина тарақ-турук қилиб жойидан кўзғалди ва кўча муюлишида кўздан ғойиб бўлди.

– Қани, қани, тарқалинглар, томоша қиладиган ҳеч нарса йўқ бу ерда!
– бақириб қўйди қизиқувчиларга ҳакам Бэпп. У полиция вазифасини бўйнига олиб, оломонни тарқатди ва эшикни кулфлади. Шунинг учун бўлса керак, бирданига хона сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Баланд тоғлар гуллари ва Токкнинг қони ҳиди аралашган дим жимжитликда дафн маросими масаласи муҳокама қилинди. Фақат файласуф Маггина мурдага паришонхотир тикилганча нималарнидир ўйлаб, жим ўтирарди. Мен унинг елкасига қоқиб сўрадим:

– Нима ҳақида ўйлаяпсиз?

– Каппалар ҳаёти ҳақида.

– Хўш?

– Биз каппалар ҳаётимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз учун, нима бўлишидан қатъи назар... – Магг қандайдир уялинқираб овозини пасайтирди, – нима бўлган тақдирда ҳам, биз каппа бўлиб яралмаганларнинг куч-қудратига ишонишимиз керак.

14

Маггнинг сўзлари динни эсимга солди. Моддиюн бўлганим учун, табиийки, мен динга жиддий қарамаганман. Аммо ҳозир, Токкнинг ўлимидан таъсирланиб, бирданига ўйлаб қолдим: сувости мамлакатида динни қандай тасаввур қилишади? Мен ўша заҳотиёқ бу савол билан талаба Раппга мурожаат қилдим.

– Бизда христианлар ҳам, буддага сиғинадиганлар ҳам, мусулмонлар ҳам, оташпарастлар ҳам бор, – деб жавоб берди у. – Аммо ҳалиям ўша “замонавий дин” аталмиш диннинг таъсири катта. Уни яна “тириклик дини” деб ҳам аташади.

(Эҳтимол, “тириклик дини” унчалик аниқ таржима эмасдир. Каппалар тилида бу сўз “Куэмуча” бўлиб жаранглайди. “Ча” қўшимчаси инглизча “изм”ни билдиради. “Куэму” сўзининг ўзаги “куэмал” эса шунчаки “яшаш, кун кўриш” эмас, балки “тўйиб овқатланиш, вино ичиш ва қовушиш” маъносини билдиради).

– Бундан чиқди, бу ерда ҳам ибодатхона ва диндорлар бор экан-да?

– Бунинг кулгили жойи йўқ. Мамлакатдаги энг ҳашаматли бино бу – Буюк ибодатхонадир. Бориб кўришни хоҳлайсизми?

Туманли кунларнинг бирида Рапп мени фахр билан Буюк ибодатхонани кўришга олиб борди. Ҳақиқатан ҳам, бу улкан бино Токиодаги Николай Жомесидан ўн мартача каттароқ. Устига-устак, бинода хилма-хил меъморчилик услублари қоришиб кетган. Ана шу ибодатхона олдида

туриб, унинг баланд миноралари ва думалок гумбазларига қараб, даҳшатга тушдим. Улар сон-саноксиз бармоқлардай осмонга бўй чўзиб турарди. Биз асосий дарвоза ёнида туриб (уларнинг олдида биз чумолидай бир кичик жонзотга айлангандек эдик) бошимизни осмонга чўзганча беўхшов махлуққа ўхшаб кетувчи бу ғалати иншоотга узоқ тикилиб қолдик.

Ибодатхона зали ҳам жуда улкан эди. Коринф устунлари оралиғида бир дунё сиғинувчилар айланиб юрарди. Улар ҳам Рапп иккимиз каби бу ерда миттигина бўлиб кўринарди. Шу орада ёши қайтиб мункайган каппа билан кўришиб қолдик. Рапп таъзим қилиб, ҳурмат ила у билан гаплаша бошлади:

– Сизни соғ-саломат кўрганимдан ниҳоятда хурсандман, мухтарам руҳоний.

Қария ҳам бизга таъзим қилиб, худди шундай иззат-иқром билан жавоб берди:

– Адашмаётган бўлсам, жаноб Раппсиз-а? Умид қиламанки, сиз ҳам... – афтидан, шу пайт кўзи Раппнинг чириган тумшугига тушдим, тугилиб қолди. – Э-э... Ҳа. Ҳарҳолда, умид қиламанки, сиз унчалик қийналганингиз йўқ. Хизмат?...

– Мен мана бу жанобни олиб келдим, – деди Рапп. – Сиз билсангиз керак, бу жаноб...

Ва Рапп мен ҳақимда обдон гапира бошлади. Назаримда, у ўзининг мана шу тушунтиришлари орқали руҳонийга охириги пайтларда жуда муҳим ишлар билан бандлиги учун ибодатхонага келолмаганини билдирди.

– Шу ўринда сиздан бу жанобга ибодатхонани кўрсатишингизни илтимос қилган бўлардим.

Руҳоний илтифотли табассум қилиб мен билан сўрашди, сўнг индамасдан бизни залнинг олд қисмида жойлашган меҳроб ёнига бошлаб борди.

– Мен бажонудил сизга ҳамма нарсани кўрсатаман, – деди у, – лекин сиз ўйлаганча фойдам тегмаслигидан кўрқаман. Биз диндорлар мана бу меҳробдаги “ҳаёт дарахти”га сиғинамиз. Кўриб турганингиздек, “ҳаёт дарахти”да олтин ва зангор мевалар етилади. Олтин рангилари “яхшилиқ мевалари”, зангорилари эса “ёмонлик мевалари” деб аталади...

Унинг гапларини эшитган сари зерика бошладим. Руҳонийнинг илтифот билан сўзлаётганлари худди эски, сийқаси чиққан ҳикояларга ўхшаб кетарди. Турган гапки, мен ўзимни унинг битта сўзини ҳам қўймай тинглаётгандай кўрсатар, аммо вақти-вақти билан атрофга ҳам билдирмай кўз ташлаб, ибодатхонанинг ички тузилишини томоша қилардим.

Коринф устунлари, готика услубидаги гумбазлар, нақшли мавританча фаршлар, замонавий услубда ишланган ибодат столлари – ҳаммаси бир бўлиб, қанақадир ғалати бир жоҳилларча гўзаллик ҳосил қилгандай таассурот қолдирарди. Ҳаммасидан кўпроқ менинг эътиборимни тортгани меҳробнинг икки тарафида жойлашган тоқчалар ичидаги тош ҳайкалчалар бўлди. Негадир менга бу тасвирлар танишдай туюлди. Мен адашмаган эканман. “Ҳаёт дарахти” ҳақидаги тушунтиришлар яқун топгач, мункайган руҳоний мен билан Раппни ўнгдаги биринчи тоқча томон бошлаб бориб, ичидаги ҳайкалга қараб деди:

– Мана бизнинг авлиёлардан бири – Стринберг, у ҳаммага қарши чиққан. Айтишларича, бу авлиё жуда кўп ва узоқ азоб чеккан, кейин эса Сведенборг фалсафасидан нажот топган. Аммо аслини олганда у қутулиб қолмаган. Худди биз каби у ҳам “тириклик дини”га эътикод қилган.

Аникроғи, унинг шу динга эътиқод қилишига тўғри келган. Бу авлиё бизга қолдирган биргина ривоятларини олиб қарайлик. Уларда авлиё ўзининг жонига қасд қилгани ҳақида айтиб кетган.

Гапларидан юрагим сиқилиб, кейинги тоқчага кўз ташладим. Кейинги тоқчада қалин мўйловли немиснинг бюсти ўрнатилган экан.

– Бу эса Ницше, Зардуштийлик (Заратустра) куйчиси. Бу авлиёга ўзи яратган энг аъло одамдан қутулиш учун йўл ахтаришга тўғри келган. Бироқ у қутула олмай ақлдан озган. Балки у авлиёлар сафига тушиб қолмасди, агар...

Рухоний бироз сукут сақлаб, бизни учинчи тоқча ёнига бошлаб келди.

– Бизнинг учинчи авлиёмиз Толстой. Бу авлиё ўзини ҳаммадан кўп қийнаган. Гап шундаки, унинг келиб чиқиши аслзода бўлган ва азоб-уқубатларини ҳар нарсага қизиқаверадиган оломон олдида намоён этишни ўзига эп билмаган. Бу авлиё ҳеч ишониш мумкин бўлмаган Исо (Христос) га ўзини ишонтиришга роса ҳаракат қилган. Ҳатто шундай ҳолатлар бўлганки, у ишониши ҳақида ошқора эълон қилган ҳам. Умрининг охирида эса барчанинг олдида фожиавий ёлғончи шахс бўлиб кўринишга унинг тоқати қолмаган. Ҳаммага маълумки, бу авлиё ҳам баъзан хонаси шифтидаги устунларга қараб туриб даҳшатга тушган. Аммо у ўз жонига қасд қилмади – буни унинг авлиёлар сафига кириб қолганидан ҳам билиш мумкин.

Тўртинчи тоқчада бир япон манаман деб турарди. Бу японнинг юзига яхшилаб разм солиб уни танигач, қутилгандай маъюсланиб қолдим.

– Бу Куникида Доппо, – деди рухоний. – Ишчилар кўнглини чуқур тушунган, поезднинг тагида қолиб ўлган шоир. Ўйлайманки, сизга у ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бешинчи тоқчага назар солинг...

– Бу Вагнер бўлса керак?

– Ҳа. Қиролнинг дўсти бўлган инқилобчи. Авлиё Вагнер ҳатто жамоат ибодатларини ҳам олиб борган. Лекин барибир у насроний динидан кўра “тириклик дини”га сиғинувчилар издоши бўлган. Унинг хатларидан аён бўлишича, фоний дунё азоб-уқубатлари уни ҳам бир неча марта ўлим ҳақида ўйлашга мажбур қилган.

Рухоний ҳали Вагнер ҳақида гапиришни тугатмасидан биз олтинчи тоқча ёнига бордик.

– Бу энди авлиё Стриндбергнинг дўсти бўлмиш француз мусаввири. У ўзининг хотини ва болаларини ташлаб, ўн тўрт ёшли таитяликка уйланган. Унинг томирларида денгизчининг қони оққан. Аммо унинг лабларига қаранг. Заҳарли маргимуш таъсирида уларга яра тошган. Энди еттинчи тоқчага келсак... Аммо сиз чарчаганга ўхшайсиз. Марҳамат қилиб, бу ёққа юринг.

Мен ҳақиқатдан чарчагандим. Рапп иккимиз рухонийга эргашганча муаттар исли коридор бўйлаб юриб ўтиб, қандайдир бир хонага кирдик. Хона кичкина, бурчакда қад ростлаган қора Венера ҳайкали остида бир шингил узум ётарди. Мен ҳеч қанақа безакларсиз одми роҳиблар хужрасини кўраман, деб кутганим сабаб эсанкираб қолдим. Ўйлашимча, рухоний менинг ажабланганимни пайқади. Бизга ўтиришни таклиф қилишдан олдин ҳамдардлик билан деди:

– Илтимос, унутманг, бизнинг динимиз бу – “тириклик дини”. Бизнинг Худомиз... бизнинг “ҳаёт дарахти” миз: “Кўнглингиз тусаганча яшанг” деб ўргатади. Ҳа-я, жаноб Рапп, сиз бу жанобга муқаддас китобларимизни кўрсатиб бўлдингизми?

– Йўқ, – жавоб берди Рапп бошидаги ликопчасини кашлаб ва икром бўлди: – Очиғини айтсам, ўзим ҳам яхши ўқиганим йўқ.

Рухоний доимгидек хотиржам жилмайиб, давом этди:

– Унда, табиийки, сизга ҳали ҳаммаси тушунарли эмас. Бизнинг Худомиз борлиқни бир кунда яратган. (“Ҳаёт дарахти” дарахт бўлишига қарамай, унинг учун мумкин бўлмаган нарса йўқ.) Бунинг устига, у модани ҳам яратган. У зерикиб қолиб, нарни ахтаришга тушган. Бизнинг Худомиз моданинг ҳасратига кулоқ тутган ва унинг миясини олиб, ундан нарни ясаган. Бизнинг Худомиз бу қаппалар жуфтлигига шундай деган: “Тўйиб энг, қовушининг, кўнглингиз тусаганча яйраб яшанг...”

Рухонийнинг гапини эшитиб, шоир Токкни эслардим. Бахтга қарши шоир Токк ҳам менга ўхшаб Худога ишонмасди. Мен қаппа эмасман, шунинг учун “ҳаёт дарахти” ҳақида тушунчага эга эмасдим. Аммо туғилганидан ўлгунича сувошти мамлакатида яшаб ўтган Токк “ҳаёт дарахти”нинг нима эканини билмаслиги мумкин эмасди. Мен мана шу таълимотни қабул қилмаган Токка ачиндим ва рухонийнинг гапини бўлиб, ундан бу шоир ҳақидаги фикрини сўрадим.

– Ҳа-а, бу шоир ҳар қанча ачинишга лойиқ, – деди рухоний хўрсиниб. – Бизнинг моҳиятимиз нимада? Ишонч, ҳолат, вазият. Сиз, эҳтимол, бу ерга ирсиятни ҳам қўшиб қўясиз. Бахтга қарши, Токк динни тан олмасди.

– Менимча, Токк сизга ҳавас қилган. Мана, мен ҳам ҳавас қиляпман. Ёшлар ҳам, мана масалан, Рапп...

– Балки тумшуғим бутун бўлганида, мен ҳам ҳаётбахш бўлармидим.

Рухоний яна чуқур хўрсинди. У кўзлари ёшга тўлганча қимир этмай, қора Венерага тикиларди.

– Агар тўғриси айтсам... – деди у. – Фақат буни ҳеч кимга айтманг, бу менинг сирим... Тўғриси айтсам, мен ҳам ўзимизнинг Худога ишона олмайман. Қачонлардир менинг ибодатим...

Рухоний тугатишга улгурмади. Худди шу пайтда эшик катта очилиб, бир баҳайбат мода қуюндай ёпирилиб кирди-да, унга ташланди. Биз уни тўхтатиб қолишга уриндик, аммо у бир лаҳзада рухонийни полга йикитди.

– Эҳ, сен ярамас чол! – бақирди у. – Бугун яна ҳамёнимдан ичиш учун пул ўғирладингми?!

Орадан ўн дақиқача вақт ўтганда биз рухоний ва унинг хотинини орқада қолдириб, ибодатхона зиналаридан югургилаб тушардик. Бир қанча вақт биз жим кетдик, кейин Рапп сўзга кирди:

– Рухоний сўзини нега “ҳаёт дарахти”га ишонмаслиги энди тушунарли.

Мен жавоб бермадим. Беихтиёр ибодатхонага қайрилиб қарадим. Ибодатхона илгаригидек ўзининг баланд миноралари ва думалок гумбазлари билан сон-саноксиз бармоқлардай туманли осмонга бўй чўзиб турарди. Ундан худди чўлдаги саробнинг таъсири каби ваҳима уфурарди...

15

Тахминан бир ҳафталардан сўнг мен шифокор Чаккдан ғаройиб хабар эшитдим. Токкнинг уйида арвоҳ пайдо бўлганмиш. Ўша пайтда бахтсиз дўстимизнинг маъшуқаси қаергадир кетган, уйида эса фотостудия очилган эди. Чаккнинг сўзларига қараганда, бу студияда олинган барча суратларнинг ортида Токкнинг шарпаси ғира-шира кўриниб тураркан. Бироқ Чакк бутунлай моддиюнчи бўлгани учун нариги дунё борлигига ишонмасди. Буларнинг ҳаммасини гапириб бўлгач, у захарханда тиржайиб

шарҳлашга тушди: “Ушбу арвоҳ сиз билан мен каби моддий бўлса керак-да”. Арвоҳларга ишонмаслик борасида менинг ҳам Чаккдан фарқим йўқ эди. Лекин мен Токкни яхши кўрардим, шунинг учун дарҳол китоб дўконига югуриб бориб, Токк ва унинг арвоҳи ҳақидаги мақолалар ҳамда унинг шарпаси туширилган расмлар чоп этилган барча газета ва журналларни сотиб олдим. Ҳақиқатдан ҳам қарию ёш каппалар расмларида уларнинг орқа тарафидан каппа қомагига ўхшаш ғира-шира шарпа сезилиб турарди. Расмлардан кўра кўпроқ Токкнинг арвоҳи ҳақидаги мақолалар, айниқса, спиритизм билан шуғулланувчи бир жамиятнинг ҳисоботи мени ҳайратга солди. Мен бу мақолани деярли сўзма-сўз таржима қилгандим, куйида хотирамда қолганини келтираман.

“Токкнинг арвоҳи билан суҳбат ҳақидаги ҳисобот (Спиритик жамият журнали” №8274).

Ўз жонига қасд қилган Токкнинг собиқ қароргоҳи – ҳозирги жаноб фалончининг фотостудияси – 251-уйда бўлиб ўтган жамиятимиз ҳайъатининг махсус йиғилиши.

Биз, жамиятнинг ўн еттита аъзоси, раисимиз жаноб Пэкк бошчилигида йигирма еттинчи сентябрь куни соат ўндан ўттиз дақиқа ўтганда тилга олинган фотостудиянинг бир хонасига йиғилдик. Медиум сифатида биз чексиз ишончимизни қозонган бошқарувчи Хопп хонимни сайладик. Хопп хоним тилга олинган студияга кириши билан руҳнинг яқинлашиб келаётганини сизди. Уни тутқаноқ тута бошлади ва бир неча марта қайт қилди. Унинг айтишича, бу ҳолат марҳум жаноб Токк ҳаётлигида тамакига қаттиқ ружу кўйган бўлиб, энди унинг руҳига ҳам никотин сингиб кетгани билан изоҳланар экан.

Комиссия аъзолари ва Хопп хоним думалоқ стол атрофидаги жойларини жимгина эгаллашди. Уч дақиқаю йигирма беш сония ўтиб, Хопп хоним бирданига чуқур қарахтлик ҳолатига тушди ва шоир Токкнинг руҳи унинг танасига кирди. Биз комиссия аъзолари ёшимизга қараб навбатма-навбат Хопп хонимнинг танасига кириб олган жаноб Токкнинг руҳига куйидаги саволларни бердик:

Савол: Сен нега яна бу дунёга қайтдинг?

Жавоб: Вафотимдан кейинги шон-шуҳратимни билиш учун.

Савол: Сен ва бошқа руҳлар вафотингиздан кейин ҳам шон-шуҳрат истайсизларми?

Жавоб: Ҳарҳолда, мен бу чанқоқдан йироқ эмасман. Аммо мен қайсидир куни учратиб қолганим бир япон шоири ўлимдан кейинги шон-шуҳратдан нафратланарди.

Савол: Сен бу шоирнинг исмини биласанми?

Жавоб: Афсуски, у эсимдан чиққан. Фақат унинг бир сеvimли шеърини хотирлайман.

Савол: Бу қандай шеър экан?

Жавоб: Эски ҳовуз. Сувга қурбақа сакрайди. Жимжитликда “шалоп” этган овоз.

Савол: Сенингча, бу буюк асарми?

Жавоб: Албатта, мен уни ёмон деб ҳисобламайман. Фақат мен “қурбақа” сўзини “каппа” сўзига алмаштирардим, “сакради”нинг ўрнига эса “ажойиб парвоз этди” деган иборани ишлатардим.

Савол: Нима учун?

Жавоб: Ҳар қандай санъат асаридан каппани топишга астойдил ҳаракат қилиш биз каппаларга хос.

Шу ерда жамият райси жаноб Пэкк суҳбатни тўхтатиб, ҳайъат аъзоларига улар адабий мунозарада эмас, рухий томошада ўтиришганини эслатиб қўйди.

Савол: Жаноб руҳларнинг ҳаёт тарзи қандай?

Жавоб: Сизниқидан ҳеч фарқ қилмайди.

Савол: Унда сен ўз жонингга қасд қилганингдан афсусланасанми?

Жавоб: Йўқ-да. Агар арвоҳ бўлиб яшаш ҳам жонимга тегса, мен яна тўппончани оламан-да, умрни ўз жонимга ҳаёт ато этиш билан тугатаман.

Савол: Ўз жонига ҳаёт ато этиш осонми?

Бу саволга Токкнинг арвоҳи савол билан жавоб берди. Токкнинг бу усули уни таниган барчага маълум эди.

Жавоб: Ўз жонига қасд қилиш осонми?

Савол: Руҳлар умри боқийми?

Жавоб: Бизнинг ҳаётимиз давомийлиги масаласига келсак, бу ҳақида жуда кўп назариялар мавжуд, лекин улардан бирортасига ҳам ишониш қийин. Эсдан чиқармаслик керакки, бизнинг орамизда ҳам хилма-хил – насронийлик, буддавийлик, мусулмон, оташпарастилик каби динлар тарафдорлари бор.

Савол: Сен қайси динга сиғинасан?

Жавоб: Мен ҳамиша скептикман¹.

Савол: Лекин, афтидан, сен руҳнинг борлигига шубҳа қилмасанг керак?

Жавоб: Мен руҳлар мавжудлигига сиздан кўра камроқ ишонаман.

Савол: Ўз оламингда дўстларинг кўпми?

Жавоб: Ҳамма замонлар ва барча халқлар орасида уч юздан кам эмас.

Савол: Сенинг барча дўстларинг ўз жонига қасд қилувчиларми?

Жавоб: Асло ундай эмас. Тўғри, масалан, ўз жонига қасд қилишни ёқловчи Монтень менинг энг ҳурматимга сазовор дўстларимдан бири. Анали пессимист, ўз жонига қасд қилолмаган Шопенгауэр деган нусхани мен билишни ҳам хоҳламайман.

Савол: Шопенгауэр саломатми?

Жавоб: Айни пайтда у ўзининг янги шогирдининг орқасидан елиб-югуриб, пессимистик руҳда умрни ўз жонига ҳаёт ато этиш билан тугатиш яхшими ёки ёмонлигини аниқлаштириб юрибди.

Кейин биз, ҳайъат аъзолари, Наполеон, Конфуций, Достоевский, Дарвин, Клеопатра, Шақя Муни, Данте ва бошқа буюк шахслар руҳлари ҳақида саволлар бердик. Бироқ Токк улар ҳақида, афсуски, ҳеч қанақа қизиқарли маълумот бермади, ўз навбатида бизга ўзи ҳақида саволлар бера бошлади.

Савол: Ўлимимдан кейин мен тўғримда нима дейишяпти?

Жавоб: Қанақадир бир танқидчи сени “ўртамиёна шоирлардан бири” деб атабди.

Савол: Бу мен шеърый тўпламимни совға қилмаганим учун хафа бўлиб юрганлардан бири. Асарларимнинг тўлиқ тўплами нашрдан чиқдими?

Жавоб: Нашр этилган, айтишларича, деярли олишмаяпти.

Савол: Уч юз йилдан сўнг муаллифлик ҳуқуқи тушунчаси йўқолганда менинг асарларимни миллионлаб одамлар сотиб ола бошлайди. Айтгандай, модам ва маъшукамга нима бўлди?

Жавоб: У китоб дўкони хўжайини жаноб Ракка турмушга чикди.

Савол: Бечорагина, у ҳали Раккнинг кўзи ясама эканини билмаса керак. Болаларим-чи, яхши юришибдимми?

¹ С к е п т и к – ҳамма нарсага шубҳа билан қаровчи шахс.

Жавоб: Улар болалар уйида бўлса керак.

Токк бир қанча вақт жим қолди-да, кейин навбатдаги саволини берди.

Савол: Уйимга нима бўлди?

Жавоб: Ҳозир у ерда қайсидир бир фотографнинг студияси жойлашган.

Савол: Иш столим қаерда?

Жавоб: Биз билмаймиз.

Савол: Стол ғаладониди мен айрим хатларни яшириб қўйганман...

Аммо, жаноблар, бахтимга жуда банд инсонларсиз, сизларга бунинг ҳеч алоқаси йўқ. Энди эса бизнинг оламда кун ботяпти, мен сизлар билан хайрлашишга мажбурман. Алвидо, жаноблар, алвидо! Алвидо, менинг азиз жанобларим!

Мана шу охирги сўзлар айтилган пайтида Хопп хонимнинг қарахтлиги тарқаб, ўзига келди. Биз, барчамиз, ўн еттита ҳайъат аъзолари Худони ўртага қўйиб, юқорида бўлиб ўтган суҳбатнинг ҳақиқатдан ҳам ростлигини тасдиқлаймиз. (Илова: бизнинг ҳар қандай ишончимизга лойиқ Хопп хоним аввал кун давомида актрисалик қилиб топган пулини биздан мукофот сифатида олди.)”

16

Ушбу мақолани ўқигач, аста-секин маъюслана бошладим, бу мамлакатда қолишни ортик истамасдим, қандай ўзимизнинг дунёга, инсонлар дунёсига қайтиш ҳақида ўйлардим. Қачонлардир йикилиб, шу ерга тушиб қолганим ўша чуқурни ахтариб топишга уриндим. Бир куни балиқчи Багг гап орасида менга сувости мамлакатининг қайсидир бир чекка жойида ёлғизлик ва жимжитликда кунларини китоб ўқиб ва най чалиб ўтказадиган қари бир каппа яшаши ҳақида гапириб берганди. “Шу каппага мурожаат қилсам қандай бўларкин?” деб ўйлаб қолдим. Яна ўйладимки, “Балки у менга бу мамлакатдан чиқиб кетиш йўлини кўрсатар”. Ўша заҳотиёқ шаҳар четига йўл олдим. Аммо қутидеккина хужрада мен қари чолни эмас, бошининг устида юмшоқкина ликопчаси бор ўн икки-ўн уч ёшлар агрофидаги навқирон каппани кўрдим. У сокингина най чалиб ўтирарди. Табиийки, мен адашиб бошқа уйга келиб қолдим, деб ўйладим. Текшириб кўриш учун унга Багг айтган исм билан мурожаат қилдим. Йўқ, бу ўша қари каппа экан.

– Лекин сиз худди ёш боладай кўринаркансиз, – ғўлдирадим.

– Сен буни билмовмидинг? Тақдир тақозоси билан мен онамнинг қорнини оқсоч чол бўлиб тарк этганман. Кейин йил ўтган сари ёшаравердим, ёшаравердим, мана, энди кўриб турганингдек, ёш болага айланиб қолдим. Аслида эса туғилган пайтимда мен олтмиш ёшларда эдим, ҳозир ёшим юз эллик, юз олтмишлар чамаси бор.

Хонага кўз югуртирдим. Эҳтимол, бу кайфиятим билан боғлиқдир, лекин назаримда бу ердаги оддий стол-стуллар орасидан қандайдир бир тиниқ бахт уфуриб турганга ўхшарди.

– Ўйлашимча, сиз бошқа каппаларга нисбатан бахтлироқ яшайсиз.

– Бўлиши мумкин. Мен ёшлигимда қария эдим, қариганимда эса ёшардим. Қондирилмаган хоҳиш-истаклардан мен бошқа чолларга ўхшаб қуриб қолмадим ва ёшлар каби шаҳвоний эҳтиросларга эрк бераётганим йўқ. Ҳарҳолда, менинг ҳаётим жуда бахтли бўлмаса-да, тинч ва осуда ўтди, деб ўйлайман.

– Ҳа, бунақа ҳолатда ҳаётингиз тинч-осуда бўлиши керак.

– Лекин шунинг ўзи ҳали хотиржамлик учун етарли эмас. Бир умр

менинг соғлигим жуда зўр, оч қолмаслик учун бойлигим ҳам етарли эди. Аммо, албатта, менинг ҳаётимдаги энг бахтли ҳодиса бу – қария бўлиб туғилганим.

Биз бир мунча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Ўзининг жонига қасд қилган Токк, ҳар қуни уйига шифокор чақирадиган Гэр ҳақида гаплашдик. Лекин негадир қари қаппанинг юзида бу гапларга қизиқиш ифодаси кўринмади. Охири мен сўрадим:

– Назаримда, сиз бошқа қаппалар каби ҳаётга унчалик боғланмаганга ўхшайсиз.

Қари қаппа юзимга қараб туриб сокин жавоб берди:

– Мен бошқа қаппалар сингари отам дунёга келишни хоҳлаш-хоҳламаслигим ҳақида сўрашидан олдин онамнинг қорнини тарк этмаганман.

– Мен эса бу дунёга мутлақо тасодифан келиб қолдим, – дедим мен. – Шунинг учун, марҳамат қилиб менга қандай қилиб бу ердан чиқиб кетишим мумкинлигини айтсангиз.

– Фақат биргина бу ердан кетиш йўли бор.

– Қандай йўл экан?

– Бу ерга қайси йўлдан тушиб қолган бўлсанг, худди ўшандай.

Бу гапни эшитиб, тепа сочим тикка бўлди.

– Бу йўлни топишим амримахол, – ғўлдирадим.

Қари қаппа менга булоқ сувидек тип-тиник кўзлари билан тикилди. Сўнг ўрнидан туриб, хонанинг бурчагига борди-да, шифтда осилиб турган арқонни олди. Ўша заҳоти илгари эътиборим тушмаган думалоқ шаклдаги туйнук очилди. Бу туйнукдан қарағай ва сарв шохлари устидаги бепоён, мусаффо, кўм-кўк осмонни кўрдим. Осмонга эса Яригатакэ чўққиси улкан камон ўқининг найзаси сингари қадалиб турарди. Қувонганимдан худди аэропланни кўрган боладай ирғишладим.

– Ана, – деди қари қаппа. – Кетишинг мумкин.

У гапига туриб арқонга ишора қилди. Лекин бу илгари ўйлаганимдек арқон эмас, арқондан ясалган нарвон эди.

– Хўп майли, – дедим мен. – Рухсатингиз билан энди борай.

– Фақат олдин ўйлаб кўр. Кейин яна афсусланиб юрмагин.

– Ҳечқиси йўқ, – дедим. – Афсусланмайман.

Мен нарвонга тирмашиб кетаётганим, пастга қараб, узоқдан қари қаппанинг бошидаги ликопчани кўрдим.

17

Сувости мамлакатидан қайтиб, анча пайт инсон терисининг ҳидига ўрганомай юрдим. Ахир қаппалар бизга нисбатан тозаликни ниҳоятда яхши кўришади. Буям камдай, мен атрофимда фақат қаппаларни кўришга ўрганиб қолибман, шунинг учун инсонларнинг юзи менга жуда хунук кўринарди. Эҳтимол, сиз буни тушуна олмасиз. Майли, кўз ва оғиз кабиларига чидаса бўлар, лекин уларнинг бурунлари мени қандайдир бир тушунарсиз даҳшатга соларди. Табиийки, биринчи пайтларда мен ҳаммадан ўзимни олиб қочиб юрдим. Кейин, афтидан, аста-секин одамларга кўника бошладим, орадан ярим йил ўтиб эса ҳамма жойга бора оладиган бўлдим. Гоҳ-гоҳ сувости мамлақати жонзотлари тилидаги сўзлар оғзимдан чиқиб кетишигина менга кўнгилсизлик келтирарди. Тахминан мана бундай:

– Эртага уйда бўласанми?

– Qua.

– Нима дединг?

– Ҳа, ҳа, бўламан.

Қайтганимдан сўнг бир йил ўтиб мен бир чайқовчилик туфайли бор-йўғимдан айрилдим, шунинг учун...

(Шу ерга келганда шифокор С. гап қотди: “Бу ҳақида гапириш шарт эмас”. У бемор бу ҳақида гапира бошласа, қаттиқ жазавага тушиши, бундай пайтда унга ҳатто қоровулларнинг бир нечтаси ҳам бас келолмаслигини маълум қилди).

Яхши, бу ҳақда гапирмай. Хуллас, бир чайқовчилик туфайли мен хонавайрон бўлиб, яна сувости мамлакатига қайтмоқчи эдим. Ҳа, айнан қайтмоқчи эдим. Бормоқчи эмас, жўнамоқчи эмас, айнан қайтмоқчи эдим. Чунки ўша вақтга келиб сувости мамлакатини мен ўз ватанимдай ҳис эта бошлагандим. Секингина уйдан чиқиб, Марказий йўналишдаги поездга чиқишга ҳаракат қилдим. Афсуски, мен полициячилар кўлига тушдим ва мени мана шу шифохонага келтириб тикишди. Аммо мен бу ерда ҳам бир қанча вақт сувости мамлакатини соғиниб юрдим. Ҳозир шифокор Чакк нима қилаётган экан? Файласуф Магг-чи? Илгаригидек етти рангли фонусининг остида мулоҳаза қилиб ўтирган бўлса керак. Тумшуғи чириган меҳрибон дўстим талаба Рапп-чи? Худди бугунгидек туманли кунларнинг бирида, одатдагидай, дўстларимни эслаб, ўз хотираларим оғушида ўтиргандим, бирданига балиқчи Баггни кўриб қолиб, ҳайратдан бақириб юбораёздим. Қандай қилиб у олдимга кирди, билмайман, лекин у кўз олдимда чўккалаб ўтирганча менга таъзим қилиб, сўрашарди. Сал ўзимга келганимда... йиғладимми ё кулдимми, эслай олмайман. Фақат эсимда қолгани, узоқ танаффусдан кейин биринчи марта қанчалар хурсандчилик билан каппалар тилида гаплашганим.

– Багг, менга қара, бу ерга нега келдинг?

– Сизни кўргани. Айтишларича, тобингиз қочганмиш.

– Қаердан билдинг?

– Радиодан эшитдим.

– Бу ерга қандай етиб келдинг?

– Нима десам, бу иш қийин эмас. Токионинг дарё ва чуқурликлари биз каппалар учун кўчадай гап.

Шу пайтда худди ҳозир билиб қолгандай эсимга тушди, ахир каппалар қурбақалар каби ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи жонзот синфига мансуб-ку.

– Лекин бу яқин орада ҳеч қандай дарё йўк-ку?

– Йўк. Мен бу ерга сув қувурлари орқали етиб келдим. Бу ерда эса мен ёнғин қувурини очдим.

– Ёнғин қувурини очдинг?

– Нима, сиз унутдингизми, жаноб? Ахир каппаларда ҳам механиклар бор.

Каппалар ҳар икки-уч кунда мендан хабар олиб туришди. Шифокор С. мени dementia праесох билан касалланган, деб ҳисоблайди. Аммо шифокор Чакк (очиқ айтганим учун кечиринг) таъкидлашича, менда ҳеч қандай dementia праесох йўк, ўзларинг, шифокор С. дан бошлаб ҳаммаларинг dementia праесохга чалингансизлар. Табиийки, шифокор Чакк ёнимга келган экан, талаба Рапп ва файласуф Магг ҳам мени йўқлаган. Бироқ балиқчи Баггдан ташқари бирортаси кундузи ёнимга келмаган. Улар

иккита, учта бўлишиб, доим тунда, ойдин кечаларда келишади. Мана, кеча кечаси ҳам мен ой нури остида шиша фирмаси директори Гэр ва файласуф Магг билан суҳбатлашдим. Бастакор Крабак эса менга скрипка чалиб берди. Столдаги мана бу қора лолагулдан тузилган гулдастани кўряписизми? Буни кеча тунда менга Крабак совға қилди...

(Мен бурилиб қарадим. Стол устида ҳеч қанақа лолагул йўқ, стол бўм-бўш эди). Мана бу китобни менга файласуф Магг олиб келган. Бошидаги шеърларни ўқиб кўринг. Умуман олганда, кераги йўқ. Сиз уларнинг тилини билмайсиз-ку. Келинг, ўзим сизга ўқиб бераман. Бу Токкнинг яқиндагина нашр этилган тўла асарлар тўпламининг жилдларидан бири.

(У эски телефон дафтари очиб, қуйидаги шеърни овоз чиқариб ўқиди:)

*Бамбуклар ичра кокос гулларига бурканиб
Будда аллақачон жон таслим қилган.
Ва қуриган қари анжир дарахти тагида
Чарчаган Исо-да ётибди ўлиб.
Ором вақти етмадими энди бизга ҳам
Лоақал шу театр сахнасида?*

(Лекин сахна ортига кўз ташласак, у ерда фақат ямалган бўз матоларни кўришимиз мумкин!) Аммо мен манави шоирдек пессимист эмасман. Ҳа, ҳали менинг олдимга каппалар келиб турар экан... Дарвоқе, мутлақо ёдимдан кўтарилибди, Сиз дўстим ҳакам Бэппни эсласангиз керак. Гап шундаки, бу каппа иш жойидан айрилиб, ростакамига ақлдан озди. Айтишларича, у сувости мамлакатиди руҳий касалликлар шифохонасида экан. Эҳ, агар менга шифокор С. рухсат берганида борми, жоним билан ундан хабар олгани бориб келардим.

*Рус тилидан
Ойдин НИСО таржимаси*





СУВ ҲАМ МЕНИ ЁНДИРАР

Баётилар озарбайжон халқ оғзаки ижодининг энг нодир, латиф ва бой жанридир.

“Баёти” сўзи туркийларнинг қадимий баёти уруғи номидан келиб чиққан. Баётилар ўғуз турклари бўлиб, улар Озарбайжон, Ироқ, Эрон, Дамашқ, Туркменистон ва Туркияда яшайдилар. Турк асотирларида баётилар Ўғузхоннинг набираси Баётнинг аждодлари саналади. Дада Қўрқут, Фузулий шу уруғдан ҳисобланадилар.

Баёт сўзининг маъноси “бахтли”, “бой” ва “хайрли” деб англанади. Баёти атамаси қатор жой номларида учрайди, шунингдек, озарбайжон мақомларининг бири ҳам “Баёти Шероз” дея номланган. Қорабоғ хонлиги асосчиси Паноҳ Али-хон барпо эттирган қалъа ҳам Баёт қалъаси аталади.

Лирик-фалсафий мазмунга эга бўлган баётилар тўрт қаторли, етти бўғинли шеърлардир. Унинг биринчи ва иккинчи сатри ўқувчини тайёрлаш вазифасини бажаради. Асосий фикр эса учинчи ва тўрттинчи сатрда ривожланади ва яқунланади. Баётиларда метафоралар, сўз ўйинлари кўп учрайди.

Таржимон

ОЗАРИЙ БАЁТИЛАР

* * *

О, кушлар, оға кушлар,
Кўнибди боға кушлар.
Дарахтларни кесдилар,
Учишди тоға кушлар.

* * *

Дарахтда хазон йиғлар,
Тагида гўзал йиғлар.
Ёрдан айрилган ошиқ
Саргардон кезар. Йиғлар...

* * *

Йиғларман йиғлар каби,
Дардим бор тоғлар каби.
Хазон бўлдим, тўкилдим –
Шовуллаб боғлар каби.

* * *

Олчалар, ай, олчалар.
Яшил чалар, ол чалар...
Қабримни чуқур казинг –
Душман кўрар, кўл солар.

* * *

Ай, замона, замона,
Ўқни кўйдинг камона.

Эшаклар арпа ейди,
Отларинг зор сомона.

* * *

Омон фалак, дод фалак,
Ҳеч бўлмадим шод, фалак.
Менга тутган бодангдан
Ўзинг ҳам бир тот, фалак.

* * *

Обордилар гулимни,
Айладилар зулмни.
На сўзлашга кўйдилар,
На кесдилар тилимни.

* * *

Ошиқ, ночор йиғлама,
Кунлар кечар, йиғлама.
Фалак ёпик эшикни
Бир кун очар, йиғлама.

* * *

Булоқ боши туз бўлар,
Ён-атрофи киз бўлар.
Мен сени гул демайман,
Гулнинг умри оз бўлар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

* * *

Бу йўлдан ўтган яхши,
Йўлингга кетган яхши.
Кезмокқа – ғурбат ўлка,
Ўлмокқа Ватан яхши.

* * *

Бу йўлдан кетиб келмас,
Билмадим – нетиб келмас.
Бу дунёдан кетганлар
У ёқдан қайтиб келмас.

* * *

Бу нодон шартга урди,
Не ёмон вақтда урди.
Номард душманлар мени
Дўстдан йироқда урди.

* * *

Бундан бир отлиқ кетди,
Отин ўйнатди, кетди.
Қуёшдай шафақ сочди,
Ой каби ботди, кетди...

* * *

Бундан узок Ганжадир,
Зулфинг панжа-панжадир.
Ўлим осон – бир марта,
Айрилиқ – ўлгунчадир.

* * *

Ғунча эдим, гул бўлдим,
Бўй сочдим, сунбул бўлдим.
Бир тил билмас қуш эдим,
Севдиму булбул бўлдим.

* * *

Тоғлар боши туз боғлар,
Қирлари ялпиз боғлар.
Мени хотин тиғласа,
Яраларим қиз боғлар...

* * *

Тоғлар туман бўлди, кел,
Ҳолим ёмон бўлди, кел.
Бир ой кетаман девдинг,
Йиллар тамом бўлди, кел.

* * *

Тоғлардан қуш келарми?
Келса ҳам, бўш келарми?
Мен севсам ўзга олса,
Аллоҳга қуш келарми?

* * *

Қўлингга созга дўнсам,
Ғамзада, нозда ёнсам.
Бош қўйиб тиззанга, воҳ,
Қиш ётсам, ёз уйғонсам.

* * *

Кўкдан туман босадир,
Қабрим йўлинг устидир.
Бир оқшом кел ё сахар,
Кўрган десин: “Дўстидир...”

* * *

У ҳам мени ёндирар,
Бу ҳам мени ёндирар.
Куйдиму сувга тушдим,
Сув ҳам мени ёндирар.

* * *

Кел, қўйма дардга мени,
Ёр, кўр бир марта мени.
Номардга мухтож этма,
Сўйдиргин мардга мени.

* * *

Сочларингни ўрмаслар,
Сени менга бермаслар.
Кел, ўпай оқ юзингдан,
Кеча қаро – кўрмаслар.

* * *

Сув келар, оқиб кетар,
Тоғ-тошни йикиб кетар.
Дунё бир деразадир,
Ҳар келган боқиб кетар.

* * *

Хўроз бонг урганда кел,
Кўксим қон берганда кел.
Бемор бўлдим – келмадинг,
Энди жон берганда кел.

* * *

Узугинг тоши менман,
Устунинг қоши менман.
Ёр, дея ким йиғласа,
Кўзининг ёши менман.

*Озарбайжон тилидан Карим
БАҲРИЕВ таржималари*



Ёвдат ИЛЁСОВ

ОЛАЧИПОР АЖАЛ

Тарихий роман

Олтинчи ривоят

ЧЎПОН ВА ИЛОН

– Раносбат-э-эй! – саркарданинг чодирига кириш йўлини тўсиб турган, кашта тикилган пардани узун оёғи билан очар экан, завқланиб қичқирди Мехр-Бедод.

Форс икки сак асира қизларнинг сочини билакларига ўраб, уларни судраб келарди.

Қизлар чангалзорда овчи қўлга туширган ёш мода йўлбарслардек унинг оёқлари остида типирчилашар, бақиришар, тимдалашар ва тишлашарди. Мехр-Бедод уларни тинчитиш учун сочларидан силтаб тортар ва у ёндан-бу ёнга чайқалиб, кайф билан қаҳқаҳа уриб куларди.

– Раносбат-ов! Ҳой, Раносбат!

– Ҳов, Мехр-Бедод! – унга жавобан чийиллади Раносбат. – Кирсанг-чи! Қаерда қолиб кетдинг?

– Иккита какликни отиб олдим, ҳа-ҳа-ҳа!

– Какликни дейсанми? Бу ерга келтир уларни.

– Ёрдамлашиб юбор! Оғир улар. Оёқ тираб туриб олишмоқда...

Раносбат гандираклаб ташқарига чиқди. Ёшгина асираларни кўрган саркарданинг кўзлари шодликдан ўйноқлаб кетди. У от пойгасидаги томошабиндек қийқириб юборди:

– Во-ой! Мўъжиза-ку! Тилла йигитсан-да, Мехр-Бедод. Тилла йигитсан.

Форслар оёқлари чалкашиб, қоқилиб-суқилиб ва кулги аралаш сўқиниб, икковлашиб қизларни чодирга судраб киришди-да, бетартиб уйиб қўйилган жун ёпқичлар, кийим-кечак, юмшоқ эгар-жабдуқ, наMAT жул, каштадўзи ёпиқлар, бўш кўза ва идиш-оёқлар устига улоқтиришди.

... Аранха. Форслар қўшини ўн беш кун давомида эски карвон йўлини ёқалаб, кумтепалар орасидан, қуруқ жарликлар ичидан, нишаб дўнгликлар ўркачидан улкан илондек буралиб-буралиб, Марғдан буюк дарё томон ўрмалаб борарди.

Махсус гуруҳ кечув учун қулай жойни излаб, қирғокни кўздан кечириб, қароргоҳ атрофида кезиб юрар экан, отликлар ва пиёдалар дам олишарди.

Охири. Боши ўтган сонларда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

35

Йўлда кўшинга бўш чодир ҳам учрамади.

Марғдан йўлга чиқишдан олдин форслар гўёки Куруш Томрузнинг устига икки юз минг сара қиличбоз билан юриш қилмоқда, деган миш-миш тарқатишди. Аслида унинг навкарлари йигирма-йигирма беш минг нафардан зиёд эмасди, боз устига уларнинг орасида нафақат асл форслар, балки варканлар, парталар, мадлар, дахлар, марғлар ҳамда бобилликлар ҳам бор эди.

Туронга даҳшат солиш учун миш-миш тарқатилганди. Доим шундай қилинарди. Мурғоб билан Аранха оралиғида кун кечириётган бир қисм кўчманчилар даҳшатдан тумтарақай бўларди. Баъзилар шимолга – Хоразм тарафга кетса, айримлар шарққа – Аранха ортига йўл оларди.

Гов-Барува енгил отлиқларининг омади чошиб, сўл соҳилда нариги томонга ўтиб кетишга улгурмаган бир нечта хонадонни қўлга туширишди. Шоҳ қариялар ва гўдакларни Аранхага чўктиришни, балоғатга етган эркаклар ва ўспиринларга тамға босиб, ўғруққа жўнатишни, аёлларни эса кўшин бошлиқларига тақсимлаб беришни буюрди.

Икки нафар сак қизини Раносбатга совға қилди; Меҳр-Бедод ўшаларни келтирган эди.

– Эй, ухламаларинг! Чалларинг... – Раносбат кираверишда думалаб ётган икки маст хос соқчини тепиб уйғотди.

Улар мастлик билан маъюс минғирлаб ва ҳикичоқ тутиб, бир-бирининг елкасига тиралиб ўтириб олишди-да, чирманда ҳамда сурнайни титкилаб топиб, кўзларини очмай чалишга тутинишди. Бошлари гоҳ ўнгга, гоҳ чапга осилиб қолар, иккита қовоқ сингари бир-бирига уриларди.

Сурнай қалбларни ларзага солувчи бир хил баланд товуш чиқарарди.

Чирманда ҳам оҳанг ва усулсиз бадабангларди. Уни гўё чирмандакаш эмас, балки сонига ёпишиб олган сўнани ҳайдаш учун орқа оёғини силкитиб, гардишга тортилган терига тасодифан тегиб кетаётган мудроқ эшак чалаётгандек эди.

– Дуруст! – маъқуллаб кичқирди Раносбат. – Юз йил яшангу, бироқ сизларни хозироқ жин чалса ҳам майли. – У йиғлаётган қизлар томонга ўтирилди. – Қани, улоқчалар, рақс тушинглар-чи!

Асиралар бир-бирининг пинжига тикилиб, кираверишда ўтиришарди; титраб-қақшаб ўтирган бу қизлар чиндан ҳам бўрилар орасига тушиб қолган улоқчалардек дир-дир титрашарди.

– Кимга гапиряпман? – бақирди Раносбат. – Қани, ўйинга тушларинг! Ҳа, истамаяпсизларми? Меҳр-Бедод, таёғим қани?

Асиралар бошига таёқ ёғила кетди. Қизлар йиғлаб ўзларини ташқарига уришганди, Раносбатнинг чодир ёнидаги ўт устида зўр бериб ўйнаётган хос соқчилари оғушига бориб тушишди.

– Кўздан йўқотларинг! – ўқирди Раносбат. – Булар улоқмиди? Илон булар! Бир таъзирини берларинг... Эрталаб ўзим шуғулланаман.

Раносбатнинг амри билан Меҳр-Бедод янги кўзани очди. Ичишди. Яна ичишди. Яна ва яна, қайта-қайта ичишди. Раносбат чилимни олди-да, оташхонасини ёввойи наша уруғи ва япроғидан тайёрланган, тўқ яшил ботқоқ тупроғи рангидаги куруқ ва қаттиқ банг билан тўлдирди.

– Татиб кўрганмисан? – сўради у Меҳр-Бедоддан.

Йўқ, Меҳр-Бедод хаомани¹ ҳеч қачон татиб кўрмаганди. Оддий калқонбардор учун бу жуда қимматга тушадиган нарса эди. Раносбат уни

¹ Хаома – ўткир кайф берувчи ичимлик. (Мух.)

чирокдан ўт олдирди-да, виқор билан:

– Қандай қилиб тортишни кўриб қўй, – деди.

Бошлиқ чилимнинг учига лабини деярли теккизмай, ҳавони тутунга қўшиб шовқин билан сўрди. Бир неча бор қаттиқ-қаттиқ сўргач, йўтала бошлади ва тескари қараган қўйи, чилимни Мехр-Бедодга тутди. Чодир кўкиштоб чучмал тутунга тўлди.

Хаомани тўйгунча чекиб, иккаласи жимиб қолишди. Юзларидаги қизиллик аста-секин йўқолиб, терисининг ости захил тусга кирди. Кўзлари шишадек қотиб қолди. Кўз ости салқиланди.

Мехр-Бедоднинг боши айланди.

Пешонасини артмоқчи бўлиб қўлини қимирлатди.

Қуйида, олисда, зим-зиё жарликда тарикдек майда ғалати бир нарса йилт этди-да, тобора катталашиб, минг йиллар оша юқорига қараб ҳаракатланди.

Мана, у баданни жунжиктирадиган тарзда беун ўкириб, Мехр-Бедоднинг бакрайиб қолган кўзлари олдида тўхтади. У даҳшатли эди. Қоядек улкан, бармоқлари бобочинор танасидек йўғон эди.

Қалқонбардор тиришиб, ой томон қанот қоқиб кетди. У тиззаларини қорнига букиб, равон ўмбалоқ ошарди, ёнгинасида эса зангори оловдек товланиб, юлдузлар учиб юрарди.

Мехр-Бедод тўнғиб, тишлари такиллаб бошлади. Бу товушдан кўрқиб кетган ориқ қора мушукча жуни тикка бўлиб, форс йигитга даҳшат билан қаради-да, чодирнинг чокига тирмашиб, ҳеч қанақа тешик бўлмаган зулмат ичида кўздан йўқолди.

Ёнгинасида кимдир қиқирлаб кулди.

Мехр-Бедод ўзига келиб, кўзини очди-да, Раносбатни кўрди. Бошлиқ бармоғи билан Мехр-Бедоднинг кўкрагига ниқтарди. Унинг лаблари бемаъни, аҳмоқона кулгудан қийшайганди.

Қалқонбардорни қаттиқ кулгу тутди. У Раносбатнинг кўзига қараб, телбаларча қахқах урди ва худди шундай жавобни эшитди. Форслар наमत устида думалашарди. Бикинини чангаллашарди. Ични ўртайдиган шиддатли кулгудан бўғилишарди.

Кулиб бўлгач, итдек очиққанларини ҳис этишди.

Улар оқшомги зиёфатдан қолган овқатга очкўзлик билан ташланишди. Сиртлон сингари, қоринлари қуриллаб, сарқитни чайнаб, ямланган сўнгаларни қайта ямлашарди. Тўғри, дастурхон устига қусиб юборишди. Ётишдию қотишди-қўйишди.

Чирокни йиқитиб, чодирга ўт қўйиб юбормаганлари ҳайратга соларди кишини.

Алахсираб, Фаризодни кўрди. Йиғлаб, ўғлини унга узатарди. Гўдак эса, кўзларини чақчайтириб, Раносбатнинг овози билан тентакларча қахқах урарди.

– Эй, Мехр-Бедод ким?

Қалқонбардор инграниб, шишган қовоқларини аранг йириб, кўзини очди. Бечоранинг қўнгли айнир, бехузур бўлар, ичи бураларди. Вишуди илвиллаган, суяклари зирқирар, боши биринж қозондек ғувилларди. Кеча Раносбат сак қизларни эмас, Мехр-Бедодни калтаклагандек, қўл-оёғи оғрирди.

Дабдаласи чиққанди Мехр-Бедоднинг. Буткул дабдала бўлганди у.

У қусиб ташланган дастурхонга бокиб, чучмал хаома вужудига

сингдирган карахтликни эслаб жирканди. Оғир, шармандали иш қилиб кўйгандек уятдан ёнди.

– Мехр-Бедод сенми? – Қалқонбардорнинг олдида зарҳал ойболта кўтарган, мадлар либосидаги бўйчан жангчи турарди. Шоҳнинг хос соқчиси эди у.

Жангчи жиддийлик билан чиқишга имо қилди. Ўзини Куруш чорлаётганини Мехр-Бедод тушунди. Нима учун экан-а?

Шишиб кетган юзини рўмолча билан артди, ғижимланган кийимини амаллаб текислаган бўлди-да, ҳар қадамда қоқилиб, дим чодирдан чиқди. Чиқдию, найзага дуч келгандек, заиф фарёд қилиб, ўзини орқага ташлади.

Чодир олдида, ўчиб бўлган гулхан ёнида унга орқа ўгириб... Фаризод ўтирарди.

Хотинининг боши ўша хайрлашув кундагидек ғамгин эгилганди. Озгин елкалари титрарди. Яна йиғламоқда эди.

... Дам ўтмай у янглишганини фахмлади. Хотини бу ерда нима қилсин? У олисда, Ниссайяда-ку. Шунга қарамай, юраги хаприқиб, Мехр-Бедод гулхан томон отилди. Фаризод эмасди, албатта. Ангори хотинига ўхшамасди. Лой чапланган (қаерда уни судрашганикин?), чанг ва кулга ботган кечаги қизлардан бири эди.

– Нима қилиб ўтирибсан? – ириллади Мехр-Бедод қалбида пайдо бўлган ачиниш ҳиссини қўполлик билан босиб.

Қиз сўлғин юзига босиб турган қора қафтларини туширди-да, дароз форсга ошқора нафрат билан бокди. Тўсатдан сакраб туриб, ўткир тирноқли чангалини башарасига ботирмоқчидек, унга сапчиди.

– Нима қилиб ўтирардим? Кўрмаяпсанми нималигини? – бақирди у бўғик овозда. – Мараз! Худоё, сенинг хотинингни ҳам шунақа қилишсин.

Мехр-Бедод, яна хаома тутунини ютгандек бўзарди.

– Илон! – бақирди қалқонбардор ва таёғини силқитди. (Таёқсиз форсни ким ҳам кўрибди?) – Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман!

– Кўрсат! Худоё, сенинг хотинингни ҳам шунақа қилишсин!

– Ху, ярамас. – Мехр-Бедод таёғини беихтиёр туширди, тупуриб калтак еган одамдек, гулхандан нари кетди. Орқасидан шоҳнинг хос соқчиси вазмин қадам босиб келарди.

– Малъун! Қара-я? – кўз олдида келаётганлардан кутулишга уриниб, ғазаб билан ғўлдиради Мехр-Бедод. Бироқ ўлгур бу сак қиз йигитнинг таҳликага тушган юрагида олисдаги Фаризод сиймоси билан ақл бовар қилмас даражада қўшилиб кетаётганди.

Унинг хотини, орийнинг қизи Фаризодни сузонғич дашт эчкисига ўхшатиш уни таҳқирлаш билан тенг эди. Лекин бу ёввойи қиз кўз олдиндан кетмаса нима ҳам қила олардинг?

Миясида фикрлар чарх урарди.

Мехр-Бедод атрофга алангламас, шу боис хос соқчи билан дахлар гуруҳи олдида қандай ўтиб кетишганини сезмай қолганди. Ниссайяда гаровгонларни тутиб туриш зарурати қолмаганди – уларнинг барча қариндошлари ўзлари билан урушга ҳайдаб кетилганди. Болалар, аёллар ва кексаларгина гаровга олиб қолинганди.

Шунингдек, Мехр-Бедод ортидан қаттиқ қасос ўтини сочиб тикилиб қолган кўзларни ҳам сезмай қолганди.

Бу кўзлар муқаррар ўлимни башорат қиларди.

Бу кўзлар Гадаат исмли ёш даҳнинг кўзлари эди.

* * *

... Шоҳ билан Утана орасида эрталабдан яна аччиқ-тизиқ гап бўлиб ўтди. Куруш кечувни тезлаштиришни талаб қиларди. Дам олганимиз етади! Курушни безгак тутгандек, тезроқ қайсар сакларнинг таъзирини бергиси келарди.

“Ақлдан озган у, мутлақо ақлдан озган, – ғазаб билан ўйларди Утана. – Тўппа-тўғри бўрибосарнинг оғзига кириб бормоқчи. Шаҳаншоҳ, беҳуда шошилмоқдасан. Яхшилик келтирмайди бу ишинг”.

Ташида эса деди:

– Кўшиннинг деярли ярми барбарлар¹. Шунақа. Сен: “Ўлса – ўлаверсин! Қонини тўкиб бизга ғалаба келтирса бас,” – дединг. Начора. Ўлса ўлаверсин. Лекин уларни ақл билан нобуд қилиш керак! Нима бўлганда ҳам, дахлар, варканлар, парталар бизга таянч бўлади. Тадбиркор хожа асл аргумоқни ҳам, юк ташувчи хачирни ҳам авайлайди. Барбарлар сенга аскотиб қолади, ҳукмдор. Жуда бўлмаганда, бўлажак жангларда керак бўлади. Фикри ожизимча, Томруз билан яна бир гаплашиш керак. Балки, жангсиз ҳам амаллармиз? Эҳтимол, Томруз ўз ихтиёри билан итоат этар? Унинг ақли ўзига етарли. Манжаниқни чўп билан бузиб бўлмаслигини тушунади.

Утананинг мақсади не эди? Бунинг ўзи ҳам аниқ билмасди. У Томруз ўз ихтиёри билан тобелик изҳор этишини истамасди. Бу икки кўшин иложи борича кейинроқ тўқнашишини истарди у. Жангни нима қилиб бўлса ҳам баргараф этишни истарди. У ёғига эса нима бўлса бўлар. Балки, ҳаммаси тинч ҳал этилар.

У кишиларга ачинарди.

– Сафсатани бас қил! – кутурди шоҳ. – Гов-Барува, сен у билан тўйгунча гаплашгансанлар. Аранха ортига, олға!

– Мен Утанага кўшиламан, – деб қолди тўсатдан унга Гов-Барува. – Томруз билан яна бир бор учрашиб кўрилса, зиён қилмайди. Унинг ихтиёрий тобе бўлишига кўндириш амри маҳол. Лекин музокараларни давом эттира туриб, солларни тўсиқсиз ҳозирлаб, зўр кўприк қуриб улгурамиз. Акс ҳолда саклар соҳилни ўраб олиб, кўплаб кишиларни ҳалок этадилар. Аҳ-ҳа! – им қоқди шоҳ маъқуллаб. – Шундай бўлса, розиман. Томруз хузурига кимни юборамиз?

Меҳр-Бедодни танлашди.

Бу гап кеча бўлганида, Меҳр-Бедод шодликдан кийқириб юборган бўларди. Ҳукмдор унга қанақанги ишонч билдирмоқда! Лекин бугун, кечаги ичкиликбозликдан кейин тинкаси қуриб, беҳол юрганда хурсанд бўлиш у ёқда турсин, тилини ҳам осонликча қимирлатолмасди.

Бунинг устига Фаризод... Яъни, Раносбатнинг кўппаклари таҳқирлаган сак қизлари унинг хаёлидан чиқмасди.

“Меҳр-Бедод у ёққа борсин, Меҳр-Бедод бу ёққа борсин, – ўкиниб ўйлади қалқонбардор, чодирни тарк этар экан. – Ўзлари энди Томрузнинг кўзига кўринишга кўрқишади. Мана, Гов-Барувани юборишмади-ку. Саклар мени ўлдиришса, Курушга нима?”

Тўсат келган фикр Меҳр-Бедодни даҳшатга солди. У Задракартага бориб келгандан буён, балки аввалроқ ҳам сездирмасдан ўзини чулғаб олган ёлғонни мубҳам ҳис этиб, ҳатто тўхтаб қолди.

Эҳ-ҳа! Меҳр-Бедодга ширин шароб деб, нордон сиркани тутқазилмадимикан?

¹ Б а р б а р л а р – варварлар, ётлар, нодонлар, жоҳиллар маъносиди.

Бироқ шоҳнинг амри – вожиб. Истасанг – истамасанг, Аранха ортига йўл олишга мажбурсан.

* * *

... Дўстлик аломати сифатида яшил новдани силкитиб келган Мехр-Бедодни ҳамда уни кузатиб келган хос соқчиларни саклар ковоқ уйиб, бўриқараш билан кутиб олишди.

– Олачипор ажал! – бақиришарди болалар.

“Олачипор ажал нимаси бўлди? – Мехр-Бедоднинг афти буришди. – Саклар намуноча йиртқичга ўхшамаса. Йўқ, чиндан ҳам улар одам эмас экан. Ёввойи, ваҳший экан”.

Шу он форс йигит гулхан ёнида сак қизнинг: “Худоё, сенинг хотинингни ҳам шунақа қилишсин...”, – деган гапини эслади.

У даҳшатга тушди.

Башарти саклар уларнинг ватанига шу каби бостириб боришса ва Пасаргад деворлари ёнида пайдо бўлишса, форслар сакларга қандай кўз билан қарашарди?

Мехр-Бедод рўйхуш бермай хўмрайиб турган маҳаллий аёлларга боқиб, уларнинг чеҳрасида Фаризодни ёдга солувчи жуда кўп таниш нозик жиҳатларни кўриб, хайрон бўлди.

Бундан чиқди, саклар ҳам одам экан-да? Ё Худо! Бу оламда ҳеч нимани тушуниб бўлмади.

– Муваффақият ва омад тилайман, – Томруз билан тунд саломлашди у.

– Саклар саломлашганда: “Тинчлик ва фаровонлик тилайман”, – дейишади, – деди Томруз хўмрайиб. – Муваффақият ва омадни қароқчилар учрашиб қолганда бир-бирларига тилашади.

“Ҳе! Тинчлик қайда-ю, фаровонлик қайда?” – ғижиниб ўйлади Мехр-Бедод. Ташида эса қатъий қилиб деди:

– Сен менинг валинеъматимни ҳақорат қилдинг.

– Нима қилиб?

– Унга турмушга чиқишни рад этдинг.

– “Душманинг ҳеч нимадан баҳона топа олмаса, итингнинг думи қийшиқ, дер экан”.

– Менинг ҳукмдорим олийжаноб одам. Чишпишнинг набираси Куруш дашт маликасини инсофга чақиради. Қон тўкилмасин, дейди. Шунақа. Шаҳаншоҳга ўз ихтиёринг билан итоат этсанг – саклар тинч бўлишади.

Томруз заҳарханда қилди:

– Олийжаноб дейсанми? Бир куни заҳарли илон чўпоннинг чодирига ўрмалаб кирибди-да, вишиллабди. “Нега вишиллайсан?” – сўрабди чўпон. “Мен – энг олийжаноб илонман! – мақтанибди у. – Ўқилон сингари бехосдан отилмайман. Ўлдирадиган қилиб чақишдан олдин доимо вишиллаб огоҳлантираман...” Йўқ! Ҳукмдоринг олийжаноб эмас, ақлдан озган. Сакларга таҳдид қилмоқдами? У бизларни қачондан буён биледи? Кўпдан бери биз билан ошқатикмиди? Қачондан бери сакларга қилич кўтармоқда? Биз, саклар, очкўз муттаҳамга бўйсунамизми?.. Сенинг ҳукмдоринг кимга қўл кўтараётганини тушунадими? Ёки ўладими, ухлайдими – унга барибирми? Урушда ёнғоқ улашилмайди. Сенинг хожангнинг тақдири: “жангга буқадай ташланиб, сигир бўлиб қайтади”, – деган мақолдагидек бўлмаса эди. Сизлар “қобирға”, бизлар эса “ит” миз.

Қобиргани тишлаб, ўткир қозиктишлар билан умуртқани ғажиб ташлаш – итлар учун одатдаги иш. Билиб қўйинг, сизларни ғажиб ташлаймиз!

“Беҳуда оворагарчиликни бас қил, эй, Айрана шоҳи.

Соҳил бўйлаб изғима, кўприк қураман деб овора бўлма. Бошингда пайдо бўлган қора ният унга фойда келтирадимми ёки зиёнми, билмайсан-ку. Ўзингни босиб ол-да, уйингга қайт. Ўз мамлакатингда шоҳлик қилавергин, мамлакатимизда ўз ихтиёримизча ҳукмронлик қилишни эса ўзимизга қўйиб бер.

Сиз, форсларда: “Сулҳ ҳақида келишиш мумкин экан, уруш таблини¹ қоқма”, – дейишади. Парсанинг ҳаловати учун, дўстона маслаҳатга қулоқ солишга даъват этаман.

Башарти ҳур саклар билан муқаррар урушмоқчи бўлсанг, Аранха соҳилида бекор юрмайлик. Бизга дарёдан уч кунлик йўлга кетишга имкон бергин-да, сўнг таъқиб эт. Ёки дарёдан уч кунлик йўлга кетгин-да, биз форслар қўшинига хужум қилишимизни кут”.

Томруз шаҳаншоҳга шундай жавоб йўллади.

Еттинчи ривоят

ОЛТИН ВА ҚОН

Қароргоҳга қайтган Мехр-Бедоднинг кўзи соҳилда шиширилган кўй терисидан боғланган қатор-қатор солларга тушди.

Йигирма минг жангчига уч кун ичида мингта бақувват солни тайёрлаш қийинмиди? Шукр, тери етарли (одатда, улардан меш ясаб, сув олиб юришарди), маҳкамлаш учун дарахт, тўшаш учун қамиш Аранхада мўл эди. Соллар ҳозир ҳам сувга туширишга тайёр турарди.

Элчининг гапини тинглаган Куруш ўйга толди.

– Уч кунлик йўлга, – ғижиниб деди у. – Уч кунлик йўлга! Нимани истаяпти у? Тушунмадим.

– Томруз айёрлик қилмоқда, – тин олди Гов-Барува. – Эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Хатога йўл қўйсак, афсусланиб қоламиз. Одамларни чақир. Кўрайлик, нима дейишаркин.

– Яна гапми?

– Бусиз бўлмайди, давлатпаноҳ. Одамларни чақир, – мулойимлик билан туриб олди Гов-Барува.

Бу эҳтиёткор Гов-Баруванинг ҳукмдорни биринчи марта тийиши эмасди. Ортиқ даражада шиддатли эди у. Ортиқ даражада! Куруш унга бўйсунди, чунки ўзининг кўпол ва қотиб қолган ақлига қараганда бош маслаҳатчисининг ўткир ақлига кўпроқ ишонарди.

– Аранханинг бу томонидаги чўлни биламиз, у томондагиси эса... Зулмат мамлакати нима-ю, у нима, – деди Раносбат кенгашда. – Лаънати итларни у ёқда қаердан излаймиз? Уч кунлик йўлга чекинамиз. Саклар сўл соҳилга ўтаверсин. Улар бизни чўлда таъқиб қиладими? Бизчи? Биз уларни орқасидан сездирмай айланиб ўтамиз, шундайми? Қоча олмайдиган қилиб, кечувдан ажратиб қўямиз. Ўраб оламиз. Шунда Томруз, мочахарнинг қизи, ўз қонига ўзи бўялади...

Оқилона гап! Форслар жасурликлари билан одамлар орасида қанча мақтанишмасин, қалбининг туб-тубида улар барханларга чиқишга

¹ Т а б л – қатта жанговар ноғора.

кўркишарди. Утана ҳам, форс ва кўшимча бўлимлар бошлиқлари ҳам Раносбатни яқдиллик билан кўллаб-қувватлашди. Чекиниш ва тараддулланишни жинидан ёмон кўрадиган Курушни жуда норози қилиб кўллаб-қувватлашди.

Ҳатто, Виштаспа ҳам Раносбатга эътироз билдиришга уринмади. Қозонда биқиллаб қайнаб турган мазали шўрвага кеч қолиш алам қилади. Бироқ у дунёга кечикиш алам қилмасди.

Ҳатто, Гов-Барува ҳам, маъқулловчи нигоҳига қараганда, Ниссайя кўшин бошлиғининг фикрига кўшилишга мойил эди. Бироқ ҳозирча у миқ этмади.

Шунда Крез гап бошлади.

Ҳа, ҳамма унутган, лидиялик дармонсиз Крез гапира бошлади. У аллақачон ҳузур қилиб яшаши лозим эди, бироқ Куруш ҳамон уни эргаштириб юрарди. Бу ерга, Аранхага ҳам эргаштириб келган эди. Қисматни қаранг! Аранха қайдаю, Лидия қаёқда?

Куруш уни кўйиб юбормаётгани, у она ватанига бориб, Сфардани оёққа турғазидан кўрққанидан эмасди. Асло! Икки оёғини гўр устида осилтириб ўтирган одамга исённинг нима кераги бор? Шунчаки, ўзининг кўплаб аъёнлари орасида итоатга келтирилган бошқа ҳукмдорлар қатори Шарқда машҳур шоҳнинг ҳам юриши Курушга хуш ёқарди.

Бироқ Айрана ҳукмдори Крезни энди ўзи учун хавfli эмас, деб беҳуда ўйларди. ... Бу хато эди. Чиндан ҳам, агар Яратган бандасини жазолашни истаса, унинг ақл-хушини оларкан. Хушёрликдан ҳам маҳрум қиларкан.

Крезнинг рангпар пешонасини буриштириб турган ажинлар остида мияси қаттиқ ишлаб турарди. Унинг қалбида нафрат оташпарастрларнинг оташкадаси мисол аланга олиб ётарди. Айни шу куйдирувчи нафрат совиб қолган қон ўрнида юрагига озик бериб турарди ва унинг зарбаларига йигитларга хос куч бахш ётарди.

Буюк Лидияни култепадан тиклаб бўлмаслигини Крез тушунарди. Сфарданинг юлдузи абадул-абад сўнганди. Бир оз вақт ўтгач, лидияликлар она тилларини, урф-одатларини йўқотадилар, бошқа халқлар билан аралашиб кетадилар. Мамлакатнинг номи ҳам ўчиб кетади.

Лидия ҳалок бўлди. Лекин Крез ҳаёт! Форс Куруш ҳам ҳаёт. Крез Курушдан қасос олажак. Шундай кун келишини у биларди. Бир йил, уч йил, ўн етти йил кутди шу кунни. О, Крез сабр-тоқатли эди – бағоят сабр-тоқатли, индамас ва хушёр эди.

У Курушни обдон ўрганди.

Сакларни ҳам – эшитиб бўлса-да, дурустгина ўрганди.

Ўтган йиллар давомида Ғарбни узил-кесил енгилш учун аввал Шарқни итоатга келтириш зарурлигини Гов-Барува орқали Курушга Крез бўлмаса, ким уқтириб келди?

Уқтирди ва ўн етти йил кутди. Ниҳоят, ўша матлуб кун келди.

Ўн етти йил аввал, Крез форслар билан жангга ҳозирлик кўрар экан, бу жанг нима билан тугашини кароматгўй қохиндан сўраганди. Ўшанда ҳозир Куруш ва Томруз Аранханнинг икки соҳилида туришганидек, лидияликлар Галис дарёсининг бир томонида, форслар эса бошқа томонида туришарди. Кароматгўй: “Шоҳ Галисни кечиб ўтиб, буюк давлатни вайрон қилади”, – деб жавоб берганди.

Қайси шоҳ? Албатта, мен, Крез-да! Қайси салтанатни? Албатта,

Форс салтанатини-да, деган қарорга келган Крез ўшанда дарё ортига телбаларча отланиб, тор-мор этилганди. Кейин маккор коҳинларни ёлғон гапирганликда айблади. “Коҳин сенга ёлғон гапирмаган, – дейишди ўшанда айёр коҳинлар. – Галисни кечиб ўтиб, сен чиндан ҳам буюк давлатни – ўз давлатингни вайрон қилдинг”.

Энди эса Аранха Куруш учун Галис бўлақолсин.

Қачонлардир у Эллада ўғлонларига таклид қилар, уларнинг тилида гапирар ҳамда ёзарди. Ҳатто, юнон маъбудларига сиғинарди ҳам. Эфесдаги эллин ибодатхоналарига мраммар устунлар совға қилиб, юнонлар одатича, уларнинг пойустунларига: “Шоҳ Крез бахшида этди”, – деб ёзиб қўйишни амр қилганди.

Ҳозир қария нафақат эллинлар, балки ўзининг, лидияликларнинг тилини ҳам унутиб юборган, бироқ форсийда фикрини аъло даражада баён этарди.

У гапни Раносбатни мазах қилишдан бошлади:

– “Ўтишади, чекинамиз, айланиб ўтаммиз...” Сенинг гапингга қўшилармиканман, ўғлим Раносбат? Йўк, қўшилмайман!

Қўшин бошлиқлари ҳайратга тушиб, жимиб қолишди. Улар анчадан бери, кўпчилиги эса ҳеч қачон унинг сўзларини эшитишмаганди.

– Нечун қўшилмайманми? – давом этди Крез. – Сабабини айтаман. Ер юзида қайси халқ энг айёр? Саклар. Улар бизни разилларча алдамоқчи эканликлари равшан эмасми? Равшан. Тинглангиз мени. Уч кунлик йўлга чекингунигимизча нималар бўлади? Саклар шунча масофа нарига кетиб қолишади. Бизни лақиллатишганини фаҳмлагунигимизча неча кун ўтади? Яна уч кун. Шундай қилиб, орамизда неча кунлик масофа ҳосил бўлади? Тўққиз кунлик. Сол боғлаш, кўприк қуриш ва ўнг соҳилга кечиб ўтиш учун неча кун керак бўлади? Камида беш кун. Шундайми? Бинобарин, саклар Аранхадан қанча йироқлаб кетишади? Ўн тўрт кунлик масофага! Биз уларга етиб боргунигимизча улар нима қилади? Янада нарига кетишади. Шундай! Ҳисоб-китоб қила билиш керак. Шу вақт ичида уларга кўмакка кимлар келиб улгуради? Хоразмлик ва сўғдлик дўстлари! Келишадими? Албатта, келишади. Эшитишимча, улар билан саклар ўртасида деярли ҳеч қанақа фарқ йўк. Тили бир, дини бир. Сак бирон жойда турғун бўлса, сўғд бўлади-қолади. Сўғд даштга қараб силжиса, сак бўлади-қолади. Бақтра ҳам исён кўтариши мумкин. Шундай, ўша сўғдлар ва хоразмликлар, ахир, молфаҳм эмаску. Айғоқчилари йигирмата манжаникни, зоғнуларни ва нарвонларни кўчманчи сакларга қарши олиб юрмаётганимизнинг фаҳмига етишади. Сакларнинг шаҳарлари ва йирик қалъалари йўк. Фақат кўра-ю, кўтонлари бор. Хоразмликлар дарё бўйлаб юқорига ўтишади-да, бизни кўприкдан ажратиб қўйишади. Сўғдлар кунчиқардан зарба беришади. Бақтрлар эса – жанубдан. Дурустми? Йўк, албатта. Шунинг ёдингизда тутингки, биз Туронга шармандаларча ўлиш учун эмас, шараф билан зафар топиш учун келганмиз. Ҳозироқ, тараддудланмай, кўприк қуришга киришмоқ лозим! Ҳозироқ! Дарҳол! Бошламоқ даркор! Томрузга йироқлашмасидан етиб оламиз! Шундай қилсак дуруст бўладими ёки ёмонми? Дуруст бўлади! Ҳа! Дуруст бўлади.

Крез жимиб қолди. Ҳайратдан қўшин бошлиқларининг кўзи кинидан чиқай деди. Бундай чуқур мулоҳазакорлик, ҳатто, ақли етук Гов-Барувани ҳам таажжубга солди. Ҳа! Ҳа! Крез тўғри айтаяпти.

– Тасанно, биродари азиз! – қизгин хитоб қилди мутлақо кутилмаган томондан келган нажотдан руҳланган форс шоҳи. – Валдираш етар! – ғазаб билан бақирди у аъёнларига. – Ниҳоят, тилни яшириб, шамширни яланғочлаш мавриди келди! Менинг ҳали қиладиган юришларим бир эмас, икки эмас, уч эмас... Аҳурамазданинг оқ фотиҳаси билан бутун жаҳонга ҳақ динни жорий қилмоқчиман. Бироқ жаҳон бепоён, мен эса кексайганман. Шу боис бу ерда уч йил депсиниб туролмайман. Биз Туронни яшин тезлигида қўлга киритишимиз даркор! Томрузни ўн беш кун ичида саранжомлаймиз. Хоразм томон от сурамиз. Аранхадан Яксартга ўтамиз, Суғдга кўтариламиз. Кузда қайтмоғимиз лозим. Ёдингизда тутингки, Миср бизга интизор. Эй, кўприк қуришни бошланг.

Кузда Парсага аранг етиб келган Виштаспа Камбуджи ва Хутаусага куйидагиларни сўйлаб берди:

Жангчилар солларни сувга тушириб, қайишлар ва жун арқон билан бир-бирига маҳкамлашди. Аранханинг сўл соҳили бўйлаб улкан қалқма кўприк турарди. Кўприкнинг куйи қисмини ерга кўмилган устунларга занжирлар билан маҳкамладик. Юқори қисмини суриб, сувга туширдик. Шитоб билан оқаётган сув қалқиб турган бўлса-да, мустаҳкам иншоотни суриб, уни оҳиста дарёга кўндаланг қилиб қўйди.

Уч юз варкан новакандозлари сузиб бораётган кўприкдан туриб, саклар банд этиб турган соҳилни ўққа тутишди; кўприкнинг шарқий поёни қуруқликка бориб тегар-тегмас, солларда шай бўлиб турган найзабардорлар кечув яқинида айланиб юрган отлиқ кўчманчилар тўдасига ташландилар. Жанг бошланиб кетди. Саклар жуда кам, юзтача суворий бор эди; бизникилардан йигирма-ўттизтасини камондан отиб ўлдириб, тезлик билан кўздан ғойиб бўлишди.

Кечувни бошлаб улгурмасимизданоқ, агайлаб қилгандай, кучли шамол кўтарилди. Сакларнинг жодугарлари бузук ҳавони юборишган кўринади. Шусиз ҳам қутуриб оқаётган дарё бизга қарши оёқланганга ўхшарди. Осмонни қизғиш чанг қоплади. Чанг Аранха устини тумандек тутиб, жўш уриб оқаётган сув устига қалин пардадек ёпирилди.

Аҳурамаздага шукрим, кўприкка зиён етмади. Бироқ кечувни бирмунча вақт тўхтатишга тўғри келди. Отлар солнинг чайқалишидан хурқар, жангчилар эса қаерга оёқ кўяётганларини кўрмасдилар. Бир ондаёқ ўттиз-қирқ киши сувга ғарқ бўлди. Айрананинг муҳофизи, донишманд маъбудга мадҳлар бўлсинким, улар форслар эмас, балки дахлар ва варканлар эди. Шамол тезда тинди, дарё бироз тинчланди, ҳаво мусаффо бўлди. Кечувни давом эттирдик.

Ўнг соҳилда иккинчи қароргоҳни тикдик. Крезнинг маслаҳати билан шоҳ қўшиннинг энг яхши қисмини олиб борадиган, ёмон қисмини кўприкни қўриқлаш учун қолдирадиган бўлди. Бош ўғруқ, манжаниқлар, озгина асирлар дарё бўйида қолдирилди. Зоғнулни аъло даражада ишга солишни, кўтарма яшашни, хандақ қозишни ва лаҳм кавлашни биладиган бобиллик сомиёлар ҳам қолдирилди. Тангри дарвозаси ўғлонларини Хоразм ва Суғд деворлари остидаги урушлар учун эҳтиёт қилиш даркор эди.

Куруш жангчиларнинг озукаси учун Марғда қўлга туширилган буқаларни ҳам барханларга ҳайдаб бормасликни буюрди. У кўчманчилар билан узоқ вақт пачакилашиб ўтирмоқчи эмасди, шунинг учун қароргоҳдан

енгил-елпи юк билан чикди. Курол, нон, қоқ пишлоқ, қоқ гўшт, бешта мешда сув, захира от – одамга ўн-ўн беш кунлик сафар учун бундан ортик яна нима керак, ахир?

Лаънати муғамбир, сфардлик Крез ўзини бетобликка солди, унинг кенгашда ирод этган нутқидан мамнун шаҳаншоҳ эса нобакорга қароргоҳда қолишга илтифот ила изн берди.

Ё, Аҳурамазда!

Сафар қандай яхши бошланган эдию, қанчалик ёмон тугади”.

Қароргоҳни тарк этишдан олдин форслар маъбудларга минг бош от қурбон қилишди.

Зардуштнинг ёш таълимоти уларда эски тасаввурлар ва хурофот билан дурустгина қовушиб кетган эди. Форслар Аҳурамаздага эътиқод қилган ҳолда, айна маҳалда чўллар, тоғлар, сув руҳларига топинишарди. Самога, куёшга, шамолга, юлдузларга сиғинишарди. Йиртқич ҳайвонлар, қушлар ва илонларнинг сирли кучига ишонишарди.

Махсус қулоқчин – патидан кийган муғлар, турли рутбадаги қоҳинлар – дастурлар, эрпатлар, дотварлар, муъбадлар муқаддас оловни нафаслари билан ҳаром қилмаслик учун оғизларини боғлаб олиб, кўчма меҳробларда туриб, ясси идишлардан ҳаома назр қилишар экан, кўҳна одат бўйича, ўтлоқларда сепоя биринч қозонларда қурбонлик жониворларнинг эти қайнаб турарди.

Узоқ дуою фотиҳалардан ва тўйимли таомлардан сўнг шоҳ қўшинни кўриқдан ўтказди.

Ҳамманинг қиличи, табарзини, найзасининг пайкони чархланганми, новакандозларнинг ўқи, палаҳмончиларнинг тош ғўлаги етарлими, қалқонлар ва танга совутлар мустаҳкамми, кийимлар ва пойабзаллар пишиқми – текшириб кўриш керак эди.

Кўрик муносабати билан ўзи ҳам ясаниб олганди: кулранг форсий хитон устидан лидияликларнинг қирмизи либосини кийган, мадлар удуми бўйича қора холли сариқ қоплон терисини елкаси оша ташлаб олганди. Афтидан, унчалик асл форс эмаслиги, онаси томонидан мадлиги эсига тушиб қолган кўринади, чунки онаси Мандана Иштувегунинг қизи эдида. У нафақат мад, балки сфардалик ҳам, чунки Мандананинг онаси Арианна – Лидия шоҳи Алиаттнинг қизи. Крез – Алиаттнинг вориси. Бундан келиб чиқадики, Иштувегу, Крез ва Куруш қон-қариндош эканда. Оқибатни қаранг-а.

Шаҳаншоҳ аъёнлари билан баланд бархан устида турар, қуйида, жарлик бўйлаб, мис курол-аслаҳаларини ярқиратиб, қўшинлар ўтиб борарди. Чишпишнинг набирасига табаррук шароб солинган қадах келтиришди. У тундлашиб, қадахни нари сурди.

– Мен қонга ташнаман!

– Хайра-а-а! – ҳайқиришди суворийлар ва пиёдалар найзаларини қалқонларига тарақлатиб уриб. Карнайлар ўқирди. Табллар тарақа-турук қила бошлади. Шоҳнинг лаблари учди. Манзарадан таъсирланган кўйи кўзда ёш билан: – О, халқим менинг... халқим! – дея пичирлади.

“Наҳот у халқини севишига ишонса? – ҳайратга тушди Утана. Савдогар жанговар хитоблардан нафратланарди. – Бундан чиқдики, форсларнинг раҳат-фароғати йўлида уларни муқаррар ўлимга ҳайдаб келаётган экансанда? Менинг халқим эмиш... Яхшиси: “Мен!” – деб қўя қол. Сенинг баланд-

парвоз гапларингда “Мен!” қаттиқроқ жаранглапти. Сен бу юришни ўз ерлари, мулки етиб ортадиган, лақиллатилган ва чиройи очилмайдиган кўшчилар фароғатини ўйлаб эмас, балки ўз шухратингни ошириш, олчок нафсингни қондириш учун бошладинг-ку.

Шу он у бу покиза фикрлари ўзининг унчалик покиза бўлмаган ҳаёти билан қовушмаслиги ҳақида ўйлаб қолди.

“Хўш, Утана, сенчи, – хўрсиниб ўзига ўзи таъна қила бошлади у. – Ўзинг қарвон билан тоғлару қирлар оша тентираб, кимнинг фароғати учун тиришиб ётибсан? Уруғдошларинг учунми? Ё ёлғиз ўзинг учунми? – Бирдан нохуш хулосага келди: – Сен мунофиксан, Утана. Оламга қарагандек, ҳаётга ҳам ҳар хил кўзлар билан қарайсан. Мовий кўзинг билан одамлар томонга қарасанг, қора кўзинг билан ҳаёнга тикиласан. Қурушдан ниманг ортиқ?..”

Шундай деб, паришон ҳолда, ғамга ботган кўйи сафар отига минди.

* * *

Саклар душманни чалғитиш учун дарё бўйида бир ҳовуч жангчиларни қолдириб, ўзлари уч кунлик йўлга кетиб, Қизилқум кўйнида яширинишди.

– Бўрон турган жойда вайронгарчилик ҳам бўлади, – деди Томруз уруғ сардорлари кенгашида – Уруш урушлигини қилади. Кимдир яраланади. Кимдир ўлим шарбатини тотати. Бўлак чора қолмаса – барчамизни ҳалок этишса-да, таслим бўлмаймиз. Бироқ биз ҳозирча тирикмиз, бинобарин, ҳаёт ҳақида ўйлашимиз даркор. Ўз одамларини телба басир сингари ҳеч қандай заруриятсиз, ўйламай-нетмай отлар тўғи остига ташлайдиган йўлбошчи нафрат ва абадий лаънатдан бўлак нарсага лойиқ эмас. Наҳот душман билан уни тор-мор қилиб, ўзи тирик қолиши учун эмас, балки муқаррар ўлим топиш учун урушсалар? Ёвнинг комини жангчиларимизнинг гўшти билан эмас, садоқларимиздаги ўқ билан тўлдириш даркор. Унинг қурсоғини қонга эмас, иссиқ кулга тўлдириш зарур. Одамларни авайланг! Ҳар бир киши ушбу улуғ йўлни босиб ўтмоғи даркор. Бу – қисмат! Қанча кўп одамни асраб қолсак, шунча яхши – ёруғ оламда ҳали ишимиз кўп. Дашт кўйнига кетамиз. Қуруш – хавфли ёғий. У – Олачипор ажал! Форслар жангни жон-дили билан, яхши олиб боришади. Ношудларни қамчи билан ҳайдаб майдонга солишади. Жуда хушёр бўлмоқ даркор. Уруш – ақллар жанги. Ақлни ишлатиб, сўнг шамширни чиқариш зарур. Ҳозир форслар билан юзма-юз тўқнашишнинг маъноси йўқ. Улуғ жанг мавриди ҳали келмади. Тиграхауда ва дарёорти саклари лашкарлари, хоразмликлар кўшинлари кўмакка етиб келмагунча кутамиз. Суғддан, Бақтрадан кўмак келиши зарур. Чопарларимиз аллақачон йўлга тушишган. Ҳечкиси йўқ, кутамиз. Форслар сахро кумини еб кўйишмайди. Ҳозирча қумтепаларда сарсон бўлишсин, офтоб тиғини татиб кўришсин. Шунинг ўзидаёқ тинкалари қуриб, кучдан қолишади. Қуруш бизни даф бўлишди, деб ўйламаслиги учун беш-олтита ихчам бўлимни ажратиб қолдирамиз. Ёшлар қутилмаган меҳмонни у ер – бу еридан тишлаб туришсин...

– Менга лашкар беринг! – қисталанг қилди Спаргапа эртаси тонгда.

– Лашкар дейсанми? Эрта эмасмикан? – тараддудланиб бошини сарак-сарак қилди Томруз.

– Нечун эрта бўларкан? – жаҳл билан сўз қотди Спаргапа. – Айни мавриди. Жангчининг жасурлиги жангда билинади, шундай эмасми? Қаригунимча бешикка белаб кўйсангиз, энди бола эмаслигимни қандай

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

исботлайман? Шунқор дедингизми, қанот ҳам беринг-да. Лашкар берсангиз, ўғлингиз нимага қодирлигини кўрасиз. Қасам ичиб айтаманки, биринчи жангдан кейиноқ Спаргапанинг номи бутун Туронда оғизга тушади.

У сабрсизликдан ўзини кўйгани жой тополмасди. Парвоз этардию – қанот йўқ-да. Томруз яширин меҳр ва ифтихор биан ўғлига тикилди. Иззат-нафси кучли, феъли тез, довюрак. Саркардалар шунақалардан етишиб чиқади-да. Спаргападан яхши жангчи чиқади! Агар қизишиб, биринчи жангдаёқ панд емаса.

– Яхши, азизим. Эртага сенга лашкар берамиз. Тенгдошларинг ва дўстларингдан беш юз кишини. Бирок... сенга бир устозни бириктириб кўяман.

– Нега энди?

– Кўмаклашади.

– Кимни бириктириб кўясиз?

– Балки Хугаванидир. У тажрибали жангчи. Тохарлар хужум қилганда Хугава кўрсатган мардлик ёдингдами?

– Ҳўш, мен унга бўйсуним керакми?

– Йўқ. Лекин маслаҳатларига қулоқ тутишинг даркор. Розимсан? Акс холда лашкар берилмайди.

– Розиман, – тўнғиллади Спаргапа. – Лекин ҳадеб ўргатаберишни хаёлига ҳам келтирмасин! Мен – бошлиқ бўлсам, у ёрдамчилигида турсин. Бошқача бўлса, лашкар бошида қолсин! Курушнинг устига ёлғиз бостириб бораман.

– Майли, қизишма! – мулойимлик билан ўғлини тинчлантирди Томруз.

– Лашкар бошлиғи қилиб сени тайинлайман.

– Хугавага тушунтириб кўйинг, ҳаддидан ошмасин.

– Айтаман, айтаман. Энди гапимни эшит, ўғлим. Билиб кўй, отангинг руҳини ўртага солиб гапираман! Бу гапларимни бир лаҳза ҳам унутмагин. Гапимни тушунапсанми, Спаргапа? Бир лаҳза ҳам.

– Яхши, айтинг.

– Ўғлим, уруш эрмак эмас. Ёдингда тут. Кўпкари эмас у. Уруш – мудҳиш офат. Мен аёл ва онаман, урушдан жуда ҳам нафратланаман. Саклар азал-азалдан тинчликсевар халқ. Бошқа йўли қолмагандагина саклар кўлига қурол олишади. Ҳозир ҳам шундай. Сак ўзгалар юртига бурнини сукмайди, лекин ўз мамлакатига ҳам ётларни кўймайди. Форслар ўлжа олиш учун қон тўқади, саклар эса эрк учун қонини тўқади. Ёдингда тут – ўлжа учун эмас, эрк учун. Қадимдан бизда шундай. Бу – бизнинг қонун. Нима демоқчиман? Сен биринчи жангга киришдан олдин, ким билан ва нима учун жанг қилишингни охиригача тушуниб олгин, демоқчиман!

– Дуруст, – бош ирғади жиддий ва кўркем Спаргапа. – Она, сизнинг насиҳатингизни унутмайман. – У тин олди-да, ўйга чўмди. Сўнг ранги оқарган ва маънос тортган ҳолда нам кўзларини Томрузга тикди. – Донишманд аёлсиз, она. Мени бошқа бир аёл эмас, айнан сиз туққанлигингиз учун Худога шукр қиламан. Сиз менинг учун...

У онасининг олдида тиз чўқди-да, яланг оёқларини ўпди.

... Кейинроқ, тунда у қовоғи солиқ, хўмрайиб, Райаданинг ёнида, кум устида ва унинг ўқтин-ўқтин чиқаётган гапларини нохуш туйғу билан тинглаб ўтирарди.

– Менга тег, менга тег! – пичирлади Фраданинг қизи аччиқланиб. –

Менга-ку ёқасан, тўғри. Шу билан бир нарса бўладими? Эрга тегиб, увада кийимда, илма-тешик чодирда тўнғиб, куйган гўшт еб юравераманми? Қашшоқ бўлишни истамайман.

Спаргапа ёпишиб қолган лабларини аранг бир-биридан ажратди.

– Қашшоқ бўлмайсан. Райада, сен учун ҳамма нарсани бажо қиламан.

Қиз ишонқирамай кўз қирини ташлади.

– Қаердан, қандай бажо қиласан?

– Қаердан, қандай! – Спаргапа вулқондек портлади. – Эртага сафарга чиқаман, тушундингми?

У виждонини бир чеккага суриб қўйганди. Нима кераги бор... Спаргапа ўзига ўзи хўжа эмасми? Оқ ота йўқ ва энди ҳеч қачон бўлмайди, онаси эса... онаси шунчаки эма, сергап кампир-да. Кимдан ҳам кўрқсин? Бўғовдан бўшаган ов лочини сингари ўзини бутунлай эркин ҳис қиларди. Насихатларга тупурдим! Инсонга истаган ишини қилишга изн берилган. Спаргапа дарғазаб сўқинди.

– Агар чодиринг олдига олтин, мато ва бошқа майда-чуйда юкланган тўртта туяни ҳайдаб келмасам, отимни бошқа қўяман.

Райада шодон қийқириб юборди.

У қайноқ қўллари билан қизга ёпишди, бархан ортига тортиб кетди-да, эҳтирос билан уни кумга босди. Қиз қаршилиқ қилмади. Ундан қизил калампир ва ялпиз иси келарди.

Қароргоҳга тонгда қайтиб келишди.

* * *

Спаргапанинг лашкари бўри галаси монанд пушиб бориб, Аранхага яқинлашди. Дарёдан берида ёш жангчиларга икки юз уруғдошини бошлаб келаётган Фрада етиб олди. У ҳаддан ташқари қувноқ ва сергап эди.

– Ох, мана, мен ҳам сен билан биргаман! – мулойим жилмайди Фрада Спаргапага қараб. – Оёқ-қўлимнинг чигилини ёзмоқчиман, шамоллаб келмоқчиман. Кўпдан буён найза ирғитмадим, қилич сермамадим, камондан отмадим. Менинг одамларимни ҳам ўз мўътабар ҳукмингга ол. Хўпми? Куруш малайларининг тинқасини қуритамиз. Ҳа, Хугава! Сен ҳам шу ердამисан? Сеҳрли камонингнинг хунарини кўрсатмоқчимисан? Мана энди эҳтиёт бўлинг, форс қирғовулар!

Фраданинг ширин хушомадидан Хугаванинг юзи нордон нарса егандек, буришди. Йилқибон тескари ўгирилди-да, секин сўқинди. “Тентакларни йўқотишга қарор қилинганида аҳмоқ ҳам пичоғини қайрай бошлаган экан, – хаёлидан ўтказди Хугава. – Жангарининг шамоллагиси келиб қолибди-да. Жангчиликка-ку яхши жангчи-я, лекин намунча жонбозлик қилмаса? Ёш бўлмаса. Куч-қувватини жиддий ишларга асраса бўларди. Қалақа қилмоқликнинг ҳам ўрни эмасди. Тўйга кетмаяпти-ку?”

– Бирга бўлса – бирга-да, – босиқлик билан бош ирғади Спаргапа.

Катта ёшлилардан икки юз киши зўр мадад эди, албатта. Уруғ сардори, кекса Фраданинг ўзи хом “лашкарбоши”га бўйсунини истагани ҳам ёқимли. Бироқ ҳадеб манфур Райадани эслатиб, кўз олдинда пайдо бўлавергани ёмон-да.

Спаргапа ўтган тунда маккор Райаданинг оташдек куйдирувчи қайноқ оғушидан қайғу, ҳасрат, алам, гина ва ханжардек ўткир рашк билан кетганди. Эҳ! Онам огоҳлантирган эди-я... лекин Райадасиз ҳаёт ўлимдан баттар-да. Мушкул аҳволга тушиб қолдинг-ку, дўстим Спаргапа! Нима

билан тугаркин бу машмаша?

Фрада-чи? У Гов-Барува берган узукни ҳамон кўйнида сақлаб келаётир. Бармоғига таққани йўк, лекин ташлаб ҳам юбормади. Уруш бошлангач, ўзини қандай тутиш лозимлигини анча вақт мулоҳаза қилди. Нима қилса экан? Ўзингни қандай тутсанг тутгин-у, лекин панд еб қолмагин. Сақлар ғолиб чикса, форслар ҳисобига бойийсан. Форслар зафар топса, сақлар ҳисобига бойиб қоласан. Бир-бирининг гўштини емайдами? Фрадага нима?

* * *

... Куёш Жавзони тарк этиб, Саратон буржига қадам кўйди. Осмон тоқида жазирама кунлар даракчиси Катта Ит намоён бўлди. “Ит – сақларнинг ҳомийси, – қовоқ уйиб пичирлашишарди форслар. – Бошимизга итнинг кунни тушмасайди, ишқилиб”. Ибодат қилишарди, қурбонликқа жонлик сўйишарди.

Кўприк яқинидаги қароргоҳга Курушнинг чопарлари тез-тез келар, сув олиб кетгани карвонлар қатнарди. Кунни кеча бўлган шамол чўлда изларни супуриб ташлаган, айғоқчи отлиқлар сақларни излаб топишга беҳуда уриниб, қумтепалар бўйлаб туну кун овораи сарсон эди.

– “Итлар” худди қумга айланиб қолгандек, дом-дарагини топиб бўлмайди, – дейишарди чопарлар. – Шоҳ аччиқланмоқда.

Кўприк соқчилари вақтни қандай ўтказишни билмай хуноб. Дикқатпазлик тоқатларни тоқ қиларди. Ҳадеб ўйлайвермайди-ку одам? Сузишни биладиганлар юрак ютиб, чўмилишарди. Жўшқин дарё оқизиб кетмасин деб, соҳилга, солларга яқин жойда сувни шапиллатишарди. Сувдан эса лойқага ботиб, сарғайиб чиқишарди. Аранханинг юксак тоғлардаги қорлар эриши билан содир бўладиган иккинчи, ёзги, асосий тошқини бошланди. Паст тоғлардаги қорлар бироз эришидан ҳосил бўладиган биринчи, баҳорги тошқинга қараганда буниси кучлироқ бўлади. Ёзда дарё кўплаб чўқинди оқизиб келади, деярли балчиқ оқимиға айланади.

– Аранханинг балчиғи хўп мойли эканми? – ҳайратга тушишарди форслар. – Уни Нил балчиғидан ҳам яхши дейишади. Хоразмни қўлга киритгач, ўша ерда қоламиз. Қанча унумдор ерни қўлга киритишимиз мумкин!

Сузишни билмайдиганлар ҳам кун бўйи яланғоч юришади. Жазирама эса тинкани курилади. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқдек эди, назоратчилардан ташқари ҳамма жангчилар совут-қалқону қурол-аслаҳаларини чодирга ташлаб кўйишганди. Кимдан ҳам кўркишарди?

Одамлар ўртоқлариникига меҳмонга бориш учун кўприк орқали у қароргоҳдан бу қароргоҳга ўтишади; ов қилишади, ошиқ ўйнашади, балиқ тутишади. Бироқ ҳаммаси тез орада кўнгилга уриб кетди. Жангчи – жангчи-да, ботирлигини, довюраклигини намоён этишга сабри чидамасди. Кўприк кўриқчилари бошлиғи Арштибара бекорчиликдан руҳи тушган кишиларнинг вақтини қандай қилиб чоғ этишни ўйларди.

Бугун пешиндан кейин жарчи ўнг соҳил қароргоҳда кураш ўтказилишини эълон қилди. Мусобақа иштирокчилари тўйимли тушлик билан сийланишади, ғолибларга эса яхши соврин берилади. Қўйлар аллақачон сихларга тортилган, шароб солинган кўзалар Аранханинг муздек сувида совутиб кўйилганди.

Ўнгосохил қароргоҳ дарё ёқасидаги кенг майдонга жойлашган. Форслар чодирларни тикиш, қўшинларга чўлга ўтиш учун йўл очиш мақсадида бу ерда дарахтларни, буталарни кесишган, ўргимчагу илонларга тўла қамишзорни ва ўт-ўланни ёқиб юборишганди. Фақат лунги ўраб олган уч мингга яқин қуролсиз жангчилар бўлажак зўр қураш завқини туйиб, майдонда тўпланишганди.

Уларни нишонга олиш ҳам шарт эмасди – ҳаммаси тебранаётган зич девордек очиқ-ойдин туришарди.

Чангалзордан осмонга қора тутун ўрлади.

Шу онда майдонни ўраб турган тўқай ичидан етти юз узун парли ўк йиртқич қушлар галаси мисол осмонга учди. Енгил яраланган, оғир яраланган ёки ўлдирилган етти юз форс, мад, харайва, варқан, бобил ўғлонлари ерга қулади.

Соғ қолганлар, муқаррар хавфни ҳис қилиб, бироқ бу хавф қардан ва нечун келганини англамай, бир лаҳза донг қотиб қолишди.

Чангалзордан ваҳимали шовқин билан савағич ўқларнинг иккинчи галаси учиб чиқди. У майдон устида тўқсарик ҳалқадек бирлашганда, йиқилган таналар сони икки баравар кўпайди. Етти юз заҳарли биринчи ништардан биттасигина ҳеч кимга санчилмай, учиб ўтди. Лекин у ҳам хато кетмади. Дайди ўк кўприк бўйлаб сирғаниб ўтди-да, сол устида қармоқ солиб ёлғиз ўтирган қандайдир бадбахт балиқчига тегиб, уни жўшиб оқаётган сувга ағанатди.

Форслар дод солиб, сочилиб кетишди. Айримлари қурол-аслаҳа, совут-қалқонини олиш учун чодирга томон югурди. Бироқ жангчиларнинг кўпчилиги кўприкка қараб чопди. Кўприк даҳшатли чайқалди. Тирбандлик, ур-йиқит бошланди. Қиёмат кўпди. Сакларнинг нишонга беҳато тегадиган ўқларининг учинчи навбати даҳшатдан ақлдан озган кишилар тўдасини қуруқ япроқлар уюми каби оқимга улоқтирди.

Кўприкни қўриқловчилар бошлиғи Арштибара қирғоқдаги бир нечта солни бир-бирига боғлаб турган арқонларни қиличи билан шоша-пиша чошиб ташлади. Кўприкнинг шарқий поёни парчаланиб кетди. Ходалар, қамишлар ва шиширилган мешлар боғламлари гирдобларда айлана-айлана, дарё бўйлаб қуйига оқди. Ғарқ бўлмаб қолганлар дод-фарёд билан уларга ёпишишарди.

Шундай қилиб, Арштибара ўзининг ортидан кўприкни бузиб, тирик қолган бир ҳовуч жангчилар билан ғарбий соҳилга етиб олди.

Аранханинг ғарбий соҳилида Крез турарди. Қария дарёдаги қирғинбаротни жим туриб кузатарди. У ҳатто жилмаймади ҳам. Ҳангома энди бошланаётганди, шунинг учун қувонишга эрта эди.

Саклар чангалзордан чиқиб, ярадорларни саранжом қилишга киришишди. Қирғоқ яқинида анчагина форслар ва бошқа қабилалар жангчилари ғарқ бўлишдан кўрқиб, бироқ қуруқликка чиқиб олишга юраклари бетламай типирчилашарди. Саклар ёғийларни сочидан тортиб, сувдан чиқариб олиб, бўғзига шамшир тикишарди.

– Ур уларни, чоп, ур! – бақирарди Спаргапа асирлар қорнига ханжар тикишдан чарчамай.

Манжаниқлар жарликка қулади, зоғнулар ва нарвонларга ўт қўйилди. Ўлдирилганларнинг қони нам тупроққа аралашиб, майдон қирмизи лойга қопланди. Ғалаба нашидасидан маст бўлган ғолиблар унинг устида сирғаниб, оёқлари керилиб кетарди. Қон Аранхага ариқ бўлиб оқиб

тушиб, лойқа сувга қўшилиб кетарди. Дарёда, шаркий соҳил бўйлаб бир от югуриши¹ масофасида қирмизи уюрма оқим ҳосил бўлганди.

– Сақларнинг шамширию ўқларини татиб кўришди, – деди қовоқ уйиб Хугава, қўлини жон-жаҳди билан ювар экан.

Қўлга юққан елимшак одам қонини ҳис этишдан тезроқ қутулишни истарди. Ёш сақлар жангни унинг режаси бўйича аниқ олиб боришди – ўраб олишни ўйлаб топган ҳам Хугава эди, уруғдошларини чангалзорга жойлаштирган ҳам Хугава эди, хужум учун қулай лаҳзани танлаган ҳам Хугава эди. Жанг жонсараклиги тугагач, унинг қўнгли беҳузур бўла бошлади, ўзи уюштирган қирғинбаротга ўзида нафрат ҳисси пайдо бўлди. Мерганни уида тинч ўтира олмайдиган малъун орий жангчиларга нисбатан қаттиқ ғазаб қийнарди.

Ахир, беозор ва раҳмдил Хугава ўшаларнинг бедаво аҳмоқлиги сабабли уларни ўлдиришга мажбур бўлди-да. Даҳшатли зарурат эди бу.

– Қай бир иблис сизларни Аранха ортига бошлаб келди?! – хитоб қилди у ғазабнок. – Ёки мен кўзда ёш билан устимизга уруш қилиб бостириб келинг, деб ялиндимми?

– Эй, дўстим Хугава! Иссиқда ачиб қолган сигир сутидек нега бирпасда бўшашиб қолдинг? – Спаргапа узук-юлук кулди-да, ханжарини чарм шимиға артди. – Бу эрмак менга ёкиб қолди. Қарасам, уруш қизиқ ишга ўхшаб кўринди.

“Бўривачча! Қон иси бурнига кириб, гангиб қолди”, – ўйлади Хугава нафрат билан.

Унинг она сути оғзидан кетмаган жангчилари ҳам, Спаргапага ўхшаб, эс-хушини йўқотиб қўйишганди. Ғалаба ғоят осонлик билан қўлга киритилди. Айримлар тиканзор тўқайда орттирган арзимас тирналган жойни жароҳат деб кўрсатмоқчи бўлган эса-да, биронта ўспирин, ҳатто, ярадор ҳам бўлгани йўқ. Ота-онасига бориб мақтаниш учун, бетини атайлаб тилганлар ҳам бўлди. Ҳаммаси нечта душманни ўлдирганини айтиб, бир-бирига мақтанарди.

Ёшлар кўпни кўрган жангчилардек, кесиб олинган душман каллаларини шошмай, жиддийлик билан майдоннинг чеккасига ташишарди. Мақтов эшитиш умидида, ёш бошлиқнинг кўзига хушомад билан боқишарди. У эса, тажрибали саркардадек, кеккайиб гапирарди:

– Хўп биқинига солдикми?! Аспатана, сенга қойилман. Чапдаст жангчи экансан, Пармуз. Баракалла, Наврўз. Рўзбеҳнинг дасти кучли экан... Ўлаксаларнинг ҳаммасини кўриб чиқдиларингми? Қаранглар! Биронта ҳам узук йўқолмасин.

Уруғдошлари қўллардан ечиб, бурунлардан узиб, қулоқлардан шилиб олинган тилла ва кумуш узук, билагузук, булоқи, зирак, занжирларни Спаргапага олиб келиб беришар, у эса ўлжани қизил матога оқ шунқор кашта қилиб тикилган хуржунига шоша-пиша жойларди. Шу орада Фрада чиябўри мисол, чодирларни ҳамда ўғруқ араваларини тинтир эди. Тез орада Спаргапанинг жангчилари унинг оёқлари остига бир уюм кийим-кечак, гиламлар, тўқалар, кандакори белбоғлар, идишлар, қилич дасталари, қадахлар, кўзаларни келтириб ташлашди: буларнинг бари қимматбаҳо олтиндан эди.

– Мен билан бўлишасанми? – пичирлади Фрада йигитчага, гарчи талон-торож қилинган нарсаларнинг энг яхшиларини кўздан нарига яшириб

¹ Бир от югуриши – 3 километр.

қўйишга улгурган бўлса ҳам.

– Кейин, – норизо оҳангда тўнғиллади Спаргапа. – Ҳой, бошқа ҳеч нарса қолмадимми? Изланглар.

– Форслар қақир-қуқурининг сенга нима кераги бор? – ҳайрон бўлди Хугава. – Ҳаром бойлик, бошқаларники, душманники. Ифлос. Ёқиб ташлаш керак.

– Нима?! – Спаргапа тилла ва кумуш тикиб ташланган хуржунни қўллари билан яширган бўлди. – Ўзингни ёқиб юбораман! Хоҳламасанг – олма. Кийимларни олинглар, йигитлар! Чувриндига ўралиб юриш етар. Булар ғалаба учун мукофотдир.

Йигитлар қувнаб, ранг-баранг либосларни бирпасда талаб ташлашди, эски либосларини улоқтириб, гулдор ёпқичлар ҳамда чолворларни кийиб олишди. Ҳай! Ҳай! Ҳай! Бугун улар учун ҳамма нарса эрмак. Хугава эса жаҳл билан тупурарди.

– Болалар! – Фрада лабларини ялаб ўғрук араваси ортидан чиқиб келди. – У ерда, чодирлар ортида сихларга тортилган қўй пишиб турибди, бир дунё кўза бор. Мен уч хўплам ичдим – муздек, ширин, кучли шароб экан. Афтидан, форслар базми жамшидга ҳозирлик кўришганга ўхшайди. Нима қилибди, уларнинг ўрнига ўзимиз ишрат қиламиз. Тезроқ келинглар, болалар! Бунақа лаззатли нарсани тушингизда ҳам кўрмагансизлар.

– Тўхтанглар! – қичқирди Хугава чодирлар ортига қараб югура бошлаган тўдага қараб. – Фрада, бу ноз-неъматни қаердан излаб топдинг? Бу – ноз-неъмат эмас, захри қотил! Биродарларим, наҳотки ҳалқумингизни аҳмоқлар ичимлиги билан ҳаром қилмоқчи бўлсангиз? Уни ичганлар ақлдан озади. Ортга қайтинглар! Ҳозир базми жамшид мавриди эмас. Бир нафар бўлса-да, форс тўқайзорга кириб, ғойиб бўлган. Ўзиникиларга етиб олади. Куруш яқин орада – қараб турунглар, бостириб келиб қолади. Сўл соҳилдагилар ҳам хужум қилиб қолишлари мумкин. Кетиш керак!

Йигитлар Хугаванинг олдида хижолат ичида депсиниб туришарди.

Айримлар ўзлари учун тушунарсиз бўлган бу иддаодан ҳайрон бўлишди. Бошқалар шошиб ўртоқларининг ортига яширинишди. Яна бирлари жаҳл билан тескари қараб олишди. Тўртинчилари эса кўзларини ерга қадашди.

Ҳеч ким бирон-бир ёмонликни истамасди. Ёш саклар даштда туғилиб ўсганликлари учун покдомон, бегуноҳ ва кўзичоқ мисол ишонувчан эдилар. Барча хавф-хатар айни ўша деярли ибтидоий соддаликда яширин эди. Ушбу соддалик табиий куч ҳамда оғир ҳаёт сингдирган шафқатсизлик билан қовушиб кетгани эса янада даҳшатлироқ эди.

Ёш саклар ҳар қандай – яхши намунадан ҳам, ёмонидан ҳам улги олишлари мумкин эди. Чунки Спарнинг жангчилари ва Спарнинг ўзи ҳам, ҳали ёш бўлганликлари боис, ёмонни яхшидан дуруст ажрата олишмасди, “мумкин” билан “мумкин эмас”нинг ўртасидаги фарқни аниқ тушунишмасди. Айниқса, шу бугун, одатий бўлмаган воқеалардан юраклар жўш уриб, бош айланиб турган, қон сувдек, дарё – жилғадек кўринган, ўзини эса буқани саранжомлайдиган кучга эга паҳлавон хисоблаб турган дамларда бу ҳолат бўртиб кўринарди.

Сукунат. Ўйланишлар. Иккиланишлар. Ёш йигитларга кўзга аниқ кўринадиган ва ёниқ намуна керак. Агар ҳозир бирон-бир киши бошлаб қолса борми – улар тўда бўлиб, аҳиллик билан ўзларини Аранхага отардилар.

– Нималар деяпсан? Қаерга кетиш керак? – Фрада қўйнидан кумуш сувдонни чикарди-да (ғамлашга улгурибди), томоқ қириб, бошини орқага ташлади. Шароб кулкуллаб оғзию кўксига қуйила бошлади. Захиранинг ярмини саранжомлаган Фрада чаққонлик билан тупуриб, мўйловини буради. Жундор кўкрагидан қизил шароб томчиларини бепарволик билан сидирди. – Биз душман қароргоҳини қўлга киритдик. Шундайми? Курушни кечикдан ажратиб қўйдик. Шундайми? Зўр ғалаба қозондик. Шундайми? Нега энди тўсатдан жўнаб кетар эканмиз? Қўрқоқлик қиляпсан, Хугава. Куруш яқин жойда эмас, олисда, унинг биз билан иши йўқ. Сўл соҳилдан эса форслар бизга дахл қилишмайди – юрагини олиб қўйдик, энди ўн кун тиззаси қалтираб, тили тутилиб, чолворини алмаштириб ўтиришади. Болалар, ўйлаб кўринглар. Агар биз бу ердан кетсак, Томруз манзилга кадам бостирмайди. Шундай омад келиб турганда, уни душманларга ташлаб кетамизми? Тентаклик-ку бу. Кечикни қўриклаш даркор.

Хугава қўлини кескин силкитиб, Фраданинг гапини бўлмоқчи эди, кайфи ошиб қолган оқсоқол бўш келмади.

– Бу ерда асосий бошлиқ ким? – сўради у Томрузнинг ўғлидан шиддат билан. – Сенми, жасур Спар ёки манави кўрқоқ ўзбилармонми? Бизлар, жангчиларинг, қорнимизни тўйғазишни истаймиз. Нимаси ёмон? Шаробни эса... ёқтирмасанг – ичмай қўяқол. Ёки мен мажбурлаяпманми? Бировнинг оғзига зўрлаб қуймоқдаманми? Туф-э! Бошлиғимизсан, тўғриси айт: бугун биз бир бўлак гўштга арзийдиган иш қилдикми ёки йўқми?

Спаргапа кеккайиб деди:

– Арзийдиган иш қилдингиз! Чиндан ҳам, қаёққаям шошамиз? – ғижиниб Хугавага қаради. – Дам олиб, сўнг кетамиз. Иш ёнмаяпти. Туя ҳам йилда бир марта базм қилади.

– Ҳозир ёнмаётган бўлса, – энди ёниб кетади! – қатъий деди Хугава. – Ҳозироқ кетиш керак. Асло имилламаслик даркор. Гўшт олволинглар. Қумга бориб еймиз. Майли, шаробдан ҳам озроқ олинглар. Эшитаяпсизларми? – озгина. Акс ҳолда, ёмон бўлади. Отларни тайёрланглар, биродарлар!

– Эй, бор, йўқол! – оташланди Спар. Хугаванинг кескин сўзлари унинг бесабр ва асов юрагига тўппа-тўғри бориб текканди. Устига устак Райадани соғинганди. Онасининг олдидаги гуноҳини ҳам элас-элас англагандек бўлаётганди – Томрузнинг панд-насихатларини дарҳол унутиб юборганди. Гуноҳкорлик ҳисси ҳам уни эзиб, нари кетмаётганди. Уни бир нарсага ғарқ этиш, нима биландир босиш зарур эди... – Жинлар кўтарсин сени, азиз устозим! Сенсиз ҳам амаллаймиз. Тўғрими, Фрада?

– Оҳ! Албатта-да. Бу ердан туёғини шиқиллата қолсин, бошпанаси йўқ кишидек.

– Сизлар... мени ҳайдамоқчимисизлар?! – шивирлади ларзага тушган Хугава.

– Ҳа-да! Албатта-да! Қанча тез кўздан ғойиб бўлсанг, шунча яхши. Бизга ҳам, ўзингга ҳам. Сен ҳали манави нокнинг мазасини тотиб кўрмагансан-а? – шундай деб Фрада катта бўлмаса ҳам, биринждек пишиқ муштини Хугаванинг бурни остига келтирди. Бақувват Фраданинг кескин, аниқ ва қаттиқ зарбаси от тепкисидан қолишмай, ҳар қандай одамни йиқитишини йилқибон биларди.

Хугава камдан-кам жаҳл отига минарди. Башарти жаҳли чиқса, тили тутилар, қутулар, хушдан кетар ҳолатга тушарди. Ўзи шундай бўлади: бакироқ, шанғилар хавфли бўлишмайди, тезда жаҳлдан тушишади.

Индамас ва босиқлар ғазабга минса, хужум қилаётган қоплондай хавфли бўлади. Хугава бу аламни кўтара олмади. Ахир, у эркак эди-да. Ҳар қандай сабрнинг ҳам чек-чегараси бўлади-ку.

– Ҳайвонлар! – қичқирди Хугава, ойболтасига ёпишар экан. – Сак эмас, ҳайвонсанлар! Йўқолларинг, ёки юзтанг бошингдан жудо бўласан. Хугава кетсинми? Дуруст. Кетаман. Қолаверларинг. Олачипор ажал ютса ютақолсин сенларни!

Хугава кетди. У билан бирга истар-истамас укалари, жиянлари, шунингдек, унга яқин йирик хонадонлар йигитлари – жами эллик киши атрофида кетишди. Оломон уларнинг ортидан таҳқирловчи гапларни айтиб қолди:

– Эй-ҳой, биродарим Хугава!

– Қўй ёғидан ола кет!

– Товонингни мойлаб олсанг, қадам олишинг енгиллашади!

Геродот бундай деб ёзганди:

“Тайёр овқатни кўриб, массагетлар ёнбошлаб, еб-ичишга тушишди. Форслар қайтиб, кўпларини ўлдиришди, қолганларини банди қилишди...”

* * *

– Қандай қилиб уни дарё бўйида қолдирдинг? – шивирлади Томруз.
– Қандай журъат этдинг? Юрагинг қандай дов берди? Сени нима учун Спаргапага кўшиб қўйгандим? А? Нима учун сени унга тиркаб қўйгандим?

– “Сигирни Бақтрада чилангар ўғирлади-ю, Хоразмда мисгарнинг бошини олишди”, – гўнғиллади Хугава ўзини йўқотиб. У Томрузнинг алам тўла кўзига боқишдан кўрқарди. – Менинг айбим нима? Айбдорни айбла. Ҳайдасалар, кетасан-да. Фрада мени урмоқчи бўлди.

– Фрадани жойида сўйиб ташламайсанми? Спарни, қўл-оёғини боғлаб, менга келтирмайсанми? Эй, Худойим. Худойим-эй! Энди нима қиламиз? Нима қилсак экан? Ўғлинг борми? – алам билан сўради у Хугавадан, унинг елкасини силташда давом этар экан.

– Қизим бор.

– А! Қизми? Ягонами? Чиройлими? Хушрўйми, ўзингга ўхшайдими? Сен, бадбахт, уйга келиб... қизингни Олачипор ажал еганини эшитсанг, қандай иш тутардинг?

Мерган дод дегудек бўлиб, гандираклади.

Томруз нафрат билан Хугавани чодир остонаси томон итариб юборди.

– Менинг олдимда айбинг жуда катта! Кет. Қайта ҳеч қачон кўзимга кўринма.

Томруз жун чодирдан уч кечаю уч кундуз чикмади. Ҳеч нима емади. Фақат, машаққат билан чўлдан ўтиб келган кишидек тўйиб-тўйиб сув ичди.

Саклар гангиб қолишди. Уруш кетмоқда, форслар кумда изгиб юришибди. Фрада ва Спар халок бўлишди. Куруш етти юз нафар ёш сакни тиғдан ўтказди. Қимирлаш даркор. Қасос олмоқ лозим! Бироқ Томруз ҳеч нима қилмоқчи эмас. Бундан буён нима бўлади? Шундай ҳам иш тутиб бўладими?

* * *

– Келтиринг бу ерга аблахни! Келтиринг сурбетни! Бу ерга олиб келинг муртадни! Ўзим терисини шилиб оламан. Кўзларини ўзим ўяман. Жонини суғуриб оламан. Қорнини ёраман, ичак-чавоғини ағдараман, ичагини калласига салла қиламан! Бошини узиб, лаънати онасига жўнатаман – кўз

ёши қон бўлиб оқсин у қора қанжикнинг!

– Ўзингни бос, давлатпаноҳ! Тинчлан. Шошган одам илонни босиб оларкан. Томрузнинг ўғлини ўлдирма.

– Нималар деяпсан, биродарим Гов-Барува? Эндигина тиши ёриб чиққан итвачча икки ярим минг жангчимни ғажиб қўйса-ю, мен уни аяб ўтиришим керакми? Ёввойини қирқ отнинг думига боғланг-да, парча-буруш қилинг! Ёғни қиздириб, қозонга солинг гўштини! Қозикқа ўтказинг!

– Тинчлан, ҳукмдор! Эсингни йиғ. Спаргапани ўлдирганинг билан ҳалок бўлганлар тирилиб қолмайди. Бардам бўл! Томрузнинг ўғлини ўлдирма. У керак бўлади.

– Нимага?

– Биласанми, давлатпаноҳ... Ҳозир икки кишимиз. Шундайми? Ҳеч ким гапимизни тингламаяпти. Шундайми? Мен очигини айтаман. Ёдингдами, ўшанда, чинор остида маслаҳатлашганимизда Утана... маккор Утана ҳақ бўлиб, биз хато қилган эканмиз. Ҳа, хато қилган эканмиз! Саклар, биз тахмин қилгандек, унчалик нотавон ва қўрқоқ эмас эканлар. Мана бу бошлар уюми бундан сўзсиз дарак бериб турибди. Агар ўспиринлар ичиб маст бўлишмаганда, Ахурамазда шоҳидки, уларни қурук қўл билан енгиб бўлмасди. Ток зангига шукрлар бўлсин! Бирок даштда яшириниб юрганлар маст эмас-ку. Улар хушёр, шафқатсиз ва хавфли.

– Тўхта! Кўзларимга бир боқ-чи. Шундай. Сен, Гов-Барува, ғалати одамсан. Сен ё ўтакетган айёрсан, ёки... ўзинг истаганчалик доно эмассан. “Уларнинг ҳатто совути ҳам йўқ, қиличимизни қиндан чиқаришимизга ҳам ҳожат бўлмайди, қувамиз, ҳайдаймиз...”, деб мени йўлдан урган сен эмасмисан? Энди гапни қаёққа бурмоқдасан? “Хавфли, даҳшатли...” Бу нима деганинг?

– Давлатпаноҳ! Наҳотки менинг садоқатимга шубҳа қилсанг? Мен сенга содиқман. Лекин хато қилдим. От ҳам тўрт оёғи билан қоқиларкан. Овчи ҳам тузоққа илинаркан. Ўрнида ётган одамгина қоқилмайди. Бу лаънати сакларни тушуниш қийин экан. Бута меваси заҳарлилигини еганингдан кейин биларкансан. Мулоҳазакор бўлайлик, ҳукмдорим! Асосийси – тадбир! Тадбир учун Спаргапа ўлмаслиги лозим. Бир яхши фикр бор. Ўша айтганим сак, бошқа сакларга ўхшамайдиган Фрада айтишича, Томруз ўғлини жон-дилидан яхши кўрармиш. Жонидан ортик кўрармиш. Гап бундай... овсар Меҳр-Бедодни яна Томруз хузурига жўнатсак, нима дейсан?

– Яна? Яна қурук гапми?

– Яна нима қилиш мумкин, ҳукмдорим? Спаргапани сенга Ахурамазданинг ўзи юбормиш. Ҳа, Ахурамазданинг ўзи юбормиш! Спаргапа биз учун ажойиб топилдиқ бўлди. Донишманд иродаси билан бизга яратиб берган имкониятдан фойдаланмасак, меҳрибон маъбуд бизни кечирмайди.

– Ҳм. Гар Ахурамазданинг ўзи экан... Майли. Лекин агар Томруз яна итоатдан бош тортса-чи?

– Бош тортса-чи? Нималар деяпсан, олампаноҳ? Она бўла туриб-а... Ақлга сиғмайди. Мен биламан бу оналарни. Томруз ўғлининг жонини сақлаб қолиш учун ўзини ҳам, халқини ҳам азобга дучор қилишга тайёр. Башарти кўнмаса – начора? Ўзига ёмон бўлади. Ахурамаздага шукрим, қандайдир икки ярим минг жоҳил талаф бўлгани билан кудратимиз

пасайиб қолгани йўқ. Томруз яширинган жойни Фрада кўрсатиб беради. Топиб, ҳаммасини бўғизлаймиз, тамом-вассалом!

* * *

Қаердадир ит узук-юлуқ инграб хуриди.

Спаргапа хушига келди. Итмиди? Йўқ. Унинг ўзи тушида инграганди. “Худойим-эй! –ўйлади Спаргапа, жунжикиб. – Бошимдан кечмиш бу ходисалар чиндан ҳақиқатмикан? Шўрим курсин! Шўримга шўрва тўкилибди-ку”.

Ҳар кун тонгда ўзига шу мудҳиш саволни берарди. Кўзини очар-очмас ўзини саволга тутарди. Киши ғира-шира уйғониб бедор бўлган, бироқ кўзини очмай ётган пайтлари шундай қиларди. Бандининг мияси мудҳиш йўқликдан машъум бедорликка кўчган пайтларда шундай бўларди.

Тутқун бўлганига Спаргапа ҳали ҳам ишонмасди. Менга шундай туюлмоқда, деб ўйларди у.

Йў-ўқ! Форслар уни ташлаган зиндондаги зулмат аниқ сезилиб турарди. Муз ўтиб кетган биқини билан лойда ётарди. Душманлар тошдек зил ёғоч кундага маҳкамлаб, бандининг оёғига урган йўғон биринж кишан занжирининг жаранглаши эшитилиб турарди. Симиллаган оғрикни, суяқларининг зирқирашини, кўнгли беҳузур бўлаётганини ҳис этарди.

Спаргапа қўлга тушган биринчи кун анча енгил ўтганди. Шаробдан эсини йўқотгани учун ҳеч нарсани ҳис этмаган, ҳеч нарса эсида қолмаган, ҳеч нарсани тушунмас ва тушунишни ҳам истамасди. Ҳиссизлик ўтиб кетгач, аниқроғи, чидаб бўлмас хумори тутгач, танаси билан қалби бараваар чекаётган оғриққа, азобга айланди.

Ё Худо! Онам... Онам нима дейди? Саклар нима дейишади?

Ўтган куни у зиндон бошида минғиллаб қўшиқ айтаётган соқчига бир кўза шароб келтиришни сўраб овоз берди. Яна тўйиб ичиб олгиси келди. Бутунлай эсдан оғишни истади. Яна шу ярамас суюқликни ичиб олиб, ҳеч нимани ўйламаса бўлгани. Ҳис этмаса, эсламаса бўлгани... Соқчи сўқинди.

– Биянинг пешобини келтира қолай? Бир култум сасиган сувни ҳам кўрмайсан, кўппак!

Шунақа, на шароб, на сув берди. Банди зиндон тубидаги нам кумни сидириб олиб, шимишга мажбур бўлди.

“Сени нечун ўзим билан олиб келдим, биласанми? – Оқ отанинг гапларини эслади Спаргапа. – Шуни тушуниб ол. Тушуниб олмасанг, хароб бўласан. Сўнгги гапим шу: Томрузнинг айтганини қил, Хугаванинг айтганига қулоқ сол...”

Спаргапа ҳеч нарсани тушунишни истамасди.

У ҳеч кимга қулоқ солишни истамасди.

Ахир отаси ҳам, онаси ҳам, меҳрибон дўсти Хугава ҳам шунақанги сабр-тоқат билан, мулойимлик, ғамхўрлик билан уни йўлга солишарди, чакки қадам ташлашдан асрашарди-я!

Олачипор ажал тозиларни парча-буруш қилиб ташлагани сингари, Куруш ҳам Спаргапанинг овсар жангчиларини тилка-пора қилди... У тишини қаттиқ ғижирлатиб, бошини кундага урди-да, хушидан кетди.

Неча кун хушидан кетиб ётди экан?

Бир кундир. Эҳтимол, ўн кундир. Тепадан устига қуйиб юборилган совуқ сувдан ўзига келди. Сувга ғарқ қилишмоқчимми? Йўқ. Банди инграб, кимираши биланоқ сув қуйиш тўхтатилди. Зиндон бошида ёруғликни

тўсиб, кимдир ўтирарди. Сак қора ўпқон томон энгашиган бу кишининг юзига соя тушиб тургани учун кўрмаётганди.

– Спаргапа! – зиндонда нотаниш, бироқ меҳр аралаш овоз бўғик эшитилди. – Менинг гапимни эшитаяпсанми, Томрузнинг ўғли?

– Эшитаяпман, – шамоллаган овозда хириллаб деди Спар, уни йўтал тутди. Жазирама кунлар авжига чиққанда ҳам чўлда баданни увуштирар даражада совуқ бўлади. Устига устак зиндонда ўтириш – муз ичида ўтириш билан тенг эди. Ундан ҳам бадтар эди, чунки зах совуқдан хавфлироқ-да.

Юқоридаги одам банди йўталиб бўлгунча кутиб турди. Спаргапа балғам босган кўксини аранг тозалаб, жимиб қолди. Юқоридан яна овоз эшитилди:

– Сен билан шаҳаншоҳнинг маслаҳатчиси Гов-Барува гаплашмоқда. Мени эслайсанми? Биз Утана билан онангнинг хузурига борган эдик.

– Ёдимда! – бир сесканиб тушди Спаргапа. Кўп кунлик сукунатдан сўнг инсон овозини эшитиш унга хуш ёқаётганди. Соқчиларнинг қабих сўкинишини инсоннинг гап-сўзи деб бўлмайдик-ку.

– Мен сенга яхшилиқни истайман, дўстим. Ҳозир одамларимиз Томруз хузурига музокара олиб бориш учун жўнашади. Унга айтадиган бирон гапинг борми?

Спаргапа ирғиб тушди, занжир жаранглади. Онам! Қай бир бахтиёр унинг онасини кўрар экан-да. Унинг ёнида туради, у билан суҳбатлашади...

Онаси билан бирга бўлиш, унинг норозилик билан айтган бўлса-да, гапларини эшитиш қанақанги бахт бўлишини у авваллари тушунмаган экан. Талабчан қарашларининг қадрига етмаган экан.

Бир неча кун аввал ҳам Спарга онасининг олдида абадул-абад шундай, уришқоқ жўжаҳўроздек чираниб юраверадигандек, у эса хормай-толмай, сабр-тоқат ва меҳр билан унинг-ла овора бўлиб, жону дилини юпатиб, кўнглини овлаб ўтираверадигандек туюлганди.

Бироқ атиги бир неча кунгина ўтиб, онаси ундан шунчалик йироқлашиб кетдики, уни яна қачонлардир кўриши мумкинлиги ҳақида ҳатто орзу қилишга ҳам умид боғламасди. У гўё ўлгандек эди.

– Хўш? – шоширди Гов-Барува.

– Унга айтишсинки... айтишсинки... – Спаргапа урилган занжирдан оғирлашиб кетган қўлини кўксига олиб келиб, парвоз қилаётган шунқор тасвири ўйиб туширилган думалоқ туморини узди. – Унга менинг бу туморимни олиб бориб беришсин. Арқон туширсангиз, боғлаб чиқараман. Яна шундай дейишсин: “Ёш шунқор – сичқоннинг инида. Онажон, кутқаринг”. Эшитдингизми, Гов-Барува? “Ёш шунқор – сичқоннинг инида. Онажон, кутқаринг”. Ёш шунқор... кутқаринг! Кутқаринг, онажон!

– Яхши, дўстим. Яна озроқ сабр қилгин. Сенга сув ва гўшт беришларини тайинлайман.

Гов-Барува кетди. Янги азоблар бошланди. Онасига жуда кам гап айтиб юборгани учун Спаргапа ўзини ўзи лаънатлай бошлади. Аҳволи ёмонлигини айтиши керак эди. Ўғлини нима қилиб бўлса ҳам кутқариши зарурлигини айтиши даркор эди. Айтиши керак эдики... Эҳ, бўлар иш бўлди. Энди кеч.

– Қайтиб келишдими? – сўради у ярим соатдан кейин соқчидан.

– Ким?

– Томруз хузурига юборилганлар.

– Жинни бўлдингми? Улар ҳали кетишгани ҳам йўқ-ку.

Ундан овқат ўтмасди. Сув ҳам ўтмасди. Баланддаги, боши устидаги оч ложувард доира тўқ кўк ранг билан, тилларанг нукта бўлиб кўринаётган юлдузлар билан, кейин яна оч ложувард ранг билан алмашди. Бундай алмашиш жуда кўп марта, эҳтимол, минг марта бўлгандир... Ёки бандига шундай туюлдимикан?

Эркинликда – кутиш машаққат. Эркисизликда-чи? Эркисизликда кутиш – худди жонингни бирма-бир суғуриб олаётгандек, ўтқир қозикқа ўтказгандаги азобдек қийноқли. Туткун учун вақт – лаҳзадек қисқа, бироқ лаҳзалар – йиллар каби узун туюлади. Зиндонда туйғулар бир-бири билан шунақа қовушмайди.

– Қайтишдими?

– Яқинда қайтиб келишади.

Юқорида бўлаётган нарсаларга Спаргапанинг қулоғи динг эди. Туёк товуши эшитилса ҳам, отлар кишнаса ҳам, қароргоҳда нима учундир шовқин кўтарилса ҳам Спаргапа бир сесканиб тушар, ҳозиргина тутилган, ҳали ўрганмаган, қўндоққа боғланган шунқор мисол, кишанни жаранглатиб қимирлаб қоларди.

– Қайтишдими?

– Бас қил, хайвон!

Ўйигитнинг қулоғига ҳар нарса эшитила бошлади: баъзан йирокдан онасининг йиғи аралаш овози эшитилгандай бўларди:

– Спа-а-ар...

У бошини орқага ташлаб, бўри ўз уясидан қарагандек, ёруғ доирага жонжаҳди билан кўз тикарди, ўзининг сабрсиз қатъияти билан соқчиларнинг жонига тегиб, соқчиларни жонидан безор қилиб, соқчиларнинг юрагини ўртаб сўрайверарди, сўрайверарди, тинмай сўрайверарди:

– Қайтишдими?

– Ўчир овозингни, тўнка, йўқса ўлдираман!

Ўлдирилмайсан, эшакнинг қовурғаси. Спаргапани онаси қутқариб олади. Онагина-я! Ўғлини мушкул аҳволда қолдирармиди онагинаси?

Спарни болалигида от тепганди. Туёғи қоқ бурнига текканди, бурни қонга ботган бир бўлак гўштга айланганди. Ўшанда Томруз қанақанги дод солганини, сочини юлганини яхши эслайди. Ўғли бир умр бадбашара бўлиб қолишидан кўрққанга ўхшарди. Бола ёрилган бурун катаклари орқали нафас ололмас, оғзи эса ухлаганда ўз-ўзидан ёпилиб қоларди. Ўғлим бўғилиб ўлмасин деб, тунда тишлари орасига таёкча тикиб қўярди. Жароҳатга шифобахш суртма сураб, шифобахш гиёҳлардан малҳам қўярди. Ахири муродига етди – бурни тўғриланди, фақат бурнининг чап бурчида ҳамда учида чандиқ қолганди. Чандиқ сезилмайдиган даражада кичкина эди.

Йўқ, Спаргапанинг хароб бўлишига онаси йўл қўймайди!

* * *

– Ўғлинг шаҳаншоҳнинг қўлида банди.

– У тирикми? – аёл элчига ўзини отиб, укаси мисол меҳр билан маҳкам бағрига босди. Сакларнинг оқсоқоллари бир-бирлари билан кўз уриштиришди.

* * *

Томрузнинг эси оғиб бораётганди. Кўчманчилар сардорлари унинг чодирдан чиқишини уч кечаю уч кундуз сабрсизлик билан кутишди. Шу дамларда сусткашлик қилиш ўлим билан тенг эди, бироқ кишилар ўз сардорларини безовта қилишга ботина олишмасди. Тўртинчи кун Томруз чиқди-да, аравани бир оз титкилаб, яна қўздан ғойиб бўлди.

Сардорлар хавотирга тушиб қолишди. Ёшгина ўлиб кетган Спарга одам ачинади, албатта. Бироқ ҳалок бўлган қолган етти юз нафар йигитнинг онаси, опа-синглиси, дўстлари йўқмидики? Бор. Лекин улар чодирларига биқиниб олишмаган-ку – фарёд қилишмоқда, йиғи беришмоқда, аммо бу ишларни биргаликда қилишмоқда. Чодирга кириб ўтириб олган билан ўлганларни тирилтириб, ўлдирувчиларни эса даф этиб бўлмайди.

Оқсоқоллар Томрузнинг жун чодирга дадил кириб боришди-ю донг котиб қолишди.

У чўкка тушиб, Спарнинг болаликда кийган қўйлагини юзига босиб, миқ этмай тебраниб ўтирарди. Йиғламаётганди у. Кўзини юмиб олиб, вақт ўтиши билан тўзиб, унниқиб, сарғайиб, ситилиб кетган матони ҳидларди.

Боланинг қўйлагидан қумда ўсадиган акас гулнинг иси келмасди, албатта.

Она учун эса, қаранг-а, унинг ҳиди ёқимли ва азиз экан.

Сардорлар нима дейишни билмай, бош эгишди. Шу пайт форс Мехр-Бедод пайдо бўлди.

* * *

– Ҳозирча... тирик, – хижолат бўлиб минғирлади Мехр-Бедод, дашт маликасининг кучоғидан шошиб-пишиб озод бўлар экан.

Йўқ, кекса сак аёлининг қучиш форсада жирканиш туйғусини уйғотмади, аксинча, кўпдан буён туғишганларидан йирокда бўлган йигит Томрузнинг бағридан уфуриб турган оналарча илиқликдан хайратга ҳам тушди. Бироқ ортида хос соқчилари турибди, улар бўлган гапларни Курушга ҳамда Гов-Барувага оқизмай-томизмай етказишади.

– Нечун “ҳозирча”? – Томруз ўзини орқага ташлади ва осилиб кўксига тушиб турган мис тангани шахд билан узди.

– Менинг мунаввар ҳукмдорим, – деб қовоқ уйиб эълон қилди Мехр-Бедод Томрузнинг диққат билан тикилган нигоҳидан кўзини айбдорларча олиб қочиб, – қуйидаги сўзларни сенга етказишимни сўради: “Донишманд Томрузга дўстлик ва саломатлик тиловчи сўзлар билан сўнгги бор муурожаат этмоқдаман. Дарё бўйидаги қароргоҳимга маккорлик билан хужум қилган жангчиларингни қириб ташладим. Бироқ Спаргапани вақтинча тирик сақлаб қолдим. Таслим бўл, итоатга кел, йўқса ўғлингни энди ҳеч қачон кўра олмайсан. Шундай қийноқлар азобида жон берадики, дунёга келмагани маъқулроқ бўларди”. Мана, ол. – Мехр-Бедод аёлга туморни узатди. – Ўғлинг шундай деб етказишни ўтинди: “Ёш шунқор – сичқон инида. Онажон, қутқаринг”. У зиндон тубида занжирбанд ўтирибди. На овқат беришади унга, на сув.

Сак сардорлари орасида говур-ғувур кўпди.

Барчалари Спаргапани енгилтаклиги ва ўзбошимчалиги учун бир оғиздан лаънатлашди, она сифатида ожизлиги учун, овсар ўспиринга беш юз кишининг ҳаётини ишониб топширгани учун Томрузга таъна қилишди. Уларнинг бунга ҳаққи бор эди. Сакларнинг устидан ҳукм чиқариш –

сакларнинг ўз иши. Бироқ уларнинг сардорининг ўғлини таҳқирлашга форснинг қандай ҳадди сизди?

– Ё Анахита!.. – Томруз туморни юлиб олиб, оқ кигизга чўкди. Боши осилиб кўкрагига тушди. Ерга юзтубан йиқилмаслик учун ўнг қўлини ерга тиради: туморни тутган сўл қўлини лабига босди.

Меҳр-Бедод унинг олдида беун депсиниб турарди.

Сак сардорлари миқ этган товуш чиқаришмасди.

Чодирга кираверишда форслар, элчининг хос соқчилари жим ўтиришарди.

Олис-олидан, қум барханлари ортидан адашган тойчокнинг жарангдор, ғамгин ва дардчил кишнаши қулоққа чалинди. Шу ондаёқ чодир ёнида бия жон ҳолатда, бор овози, жон-жаҳди билан, хавотирли, қайғули ва чорловчи оҳангда кишнаб юборди.

Меҳр-Бедод сесканиб тушди. Хос соқчилар чўчиб, бир-бири билан кўз уриштиришди. Сак сардорлари тишларини тишларига босишди. Томруз аста бошини кўтарди:

– Ҳордиқ чиқаринглар. Мен ўйлаб кўраман. Жавобини эртага оласизлар.

... Тун кирди. Ҳар доим шу пайтда, барханларга энди тун чўкканда, ой ҳали кўтарилмаган, юлдузлар тўлиқ нур таратмаётган лаҳзаларда бўладигандек, чўл зим-зиё эди.

Меҳр-Бедоднинг мулозимлари уйқуга кетишди. У чодир остонасида ўтириб, ўйларди. Ҳаёт ҳақида, турли нарсалар ҳақида, ўзи ва Томруз тўғрисида ўйларди. Толеи паст аёл экан. У ўзининг онасини кўз олдига келтирди. Агар саклар Меҳр-Бедодни зиндонга ташлашса, унинг ҳоли нима кечарди?.. Саклар ҳам, форслар ҳам – барча одам. Жигаридан айрилиш ҳамма учун бирдек оғир. Нечун кишилар доим бир-бири билан гажишишади экан-а?

Қум устига сариқ нур сочилди.

“Ой чикмоқда”, – фаҳмлади Меҳр-Бедод.

Шу пайт ғалати товуш ёш элчининг қалбини қаттиқ тирнади.

Бу товуш аста чийиллашдан бошланди. Сўнг азобли хўрсинишга ўхшаш бўғиқ ингрокқа айланди. Кейин секин-аста, равон, чўзиқ титрок билан кучайиб бориб, секинлашди-да, бўшлиққа сингиб кетди.

Меҳр-Бедод ўрнидан ирғиб туриб, чодирдан нарига югуриб кетди.

Унинг олдида, дўнглик этагидаги кенг пастқамликда пиёда саклар тўдаси харсангтошлар уюмидек қорайиб кўринди, кўчманчилар қум устида калта найзаларини тепага қаратиб, бир-бирига тиқилиб, зич ўтиришарди. Улар гаплашишмасди ҳам, кимирашмасди ҳам.

– Бу нима эди? – пичирлаб сўради Меҳр-Бедод.

Саклардан бири қўли билан ёнбағирларини қум босган, яланг тепаси кунгурасимон тик дўнгликни кўрсатди.

Тепаликнинг қоқ устида, оч-яшил ёғду узра улкан, думалоқ, қон сачраган мис қалқондек қизил доғ босган ой хунук кўтарилмоқда.

Ойнинг мис баркашида, қора рангда чизилгандек, қоядор тепалик ва ҳаракатсиз турган икки мавжудотнинг аниқ сурати яхлит қора соя бўлиб кўринди. Юқорида, қаддини букиб, тирсагини тиззасига тираб, юзини кафтлари орасига олиб сочи ёйилган аёл ўтирарди. Тепалик ёнбағирнинг бироз қуйисида, аёлнинг оёқлари остида, бўйинини узатиб ва бошини осмонга қаратиб, катта ит ётарди.

Меҳр-Бедоднинг қулоғига чийиллаш ва бўғиқ ҳикиллаш эшитилди,

шу ондаёқ бутун даштга ёйилган, энтикиб чиққан баланд фарёд осмонга ўрлади.

– Бу нима? – бошини чангаллади Мехр-Бедод. – Нима?

– Секин, бақирма, – уни тўхтатди сак. Сўнг зарда билан тушунтирди:

– Ит йиғламоқда.

– Ит? – Мехр-Бедод енгил нафас олди. – Нима учун... бунақа... ваҳимали?

– Боласини ўғирлаб кетишди.

– Ким?

– Олачипор ажал.

У мана шу ажал ҳақида яна эшитмоқда эди.

– Қанақа Олачипор ажал?

Сак индамай қолди-да, сўнг истар-истамас деди:

– “Қора хол”. Дашт силовсини.

Душманлик, қотиллик, қон билан боғлиқ барча нарсани саклар Олачипор ажал дейишар экан-да, деб ўйга толди Мехр-Бедод.

Дашт узра яна энтиккан фарёд ёйилди.

Энди бу ўзи яратган жонзотдан махрум бўлган табиатнинг овози эди.

Энди бу олис асрлар қаъридан, ўрмондаги уялардан, ғира-шира ғорлардан, қор босган жарликлардан, ибтидоий гулханлардан келаётган минг-минглаб оналарнинг – фарзандларига аза очган оналарнинг фарёди эди.

Онгли мавжудот – овоз чиқариб йиғи бераётган аёлнинг фарёдида унинг тўрт оёқли, ёввойи ҳамшираларининг ҳайвоний ингроғи жарангласа, ғам-ҳасратдан дили вайрон бўлган она итлар, она бўрилар ва чиябўриларнинг аламли фарёди чидаб бўлмас даражадаги инсоний дардга чулғанган бўлса, демак, оналарнинг мусибати даҳшатли бўлар экан-да.

Ит туни билан йиғлаб чиқди.

Сочи ёйилган аёл тепалик устида туни билан қимир этмай ўтириб чиқди.

Мехр-Бедод шишиб қизарган кўзларини туни билан юммади. У ўзини қўйгани жой тополмасди. Чодир томон кетар, тепалик этагига қайтиб келар, муштларини силкитган ҳолда барханлар узра югурарди. Инграрди, сўқинарди, тепаликдаги ит сингари жон-жаҳди билан йиғларди.

Эсанкираган жониворнинг дам заифлашиб тўхтовчи, дам ақл бовар қилмас даражада кучаювчи аламли фарёди миясини пармаларди. Юраги қаттиқ сиқилиб, тиззаси қалтирар, кафтини совуқ тер босарди.

Саклар индашмас, қимир этишмасди. Улар сабр билан кутишарди. Шунда Мехр-Бедод бу матонатли кишилар метин сабр-тоқат, куч ва чидамга эга эканликларини тушунди.

Йўқ, Гов-Барува бекор уринаяпти! Томруз аёллигига бориб, ўғли учун Курушга итоат этишга рози бўлса ҳам, Томрузнинг уруғдошлари, мана бу оддий кишилар шаҳаншоҳ олдида тиз чўкишни истамайдилар, душман кўлига ҳеч маҳал тирик тушмайдилар.

Эрталаб ит жимиб қолди – у ўлганди.

Аёл эса... Аёл тирик қолди. Эрталаб сочи ёйилган аёл тепаликдан тушди-да, Мехр-Бедоднинг олдида келди.

Бу – қорамағиз, ориқ, букчайган, сочида битта ҳам қора тола йўқ, сокин кўзлари чўккан, лаблари қаттиқ қимтилган аёл эди.

Ҳайратга тушган Мехр-Бедод дашт маликаси Томрузни аранг таниди.

* * *

Қишда музлаган замин, унинг қаърида ётган донлар, тугунаклар, илдизпоярлар, илдизлар баҳор келишини интизор бўлиб, сабрсизлик билан кутарди, баҳордан эса хабар йўқ.

Оч-наҳор пода қўтонда қувноқ чўпонни интизорлик ва бетоқатлик билан кутарди, бироқ чўпондан ном-нишон йўқ.

Зиндонда тўнғиб адои тамом бўлган банди куёш чиқишини интизорлик билан зориқиб кутади, бироқ куёшдан дарак йўқ.

Замин баҳорни, пода – чўпонни, банди – куёшни тинка-мадори қуриб, сабрсизлик билан кутганидек, зориқиб кутган одаминг кўпинча кўзингни йўлга интизорлик билан, тешилгудек бўлиб тикканингда эмас, балки кутишдан чарчаб, кўпдан бери кутмай қўйганингда келади.

Аслида баҳор ҳам, чўпон ҳам вақтида келади, куёш ҳам вақтида чиқади, бироқ кутиш шундай ҳолатки, ўзингнинг сабрсизлигинг бировнинг ҳаяллашидек туюлади.

Ёруғ дунёдан ҳафсаласи пир бўлган Спаргапани уйғотишга анча вақт кетди. У ёзги ёхуд қишки уйқудан олдин кумга кўмилиб олган тошбақанинг ҳолатига ўхшаш ғайришуурий бефарқликка тушиб қолганди. Спаргапа юқорида, соқчилар уни занжирбанд қилинган кундадан ажратиб олиб, зиндондан арқонда тортиб чиқаришгандан кейингина ўзига келди.

Озиб-тўзиб, дармони қуриган, куёш нуридан кўзи қамашган банди занжирни жаранглатиб, душман чодирлари оралаб, улар бошлаб кетаётган томонга гандирақлаб борарди. Форслар сўкина-сўкина йигитни тирсагидан тутиб боришарди, акс ҳолда у беш қадам ҳам ташламаёқ йиқиларди.

– Аҳ-ҳа. Ҳм. Мана шунақа экансан-да, – деган зардали товушни эшитиб, ковоқларини йириб очди.

У улкан оқ чодир ичида турарди.

Олдида қирмизи гиламлар устида озода, кеккайган, серсоқол форслар ўтиришарди. Спаргапа Гов-Барува ва Утанани дарров таниди. Бир чеккада яна қандайдир таниш чехра кўрингандай бўлди, лекин у кимлигини банди эслай олмади.

– Шароб беринглар унга, – деди Гов-Барува. – Йўкса оёқда туролмаяпти.

Спар бошини аста тебратди.

– Истамайсанми? – масхараомуз кулди Гов-Барува. – Ёқмадими? Ҳа-ҳа-ҳа. Унга сакларнинг ичимлигидан беринглар.

Спар косадаги қимизни ютоқиб ичди. Кўчманчининг кўзлари мошдек очилди. Енгил нафас олиб, қадини кўтарди. Қурушнинг элчилари Томрузнинг ҳузуридан қайтиб келишган кўринади. Ҳозир Спаргапанинг тақдири ҳал бўлади.

Ёш жангчи қоматини ростлади-да, Гов-Барувага дадил боқди. Онаси ўғлини хатарга ташлаб қўймайди!

– Жасур сак, сўзларимни тингла, – аста, салмоқлаб гап бошлади Гов-Барува. – Томруз... сендан воз кечди. “Ёш шунқор сичқон инига ўзи интилди, энди ўша ерда умрбод қолаверсин”, – деб айтишни тайинлади. Мана, ол.

Шундай деб, маслаҳатчи Спаргапага туморининг ярмини отди. Иккига бўлинган думалоқ олтин энди у билан Томруз ўртасида қариндошлик ришталари узилганидан дарак берарди.

Спаргапа саросимага тушди.

Ҳеч нарсани тушунолмай, оғзини очганча, атрофга алангларди,

ғайришуурий ҳолатда хайрихоҳ бир нигоҳни тутмоқчи бўлди. Бирок форслар бадқовоқ, илтифотсиз, такаббур эди.

Йигит занжирни жаранглатиб эгилиб, яримта туморни олди, янги синдирилган жойдан синчиклаб бармоғини юритди. Сеҳрини йўқотган туморни терлаган кафти билан сикди, жазирама туш пайтидаги касал совлиқ сингари бошини ҳам қилди.

– Қўймисан ёки одам? – ғазаб билан қичқирди Гов-Барува. – Нега дод солмаяпсан, тишингни ғижирлатмаяпсан? Туққан онанг сен вабо ёки ўлатдек керак бўлганинг бир ҳовуч битлиқи уруғдошларингни деб, сендан воз кечди. Сен ўлсанг ўлавер, ўзлари омон қолишса бас уларга. Қанақадир Спаргапа улар учун нима ҳам бўларди? Форслар уни нимталаб-қиймаламайдими, сихга тортиб, кўрада пиширмайдими, пиёз қўшиб еб юбормайдими – сакларга барибир. Мағрур Спаргападан кўра илма-тешик чодирлари кадрлироқ улар учун. Шундай эмасми?

... Меҳр-Бедод думалоқ кўзларини босиб тушган қошлари оралаб Гов-Барувага ташвиш билан боқарди.

Гов-Барува Спаргапани алдамоқда эди.

Рост, Томруз, ҳатто, ўғлини қутқариш илинжида ҳам сакларнинг ерини, сакларнинг суви, подалари ва ўзини шаҳаншоҳга топширишга рози бўлмасди. Аммо Спардан воз кечишни ҳам ўйламаётганди. У Курушга Меҳр-Бедод орқали мана бу гапларни айтиб юборганди:

– Эй, шафқатсиз, енгил ғалаба билан мақтанма! Сен менинг ўғлимни очик жангда енгмадинг – уни ўзларингизни ҳам ақлу хушдан айирадиган, бетамиз гапларни айтишга мажбур қиладиган маккор ичимлик, узумнинг захаролуд шарбати билан енгдинг. Мен ҳам, Куруш, сенга эзгулик ва саломатлик сўзлари ила сўнгги марта мурожаат этаман. Шаҳаншоҳ, сўнгги бор ўтинаман: биздан нари кет! Оқилона маслаҳатга қулоқ сол! Ўғлимни менга қайтар. Ўғлимни менга бергин-да, сакларнинг энг яхши ўғлонларини кириб ташлаганингдан мағрурланиб, ватанингга қайт. Қонга ташналигингни билдим. Ва унинг таъмини Қизилқумда тотиб кўрмоқчилигинг ҳам маълум бўлди. Сакларнинг ҳомийси Куёшга қасамки, уйингга тинч қайтмасанг, сен очкўз қонга тўйдираман...

Шундан сўнг Томруз шунқорли туморни икки бўлак қилиб, Спаргапага беришни ўтгинди:

– Она билан ўғилнинг юраги бир. Ярми – менда, ярми – унда. Улар қайтадан бирлашмагунча мен тинчимайман.

Бирок айёр Гов-Барува Томрузнинг шартли белгисини ўзича талқин қилди. Онасини алдай олмагач, ўғлини лақиллатмоқни ўйлади. Ёшгина Спаргапанинг бошига тушган мушкулдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

Меҳр-Бедоднинг виждони хаста жигардек азобда эди.

“Спаргапа, Гов-Барувага ишонма! У бевафо хотиндек ёлғон сўйламоқда”, – деб қичқиришига бир баҳя қолди. Яхши ҳамки (ўзи учун) ўзини тўхтатиб қолгани. Бўлмаса, шу куннинг ўзидаёқ бошқа жойда бошқача бақиришга тўғри келарди.

– Сенинг ўрнингда бўлганимда, бунақа оқибатсиз уруғдошларнинг таъзирини берардим! – шовқин солди Гов-Барува. – Қароргоҳига босиб борардим-да, бундай садоқатсиз дўстларимнинг қонини тўкиб, бошига итнинг кунини солардим. Муртад онанинг бурнига бурув солиб, гулханга отардим. Ойдек юзига лой чаплардим, қора бетига қорақуя суртардим, қари қирчанғига мингандек минардим. Қалин терисини ёриб, коп-қора

қонини ичган, суякларини тишларим билан ғажиб ташлаган бўлардим. Ўйнаб-қулиб ўчоқлардаги оловни ўчирардим, хохолаб қулиб, қулини кўкка совулардим, бор-будини майда-майда қилиб синдирган, тепкилаган бўлардим! Эй, кўппак боласи, она сути оғзидан кетмаган овсар! Икки оёқли ит. Ҳайвон. Бефаҳм ёввойи ор-номус нима-ю, қасос нималигини тушунишга қодирмиди?

Гов-Барува нутқига атайлаб қўпол, ҳақоратомуз сўзларни қўшар, яширин мақсад билан Спаргапани қаттиқ ҳақорат қиларди. У бандининг иззати нафсини тилкаламоқчи, қатъиятсизлик ботқоғидан тортиб чиқармоқчи бўларди.

Спаргапа эса боши ҳамлигича турарди. Лекин бўйни таранглашиб, қадди жаҳлланган бархан мушугиники сингари йиртқичларча эгилди. Занжирбанд қўллари титради.

– Сен оқил ва жасур йигитсан, – юмшаб гапирди Гов-Барува. – Шаханшоҳнинг жангчиси бўлганингда, унинг ўнг ёнидан жой олган бўлардинг. Шундай эмасми, эй, мунаввар шоҳим?

– Ҳа-да. Жой берардим.

– Сенинг кадрингга йиғлаймиз, дўстим. Бутун Турон Спаргапани мазах қилиб кулмоқда!

Тутқун илондек вишиллади. Ҳали ҳам кўзини ердан узмасдан тишини ғижирлатиб, аламидан жингалак соч бошини тебратди. “Лашкар берсангиз, ўғлингиз нимага қодирлигини биласиз. Қасам ичиб айтаманки, биринчи жангдан кейиноқ Спаргапанинг номи бутун Туронда оғизга тушади”. Чиндан ҳам, бутун Туроннинг оғзига тушдим... Оҳ, қандай шармандалик!

– Ҳукмдоримиз сенга одамлардан берадилар, – давом эттирди Гов-Барува эҳтиёткорлик билан. – Бориб, душманни тор-мор қил, оқ кигиздан жойингни эгалла. Оқ кигиз – сенинг ҳаққинг – ахир, сен буюк сардорнинг ўғлисан-ку. Бутун Туроннинг эгаси бўласан! Ўйлаб кўр. Хўш, нега индамаяпсан? Мени лақиллатишяпти, деб кўркмоқдамисан? Менга, ёт кишига ишонмасанг, ўзингнинг уруғдошинг, яқин кишининг гапини тингла!

Маслаҳатчи ўнг томонга қараб аста кўз қисди. Гиламга урилиб бўғилган пошна товуши эшитилди. Йигитнинг қулоғига таниш сас кирди:

– Оҳ, Спар! Ўғилгинам!

Банди бошини кескин кўтарди. Олдида мадларнинг ҳашамдор либосидаги киши турарди. У Томрузнинг ўғлига ачиниб боқарди.

Бу киши Фрада эди.

– Тирикмисиз? – ҳайратга тушди Спар.

– Оҳ, тирикман, куёшга, тупроққа ва сувга шукрлар бўлсин! Номи абадул-абад шон-шухратга буркангур мунаввар ҳукмдор менга ва менинг одамларимга раҳм қилди.

Спаргапа Райада отасининг бежо ўйнаётган кўзларига донг қотиб тикилди. Ахир форслар Фраданинг боши узра қилич кўтаришганини ўз кўзи билан кўрган эди-ку! Оқсоқол, эҳтимол, мастлик биланми, уларнинг бурни тагида қанақадир узукни силкитганди.

...Фрада ётларнинг ҳашаматли бўлса-да, рўдапо кийимини кийиб олганига қарамай, унинг қалбида сурур йўқ эди.

... Айраналиклар билан бекинмачоқ ўйнамоқчи, уларни лақиллатмоқчи эди, бироқ форслар айёрроқ бўлиб чиқишди. Гов-Барува дарҳол: “Мен лақиллатиш мумкин бўлган одамлардан эмасман! Сен ё тулкилик

килмасдан, тану дилинг билан биз томонга ўтасан, ёки ҳозироқ терингни шилишади”, – деб гапнинг пўсткалласини айтди.

Фрада итоат этишга мажбур бўлди. Форсларнинг ғазабидан кўра, уруғдошлари – сакларнинг ғазабидан кўпроқ кўрқишига қарамай, шундай қилди. Босқон билан сандон ўртасида ўйнаб қолмоқчи эди, бўлмади. Қармоққа илинди. Шикаст еб қолди. “Мунофиқ ит бир кунмас – бир кун бўри галасига кўшилиб кетади”, – деб бежиз айтилмаган экан.

– Ох, Спар, азизим, – шошиб-пишиб минғиллади Фрада, Гов-Баруванинг қахрли назарини илғар экан. – Бу кишига ишон. У – дўст. Томруз билан Хугавани нима қиласан? Хугаванинг кенгаш пайтида заҳарханда қилгани ёдингдами? Ўчингни ол! Давлатпаноҳдан кучли кўшин оласан. Менинг қирк нафар кишим қолган. Гўё форслардан қочгандек, тўс-тўполон қилиб уйга елиб борамиз. Кўшинни барханлар ортида қолдирамиз. Қайтиб борганимизга хурсанд бўлишади, зиёфат қилишади. Уруғ сардорларини зиёфатга чақиришади. Шунда тўсатдан хужум қилиб, сардорларни ўлдирамиз, шу орада форслар ҳам пистирмадан чиқиб, етиб келишади... Кўркма, ҳамма саклар ҳам бизга қарши чиқишмайди! Анчагина хонадонлар, бўғимлар ва уруғлар янги ҳукмдор тарафига ўтишади. Сен – Оқ отанинг ўғлисан. Буюк одамнинг ўғлисан. Турон шоҳи бўласан, Спар! Туроннинг бутун бойлиги оёқларинг остида бўлади, Спар! Туроннинг энг яхши отлари сеники бўлади, Спар! Минглаб ёш канизакларинг бўлади, Спар! Ўн минглаб эркагу аёлларни оёқларингни ўпишга мажбур қиласан. Тоғ-тоғ олтинларинг бўлади, шухратинг жаҳонни тутуди. Қирмизи либос оласан. Биров ғинг деса, шаҳаншоҳ шу ондаёқ уни бир ёқли қилади. Хўш, хўш! Гапга кўнсанг-чи! Нега индамай турибсан? Ох! Менда бўлганидами бу имконият.

Ўз нутқидан ҳаяжонланиб кетган Фрада сакларнинг қасосини ҳам унутиб қўйганди.

У ўзининг тубсиз очофатлиги сингари чуқур, оталик меҳри сингари қизгин алам билан баланд хўрсинди. Оқсоқолнинг кўзлари ёнарди. Омад ҳам аҳмоқона нарса-да! Излаган – унинг изини ҳам тополмайди, изламаган, ҳатто, излашни ҳам хоҳламаган олмосга дуч келади. Бу нима бало ўзи!

Бошига қўнай-қўнай деб турган бахтни қўлдан чиқариб юборса-я... Каллаварам Спаргапа. Тўнка. Ландовур. Фрада билан шундай овора бўлишгандами! Оқсоқол Томрузнинг ўғлидан нафратланиб ва жирканиб тескари қараб олди. Қаранг-а! Оғзига зўрлаб бол тикишса-ю, у кишим бўлса, ютишнинг ўрнига туфлаб ташласа. Палид.

Уҳ! Қани энди, табарзиннинг муҳраси билан хом калласига қараб айлангириб туширсангу майда-майда қилиб ташласанг. У бақувват муштини ғазаб билан тугди-да, шафқатсизлик билан зарба берди. Мушт билан эмас, сўз билан зарба берди.

– Кўнмасанг, гулханда ёнасану Райадани бошқа ҳеч қачон кўрмайсан.

Спаргапа бир сесканиб тушди. Шундай сескандики, занжир боғлами бир йўла узилиб, тош устига тушгандек ғижирлаб, қисқа жаранглади. Миясидан товонигача совуқ сув куйгандек бўлди. Баданидаги тешикчалар бирдан очилиб кетгандай туюлди.

– Хўш, – шивирлади тутқун.

Спаргапа ҳали шу аҳволга тушиб қолдими?

Мана бу одамлар сени хиёнатга бошлаши мумкин, деб ўйлашаётган

бўлса, демак, сен чиндан ҳам икки оёқли ит, ҳайвон, жирканч махлук экансан-да.

Виждонли одамга қабихлик қилишни таклиф этишмайди. Масалан, сенга уялмай айтган гапларидан биттасини ҳам Хугавага айтишга ботина олишмасди. У тинглаб ўтирмасди ҳам! Сен эса, бақалар вақиллаётган ботқоқлик бўйидаги эшак мисол, бу гапларга кулоқ солиб ўтирибсан.

Ҳаётим ўхшамади. “Начора! Инсон кадрдон хонадонига, жондош уруғига ва қабиласига нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам хизмат қилиши шарт”. О, Райада. Райада. Райада.

– Мен... розиман, – тундлик билан деди Спар.

Чодирдагилар қаттиқ чўл шамоли эсиб ўтгандай, енгил тин олишди.

– Баракалла, ўғлим Спар! – шодон қичқирди Куруш.

Қолган форслар ҳам, хурсандлик билан шохнинг ортидан хитоб қилишди:

– Баракалла!

Ҳаҳ, сени, Олачипор ажал.

– Кишанларни ечинг, – жилмайди Спар. “Инсон нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам...” О, Райада. Райада.

– Эй, кишанни ечинглар! – қичқирди Гов-Барува.

Занжирлар жаранглаб Спарнинг оёқлари остига тушди.

– Ўғлим! – хўнгради Фрада, ёш сакнинг елкасига осилар экан.

“Инсон нафақат ҳаёти билан...”

О, Райада.

Тоғ такаси йиқилса, юксакликдан йиқилади.

Спаргапа Фраданинг калта шамширини суғуриб олди-да, уни хоиннинг қорнига дастасигача тикиб юборди. Бир қадам орқага ташлаб, шамширни айлантриб, чакқонлик билан Фраданинг ичак-чавоғини ағдарди.

Соқчилар олдига югуриб етиб келиб улгурмасиданоқ, Спаргапа шамширнинг дастасини иккала қўли билан қаттиқ қисиб, ўткир тиғни ўзининг кўксига бор кучи билан санчди.

Нишонга аниқ, бехато урмай қўймасди у!

У хато қила олмасди!

Юраги қаердалигини Спар жуда яхши биларди.

У манфур севгилиси Райадани биринчи бор кўрганидан буён юраги тез-тез оғриб турарди...

Ёш сак бир лаҳзада жон берди.

Фрада эса анчагача азоб тортди. Форслар “итни” чодирдан судраб олиб чиқиб, майдон четига улоқтиришди. У қонга ва нажасга ботиб, тиришиб-буришиб, бўғилиб инграб, тунгача ётди.

Тунда уни чиябўрилар еб кетишди.

Сўнги ривоят

Ё ҲАЁТ, Ё МАМОТ

Қуёш қиздирар, Вайу шамоли¹ эсарди. Ой Говчитра нур таратарди. Даштда чўл силовсини изғиб юрар, барханлар ортида қум мушуги пусиб ётарди. Қоқ қақшаб ётган илонизи сойда ўғринча юрган оққуйруқларнинг туёқ товуши эшитиларди. Жароҳатдек кўзга ташланиб турган шўрхок ерда жайронлар елиб югуришарди.

¹ В а й у ш а м о л и – гармсел.

Парса қоплонлари Томруз устига босиб боришмоқда. Текислик. Бепоен қум. Қум. Қум. Аранха ортидаги мамлакатни кўрмаганларга қум чўлдаги энг даҳшатли нарсасдек туюлади. Асло! Барханлар – гуллаган қум боғ, қум гулзор, ҳаёт жўш уриб турган мўътабар жой.

Қум сувни дуруст шимади. Лой эса яхши шиммайди. Эриган қор ва ёмғирларнинг барханлар ичра ўтиб, қуйига сизган нами семиз лой қатлами устида тўпланади. Ана шу намлик ёзда ўсимликларнинг жонига ора киради.

Япроқсиз юлғунларнинг момиқ меваси зарғалдоқ, ол ёки сарик рангда, акасларнинг гули эса тўқбинафша рангда бўлади. Шамол эсса, юлғун тароксимон панжасини силкитади, саксовул ғижирлайди, буталар ёнбошлайди.

Бургут қурқурласа – тошбақа яширинади.

Бургут қурқурласа – ғаройиб чипор илон турган жойида бир зумда қум ичига яширинади; унинг танаси шунақанги тез ва сезилмас даражада кимирлайдики, мис сим жилдираб оқаётган сувга аста ботгандай, қум ичига кириб кетади.

Бургут қурқурласа – салқинда орқасини ерга бериб ётган эчкемар ўзини ўнглайди. Тўрт қулоч бўйини тиклаб, мешдек шишиб, орқасини тахтадек тўғрилаб, оғзини очиб, вишиллаб, думини у томондан бу томонга уради.

Эчкемарлар эчкиларни маза қилиб эмади.

“Эчкемарга тегма, – дейишади чўлда. – Эчкемарга теккан киши эрлик кучидан маҳрум бўлади”.

Териси йўл-йўл, панжалари бесўнақай тарвақайлаган, қорни хунук, боши текис, ғалати қарашадаги маънони ҳеч ким англай олмайдиган қора кўз бу улкан калтакесакнинг даққионусдан қолган қиёфасида кўхна, сирли, сокин ва хавфли чўл гавдаланган.

Эчкемар – Қизилқум ва Қорақумнинг совуқ рамзи, уларнинг мудҳиш сирлари, унутилган исмлар, ўлик ривоятлар ва барҳаёт иримларнинг холис сақловчиси, қўриқчиси.

Юқорида – тиканли буталар шохлари орасида тўда-тўда бўлиб ивирсиб юрадиган ҳар хил жонзотлар ҳам, қуйида – қумлар орасида, янада қуйида – инларда тимирскиланиб юрадиган гала-гала жонзотлар ҳам бархандан ўзига бошпана, шодлигу ғам-ташвиш топа оларди, насибасини топиб ерди.

Хос қўнғизлару катта бошли калтакесаклар, хўжасавдогару қум чумчуқлари; қорадум тентаққушу шалпангқулоқ типратиканлар, панжаси ингичка юмронқозиғу сертук қўшоёқлар, катта кўз геккону тароксимон панжали гекконлар шунчалик кўпки, уларнинг дастидан оёқ босиб бўлмасди.

Бу ер ингичка, йўғон, калта, узун бўлса-да, бир хилда йиртқич: тўқлигида ланжу очлигида яшиндек учқур илонлар етиштириладиган жойга ўхшарди.

Бу ер – ёруғ боғ, қуюқ ва салқин сояларсиз, ўсимликлар бир-биридан анча олисда жойлашган боғ – бошидан охиригача куёш тиғи остида ётувчи ёввойи текисликлардан иборат ноёб боғ.

Силжувчи, сочилувчан кўчма қумда аҳвол чаток. Қумтепалар олис ўлик сайёралар каби унумсиз ва яланғоч. Одамнинг қумтепаларда юриши қийин – тиззасигача қайноқ қумга ботиб, икки юз қадам ташлайди-ю, ғарққа терга ботиб, қулайди.

Бир оз шамол эсса, қумтепаларни сариқ чанг оғушига олади. Улкан

дўнгпешона кумтепалар зулматга чўмган чўлда сассиз изғиб юради. Даҳшатдан дами чиқмай қолган воҳаларни кетма-кет босиб, қалтираб турган буғдойзор ва пахтазорлар томон очкўзлик билан силжийди.

Кўчма бархан – козиқ тиши, тирноғи, суяги ва илиги бўлмаган йиртқич. У – бефаросат, хўра ва бераҳм махлук. У оч арслондан ҳам хавфлироқ, чунки оғриқни сезмайди, найза ва ўқдан кўркмайди.

Бироқ бир томчи бўлса-да, суви ва жасорати бор одам кўчма кумда ҳам буткул ёлғизлик, умидсизлик ҳамда чорасизлик ҳиссини енгиши мумкин.

Қалбни нима эзиб, нима ҳалок этади? Қалбни бир хиллик эсадию, бир хиллик ҳалок этади.

Кўчма кумда эса назар ташлаш мумкин бўлган нарса кўп.

Барханнинг шамол урадиган томонининг тақасимон қиёфаси. Яримой шаклда кесилган ўрқачлар. Қимирлайдиган узун дум.

Қумтепа силжир экан, дўнг пешонасини олдинга чиқармайди, балки қадимги ҳайвон сингари орқага қараб кетади. Тепаликлар, жарликлар. Баландликлар, пастликлар. Ойдин кечада барханлар қортепалар сингари кўзни қамаштирар даражада оқариб кўринади. Шамол учирган кум шойидек шитирлаб айланиб, тўкилади, ер ўпиб эсадиган шамол олиб кетган қор чангидек, оёқ остига тўшалади.

Қумтепалар бир-бирига ўхшайди ҳам, ўхшамайди ҳам. Ҳар бир кумтепа кўринишидан денгиз тўлкинидек бетакрор. Кўчма кумларнинг шафқатсиз, зиёнок, кишининг қон-қонини музлатувчи, ҳушни олувчи гўзаллиги шунда. Киши шўр денгизнинг чексиз юмалаб борувчи тўлқинларини ҳорғин, бироқ сўнмас қизиқиш билан кузатганидек, жойини ўзгартираётган кумтепалар сафига ҳам шу тарзда боқарди.

Дастурхон мисол текис ёзилган, заҳарли иси оёқ остида ётган ва бош устида айланиб юрган чангга ҳам сингиб кетган ложувард-кулранг ёвшан босган қоқ тупроқдан иборат чексиз майдонда одам ўзини ёмон ҳис этади.

Совуқ тунда музқотган, Турон куёшининг оташин нурлари остида қизиган майда тош жазирама туш пайти қарсиллаб ёриладиган, ёнғиндан қолгандек коп-қора биёбонда киши янада ёмон, жуда ёмон ҳис этади ўзини.

Бироқ пўрсилдоқ шўр ер, тузга бўккан, кумоқ-кумоқ нам лой, товон тагида жирканч қирсиллаб чўкадиган, кўнгилни ағдарувчи суюқлик чўлдаги энг ёмон жой эди.

Пўрсилдоқ шўр ер – чўлнинг сувочган темирткиси, фасод боғлаётган жароҳати, битмас яраси.

Бошинг узра – забонсиз осмон, остингда – ўлик тупроқ: оламда ўзингни ёлғиз ҳис этасан. Қалбингни умидсизлик тирнаб турган бўлса, ўн меш муздек сув ҳам сени кутқаролмайди.

Чўл улкан ва ранг-баранг: дам текис, дам сердўнг, дам қизил, дам олачипор, дам сарик, дам йўл-йўл, дам сукунатли, дам кўповозли эди.

Шунга қарамай, шўрхоқлар қабристонини чўчита олмаган, санқи кумтепаларнинг илондай вишиллаши даҳшатга соллмаган одамлар бор экан. Улар беқарор чўлга довураклик билан кириб боришди, дўнгликлар ва жарликларни обод қилишди. Дашт уларнинг кенг, қадрдон ва суюкли уйига айланди.

Бу одамлар чўлнинг данданадор ўрқачига дадил миниб, эҳтимол, шаҳарсозлар хизматидан кам бўлмаган жасорат намоён қилишгандир. Зотан, сувсиз кумликда жун чодир тиклаш ям-яшил далалар оралаб,

илонизи бўлиб оқаётган дарёлар ёқасида қаср бино қилишдан осон эмасди. Улар чодир тикибгина қолмай, туғилганларидан то ёруғ оламини тарк этгунларича шу ўтовга қаноат қилиб ўтишади.

Эрон қоплонлари ана шу сабр-бардошли кишиларнинг қирмизи қонига ташна бўлиб, уларнинг кенг, қадрдон ва суюкли хонадонини хонавайрон қилиш, босиб-янчиб ташлаш ва кулини кўкка созуриш иштиёқида, оғир найзалари ҳамда шамширларини маҳкам сиққанча қелишмоқда.

Қўшинлар ора-орада қисқа вақт нафас ростлаб, туну кун йўл босишмоқда. Сак қўшинлари изини Фраданиян уруғдошларидан бўлган, унинг кутилмагандаги ўлимидан ҳаммадан кўп куйган уч йўл кўрсатувчи топганди. Уларни Курушнинг ўзи танлаб олди. Қолганларини унинг амри билан кундалаб, сўл соҳилга жўнатиб юборишди. Шуни маъқул топишди. Булардан яхшилик кутиб бўлмасди.

– Эҳтиёт бўл, бундай жадал кетишда одамларнинг тинка-мадори қурийдди, душманга бас келолмай қолишади, – шаҳаншоҳнинг ҳовурини босмоқчи бўларди Гов-Барува.

Омадсизликдан ғазабга келган ахоманий эса энди унинг гапини қулоққа олмай қўйганди.

Энди фақат Крезга қулоқ соларди. Ҳукмдорни фақат Крезгина тушунар, унинг ҳаракатларини чин дилдан маъқуларди.

– Шу пайтгача нега ҳар хил чўтир, маллаларнинг аҳмоқона маслаҳатларига қулоқ солиб келдинг? Қанча вақтни кўлдан бой бердик. Давлатпаноҳ, Гов-Барува билан Утанани бирга кўшганда, сен ундақаларнинг юзтасидан-да донишмандроқсен. Шу боисдан ҳам рўйи заминда қанақадир савдогар-павдогар ёки уруғ оқсоқоли эмас, айнан Куруш шаҳаншоҳ бўлди. Сени Ҳумоюннинг ўзи қанотлари остига олган. Бинобарин, дадил бўл, маъбудлар белгилаб берган ишларни жасурлик билан рўёбга чиқар. Мен жуда қаридим, бетобман. Аллақачон омонатни топширишим керак эди. Бироқ валинеъматим зафар билан қайтмагунча ўлмагайман.

Шу гапларни айтган Крез яна сўл соҳилда қолди.

“Замонни қаранг-а!” – ўйлади бу гаплардан таъсирланган Куруш. – Ашаддий душманларни садоқатли дўстларга айлантиришга қодир. Крезни тирик олиб қолганим дуруст бўлган экан. Бечора шунақанги ёлғиз, шунақанги нотавонки. Йиллар ўтиб, менга – ўзини мағлуб этган кишига биродаридек боғланиб қолганига ажабланмаса ҳам бўлади”.

Виштаспа ҳам дарё бўйида қолишни истаганди. Саклар яна кўприкка хужум қилишлари мумкин. Шу боис бу ерда бир қаттиққўл киши қолмоғи даркор. Йўқ, азизим Виштаспа. Ёш, ақлли, кучли ўғлинг борлигини унутма. Менинг ёнимда бўлсанг, отасининг жонини ўғли учун ҳаммадан ҳам дурустроқ сақлай оламан. Менинг ёнимда бўласан, қадрдоним Виштаспа.

Шаҳаншоҳ, Крезнинг маслаҳати билан, янги манжаниқлар, зоғнуларни келтириш учун, Марғ томонга енгил отлиқлардан иборат қатта қўшинни юборди. Бошқа бир йирик қўшинни кўприкни кўриқлаш учун ажратди. Шўринг кургур Арштибарни қатл қилгач, кимни ушбу қўшин бошлиғи қилиб қолдирди, деб ўйлайсиз? – албатта, Крезни-да. Ўзи эса яна Қизилкум қўйнига кетди.

Уруш – аскиябозлик эмас. Уруш тилларнинг эмас, тилларнинг тўқнашуви. Оқибатини куч ҳал қилади. Сафсатабозликка чек қўйиш лозим! Бир кун ҳам пайсалга солмаслик даркор. Олға! Фақат олға!

Куруш жанг аравада, йўлда бораётган қўшиннинг четида, у бошидан-бу

бошига бориб келар, орқада қолаётганларни, имиллаётганларни шоширар, дангаса ва беғамларни сўйил билан қоп-қора қонига булғаб саваларди.

– Ўзининг ўлими томон бу қадар қайсарлик билан югуриб борадиган одамни ҳали учратмагандим, – деди Утана шаҳаншоҳнинг хос соқчиси Меҳр-Бедодга. – “Ўлгиси келган сичқон мушук билан ўйнашар”.

Яқиндан буён улар бир бўлиб олишганди.

Маънос Меҳр-Бедод доим нимадандир норози Утанага разм солиб юрар, ғамгин Утана ҳам нимадандир кўнгли тўлмаётган Меҳр-Бедодни кўз остига олиб қўйганди. Кечувнинг биринчи кунидан бошлаб, улар бир-бирига кўз қирини ташлаб қўйишар, сергаклик билан, эҳтиёт бўлиб бир-бирини кузатишар, турли тўдадан келган бўрилар монанд бир-бирини искагувдек бўлишарди.

Спаргапа ўзига ўзи ханжар урганида форс йигит чидай олмади, дарё бўйига кетиб, чуқур, оғир ўйга ботиб ўтирди.

Унга бугун ўзининг биродарини ўз қўли билан ўлдиргандек туюлди, гўё. Томрузнинг шўрлик ўғли унга – Меҳр-Бедодга нима ёмонлик қилди? Ҳеч нима. Уруш бўлмаганида, дунёнинг қаеридадир, қанақадир Спаргапа яшаб турганидан ҳам хабари бўлмасди. Билганида, учрашиб қолганида, балки, дўстлашиб ҳам кетишармиди.

Бечора Спар. У бир сиким қумни деб ҳалок бўлмади. Кўприкни кўриқлаб турганларни қириб ташладими? Лекин у шу кўриқчилардан кўприк қуришни илтимос қилганмиди? Тўғри, нафсиламрини айтганда, жангчиларда ҳам айб йўқ – уларни мажбур қилишди. Қуруш мажбур қилганди. Эҳ, Қуруш, Қуруш!..

– Денгиз соҳилларидаги сурияликлар – Тсур ва Сайдада¹ яшовчи финикияликларда мис буқа – маъбуд Баал бор, – деди Утана, унинг ёнига чўқар экан. Спаргапанинг ўлими савдогарнинг ҳам қалбини ларзага солганди. – Финикияликлар юз сандиқ неъмат эвазига Баалнинг қизиби, чўғ бўлиб турган комига ўз болаларини ташлашади. Ахир, оловда қизиби турган ҳиссиз мис буқа одамларга нима ҳам бериши мумкин. Уруш мана шунақа. У Баалга ўхшаб, доимо қонга ташна. Гулдек болаларни ямламай ютади-да, ўрнига бир ховуч совуқ кул беради...

– Олачипор ажал, – деди Меҳр-Бедод. – Саклар урушни шундай деб аташар экан.

Ўшандан буён бадавлат Утана билан қашшоқ Меҳр-Бедод дўстлашиб қолишди...

Раносбат ёш улфатини шаробхўрлик қилиш, хаома чекиш учун ўз чодирига бир неча бор чорлади. Лекин Меҳр-Бедод, дам бандлигини, дам чарчаганини рўқач қилиб, доим таклифни қабул қилишдан бош тортиб келди.

Ўша қабиҳ тунни эсласа, кўнгли ағдарилиб кетади. Авваллари Меҳр-Бедод юқори мартабали бошлиқнинг лутфан дўстлигини сиғингудек бўлиб қадрлаганди. Ҳозир эса унинг бесўнақай ва жирканч қомати кўзга ташланганда бир сесканиб тушади.

Раносбат Меҳр-Бедоддан гина қилди.

– Бераҳм ҳайвон! Ким одам қилганди бу ялангоёкни, Раносбат. Бу мочахарнинг боласи ким туфайли хос соқчи бўлиб юрибди? Раносбат туфайли. Унда нега мендан юз ўгиради? Димоғи шишиб қолибди. Эҳ, одамлар, одамлар!..

¹ Т с у р в а С а й д а – Тир ва Сидон шаҳарлари.

Юришнинг еттинчи куни жануб шамоли яна хуштагини чалиб келиб қолди. Яна сакларнинг изини супуриб, кўздан йўқотди, текислаб, дазмол босгандай қилиб, суриб ташлади. Ҳеч қандай из бўлмагандек эди гўё.

– Хуштагини чалаверсин, ғувиллайверсин, – деди Қуруш. – Жанубдан эсмоқда, ёқимли шамол у. Кўзга эмас, орқага уради. Юришимизга кўмаклашади. Бу – илоҳий аломат. Изга келсак, энди унинг нима кераги бор? Томруз яширинган тоғни йўл кўрсатувчилар яхши билишади. Мана, тоғларнинг ўзи ҳам кўриниб қолди.

У шимолда кўкариброк кўриниб турган, унча баланд бўлмаган тоғ тизмасига ишора қилди.

Кечкурун кўшин ўрмонга етиб борди.

Ўрмонни кўрган форслар турган жойларида қотиб қолишди. Барчасини, чодир қозикларидек, бир зарба билан сарғиш қумга қоққандек эди, гўё.

Ўлик ўрмон эди бу.

Қуюқ бўлса-да, жуда ёруғ, сокин ва бўм-бўш эди – соя-салқин бермайдиган, пастак, япроғи йўқ, меваси йўқ, аллақачон қуриб битган бу дарахтлар орасида бирон-бир жонзот бир соат ҳам тоқат қилиб туролмасди.

Бу дарахтлар ўсиб турганида, уларни енгил шамол эмас, оғир тош босгандек, шоху бутоғи эгилган, буришган эди. Тошдек қаттиқ, бироқ яхши пишитилмаган лойдек мўрт бу бўз шоху бутоқлар, нафас ололмаётгандек, даҳшатли куч билан чираниб, бетартиб ёриқлар ва тақирларга тиқилиб, ақл бовар қилмас машаққат билан қатламларни кўчириб, азоб билан бош кўтариб, палахса-палахса кесаклар оралаб, секин ўрмалаб борарди. Ёруғ дунёга чиқиб олгач, мисли кўрилмаган талвасада тарвақайлаб, қотиб қоларди.

Шамол ағдарган саксовул тўплари куйган, қуёш нурида қуриб, тарашаси чиққан, думалаб ётган мурдалар уюмига ўхшарди.

Қуриган, лекин тик турган бошқа дарахтлар осилган, нимталанган, қозикқа ўтқазилганларнинг қоқ суягига ўхшаб кетарди.

Кўшин анча орқага қайтиб қўнди.

Бугун қўналғада кам гапиришмоқда, одатда, кечкурунлари янграйдиган қулгу ҳам эшитилмасди. Ҳатто, бетоқат Қуруш ҳам хаёлга толди. Ўлик ўрмон бир ой аввал бўлиб ўтган жанг майдонига жуда-жуда ўхшарди.

* * *

Спаргапанинг ҳоли нима кечди экан? Томруз билмасди. Билолмасди. Форс кўшинларидан бир нафас ҳам кўз узмай кузатиб келаётган айғоқчилар Спаргапанинг тақдири ҳақида бирон хабар тополмадилар.

Томруз ўзини бардам тутишга уринарди.

Зоҳиран скифларнинг тош ҳайкалидек хотиржам, индамас бу аёл уруғлар сардорларига бош бўлиб, саклар кўшинлари қароргоҳини айланиб чиқди.

Ботинан эса... У ботинан мусибатдан адои тамом бўлганди. У ёш, соғлом, бақувват уруғдошларига қараркан, эртага буларнинг кўпчилиги ҳалок бўлиши ҳақида қайғу билан ўйларди.

Спар сингари, булар ҳам нобуд бўлишади.

Ҳар бир сак бамисоли унинг ўғли эди ва уларнинг ҳар бирига ўз ўғлидек ачинарди. Саклар ҳам, ўз оналарига интилгандек, унга интилишарди, чунки унинг кучли меҳри-ю, ўта раҳмдиллигини ҳис этиб туришарди.

– Кампирларни, болаларни ва эмизикли оналарни катта бўлмаса ҳам, яхши қуролланган кўриқчилар билан шимолга, Яксарт томонга

жўнатдик, – деди Томруз Хоразм шоҳининг элчисига. – Подани ҳам ўша томонга ҳайдадик. Қолган минглаб йигитлар ва эркаклар найза ҳамда табарзинлар билан қуролланишган. Ҳар бир жангчида иккитадан камон, тўрттадан садоқ, иккитадан захира от бор. Бақувват, эпчил қиз-жувонлардан юзта новакандоз учқур бўлинма туздим. Эрларига, ака-укаларига кўмаклашишади.

– Мен шаҳардан чиққанимда кўшинимиз Аранха бўйлаб ўнг соҳилдан юқорига қараб кетаётгани, – деди хоразмлик чопар. – Уч кундан сўнг бу ерга етиб келиши лозим.

– Бизнинг одамлар дарё бўйлаб солларда қуйига қараб келишмоқда. Индинга шу ерда бўлишади, – хабар берди Бақтра чопари.

– Донишманд Томруз! – деди сўғд чопар. – Сўғд жангчилари сизнинг тоғлардан бир ўтиш масофасида келишмоқда. Эртага хузурунда бўлишади.

– Дарё орти саклари ва тиграхауда саклари аллақачон етиб келишди, – ғурурланиб хабар беришди дарё орти ва тиграхауда саклари чопарлари.

– Дуруст, – бош иргиди Томруз.

Бўзранг кум сичқони йўлдан шошиб, бироқ секин ўрмалаб ўтмоқда эди. Жароҳат олганмикан, ёки касалми? Томруз жирканиб тупурди. У майда, ўғри ва ҳуркак жониворларни кўргани кўзи йўқ эди.

Дривиклар қароргоҳи ёнида Томруз Райадага дуч келди.

Эркакларнинг чарм шимини ва қалин калта жун камзул кийган, елкасига садоқ илиб олган Райада бошини солинтириб, икки қия кумтепа оралиғида, катта камонни кумда судраб кетиб борарди.

Жангчилар кийимида у рўдапо ва кулгили кўринарди!

Камон кўзи ҳайдайдиган хивич эмас-ку.

– Ха-ха-ха! – кулди бурундор хоразмлик. – Шунақа жангчилар билан Курушни енгиб бўлармиди?!

– Ўқ ипга йўғон томонидан қўйиладимми ёки ингичка томониданми – билармикан?

– Бунақа гўзалга ўкнинг нима кераги бор? – масхараомуз илжайди сўғд чопари. – Чиройли кўзини бир қадаса – форсларнинг бутун кўшини ҳуши бошидан учиб йиқилади.

Томрузни кўрган Райада хижолатомуз пичирлади:

– Тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Томруз индамай юзини тескари бурди. Йўқ, у Райадага бўлган нафратини босолмади! Фрада саклар эрки учун жангга кириб, мардларча ҳалок бўлган эса-да, барибир, у сакларга бегона эди. Қизи ҳам сакларга бегона.

Балки гап Фрадада эмас, Райаданинг ўзидадир? Садоқатли жуфти ҳалол ва қаттиққўл бўлса-да, меҳрибон она бўлган Томруз аёлларнинг ялқовлигига, овсарлигига ва енгилтаклигига чидай олмасди.

Эркак ким ўзи?

Даҳшатли йиртқич, ситамгар, шафқатсиз золимми? Бўлмаган гап. Кўринишидан қахрли шерга ўхшаса ҳам, қалбан содда, ишонувчан катта бола. Аёлнинг иси бурнига кирса бас, ақлдан ҳам, куч-қувватдан ҳам, ғуруридан ҳам мосуво бўлади! Аслида улар мағрурлиги, ботирлигини ким учун намоён этишади? Ким учун улар ўзини кўрсатмоқчи бўлишади? Аёл учун, аёлни деб шундай қилишади.

Ҳар қандай аёл ўзининг кучини билади – ақлан бўлмаса, қалби билан, савқи табиийси билан билади. Ўзингга ўзингни ҳаётдан панд еган қилиб

кўрсатишининг хожати йўқ. Биз, аёллар, ўзимиз бўлганимизда, эркаклар гапимизни эшитишмаётганда, ўзаро очик ва тўғридан-тўғри гаплаша оламизми? Ўзимизга ўзимиз ёлгон гапиришимиздан фойда йўқ. Табиат сенга эркаклар устидан ҳукм юритиш учун нималарни берганини жуда яхши биласан.

Ақлинг калталигидан мана шу ҳукмронликни эркак учун ёмонлик келтирадиган қилиб ишга солган бўлсанг, сени ер ютиб кўяқолсин!

Ёдингда тутгинким, аёлнинг эркак олдидаги бурчи эркакнинг аёл олдидаги бурчига қараганда уч барабар кўп. Чунки кўнгил ишида асосий томон аёл. Аёл қайнар булоқ бўлса, эркак – ташналаб йўловчи. Агар у ташналиқдан ўлса, айб булоқда бўлади.

Тўғри, ташналигини қондириб, булоқни ҳаром қилиб, сувини булғаб кетадиган йўловчилар ҳам учраб туради. Эркаклар орасида эшшакмонандлар ҳам бор. Бу ҳақда уларнинг ўзлари ўйлаб кўришлари, ўзаро фикрлашиб олишлари даркор. Ҳозир гап бошқа нарса – аёл эркак кишининг тақдири учун жавобгарлиги ҳақида бормоқда.

Сен эса, Фрадининг қизи, малъун, ўғлимни ёмон йўлга бошладинг.

* * *

Ўлим муқаррарлигини инсон билади. Бироқ беному нишон йўқ бўлиб кетишни ҳам истамайди. Шу боис, ўзини овутмоқ учун, донолик, айёрлик билан ёлгон тўқийди. Аранханинг қуйи оқимидан келган, бошқа қариялар даврасида гулхан олдида ўтирган кекса массагет қийшиқ тирноғи остини кир босган серажин бармоғини ниқтаб, ваъзхонлик қиларди:

– Удумларми?!

Удумларимиз нима дейди?

Ўз ўлими билан ҳаётдан кўз юмган киши – нопок, у нафратга лойиқ. Овда нобуд бўлган ёки жангда ҳалок бўлган одам – шон-шуҳратга бурканади, ана у хурматга лойиқ.

Нима учун?

Ҳар бир кишининг руҳи бор. Шундай эмасми? Жон – кишининг ҳаётий қудрати. Ёшларда у – ёш, кексаларда – қари бўлади. Тўғрими? Соғлом одамда – соғлом, беморда – касал бўлади. Тўғрими? Кучлида – кучли, нимжонда – заиф бўлади. Тўғрими?

Инсон абадий эмас – руҳ боқий. Гулхан ўчса – тутуни осмонга учади. Инсон ўлса – руҳи охират дунёга кўчади.

Инсон қариб, касалланиб, заифлашиб ўлса, йўқлик дунёсига рангпар соя бўлиб боради, унга тўрдан жой беришмайди, эҳтиром кўрсатишмайди. Ўзига – энг ёмон жойни, молига – энг хароб яйловни ажратишади, шўринг курғурнинг бетига ҳамма тупуради, чунки заиф руҳда ўзини ҳимоя қилишга қодир куч бўлмайди.

Башарти одамни ўқ тешиб ўтган бўлса, ёки у йиртқичнинг чангалига тушиб, умри поёнига етган бўлса, бундай одам жаҳаннам устидан чаққонлик билан, дод-фарёдсиз сакраб ўтади, маъбудлар ҳузурда бардам, тетик, шодон ҳозир бўлади. Бу ерда бахтни қандай сипқарган бўлса, арши аълодаги ҳаётида ҳам мешдан роҳат-фароғатни сипқоради.

Бу билан нима демоқчиман?

Руҳ охиратда ҳам бардам ва шодон бўлиши учун уни ёруғ дунёда тўзиб битишдан сақлаб, вақтида илғаб, бўлакча ҳаёт учун асраш керак, демоқчиман.

Агар сўйиб улгурилган бўлса, қари кўй ҳам овқатга ярайди. Ҳаром қотганни чиябўриларгина ейди. Тушунарлими?

Қанчалик тез ўлсанг, шунча яхши, демоқчи эмасман. Асло! Инсон қора чегаранинг у томонида эмас, бу томонида туғилади. Демак, ёруғ дунёнинг барча роҳат-фароғатидан баҳраманд бўлмоғи даркор.

Лекин ёруғ дунёда ҳаддан ортиқ қолиб кетиш ҳам – кечирилмас гуноҳ.

Ботқоқликларни макон тутган, илон еб кун кўрадиган дайди йирткич одамлар, боқиш қийин бўлгани учун, кексаларни ўлдирадилар.

Бизларда, чўпонларда эса, Худо асрасин, ўлат келмаса ёки ер яхламаса, озиқ-овқат жуда ҳам мўл. Шунга қарамай, қартайиб, кучдан қолганлар бизга ҳам ёқмайди.

Нима учун?

Биянинг сути етарлича ачимаса, қимиз бўлмайди. Лекин у ҳаддан ташқари ачиб, қурт босган бўлса, ундан ҳам ёмон. Инсон ёруғ оламни эрта тарк этса – ёмон. Бироқ у зулмат дунёсига лозим бўлган вақтдан кечикиб борса, янада ёмон.

Удумларимиз нима дейди?

Сўқмоқ дарё бўйига бориб тугайди. Дарё денгизга бориб тушиб тугайди. Инсон ҳаётининг чегараси – етмиш йил.

Баҳслашмайман – одам юз йил ҳам яшаши мумкин. Мумкин! Аммо... нима кераги бор?

Тўрттала оёғи оқсайдиган туянинг кимга кераги бор? Хаста, минғир-минғир, ақлдан озган, қариб-чуриган чолдан не наф? У янги туғилган чақалоқ мисол нотавон. Бироқ янги туғилган гўдакка кишилар меҳр билан боқишса, бир чақирим жойдан чиркин ҳид таратадиган одам нафратдан бўлак нимага ҳам лойик?

Ер юзида ҳаддан зиёд узоқ вақт юрадиган киши ётлар учун ҳам, яқинлар учун ҳам дарди бедаво юк. Ўз хонадонидегиларда ҳам жирканиш ва нафрат уйғотади. Бу ерда ҳам ортиқча, у ерда ҳам, – массагет овозини пасайтириб, қўл силкитиб орқани кўрсатди. – Ҳатто, кетганлар асло қайтиб келмайдиган жойда ҳам ортиқча.

Шунинг учун ҳам чодирда қариб-чуриб, холдан тойиб ўтиргандан кўра, жангда ҳалок бўлган афзал. Биродарлар, форсларга қарши жангга кирамиз! – Жангга кирамиз!

* * *

– Эй! – деди Хугава алам билан. У ҳикматли гапларни тинглаш учун қариялар хузурига келганди. – Ақлли-ю, бироқ аҳмоқ чол экан! “Рух, охират...” Мўйсафидлар душман билан жангга киришга қарор қилишгани дуруст. Бироқ рухнинг бунга қандай алоқаси бор? Наҳот охиратда ёпилган кулчани деб ўлимга тик боришса? Ана, Оқ ота соялар салтанатида биқиллаб қайнаб турган дошқозондаги овқатга кеч қолишдан кўрққанидан Олачипор ажал билан жанг қилмади-ку, ахир! У одамлар учун яшади ва шу йўлда ҳалок бўлди. “Инсон қадрдон хонадонига, жондош уруғига ва қабиласига нафақат ҳаёти билан, балки ўлими билан ҳам хизмат қилиши шарт.” Хизмат қилмоғи лозим. Қадрдон оиласига. Қандайдир аҳмоқона руҳга эмас, балки қондош уруғи ва қабиласига хизмат қилмоғи даркор.

Хугава шаккоқларча фикрлашдан, охират салтанати ҳукмдорларининг ғазаби ва ўчидан кўркмасди.

У дунёда яхши яйловлар беришмайдами? Бермай кўяқолишсин! Хугава

камонидан бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам айро тушмайди. Камони кўлидами, бас, очдан хароб бўлмайди.

Ўша жойда бирон-бир куш ёки ҳайвоннинг сояси топилар, ахир?

Ўзи ҳам соя бўлгани учун, бир кунда иккита шаффоф қирғовул отса бўлди-да.

Ҳозир Хугавани нариги дунёдаги бемаъни ғам-ташвишлар кийнамаяпти. Ёруғ оламдаги оғир қайғу-ҳасрат унинг оромини олган.

Томруз у билан гаплашмаётганди.

Хугава даставвал сардор фақат Спаргапанинг ўлими туфайли ғзабини сочмоқда, деб ўйлаганди. Шу боис унча қайғурмаётганди. “Сенинг ўғлингнинг энагасимидимки? Энди у улғайган. Тентак бўлса, айб мендами?” – деб ўйларди.

Спаргапа банди қилингани, лашкари қириб ташлангани ва Томруз ўғлидан жудо бўлса ҳам, Курушга итоат этишдан бош тортгани маълум бўлганидан буён Хугаванинг ичини ит тирнарди.

Олти юз эллик нафар уруғдоши ўлдирилган!

Уларнинг ўлими учун Спаргапанигина айблаб бўлмайди. Бунда Хугаванинг ҳам айби бор. Разил Фраданинг қилган ишига чидамади, аразлаб кетди, ёш болаларнинг ўзини қолдирди... Ўшанда ўзини-ўзи сўйиб ташлагани афзал бўларди! Балки дўстининг ўлиmidан ларзага тушган Спар ўйлаб қолармиди? Эсини йиғиб олиб, Фрадага бўйсунмай кўярмиди? Дўстларини дарё бўйидан олиб кетармиди? Хугава ўлса ҳам, олти юз эллик нафар киши тирик қолармиди?

Олти юз эллик киши. Олти юз эллик-а!

Уларнинг оналари Хугаванинг олдидан тизилишиб ўтишарди.

Аввалига Томруздан гина қилишган бўлса, энди у билан ярашишганди, чунки ўғлини азобга ташлаб, улар билан тенг бўлиб қолганди. Аввал Спаргапани қарғаган бўлишса, энди, истар-истамас, унга ҳам кўникишганди, чунки у ҳам ўғилларининг тақдирига шерик бўлганди.

Бироқ қилган иши учун Хугавадан рози эмасдилар.

Уларнинг қайғу тўла кўзлари мерганни ўнгида ҳам, тушида ҳам таъқиб қиларди, маъюс овозлари ҳамма ёқда қулоғига кирарди:

– Ўғлим қани?

– Ўғлим қани?

– Ўғлим қани?

Хугавадан нафратланишга Томрузнинг ҳаққи бор эди.

Томруз нима деб ўйласа – ўйласин, нима деса – десин, лекин Хугава ҳозироқ унинг ҳузурига бориб, юз йил бўлса ҳам, калтак еган итдек индамай остонага ўтириб олади. Ҳа, у чиндан ҳам калтак еган, дайди, кўтир ит! Аранха сакларининг меҳрибон онаси бўлмиш Томруздек аёлнинг олдада ҳурматини йўқотган икки оёқли ҳайвонни одам санаб бўлармиди?

* * *

... Томруз айғоқчининг хабарини тингларди.

Олачипор ажал яқин келиб қолган. Форслар тунни ўлик ўрмон яқинида ўтказишди. Бугун тоғ этакларига келишди. Қаёққа боришни билмай, бир жойда туришибди. Чунки шамол саклар қўшинининг изини супуриб юборганди.

Эҳтимол, уларга ҳозир хужум қилиш керакдир?

– Шошмай тур, – айғоқчининг гапини бўлди аёл. – Ташқарида нима шовкин?

Чодирга қонга беланган сак кирди.

– Оҳ, онажонимиз! – у Томрузнинг оёқларига йиқилди. – Мен Фрадининг бўлимиданман. Мана, Хугава мени билади. Мен бандиликка тушиб қолгандим, бугун Курушдан қочиб келдим. Фалокат рўй берди, онажон! Қабиҳ Фрада жонажон қабиласига хиёнат қилди. Уруғдошларимга кунда урилган...

– Фрада? – Томрузнинг кўзлари чақнаб кетди. У кочокни бир тепиб нари кетказди. – Эҳ! Бошқача ҳам бўлиши мумкинмиди? Фрада кимлигини кўргандик-ку. Аллақачон қанотини кесиш керак эди. Йўқ, у билан куймаландик, таъна тошларини отдик, гапга кўндирмоқчи бўлдик. Бўри – бўрилигини қилади. Қанча боқмагин, бир кун чангалзорга уриб кетади. Бу бизга сабоқ бўлмоғи даркор. Сизларчи, унинг уруғдошлари? Кўзингиз қаёқда эди? У манфурнинг қўл-оёғини нечун боғламадингиз?

– Қандай қилиб боғлаймиз? Оқсоқолимиз-ку, ахир.

– Нега унга қароргоҳни ташлаб кетишни қатъиян тақиқламадим? Пайқамай қолдим. Бепарволик қилдим. Тўс-тўполонда уни унутиб қўйдим. Доим шунақа бўлади. Арзимас нарсани унутсанг кўргулигингни кўраверасан.

Томруз кафтларини кўзига босди-да, оғир ўйга чўмди. Савол бермоқчи бўлиб, бир неча бор оғиз жуфтлади, хўрсиниш билан: “А...” – деб бошламоқчи бўлди-ю, бемажол индамай қолди. Ниҳоят, саволини беришга қарор қилди. Қўлини туширди-да, ёмон хабарга аллақачон кўникиб қолиб, яхши гапни кутмай қўйган одамдек паришонлик билан сўз қотди:

– Спар-чи?

Қочоқ бир сиким қум олди-да, бошидан сочди.

– Бўзла, онажон, фарёд қил! Курушнинг элчиси Мехр-Бедод дарё бўйига қайтгач, форслар Спаргапани ўз томонларига оғдирмоқчи бўлишди. Фрада ҳам уриниб кўрди. Онанг сендан воз кечган, деди.

– Хўш?

– Бўзла, онажон, бўзлагин! Мард Спар аввал Фрадини чаваклаб ташлади, кейин эса қўли қалтирамай, шамширни ўзининг юрагига санчди. Жасади гулханда ёқилди. Фарёд қил, онажон, бўзла! Ўғлинг ўлди.

– О-о-оҳ!!! – бу Хугаванинг фарёди эди. Йўқ, Томруз эмас, Хугава дод солмоқда. Томруз эса... хотиржам. Бироқ янада букчайиб, ерга тегай-тегай, деб қолди.

– Нега бўзлар эканман? Муносиб ўлим топибди-ку. Фахрланишим даркор. Шараф билан ўлган бир киши шарманда бўлиб яшаётган юз кишидан афзал. Ўғлим чинакам мардлардек ҳалок бўлибди. Мен қувончдан кулмоғим лозим.

Томруз қаддини машаққат билан ростлади-да, жилмайди. Қалбидаги оғриқ тарқаб, ҳаловат топганди. Лекин бу қанча давом этаркин?

Чодир яқинида бир бия қулоқни тешадиган даражада, бор овози билан аламли хавотир ва ҳасрат ила чорлаб даҳшатли кишнади.

Шу ондаёқ яқингинадан тойчоқнинг хотиржам товуши эшитилди.

Хугава Томрузга дадиллик билан яқинлашди:

– Мени тинглангиз, Она!

* * *

Бир қанча вақт ўтгач, Хугава новакандоз аёллар орасидан хотини – ёш, гўзал, баланд бўйли, ўзи каби хушқомат Майрани излаб топди.

– Чеккага чиқайлик. – Хугава чўл буғдойи бошоғини узиб олди, ғадир-будур кафтлари билан, тегирмон тошидек ишқалади. – Мен... кетмоқдаман.

Хотинининг кўзига қатъият билан боқди.

Майра эрининг камонини кўлига олиб, ўзиники билан солиштириб кўрди.

– Бир хилда экан. Қаёққа кетмоқдасиз?

– Йироққа.

– Қачон қайтасиз?

– Билмайман.

Майра деярли товонига тушадиган, ёйилган малла сочининг қалин тутамини кўлига олди-да, эрининг нам тортмаслиги ва қуруқшаб қолмаслиги учун мой суртилган камонига қўнган ғуборни меҳр билан артди, сўнг уни садокқа қайтиб солди.

– Агар мен... тезда қайтиб... келмасам, қизимга айтгинки... ўзинг бирон гап ўйлаб топарсан.

– Майли. Ўйлаб топаман. Афсус, яна бир марта кўролмадингиз-да. Ҳозир у олисда. Яксарт яқинида.

– Начора? Унга шундай, шундай, деб айтгин. – У кафтидан буғдой қобиғини пуфлаб учирди, оёқ учи билан ерда чуқурча кавлади-да, донни чуқурчага тўкиб, устига авайлаб тупроқ тортди. – Алвидо.

Хотини индамай бош ирғади.

Хугава кетди. Аёл тепалик ёнбағрида эри кавлаган чуқурчага қараб анча ўтирди. Кафти билан уни силади. Бу донлар униб чиқармикан ёки унмай, қуриб қолармикан?

Униб чиқиши лозим. Унга кўнгилда борини тўқди, йиғлаб-йиғлаб, кўз ёшлари билан суғорди. Наҳот униб чиқмаса?

* * *

Йўл кўрсатувчилардан биттаси қочиб кетди. Иккинчиси қочиб кетишга уринганида ўлдирилди. Учунчиси эса куйиб-пишиб қўлларини ёярди:

– Мен афсунгармидимки? Томруз шу атрофда, тоғларда бўлиши керак, лекин, шаҳаншоҳим, айнан қаердалигини мен қайдан билай? Саклар бугун бу ерда бўлса, эртага – бошқа жойда. Балки Томруз аллақачон Яксартнинг ортига ўтиб кетгандир.

Куруш қутуриб бормоқда эди.

Қаерга даф бўлишди бу кўчманчилар? Келтиринг уларни! Айғоқчилар барча тепаликларни, жарликларни текшириб чиқишди, бироқ ҳеч кимни топа олишмади. Нима, шаҳаншоҳ бу ерда уч йил ўсал бўлиб туриши керакми?..

Шу он мўъжиза рўй берди.

Баланд бўлмаган тепаликлар қўйнига кириб кетган жар ичидан форс қўшинининг кўзи олдида қора от минган қандайдир дайди сак чиқиб келди.

Тўппа-тўғри Курушнинг хос соқчилари олдида пайдо бўлди!

У қўрқувдан ва қутилмаган ҳолатдан саросимага тушиб, бир дам қотиб қолди, бироқ шу ондаёқ отнинг бошини бурди-да, келган томонига қараб ўқдек учиб кетди.

– Тутинглар уни-и-и! – Овда юргандек ўқирди Куруш. – Улу-лу-лу-лу!...

– Улу-лу-лу-лу! – увиллашди форслар ва уни қувиб кетишди.

Сак елиб бораётиб, қайрилиб қаради-да, камон тутган сўл қўлини қувиб келаётганларга қаратиб чўзди. Бир тортиб, қўйиб юборганди, ўқ тешиб ўтган форслардан бири отдан учиб кетди.

Форслар отни тўхтатиб, қўлларини камонга узатишди.

– Ўлдирилмасин! – Курушнинг овози гулдираб чиқди. – Тириклай қўлга олинсин! Ўлган сак йўл кўрсата олармиди? Яхшиси, отни нишонга олинлар.

Бироқ зулукдек қора от кўз олдиларида шунақанги қутуриб айланардики, ҳатто, Аҳриманнинг ўзи ҳам нишонга ололмаса керак уни.

Сак эса ўқни ёғдиргандан ёғдирарди. Сўл қўли билан ҳам, ўнг қўли билан ҳам, елкаси оша ҳам, кўкрак томонидан ҳам, тўғри от чоптириб келиб ҳам, орқага қараб ҳам, ярим бурилиб ҳам ва ҳатто қарамай ҳам ўқ узарди. Умуман нишонга олмаётгани ҳақида гапирмаса ҳам бўларди. Шунчаки, бироз эриниб, ўқни жойларди-да, ипини тортиб, қўйиб юборарди.

Шу ондаёқ форсларнинг яна бир жангчиси отдан қуларди.

Бобиллик саёқ масхарабоз таёқни бармоқлари, қўллари, бўйни, сонлари, оёғи атрофида асло тушириб юбормай қандай айлантирса, сак ҳам камонини ўшанақа чаққонлик билан ишлатарди.

– Нима деган гап бу? – фарёд қилди Куруш: – Йигирма минг одамим битта дашт итини тута олишмайдимиз? Олға!

Бир тўда жангчилар чувиллаб абжир суворий устига ташланишди.

Сак уларни кутиб ҳам турмади – отининг бошини яна бурди-да, дам ўтмай жар ичида кўздан ғойиб бўлди. Форслар қўшини илонизи жар устига қора қунондай ёпирилди.

Сак бирмунча олдинга от чоптириб кетиб, яширинарди, бурилишдан чиқиб келган таъқибчиларни рўпарадан туриб отарди-да, яна кўздан ғойиб бўларди. Тор жарда форслар новакандознинг орқасидан айланиб ўтиш учун на қайрила олишарди, на орқага қайта олишарди.

Қайтишни ҳеч ким ўйламасди ҳам: қувиб юрганлар қизишиб кетишган, юраклари тинчлик билмас, кўзлари қонга тўлганди – йўқ, сак, қутулиб бўлсан!

Кун бўйи қувишди.

Форслар отларини тез-тез учқурларига алмаштиришар, уларни ҳолдан тойгунча ҳайдаб, яна алмаштиришарди, зулук от эса, ўтлоқда шўхлик қилаётган тойчоқ мисоли, енгил ва равон чопарди.

– Отми бу? – тўнғиллашди форслар. – От эмас, жин. Устида ўтирган ҳам одам эмас, ўқ тегмас сахро иблиси. Қаранглар, сеҳрли ўқ ҳам олмайди уни! У бизларни тўғри жаҳаннамга бошлаб боради. Кеч бўлмасидан тўхташимиз даркор!

Олдиларидаги суворий Турондаги энг яхши отга минган энг яхши мерган эканлигини форслар қаёқдан ҳам билишсин. Саклар бу ғаройиб отни “Қора чақмоқ” дейишарди.

Тўхтаймиз?

Куруш тўхташ деган сўзни эшитгиси ҳам келмасди. Олға! Жаҳаннамга бўлса – жаҳаннамга олға!

Оқшом яқинлашганда, “Қора чақмоқ” буткул ҳолдан тойиб, кучдан қолгачгина, “сеҳрли камон” жанговар захирасини сўнгги ўққача отиб тугатгачгина Хугавани қувлаб етишди.

Етиб олиб, устига ёпирилиб, шамширларни уришди.

Сўнг, шох “ит”ни тириклайин тутишни амр этгани эсларига тушиб, тўхтаб қолишди. Бирок кеч бўлганди – йигирма шамшир бир йўла санчилган Хугава жон берганди.

Булутсиз осмонда парвоз қилаётган тўрғай унга видолашув қўшиғини куйлар, илиқ шабада чаловларнинг оппоқ куйруғини боши узра ёярди.

Чалов. Чалов. Чалов...

Чўлда сув бўлмаса ҳам, униб-ўсасан.

Эй, кўхна чалов, оқсоч чалов, шамолда титраб турган чалов, жангда ҳалок бўлганларнинг қонидан сув ичиб тирикмисан?

Қизишган Куруш сакка биринчи бўлиб етиб борган энг тез, энг чаққон, энг омадли беш нафар соқчисини болта билан чопиб ташлади. Улар мукофот оламиз, деб ҳаракат қилишганди – олишди ўша мукофотни. Энг донишманд маъбуд Ахурамазда йўлида қилинганди бу иш. Омин!

– Қаерга келиб қолдик? – тўнғиллади Куруш кутуришдан тушиб, тинчлангач.

Форсларнинг қўшини икки ўрқачли ва бир ўрқачли чўккалаган туяларга ўхшаш яланғоч сертош тепаликлар билан ҳар томондан ўралган улкан товоқсойга тушиб қолган эди. Чуқурликдан чиқадиған йўл битта – чўлдан тоғлар бағрига томон улкан илонизи бўлиб чўзилган торгина жарлик эди.

– Ўғруқ қани, озиқ-овқат, сув, ўқ ортилган аравалар қани? – сўради шох. – Ортда қолишдимиз?..

Шунда кунботар мамлакатлардан учиб келган қора кузғунлар куюшқондан чиқиб, қизиқ устида тўппа-тўғри тўрга тушганликларини, айёрлик билан қўйилган тузоққа илинганликларини англаб етишди.

– Орқага, жарликка! – ҳайқирди Куруш.

Форслар орқага отилишди.

Бирок жар тепасидан туриб уларнинг устига камон ўқлари шунақанги куюқ ёғилдики, чуқурликдан чиқиш йўли шу ондаёқ отлар ва одамлар жасади билан тўсилиб қолди.

Чалинган сур товуши эшитилди.

Кескин, хирилдоқ овозда берилган буйруқ бўлимдан бўлимга ўта бошлади.

Пиёдалар чуқурлик чеккасига қараб югуришди, ўнг тиззаси билан чўк тушиб, катта қалқонлар ила бошларини тўсиб, узун найзаларини олдинга чиқаришди. Чуқурлик улар ҳосил қилган уч қатор ўтиб бўлмас ҳалқа билан ўраб олинди.

Ушбу зич доира ичида шу ондаёқ сарпойчан ва яримяланғоч сопқончилар ҳамда пиёда новакандозлардан иборат янги доира ҳосил қилинди.

Шу тарика, бир неча лаҳзада ҳалқалар ичдан бир-бирига тиралиб, қалқонбардорлар, енгил отлик новакандозлар, оғир отлик найздорлар, мисга бурканиб олган табарзиндорлар – шаҳаншоҳнинг хос соқчилари жангга шай бўлишди.

Энг ўртада, ўзи тўкиган тўрнинг ичида беркинган ўргимчак мисол, табл устига ўтириб олган Куруш яширинганди.

Қоронғулик чўқди. Дўнгликлар ўз данданалари ва чўққилари билан тўқ лажувард осмон қозонини тутиб турган яхлит думалоқ қора шарпага айланди.

Саклар ҳужум қилишмади.

Сак ўқчиларига ўзларини кўрсатиб қўймаслик учун форслар гулхан

ёкишмаганди, чуқурлик ер қаърига кириб, тўппа-тўғри нариги дунёга олиб борувчи совук ўрага, тубсиз зим-зиё жаҳаннамга ўхшаб қолди.

Шаҳаншоҳ ва унинг маслаҳатчилари учун тикилган чодирдагина катта машғал ёниб турарди. Ёруғлик ташқарига чиқмаслиги учун хос соқчилар кириш жойини эҳтиёткорлик билан тўсишди.

Сукунат.

Эндигина оғир йўлни босиб ўтиб келган ёт қабила нотаниш воҳада, хурмо дарахтлари соясида нафасни ростлаш учун тўхтаган, кўчманчилар оёқларига инган қизғиш чангни қоқиб, ҳордиқ чиқариш учун булок бошига келиб ўтирган илк лаҳзаларда шундай сукунат бўлади.

Улар ҳали сув томон ташланишгани йўқ. Сув қочиб кетмайди. Туялардан ҳам юкларни туширишмаяпти. Улгуришади. Шунчаки, индамай ўтиришибди. Олис йўл босиб ўтилди, деган фикрдан ҳорғин кўзларда кониқиш, бир оз табассум ҳам бор. Ўша кўзлардан, воҳа аҳолиси қандай кутиб оларкин, деган хавотир ҳам сезилиб турарди. Чўл фарзандлари бу қадар олис жойга беҳуда келишмадимикан? Келган жойларида қолишса дуруст бўлмасмиди?

Лекин бу хавотирлик ҳали ноаниқ, шу боис кишилар, пашша кўригандек, уни ўзларига юктиришмаяпти. Фишт қолипдан кўчди. Энди афсусланишнинг фойдаси йўқ. “Сув кўтарилиб, бурнингга кирдими, бас, у яна кўтариладими – йўқми, фарқи йўқ...”

Куруш шўхчан қўл силкиди, оёғини узатди ва хузур қилиб кўзини юмди.

Айнан қулоғи тагида эшитилган гумбурлаган товушдан ҳукмдор сакраб туриб кетди. Оёғи кийимига ўралашиб, йўрғақдаги эмизикли боладек, питирлади. Шармандали ҳолат. Шаҳаншоҳга номуносиб аҳвол!

– Қанақа ҳай-й-вон табл қоқмоқда? – бўқирди Куруш ўрнидан тураётиб, кўрқув ва ғазабдан тили тугилиб.

Ранги қув оқариб кетган аёнлар шоҳга ва бир-бирларига қараб қолишди. Табл? Уларнинг ҳеч бирининг қўлида табл йўқ эди.

Яна табл товуши момогулдирақдек эшитилди!

Таранг тортилган эшак терисига қўш зарба туширилганди.

Дастлаб – бир йўла кафт қирраси ва ярим букилган бармоқлар билан қисқа, бўғиқ зарба тушди:

– Дунг-нг!

Шу оннинг ўзида қаттиқ қисилган мушт билан кучли, жарангдор гулдуратиб бир силтаб зарб берилди:

– Таннн!

Бу товуш узоқ вақт акс-садо бериб, дўнгликлар устига бориб тинди:

– Гу-у-у...

Афтидан, чодир ташқарисиди кимдир эрмак қилаётганга ўхшарди.

Шоҳ тупугини сачратиб, шайтонлай бошлади:

– Аблахни бу-у ерга келтиринг,.. терисини шилинг! Йўқ, ўзим... кекирдагини узаман.

У югуриб чодирдан чиқди, ортидан маслаҳатчилари ҳам ташқарига, зулмат қўйнига отилишди.

– Қайси шоқол шовқин солмоқда? – қутуриб вишиллади Куруш.

– Билмадик, – чўчиб шивирлаб айтилган гап эшитилди. – Ўзимиз хайронмиз. Қаердадир гумбурляпти-ю, қаердалигини тушуниб бўлмаяпти.

– Дунг-нг – тан-н-н! – чуқурликни қулоқни батанг қилувчи товуш

қоплади. Дўнгликлар устига бориб ингранди: – Гу-у-у...

– Қанақа васваса бу? – бақириб юборди Куруш. – Чуқурликни айланиб кўринглар! Сочидан чангаллаб, ерда судраб келтиринг эрмак топган у итваччани! Оғриқнинг зўридан бир дод десин.

Хос соқчилар барча жойни қараб чиқишди, бироқ ҳеч қанақа “итвачча”ни топа олишмади.

Бошлари узра эшитилаётган даҳшатга солувчи гумбурлашдан жангчиларнинг ўзи бошликлардан кам ҳайратга тушишмаётганди.

Форслар ўнг томонга отилишса – табл товуши сўлдан эшитиларди.

Сўл томонга ташланишса – гумбур-гумбур ўнгдан эшитиларди.

Олдинга интилишса –табл орқа томонда тарақларди.

Орқага қайтишса – табл олдинда гумбурларди.

Бошларини юқорига кўтаришса, оёқ остларида гумбурларди.

Ерга бағирларини беришса, тепадан аёвсиз эшитиларди.

– Дунг-таннн! – Бориб тепаликлар устида йиғлагандек бўларди.

Бир маромдаги, хотиржам, бир хилда куч билан урилган зарблар баравар ораликда бирин-кетин эшитиларди. “Дунг – таннн! Гу-у-у... – Бир, икки, уч, тўрт, беш. – Дунг-таннн! Гу-у-у. Бир, икки, уч, тўрт, беш. – Дунг-таннн! Гу-у-у. Туни билан эшитилиб чиқди бу товуш.

– Бу чўл соҳиби, юзта кўзли жин! – шовқин солишди форслар. – У ҳалокатимиздан хабар бермоқда.

– Гулханлар ёқилсин! – амр қилди Куруш.

Чуқурликни кўплаб гулханлар ёритди ва у жаҳаннам руҳлари гуноҳкор соялар учун занжир ва илмоқлар ясайдиган дўзах чилангархонасига ўхшаб қолди.

Табл товуши тинмасди.

Гулханлар орасидан коҳинлар жой олишди. Тез орада мунгли гувиллаган, бир маромдаги ғўлдирашга қўшилиб кетган, минглаб оғиздан чиққан, кўрқинч аралаш айтилаётган дуолар самога учди.

– О-ри-ри-ри, о-ри-ри-ри...

Табл гумбурлашда давом этди.

Афтидан, олисда, тоғлар қўйнида кўчманчилар жангга тайёрланиб, бонг уришаётганга ўхшайди. Ларзага солувчи гумбур-гумбур қайдан чиқмоқда? Оддий табл товушини бу қадар минг баравар кучайтираётган нима экан?

Чуқурликдаги ҳаддан ташқари қуюқлашган, ҳаракатсиз ҳаводанмикан бу?

Ёки кун бўйи тўпланган иссиқни йўқотаётган тош ва кум товушни кескин қайтараётганмикан?

Ёхуд дўнгликлардаги илиқ ҳаво билан чуқурлик тубидаги совуқ ҳаво ўртасидаги тафовутмикан?

Эҳтимол, четида ўйдим-чуқури кўп бўлган, ҳар томондан ўраб олган, гоҳ тик, гоҳ текис тепаликлар кўп бўлган товоқсойнинг ўзига хос тузилишиданмикан?

Балки, кўпайиб эшитиладиган акс-садодир.

Ким ҳам билсин?

Табиатнинг жумбоғи эди бу.

Улар тун бўйи мижджа қоқмай чиқишди. Форслар дуо ўқишдан, гулханга тикан қалашдан, гапиришдан, ўйлашдан ва, ҳатто, кўрқишдан толиқишди. Қуёш чиқишини гангиган, аламдийда, иблисона табл товушидан гаранг ҳолатда кутиб олишди.

Товоксойнинг ғарбий томонида, энг баланд жойида пуштиранг доғ ялт этиб аниқ кўринди. У аста-секин катталашиб, эгри учбурчак шаклига кирди, сўнг яна шаклини ўзгартирди. Ҳануз ғира-шира ёнбағирлардаги ложувард соядан кескин фарқ қилувчи қизғиш-тилла ранг эгри-бугри ёруғлик чўққидан пастга қараб силжий бошлади. Товоксой туби қирғовул канти раангига кирди.

Табл товуши пасая борди. Ниҳоят, у тинди. Шунда форслар қулоғига олисан бошқа, чивин галаси ғинғиллашига ўхшаш товуш аранг эшитилди.

У кучайиб, хуштак товушига, чийиллашга, наърага, довул гумбурлашига айлана борди; кўз очиб юмгунча дўнгликлар узра найзалардан иборат ўрмон пайдо бўлди; ўқлар товоксой устига қора булутдек ёғилди.

... Дарё ортида, яп-яланғоч тепаликларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жанг бошланди.

Қизғин жанг, лашкарларнинг шиддатли тўқнашуви бошланиб кетди. Дахшатли ур-йикит бўлиб, шафқатсиз қон тўкилди. Кишилар жон-жаҳди билан жангга киришган эди. Найзалар санчилар, шамширлар сермаларди. Бу ҳаёт-мамонт урушида мурдалар бир-бирининг устига қалашди.

Аввалига саклар билан форслар уч юз қадамча масофадан туриб, бир-бирларини камондан ўққа тутишди: сон-саноксиз ўқ тўлқин-тўлқин бўлиб учди.

Чуқурлик узра кизил, кўк, сариқ ва қора парли ўқлар шу қадар кўп учдики, улар ҳавода юзлаб бир-бири билан тўқнашиб, ерга ёмғирдек ёғилди. Қуп-қуруқ тупроққа, бир-бирининг ёнига санчилди, ер устини дахшатли ажал гули қоплади.

Саклар тепадан туриб уришарди, қуйига қаратиб ўқ отиш қулай эди.

Форслар-чи? Улар бўйинларини чўзиб, камонни тепага қаратиб, пастдан ўқ ўзишарди. Камон тортиб қўллари толиқарди.

Сакларнинг ўқи кўп. Бор ўқни отгач, садокни улоқтиришарди, шу ондаёқ аёллар ўқ тўла бошқа садокни тутишарди.

Форслар-чи? Уларнинг ўқи тез тамом бўлди, ўғруқни кеча Томруз ўлжа қилиб олганди.

Саклар дўнгликлар ўркачи панасига яшириниши мумкин.

Форслар-чи? Улар нафас ростлаш учун бош суқадиган жой йўқ.

Уч ёшлигидан камон тортишга ўргатилган саклар нишонга тўппа-тўғри, бехато уришарди.

Ҳеч қачон мерганлиги билан ажралиб турмаган форслар эса кўпроқ найза ҳамда табарзинга умид боғлашарди.

Саклар, ўртада талвасага тушиб тўлғанаётган ўргимчакка етиб бориш учун, форс ҳалқасини бирма-бир парчалаб, ўргимчак уясининг темир ипини узишарди. Саклар ҳайқирган кўйи, чуқурлик ёнбағридан тобора пастлаб боришарди. Ўлдирилган ва ярадор қилинган юзлаб саклар отдан учишар, сафдан чиққанларнинг ўрнини минглаб суворийлар эгаллашарди.

Улар сон-саноксиз эди. Улар ўрага оқиб тушиб, тубини қоплаб, чекқаларини текислаб, оғзигача тўлдирадиган қум мисол эди.

Ўқ тугади. Саклар камонларини садокларга солиб, шамширларини қиндан чиқаришди-да, отдан сакраб тушишди. Отдан туриб қилич чопиш ноқулай – шамшир қалта, чопишдан кўра кўпроқ санчишга мўлжалланган. Боз устига, оёқни тираш, отда ёнбошлаш, осилиш ва пиёда душманга қилич солиш учун қулайлик яратадиган узанги ҳали йўлаб топилмаганди.

Кўл жанги бошланди. Жанг минглаб яккама-якка олишувга айланиб

кетди. Найзалар найзаларга, қалқонлар қалқонларга урилди, қиличлар бир-бирига тегиб, жаранглади, табарзин табарзинни чопди. Икки томоннинг ҳайқириғи кучайиб, чинқирик, дод-фарёдга айланди.

Гурзилар ишга тушди, табарзинлар қоқ елкадан чопа бошлади. Жангчилар қоплондек сакраб, ўмбалоқ ошишар, силтаниб, найзаларини қоринга тиқишарди. Сўйишар, йиқитишарди. Қиришар, яксон қилишарди. Чекинишар, ҳужум қилишар, чўқмор зарбидан йиқилишар, бармоқлар чопилар, суяклар мажақланар, сўнгаклар шашпар билан майдаланар, оғизлар найза билан ёриб ташланарди.

– Ахурамазда учун! – Виштаспанинг найзабардорлари олға отилишди.

Виштаспанинг киприклари, чаккаларидаги сочи тиккайди: яқинида туриб жанг қилаётган сакка оғир найзасини шунақанги санчдики, у чарм тортилган, тўқима қалқонни, қалин чарм сипарни, қалин намат кийимни юпка бўйрани тешгандек тешиб ўтди, жигаридан ўтиб, ерга уч қарич санчилди. Сакнинг қовурғалари орасидаги жароҳатдан жайрон отнинг думи мисол потиллаб қон отилди.

Найзабардорлар найзаларини ишга солиб туришганида қалқонбардорлар уларни қалқон билан тўсиб, қилич билан ҳимоя қилишарди. Форслар ёғий қалқонига илгакли найзани уриб, сопини оёғи билан босишарди, шу онда қалқон сакнинг қўлидан чиқиб кетар ва форс жангчи унинг кўксига шамширни сукарди.

Форслар кўли баланд келиб, сакларни кучдан қолдираёзганди. Жайра сичқонлар галасига ҳужум қилганидек, найзабардорлар бўлими сак жангчилар қаторини ёриб кира бошлади. Ҳар томондан найзалар кўтарган бу бўлим саклар банд қилиб турган нишаб ёнбағрига понадек кириб борди. Унинг ортидан форс кўшинларининг бошқа бўлимлари босиб борди.

– Тўхтатилсин! – ҳайқирди Томруз.

– О-о, Митра, о-о! – белигача яланғоч бўлиб олган қариялар бир маромда кўшиқ айта бошлашди.

Улар форсларнинг найзаларида тўғри нариги дунёдаги гулханларга кўчиб ўтиш учун, тилда мадҳия, қўлда ханжар билан жангга киришганди. Улим уларнинг қалбига қувонч бахш этмоқда эди. Улар кўшиб айтиб ва кула-кула найзаларни нари-бери суриб, қалқонларни тортиб олишар, ёғийни сочидан тутиб, ерга йиқитишар, бўғзига шамширни шундай санчишар ёки уни шунақанги босишардики, оғзи-бурнидан қора қон шариллаб оқарди.

Бу қарияларни битта қўймай чопиб ташлашди, бироқ улар ниятларига етишганди. Форс жангчилар қариялар билан андармон бўлиб туришганида Майранинг новакандозлари ғанимлар найзабардорларининг ён томонидан пусиб келиб, уларни ўққа тутишди. Форслар жангчилари қоп-қора қонга бўялиб, чуқурлик томон қайтиб тушиб кетишди.

– Ахурамазда учун! – Раносбат бошини оғир эгиб, хириллаб ва ўкириб, саклар устига вазминлик билан босиб борди.

Ўрмон кесувчилар галаси тоғнинг хушбўй дарахтзорларига кириб боргандек, Раносбат бўлими сак кўшинлари тўдасини ёриб ўтди.

Қоплон терисини ёпинган олачипор жангчилар олдинга эгилиб ҳамда табарзинларини елгага ташлаб, оёқларини букканча аста кўтарилишарди; қозонсифат дубулғалар билан четига темир қопланган қалқонлар орасидаги тирқишдан кўзлари эҳтиёткорона ялтиллаб боқарди. Улар кўлларини кескин силтаб, табарзин билан сакнинг фақат кигиз қалпоқ

тўсиб турган бошига тушириб қолишарди. Қалқонлар қарсиллаб кўлдан учарди. Елкапўшлар йиртилари. Кесилган бармоқлар тиканли ўтти жон ҳолатда чангалларди.

Раносбатнинг табарзиндорлари сак қўшинининг зич қаторини ёриб, кенг йўл очишди. Машаққатли иш эди бу. Форсларнинг бошидан тер шариллаб оқар, сипар остидан ҳарсиллаб нафас олаётгани эшитиларди.

Яна саклар устидан форсларнинг кўли баланд кела бошлади.

– Тўхтатилсин! – хайқирди Томруз.

– О-о, Митра, о-о! – Фрада уруғидан бўлган жангчилар куйлай бошлашди. Улар ўз оқсоқолининг саклар олдидаги гуноҳини қон билан ювишга аҳд қилишганди. Улар Раносбатга ёнбошдан хужум қилишди. Табарзинбардорлар юзларини бу жангчилар томон буришганида Майранинг новакандозлари отган ўк уларнинг устига булутдек ёпирилди. Босиб чиқаётган форслар чуқурликка қайтиб тушишга мажбур бўлишди.

Сакларнинг дахшатли курули – узун ўқлардан омонлик йўқ.

Сакларнинг ўқидан пиёда қочиб қутулолмади – бир дамда етиб олади. Отга миниб қочиб кетиб бўлмади – етиб олиб, отнинг орқасига миҳлаб кўяди. Совутти тешиб ўтади. Қалқон билан кўксингни ҳимоя қилсанг, бошингдан уради, бошингни яширсанг, кўксингга келиб тегади.

Жангчиларнинг оёғи остида дўнглик ларзага тушар, тошлар чидай олмай ёрилар, қуриб-қақшаган ўт-ўлан чанг, кулга айланарди, дахшатдан, ҳатто куёш ҳам қорайиб кетди, юзини самога кўтарилган тўзон булути остига яширди. Товоқсой туби қондан кўлоб бўлди. Қон суюқ лойдек пилчилларди. Куруш тиззасигача қонга ботди.

Утана шоҳ чодирини ортида, қон сачратиб, ўзини ҳар ён уради, қалби бирён бўлиб, сочини юлиб, кўзини жон бераётганлардан узмай, бўғилиб:

– Не гуноҳи учун? Не гуноҳи учун? – деб тинмай такрорларди.

Жангда мадлар, варқанлар, харайвалар ҳалок бўлишаётганди. Дахлар билан партлар курулларини “орийлар”га қарши қаратиб олиб, уларни қақшата бошлашди, сўнг саклар томонга ўтиб кетишди. Минглаб форс жангчилар ҳаёт билан видолашишди. Жанг якунига етмоқда эди.

Куруш қолган энг бақувват жангчиларни саралаб олди-да, лаънатлаётгандек дуо билан:

– Аҳурамазда учун! – деб яратганга муножот қилди. Сўнг энли қиличини қиндан суғурди. Қилич шунақанги ялтирардики, унда шоҳни ихота қилган хос соқчиларнинг кўзи ва тиши кўзгудагидек акс этди; жилмайиб, қилични ўпди, уни пайдор кўли билан қаттиқроқ сиқиб, қадамини кенг ташлаб, нишабдан чаққонлик билан юқорилай бошлади.

Саклар тўдаларини ёриб ўтиб, жодуланган ушбу товоқсойдан нари қочиш керак!

Дехқон ўроғини усталик билан ўйнатганидек, шаҳаншоҳ қиличини маҳорат билан ишлатарди, бир ўзи отдан тушган бир қанча кўчманчини жонидан жудо қилди, ўтдек ўрди, “уларни ер билан битта қилди”.

Жанг маҳали Курушнинг сариқ кўзига назари тушган ва омон қолган киши улардаги ифодани бир умр эслаб қолади. Олачипор ажалнинг пирилламайдиган кўзини кўрган одам умрининг охиригача бу кўзларни ларзага тушиб хотирлайди.

Курушга бир неча бор қаттиқ жароҳат етказишди, бироқ Айрана ҳукмдорини бу тўхтатолмади.

Ёнгинасида Раносбат билан Виштаспа жанг қилишарди.

Хукмдорнинг ишидан ибрат олган хос соқчилар – “боқийлар” бўлими саклар, хуварлар, бактрлар ва сўғдларни чошиб, анча илгарилаб кетишди. Томрузнинг ходирига деярли яқинлашиб боришди.

Форслар ғолиб келмоқда эди!

Шаҳаншоҳ дўнглик устига толмасдан, бардам кўтарилиб борар экан, сакларнинг қояга тақаб турилган оғир қалқонининг рўпарасидан чиқди.

Қаттиқ қоқилиб, қиличини кўлдан тушириб юборди.

Мункиб кетиб, нишабдан пастга томон думалади.

Думалаб бориб, кўтарилиб турган тошга урилди.

Боши ғалати қайрилиб, чап елкасининг остида қолди. Ёйилган оёқ-кўли қалтираб, лабини қонли кўпик босди, кўзи косасидан отилиб чиқди.

Саклар “боқийлар” устига жон-жаҳдлари билан ташланиб, ўзлари ҳам учиб тушган ҳолда, уларни товоқсойга чекинишга мажбур этишди. Бу ҳол бутун жанг давомида такрорланди – форслар, оғзи тўсат очилиб кетган кўзадан ташқарига чиққан жинлар тўдаларидек, тиришиб-тирмашиб товоқсойдан чиқмоқчи бўлишади, саклар эса уларни янада жадаллик билан улоқтирмоқчи, итариб туширмоқчи, кўзага қайта тикиб қўймоқчи бўлишади.

Омон қолган бир ховуч форслар жар оғзига чиқиб олмоқчи бўлишар, у ерда бирон-бир нажот йўли бўлиши мумкинлигига умид боғлашарди.

Раносбат билан Гов-Барува ҳозирча тирик шаҳаншоҳ ёнида бирров тўхташди.

– Унга нима бўлди? – ўлим уйқуси аралаш садоқатли Раносбатнинг товушини эшитди Куруш.

– Сакларнинг қалқонига урилиб, гарданини синдириб олди. Дунёнинг ярмини босиб ўтиб, қоқилмади. Бу ерда эса...

Ҳа, бу – дўсти Гов-Барува. Дўсти Гов-Барува. У ёрдам беради. Хукмдорнинг саклар оёғи остида топталиб ўлишига йўл қўймайди.

– Олиб кетамизми? – ботинмайроқ сўради Раносбат. – Нима бўлса ҳам, бурчимиз-ку!

– Эй! – Гов-Баруванинг жаҳли чиқди. – Ўлиб кетмайдими?! Энди биз... бир амаллаб жонимизни қутқариб қололсак ҳам.

Улар қочишди.

– О, Куруш! – Виштаспа ҳасрат билан жавраб, шохнинг олдида тиз чўқди. – Бечора жигарим, бадбахт хукмдорим...

Виштаспа ўғринча аланглади.

Ҳеч ким қарамаяпти, ҳамма қочиб қолиш билан овора.

У қисқа ҳайқириб, қўлини кўтарди-да, қилични сопига қадар шаҳаншоҳнинг орқасига санчди.

* * *

Соҳибининг қамчисини хўп еган қари эшак узоқ йиллар аламини босиб, кучини йиғиб келганди. Кунни келиб, соҳиби жар ёқасига бориб қолганида эшак мўлжаллаб туриб, шунақанги тепдики, у дод-фарёд билан жарга кулади.

Саклардан қочиб, кечикка етиб кела олган яккаю ягона форснинг – минг-минг форслардан тирик қолган биттасининг гапларини эшитиб, Крез қорнини чангаллаб, мазза қилиб, думалаб-думалаб кулди. У ўзини тута олмас, дам думалар, дам ўнг ёнбошига, дам сўл ёнбошига ташларди. Ахири шаҳаншоҳни тепдимми?!

“Ношуд эшак бўйнини синдириб бўлса-да, соҳибига алам етказишга ҳозир”.

Рақибнинг – кучли йиртқичнинг ўлимидан шу тариқа овунарни бошқа бир йиртқич.

Ниҳоят, лидияликнинг миясига қон урди. Ўзига келгач, хириллади:

– Энди, дўстларим, мени оловга ташлашингиз мумкин. Ха-ха-ха!

Кечик яқинида шохли дубулға кийган хурпайган суворийлар тўдаси кўринди. Булар хоразмликлар эди. Форслар кўприкни вайрон этишди, зоғнулларни ёқиб юборишди ва очун томон кетишди.

Лидияликлар жон талвасасидаги Крезни шох аравасида олиб кетишди.

Курушнинг ўлими ҳақидаги хабар Крездан олдин, кўчма барханлар устидан каловланиб, бош эгиб кетаётган орий жангчилардан олдин учиб борарди. Хабар Варканага, Виштаспанинг ўғли ёш Дарёвушга ҳам етиб борди. Дарёвуш оғир ўйга чўмди. Хабар Хагматаанага, қутурган Камбуджигга ҳам етиб борди. Камбуджининг кўзлари ёвуз ва шодон чақнади. “Помирнинг серчўкки тоғларидан ҳар томондан сув билан ўралган Қибрисгача минг-минглаб одамлар енгил нафас олишди.”

* * *

Меҳр-Бедод оёғидан яраланган эди.

Афтидан, жароҳат оғир эмасди (акс холда у қонга беланган бўларди), лекин оғриқ шунақанги зўр эдики, форс йигит қанча уринмасин, устида ётган жасадни тонггача ҳам устидан улоқтириб ташлай олмади.

Туни билан зулматда букри шалпангқулоқ сиртлонлар Меҳр-Бедоднинг кўзи олдидан у ёқдан-бу ёққа изғиб юришди. Улар олис жанубдан етиб келишганди. Сиртлонларнинг қорни қулдирашидан ва қулоқни батанг қилувчи чинқириғидан Меҳр-Бедоднинг кўнгли беҳузур бўлди.

У ёқ-бу ёқдан даҳшатли ириллаш, чийиллаш, улиш, чапиллаш ва сўнгақларнинг қирсиллаши эшитиларди. Йиртқичлар базми жамшидни бошлаб юборганди.

Товоқсой чеккаларида машъала йилтиллаб кўринар, мунгли қўшиқ оҳиста эшитиларди. Сак аёллар эрларининг мурдаларини излаётган бўлишса керак.

“Мени эса..., – хўрсинди Меҳр-Бедод, – мени сиртлонлар ғажийди. Фаризод йироқда. Кимга керакман, аҳмоқ Меҳр-Бедодни ким ҳам изларди?”

У заволга кетган ойга тикилиб, оғриқдан ва ғуссадан йиғларди. Балки Фаризод ҳам ҳозир, ўғлини аллалаган кўйи, ойга тикилиб ўтиргандир. Мўмай ўлжа деб оиласини ташлаб кетган эрини қарғаётгандир.

Қарғама мени, Фаризод! Эрингни лақиллатиб, ифлос ишга ўргатганларни қарға. Курушни – Олачипор ажални шунақанги сўзлар билан қарғагинки, у дўзах ўтида уч минг йил ёнсин.

Йў-ўқ, хотин, мени ҳам қарғагин. Тўнка Меҳр-Бедод ўзини лақиллатишларига йўл кўйиб бергани учун қарғагин. Сўқир ва овсар бўлгани учун қарғагин.

Бе! Шу ерга келганда форс йигит қўл силтади. Айтайлик, кўзинг очик, ақлинг тиник, хўп, нима бўпти? Куруш сенинг “истамайман”, деганингга қулоқ солармиди? Ўз истагинг билан урушга бормасанг, қамчи билан ҳайдаб олиб бориб, урушга солади. Шунақа.

Нега бу ёруғ оламда кишининг ихтиёри ўзида эмас?

Бу дунёда қанча ҳал этилмаган жумбоқлар бор-а...

Афсуски, кишининг ҳақиқий ақли ўлими олдидан кираркан. Илгари ўйлаб кўришга Меҳр-Бедоднинг вақти каммиди? Ўйламаганди. Ўйлашга уринмаганди ҳам. Энди эса тентаклиги учун ҳаётдан жудо бўлмоқда.

Субҳда Турондаги қанотли қирғийтумшуқ, чангали зўр манфур жонзодларнинг бари: сор, тасқара, чўл бургутлари учиб келди. Уларнинг зотидан энг жирканчлари кузғунлар эди.

Кузғун – ўзини беозор макиён қилиб кўрсатадиган қуш. Юриши ҳам, ҳатто бошидаги сийрак қокили ҳам макиённикига ўхшайди. Лекин кузғуннинг кўзи ўлаксага тушса, дарҳол йиртқичга айланади-қўяди: букчайиб, бўйнини букиб олади, кўзини ялтилатиб, ўлакساني зўр чангали билан тутиб, чириган гўштни қайрилма тумшуғи билан поралашга киришади.

– Биз ҳам Куруш билан шунақамиз, – истехзо ила аччиқ кулди Меҳр-Бедод. – Ўзимизни одам ҳисоблаб келдик. Инсонлар либосини ҳам кийдик, одамлар тилида гапирдик ҳам. Аслида ким эдик? Кузғун эдик. Сасиган гўштни ейдиган жирканч махлуқлар эдик.

* * *

... Бу ерда, чўлда ҳеч кимга керак эмасман, ҳеч ким изламайди, деб бекор ўйлаганди Меҳр-Бедод.

Садоқатли хотинига керак бўлганидан-да кўпроқ бегона бир кишига керак эди у. Ўша бегона одам Меҳр-Бедодни шунақанги тоқатсизлик билан излардики, балки Фаризод ҳам эрини бунчалик изламас.

“Тоғнинг у томонида бир кишининг дилини оғритсанг, жазосини бу томонида оласан”.

– Ҳа! Ниҳоят сени топдим, – кимнингдир таниш, бироқ унутилган овози Меҳр-Бедоднинг кулоғига кирди. – Йиқилган жойингни кеча кўз остимга олиб кўйгандим, кетингдан кузатиб юрдим. Лекин ўлаксаларнинг бу уюми орасида адашиб қолиш ҳеч гапмас. Устига устак, оёғимдан яраланганман, шу боис, сенга етиб келиш учун, тун билан гоҳ эмаклашга, гоҳ оқсоқланиб юришга мажбур бўлдим. Ҳой, қўтир туя, мени танияпсанми?

Меҳр-Бедоднинг устида найзага суяниб, заифликдан чайқалиб, ёвуз рух каби, ковоғи солиқ Гадат турарди.

– Хўш, форс, орий, форснинг ўғли! – Гадат тишини шунақанги ғижирлатдики, сўйлоқ ва курак тишларини синдириб юборди. Гадат кўлини яланғочлади-да, елкасига яқин жойдаги қон аралаш йиринг сизиб турган ярани кўрсатди.

Унинг барча яширин ўйлари мана шу яра билан боғлиқ эди. Шафқатсиз қасос олиш тўғрисидаги ёвуз фикрлар билан заҳарланган, бутун томирларидан югуриб, миясидан ўтган қон оғуға айланиб, ярага етиб келганида чидаб бўлмас даражада оғрик берарди.

– Вой жоним!.. – юзини буриштирди Гадат. – Сўзак киргандек шунақанги қаттиқ оғрийдик, чидаёлмайман! Сени ҳеч қачон унутмаган ҳам эдим. Даҳ Гадатни таёқ билан урдим, тумшуғига тепдим – бўлди, деб ўйлаганмидинг? Йў-ўқ! Даҳлар бекорга тепки еб, индамай кетаверадиганлардан эмас. Ўшандан бери, хаёлан бўлса-да, терингни шилмасам, уйқум келмасди. Сен эса шодон, мағрур йигит, букилган қоматинг ортидан қасос машъум соя бўлиб юрганидан беҳабар эдинг! Ҳу, разил хайвон...

Гадат ғазабдан бўғилди, жимиб, титроқ кўли билан ранги ўчган, тер босган пешонасини артди.

– Ўзларинг кутурган итдан баттарсанлар... бошқаларни ҳам ўзларингга ўхшашга мажбур этасанлар. Тиз чўк, – деди у хўмрайиб.

Сўнг қиличини қиндан суғурди.

– Чўк тушолмайман. Яраланганман... яна, бировнинг жасади устимда босиб ётибди.

– Тиз чўк! – ўқирди Гадат йиртқичлардек.

У найзани кўтариб, сопи билан Мехр-Бедоднинг елкасига қаттиқ урди.

Мехр-Бедод бу зарбнинг оғриғи зўридан олдинги оғриқни унутди. Ларзага тушиб, бир чиранди-да, жасадни устидан улоқтириб ташлаб, тиз чўкди.

Гадат куларди. Узоқ айрилиқдан сўнг эри билан кўришган хотиндек, энтикиб ҳам йиғларди, ҳам куларди. Лекин нигоҳи... нигоҳи аёлларникига ўхшамас, даҳ бўри каби боқарди.

– Хўш, орий? Ха-ха-ха! Афсусланапсанми, дейман? “Билганимда қорамни кўрсатмасдим”, – деб ўйлаётгандирсан? Шундай эмасми? “Уриш у ёқда турсин, товонини ўпардим”. Шунақами? Шунақа! Барчангиз шунақасиз, разиллар! Куч сиз томонда бўлганида, хаёлингизга нималар келмайди! Гўшт берма – таҳқирла бечорани. Ох, кўли орқасига боғланган химоясиз бадбахтга азоб бериш қанчалар маза-я! Лаънати босқинчилар. Куч-қувват абадий берилмаганига, ҳокимият бугун бўлса, эртага қўлдан чиқишига сиз ҳайвонларнинг ақлингиз етмайди. Томоғингиздан хиппа бўғишгандагина хато қилганингизни англайсизлар, аламдан бурнингизни тишлайсизлар. Бироқ кеч бўлади. Бировга чоҳ қазиган унга ўзи тушишини олдиндан билиш лозим эди. Киши кўнглини оғритмасанг – сенинг ҳам кўнглингни оғритишмайди. Мени калтаклаганингда нимани ўйловдинг, эй жасад? А? Абадул-абад орийларнинг йиртқич қонуни химоясида бўламан, деб ўйлаганмидинг? А? Қани энди у, ўша қонун? Вақт-соати келиб, бирга-бир турибмиз. Қани, Раносбатни ва бошқаларни кутқариб олинг, деб чақириб кўр-чи?!

Гадат Мехр-Бедоднинг бурнига тепди, у орқасига ағдарилди.

– Чўк туш! Қўлингни орқага қил! Ҳайвон, қачонлардир мени хўрлаганинг учун ачиняпсанми?

– Ачиняпман...

– Ҳа! Ачиняпсан-а! Бошингга қилич тушадиган бўлганда ачиняпсанми? Агар ҳозир сени қўйиб юборсам, уйингга қайтгач, бундан баттар қаҳр қилсанг керак, ҳойнаҳой!

– Йўк, – Мехр-Бедод Гадатнинг ғазабнок кўзига тик қаради. Даҳ хайратдан қошини чимирди. – Қачонлардир сенга озор берганим учун ачинаётганим ўлимдан кўрққаним учун эмас. Ўлимдан кўрқмайман. Кўп кўрдим ўлимни. – Форс жасадларга ишора қилди. – Аҳмок, чўчқадек аҳмок бўлиб, ёмон ишлар қилганим учун ачиняпман.

– Энди... ақлинг кириб қолдими? – Гадат Мехр-Бедоднинг кўзига ажабланиб қаради. Бу кўзларда айёрлик, маккорлик, муғамбирлик кўринмасди. Одамларникидек, ҳалол, виждонан қараш эди у.

– Ақлим кирди, бироқ кеч кирганга ўхшайди, – хўрсинди Мехр-Бедод.

– Ҳм... – Гадат аста қиличини туширди. – Негадир, йигит, бугун бошқачасан. Мен Ниссайядан биладиган форс эмассан.

Мехр-Бедод елкасини қисди.

– Шунақа бўлиб қолди.

– Бўлмаса, тингла... – Гадат биринж қиличининг учи билан бошини ўйчан қашиди, пешонаси тиришди, тез эгилди-да, қонга беланган оёғини силади. – Оҳ! Худди дайв чаққандек-а. Сен ҳам оёғингдан яраландингми? Қайси бири?

– Сўл оёғим.

– Кўряпсанми, менинг ўнг оёғим яраланган. – Даҳ кулди. – Иккаламизга, демак, иккита оёқ. Гапимни тингла, орий. Айтайлик... ўлмадинг... Тирик қолдинг. Қачондир одамларни ҳурмат қилишни, одамни эъзозлашни ўрганасанми?

Меҳр-Бедод ғамгин жилмайиб, “ҳа” дегандек бошини силкитди.

– Бундан буён ўзингни қутурган итдек тутмайсанми?

Меҳр-Бедод ўша жилмайиш билан, “йўқ” дегандек, бошини сарак-сарак қилди.

– Тутмайсанми?

– Йўқ.

– Қутурган итдек тутмайсанми?

– Йўқ.

– Тутмайсан-а?

– Йўқ.

– Шундай бўлсин! – даҳ маза қилиб кулди-да, қиличини қинига солди. – Сени ўлдиргим келмай қолди. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Бақириб кўнглимни бўшатдим, шекилли. Бўлмаса, юр, биродар, йиртқишларга ем бўлмасдан олдин бу ердан кетайлик.

Улар авайлаб, бир-бирларининг қўлтиқларидан олиб, жасадларни айланиб ўтиб, йиртқиш қушлар ҳамда ҳайвонларни кийкириб ҳайдаб, қирмизи қонга ботган чуқурлик орқали йўлга тушишди. Улар тез-тез тўхтаб дам олиб боришди. Меҳр-Бедод Гадатнинг ярасини боғлаб қўйди. Гадат эса Меҳр-Бедоднинг жароҳатини боғлади. Кун заволга кетгандан кейин дўнгликларга етиб боришди.

– Мен даҳ Гадатман, подачи ва деҳқонман, – ғурур билан деди Гадат, Томрузга рўбарў бўлар экан. – Бизнинг бўлим сиз томонга ўтди. Уруғдошларимдан сўрасанг, Гадат кимлигини айтиб беришади. Мен сакларга душман эмас, дўстман. Сизлар билан бизнинг қонимиз бир. Лекин мен, ўз ихтиёримга қарши, лаънати Курушнинг хизматида бўлдим. Тўғри, мен биронта сакни ўлдирмадим, ўкни ҳавога отдим. Аммо саклар томонига отдим. Демак, мен, барибир, олдингизда гуноҳқорман. Мана бу – бошим учун тўлов.

Гадат Меҳр-Бедодни олдинга туртиб чиқарди. Форс охири учрашувлардан кейин озиб, кичрайиброқ қолган, қаҳри қаттиқлашган Томрузга кўркиб қараб турарди. Ўйлаб ўтирмаёқ ўлимга буюради, деб хаёлидан ўтказди.

Даҳ, сукут саклаб туриб, хижолатпазлик билан деди:

– Бу тўловни қабул қилсанг,... уни ўлдирма. У... ёмон одам эмас.

– Биламан. – Томруз бош ирғади. – Дуруст, Гадат. Тўловингни қабул қиламан. Дўстларингнинг олдига бор. – У уруғдошини кўриб шодон жилмайиб турган даҳлар тўдаси томон ишора қилди. – Меҳр-Бедод, сен ҳам дўстларинг ёнига бор.

– Дўстларим? – Меҳр-Бедод қум устида бошини қуйи солиб ўтирган бир қанча форс асирлар томон ажабланиб кўз ташлади.

– Виштаспа. Раносбат. Анови ётган ким экан?

Форс йигит Утанага кўзи тушиб, иссиқ тупроққа аста қадам босиб, улар томон кетди ва савдогарнинг ёнига бориб ўтирди.

– Тирикмисан? – енгил нафас олди Утана. – Ўлдиришди, деб ўйлагандим. Биз Товоқсойдан чикиб, ўлик ўрмонга етиб олдик, бироқ дахлар етиб бориб, бизларни тутишди. Саклар эмас, дахлар. Ишонасанми? Бизникилар, ниссайликлар шундай қилишди. Куруш эса уларга ишонган эди... Ана, Гов-Баруванинг умуртқасини синдиришди. – У ерда ётган киши томон қоши билан ишора қилди.

– Эй, форслар! Тингланглар! – деди Томруз. Бандилар чўчиб тушишди. – Мен жонингизни ўзингизга бағишладим. Сизлар ҳам, бизлар ҳам кеча анча одамни ҳалок этганимиз етар. Уруш тугади. Бугун хордиқ чиқаринг. Эртага, – у захарханда қилди, – бизнинг ғалабамиз ва сизнинг мағлубиятингиз шарафига ўтказиладиган базмда бизлар билан бирга иштирок этасизлар. Сўнг уйларингизга кетасизлар. От, сув, озик беришни буюраман. Жангчилар дарёгача кузатиб қўйишади, сўл соҳилга ўтишингизга кўмаклашишади. У ёғига амаллаб етиб оларсизлар, Марғгача олис эмас. Тушунарлими? Сизлар учун чодир тикишларини айтдим. Бориб, хордиқ чиқарингиз.

– О, марҳаматли малика! – шанғиллади Раносбат ўрнидан туриб.

– Мен малика эмасман, – унинг гапини чўрт кесди Томруз. – Мен саклар ўзларига хизматкор қилиб сайлаган оддий сак аёлман. – Сен маъбудасан! – ҳайкирди форс.

Раносбат – жангчи. Урушни хоҳлаяпсанми – урушавер. Асир тушдингми – китикқа тегма, асирларга хос тарзда сипо бўл. Бурч – бурчлигича қолади. “Эгилган бошни қилич кесмас”, – деб айтишган-ку. Яна: “Чополмаганинг кўлни ўп”, – дейишган.

Лашкарбоши кумга чўзилди ва итоаткорлик маъносида ғолибанинг оёқлари остидаги гиёҳни чайнай бошлади.

Шу он форслар барчаси Томруз оёғи остига ўзларини ташлаб, дағал, қаттиқ, сертикан чўл гиёҳини чайнай бошлашди. Улар гиёҳни оч қолган қўйдек ютоқиб ейишарди. Титраб-қақшаб ютишарди. Чалп-чалп чайнашарди.

Мазали гиёҳ экан!

* * *

– Биз ҳали бу ерга яна қайтамыз! – хириллаб деди Гов-Барува тунда.

Форслар мис дубулғаларини кўздан бироз кўтариб, маслаҳатлашишарди. Сак кўрикчилари эшитиб қолмасин, деб паст овозда гаплашишарди.

– Худо хоҳласа, Марғга эсон-омон етиб олсак... – пичирлади Виштаспа тупугини сачратиб.

– Шунақанги қўшин тайёрлаймизки, сакларнинг чангини чиқариб юборади, – хириллади Раносбат.

– Бу гал, Курушнинг аҳмоқона буйруқларига бўйсуниб, хатога йўл қўйдик. У ниятимизни барбод қилди! Энди эса...

Форслар қизишиб, бир-бирининг елкасига қоқиб, янги юришга қанча одам олинади-ю, Аранха томонга қайси йўл билан юрилади-ю, қаерда кўприк қурилади; сакларни қандай айланиб ўтишади, қандай қилиб зарба бериб, қандай қилиб қириб ташлашади – шулар ҳақида тўлиб-тошиб, антикиб, сабрсизликдан бўғилиб фикр алмашишарди.

– Қанақа одамлар ўзи булар?! – хайратга тушди Мехр-Бедод. Улар Утана

билан бир чеккада ўтириб, гапга аралашимасди. – Умуман одамми-йўқми улар? Ахир, кечагина... кечагина...

У ғазаб билан бошини лиқиллатди.

О, Томруз! Меҳрибон, олиўжаноб аёлсан! Заҳарли илонни тирик қолдириб бўладими? Япалоқ боши билан илон нимани ҳам тушунарди. Оловдан қутқариб оламан, деган одамнинг ҳам қўлини чақади-ку у. Илон – илонлигини қилаверади.

Меҳр-Бедод ўйга чўмди.

Янчиб ташланмаган бу чиябўриларнинг қабих ниятларини Томрузга айтсамикан? Хўп, Томруз яна жуда хавфли бир нечта форс амалдорларини йўқ қилар. Бу билан нима ҳам бўларди? Гов-Барува, Раносбат, Виштаспа сингарилар Айранада шунчалик кўпки, уларни қўшга қўшиб ер ҳайдасанг бўлади.

Тахтга ақлдан озган Камбуджи чиқади, у шунақанги кунингни кўрсатадики!

Меҳр-Бедод – форс, унинг тақдири Парса билан чамбарчас боғлиқ. Уйга қайтмоқ даркор. Ўзингни ўша-ўша овсар Меҳр-Бедод қилиб кўрсатгин-да, уйингга қайт. Халқингга янгича назар билан қара. Ўйла. Ота юртингда нималар бўлаётганини тушуниб ол.

– Ҳозир нималар ҳақида ўйлаётганимни биласанми? – деди Утана маънос. – Одам ифлос ҳайвон экан. У ўша йўлбарс, бўри, сиртлон сингари йиртқич, фақат икки оёқда юради. Думи йўқ унинг. Бор-йўғи фарқ шу. Қотилликка ташналик – инсоннинг қалбида. Терисини шилсанг ҳам, ҳамма тишини қоқиб олсанг ҳам, барча тирноқларини суғуриб олсанг ҳам икки оёқли йиртқични ўзгартира олмайсан, ақл-хушини кирита олмайсан! Мана сенга мисол. – У фитначилар томонга жирканиб қаради. – Бугундан бошлаб мен одамлардан воз кечаман. Уларни кўргани кўзим йўқ. Уйга қайтгач, бойликларимга ўт қўяман, уларни сувга ғарқ қиламан, буткул тоққа кетаман. Бир ўзим ғорни макон тутаман. Одам зотига лаънатлар бўлсин!

У жаҳд билан тупуриб, чодирдан чиқиб кетди.

Меҳр-Бедод Утананинг аччиқ сўзлари мағзини узоқ чақди. Балки Утана ҳақдир? Йўқ. Инсон инсонлигича қолади. Уни Гов-Барувага ўхшаш инсон қиёфасини йўқотган разиллар билан чалкаштирмаслик даркор. Одамлар ўртасидаги ўзаро ғажишиш абадий ва тўхтамай давом этиши мумкин эмас.

Тинч-хотиржам яшаб турган чўпонлар, дехқонларни қотиллик ва қон тўкишга мажбур этувчи икки оёқли йиртқичларнинг ақлини киритиб кўядиган бирон-бир чора наҳот топилмаса?

Наҳот топилмаса?

Бундай чора топилиши керак.

Топилиши даркор.

Қаерда у?

Меҳр-Бедод ўзининг катта ғадир-будур қўлларига қаради. Эракнинг қўли эди улар, заҳматкашнинг қўли. Оддий инсоннинг қўли.

* * *

Ҳаммаёқни тутун босган.

Табаррук қозонлар остидан чиққан тутун дўнгликлар устида сузиб юрибди.

Томруз халқни доирасимон товоқсойда – форсларнинг қудрати адо

бўлган Товоқсойда эмас, бошқасида, ўртасида тоза булоқ отилиб турган, ям-яшил ўт-ўлан ва гул-чечакларга тўла товоқсойда тўплади.

Томрузнинг сўл томонидан, нишаб ёнбағридан шохдор қалпоқ кийган массагетлар, хоразмликлар, думалоқ қалпоқ кийган сўғдлар ва бақтрлар, ўнг томонидан учли қалпоқ кийган дарёорти саклари ва тиграхаудалар жой олишган. Товоқсой ёнбағрида, Томрузнинг олдида ва унинг орқасида аранха саклари жойлашишган.

Булоқ ёнидаги майдончада йиртиқ-ямоқ бўлса-да, яхшилаб тозаланган кийимларда, гарданига итоатга келганликка ишора қилувчи белбоғ ташлаган форслар чўккалашди.

Форсларнинг байроқлари ёпилган қалқонлар, табарзинлар ва қиличлар устида ўтирган Томрузнинг ёнида Хугаванинг хушқомат хотини, қабр устидаги санамдек бепарво турарди.

Ушбу икки индамас ва хотиржам аёлдан беш қадам нарида, форслар яқинида учинчи аёл кўз ёшлари билан юзини ювиб турарди. Бу – Фраданинг кизи Райада. Фраданинг уруғи, ўз оксоқолининг гуноҳини ювиш учун, катта ёшли охирги эркаккача, катта ёшли охирги аёлгача – бари Товоқсой ёнидаги даҳшатли жангда ҳалок бўлишганди. Кампирлар, оналар ва гўдаклар ҳали Яксарт соҳилларидан қайтиб келишмаган, шу боис Райада минглаб эркак ва аёл саклар орасида ёлғиз эди.

У, дўнгликлар ортига яшириниб олиб, соғ қолди.

Бу ерга нега олиб келишганини билмасди. Қўрқиб турарди. Наҳот ўлдиришса? Райаданинг ҳеч қанақа айби йўқ. Қиз отаси учун жавоб бермайди. Отасининг айби нима эди? У қизини деб ўзини ўтга-чўкка урди – унга яхши бўлсин деди. Ота-оналар болаларини севишса ёмонми? Форсларга ўқ узмадими? Нима бўпти? Камоннинг ипини тортишга кучи етмади. Заифгина сак аёли бўлса.

Томруз сўл томонга ишора қилди.

Тўрт нафар бақувват сак, инқиллаб-синқиллаб, яйловга оқ шунқор тасвири туширилган оғир қизил халтани келтириб қўйишди.

Райаданинг кўзлари тош бўлиб қотди-қолди.

У Спаргапанинг халтасини таниди.

Саклар бу халтани форсларнинг ўғруқидан топишганди.

– Райада! – деди Томруз. – Ялтироқ тақинчоқларни истабмидинг? Олақол.

Тўрт нафар сак халтани Райаданинг олдига олиб келишди, қийналиб кўтаришди-да ағдаришди. Райаданинг устига олтин буюмлар жаранглаб тўкилди.

Билагузуклар. Узуклар. Сирғалар. Тўқалар. Спаргапа Курушнинг кўприк бошида ўлдирилган жангчиларидан ечиб олган занжирлар. Оғир тўқа пешонасини тилиб юборди, қон тизиллаб отилиб, лабларига оқиб тушди.

Олтинга кўмилган, унинг совуқ ялтирашидан кўзи қамашган, ҳасрат тўла жарангидан қулоғи битган Райада ўзини йўқотиб, қизғиш оғзини очганича турарди.

Айтишларича, у ҳозир ҳам ўша Товоқсойда шундай ўтирган эмиш.

Томруз ўнгга ишора қилди.

Тўрт нафар бақувват сак унинг олдига қизил суюқлик тўлдирилган катта мешни келтиришди.

– Айрана ўғлонлари! – деди Томруз. – Қаранглар-да, хотирангизда

сақлаб қолинглар. У ёқда, ўз ватанингизда бугун кўрганларингизни айтиб беринглар. Эҳтимол, улар тушунишар...

Майра олачипор рўмолни очиб, кесилган бошни Томрузга узатди. Томруз хинага бўялган сочдан кўтариб, каллани силкитди.

Асир форсларни даҳшат чакмоқдек урди.

Бу Курушнинг боши эди.

Бир вақтлар Куруш, дашт бекасига уйланиш орзусида: “Афтидан, бу Томрузни деб бошимни йўқотадиганга ўхшайман”, – деганди. Янглишмаган экан.

– Қонга ташна эдингми? Тўйиб ич!

Шундай деб, Томруз Курушнинг бошини тутган қўлини қўлтиғигача форслар қони куйилган мешга тикди.

– Шумиди? – қаҳ-қаҳ қилиб қилиб юборди Утана. – Эй Куруш, шуни деб бу қадар олис ерга саргардон бўлиб келганмидинг? Қанча жанжаллар, қанча баҳслар бўлди... Қанча одам бекор нобуд бўлди. Уйдан чиқмасдан ҳам гарданини узиш мумкин эди-ку. Жимгина, оврагарчиликсиз қилиш мумкин эди бу ишни. Ха-ха-ха!

Сақлар ҳайқиришди. Уларнинг ҳайқириғида ҳалок бўлганлар учун мотам, тинчгина ҳаётини бузганларга нисбатан нафрат жаранглади. Зафардан ғурурланиш, огоҳлантириш ҳам бор эди. Улар ҳорғин, бироқ мамнун ўтиришарди. Ҳаммаси ортда қолди. Оғир захмат тугади. Томруз қафтларини душман байроғига артиб, қўйнидан шунқор тасвири туширилган туморнинг ярмини чиқариб, лабига босди-да, йиғлаб юборди:

– Спаргапа, ўғлим. Бечора Спар. Қайдасан? Спаргапа, жоним... қаердасан? Беором руҳинг қаерларда изғиб юрибди? Спар, азизим. Қартайган онангни кечир. Сени асраб қололмадим. Асраб қололмадим. Олачипор ажал олиб кетди сени. Асраб қололмадим...

У шамол чийраб ташлаган қароқчилар туғлари остидан ёвуз ялтираб турган душман табарзинлари ва қиличлари уюми устига чиқди, бошини азот кўтариб, кўкрагини олдинга чиқарди, қўлини шитоб билан учаётгандек орқага ташлади.

Қанотлари парвоздан жаранглаётган она бургут эди, гўё.

Жиноят содир этилган жойга шошаётган қасос маъбудаси эди, гўё.

Кулга санчилган пайконлар занглаб ётган машъум далалар, уйларнинг чанг босган харобалари, аллақачонлар чириб битган ўғлонлар қабрлари, янги туғилган ўғлонлар бешиклари узра оналарнинг мунгли ва даҳшатли ноласи минг йиллардан буён сўнмай жарангламоқда:

– Олачипор ажал! Қачон номинг ўчади? Одамлар, Олачипор ажалдан эҳтиёт бўлинг! Уни, албатта, маҳв этинг!

*Рус тилидан
Шомуҳиддин МАНСУРОВ таржимаси*





Михаил ЛЕРМОНТОВ

Аввалига тухмат ва ҳақоратга дучор этилган Пушкин тез орада подшоликнинг фитнаси билан келгинди Дантес кўлида ҳалок бўлганидан сўнгра Лермонтовнинг “Шоирнинг ўлими” шеъри қўлёзма ҳолида аввал Петербургда, кейин бутун Россияда тарқалиб, рус жамиятини ларзага келтирди. Шеърда:

Эй, тахтни қуршаган очкўз оломон,
Озодлик, Даҳо ва Шон жаллодлари!
Қонун панасида сурасиз даврон,
Суд ҳам, ҳақиқат ҳам – мум тишлар бари!..
Аммо қиёмат бор, айш маҳрамлари!
Даҳшатли ҳакам бор, у кутар сизни; –

дея хитоб этади шоир сарой аъёнларига ва бу жасорати учун Кавказга бадарга қилинади. Орадан атиги тўрт йил ўтиб, сарой уни ҳам Пушкиннинг қисматдошига айлантиради – Лермонтов сарой хуфяси Кушинников қутқуси билан, ўз қуролдош дўсти Мартинов томонидан 27 ёшида отиб ўлдирилади.

Бу жуда қисқа умр. Инсон боласининг аксарияти бу ёшда ҳали бирор ишга улгуриши маҳол. Аммо шундай Худо берган инсонлар бўладик, улар жуда қисқа яшаса-да, ўздан ўчмас ном қолдириб кетади.

Лермонтов ана шундай Худо ёрлақанган истеъдод эгаси, даҳо шоир бўлган. Салкам ўн уч йилда 400 дан ортиқ шеър, 30 га яқин достон, 6 та драма, 3 та роман ёзган. Гап асарларининг сонидан эмас, сапмоғида. У Байрон ва Пушкиннинг ғойибона шоғирди бўлган, истеъдоди устозларидан ўтар даражада эдики, Белинский бежиз, агар у бевақт ўлмаганида Пушкинни ортда қолдирар эди, демаган. Ўзини ҳурмат қилган ҳар бир адабиёт мухлиси учун Лермонтовдай шоирни билмаслик уят. Зеро, жаҳонда уни билмайдиган халқ кам. Унинг китоблари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоб. Унинг оташнафас шеърларидан ҳаяжонланмаган шеър мухлиси топилмаса керак. Вақтию замонида ўзбек тилида ҳам унинг икки жилдлик асарлари тўплами нашр этилган. Бу тўпламлар ва кейинчалик чиққан баъзи китобларга Лермонтов асарларининг энг яхшилари саралаб киритилган. Йўқ, “саралаб” сўзини чакки ишлатдик, шекилли. Зеро унинг ижодидан “мундайроқ” шеърнинг ўзи йўқ. Мана, энди унинг таваллуд қуни баҳонасида каминага илғари таржима қилинмаган шеърларидан бир дастасини тилимизга ўгириб, муҳтарам шеърхонларга ҳавола қилиш насиб этди.

Таржима жараёнида шу нарсага яна бир бор амин бўлдимки, Лермонтовда шоирликнинг асл моҳияти мужассам. Ҳар бир шоир учун муштарак мезон бўлгулик руҳий қиёфа, маҳорат ва санъат, шоирнинг бурчи, вазифаси ва мақсади мужассам. Лермонтов шеърининг ҳақиқий ҳақпарварлик, ҳақиқий ватанпарварлик, ҳақиқий қаҳрамонлик туйғулари акс этган шеъринингдир. Бу

шеърият олижаноб севги, инсоний эзгу ниятлар, гўзал фазилатлар, кучли ҳиссиёт, ўткир ақл, қизгин эҳтирос, тафаккур тугёни, қалб самимияти, башарий фалсафа ва озод шоирона руҳ билан нурланиб туради. Бу шеърият зулм, зўравонлик, адолатсизлик, разолатдан, ёвузликдан, кибру ҳаво, ғийбат, тухмат, риё каби барча иллатлардан нафратланади. Маддоҳлик, лаббайгўйлик, хушомадгўйлик ва кўрқоқликдан ҳазар қилади. Қўлига қалам олганлар учун Лермонтов ижодида сабоқ бўларли фазилатлар кўп. Шунинг учун ҳам кўнелида шоирлик иштиёқи бўлган ҳар бир ёш Лермонтовни синчиклаб мутолаа қилса, уни яхшилаб ўрганса ютқазмайди, деб ўйлайман.

Таржимон

ДЕНГИЗ ТЎЛҚИНИ

...ГА

Ўйлама, раҳмимга сазовор деб, йўқ,
Гарчи қайғулидир сўзларим бироз,
Тортган азобларим бўлса-да қаттиқ,
Улар чўнг кулфатдан бир элчи, холос.

Ёшман, дилда жўшқин куйларим бордир,
Байрондай бўлмоқни истаيمان ҳар дам;
У билан қалбим бир, азобларим бир, –
Кошки бир бўлсайди қисматимиз ҳам!..

Излайман ундай эрк ва унутликни,
У каби болача ишқ ичра куйдим.
Севдим тоғ шафағи, кўпирган сувни,
Ер-кўкда увлаган бўронни суйдим.

Ҳаловат излайман у каби фақат,
Бир фикр дастидан осуда он йўқ.
Орқага қарайман – ўтганлар даҳшат;
Олдинга қарайман – бир азиз жон йўқ!

Н. Ф. И...вага

Хуш кўрдим ҳаётим бошиданок мен
Маъюс ёлғизликда яшамоқни жим;
Келтирмайин дея одамлар раҳмин,
Ҳайиқиб, ғамимни яширмай, лекин
Яшриниб яшадим ўзимдан ўзим.

Ўйлардимки, менга неки қоронғу,
Бахтлилар учун у тамоман мубҳам,
Қора ўйларимни ҳайдамас мангу
Дўстона лаҳзалар қувончларию
Бўсанинг оташин алангаси ҳам.

Шеърларимда муҳмал ўйларимни мен
Ифода айламоқ истадим тўла,
Ушбу варақларни сен ўқиб бир кун,
Мени яраштириб қўймоғинг учун,
Эҳтирослар ила, одамлар ила;

Аммо сен менга тинч нигоҳ иламас,
Ҳайрат кўзи ила боқдинг қуйидан.
Бош чайқаб дединг-ки, ақлинг соғ эмас,
Ақли соғ кимсалар бундай иш қилмас,
Бемаъни истаклар кўр қилиб қўйган.

Сенинг сўзларингга ишониб бисёр,
Юрагимга теран кириб бордим жим,
Ва унда мен шуни билдимки, зинҳор
Сирли нарсаларга бекордан-бекор
Интилмаган экан ўзича ақлим.

Юлдузлари билан қарзга берилган,
Гумбазга у бежиз боқмаган пурғам,
Бежиз интилмаган Ҳақ ваъда қилган
Ва мен йиллар ўтиб, тафаккур билан
Англаб етадиган нарсаларга ҳам.

Лекин бешикданок бешафқат, қизгин
Хулқимга мен доим ем бўп келаман...
Қанча алам бўлса, татидим барин,
Мунгли мақсадларнинг мунгли ўйларин
Юракдан кечирмай, билмай ўламан.

1831 йил, январь

Машъум ўлим чоҳи узра, о,
Сийраклашар оқиш туманлар,
Ўтмишларда ўтган полвонлар
Яна бўлар қаршимда пайдо.
Улар имлар, чорлар; уқаман,
Қўйлайман эргашиб уларга,
Тўлиб қизгин ҳиссиётларга,
Ортимга қарашга кўрқаман –

Қўшиғимга аралашмасин
Маиший ва дунёвий саслар;
Сўнги дамда димоғдор каслар
Ва азоблар ёдга тушмасин,
Тавқи лаънат осган бир гала
Аъёнларни эсламайин, бас!... –
Оғушлари оғуга тўла,
Бахтлари ҳам ёлғонсиз эмас.

ЭРК

Онам эди – аччиқ хасрат,
 Отам эди – қодир қисмат;
 Оғаларим, улар гарчанд,
 Одам эди, лекин ҳарчанд,
 Кўксимга кўкс очмадилар,
 Хор этдилар;
 Ор этдилар,
 Мен сағирни кучмадилар!
 Лекин бордир парвардигор
 Ато этган ёшгина ёр,
 Эркинлигим – эркам маним,
 Эркагинам – эрким маним,
 Беқиёсим – ул ноилам;
 У бахш этди менга бўлак
 Ота-она ҳам оила;
 Онам бўлди дашту дала,
 Отам бўлди олис фалак;
 Улғайтирди мени улар
 Эркалатиб, билмай тиним;
 Қарағайлар ва қайинлар
 Бўлди маним оға-иним.
 Отга миниб, айласам гашт,
 Ғамхўр бўлди далаю дашт;
 Тунда кезсам излаб хузур,
 Ой сочади йўлимга нур;
 Оға-иним ёзнинг куни
 Соясига чорлаб мени,
 Олисдан қўл тўлғаб ювош,
 Кулиб менга ирғайди бош;
 Эрким менинг бағримда, бас,
 Дунёдай кенг – кучиб бўлмас!

* * *

Туш деб ата умид қилсалар,
 Рост деб ата – эшитсанг ёлғон.
 Мақтасалар, ишонтирсалар,
 Ишонма, бас, ишқимга ишон!

Бундай ишққа ишонмай бўлмас,
 Сир яширмас нигоҳим, биллоҳ;
 Фариштасан, риёни билмас,
 Сенга риё қилмоғим – гуноҳ!

ЖАНГ

Икки осмон ўғли – икки жангари
 Учиб, бошим узра солдилар чуввос;

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

97

Нукра эди бирин шокилалари,
 Бошқасин эгнида – роҳибча либос.
 Кўриб рақибини дарғазаб суллох,
 Ёшгина жангчига ачиндим; бироқ
 Унинг ёпинчиғи остидан ногох
 Кўзимга чалинди момақалдиروق.
 Олов пуркаб бурун парракларидан,
 Отлари пишқириб қоқарди қанот;
 Гирдибод чекинди гулдураклардан,
 Ерга қулаб тушди мағлуб қора от.

* * *

Қўй энди беҳуда ғамхўрликларни,
 Ўтган кунларимдан гап очма нукул;
 Кўпроқ севишингга сабаб бўларли
 Бирор нарса қовлаб топишинг мушкул!
 Севасан, биламан, шунинг ўзи бас;
 Кимни севишингни билиш – шарт эмас;
 Сенга кўнглим очсам, очилар яра,
 Хаёгим шунчалар бўм-бўш ва қора.

Шундай гўзал қалбнинг табаррук бахтин
 Қаро қилгим келмас, айтолмайман, о,
 Бундай муҳаббатга арзийман деб мен,
 Ўзим ҳам қадрига етаман деб ё;
 Юрак ардоқлаган нимаики бор,
 Юрак учун бу кун заҳар ҳам лазиз,
 Энди бу юракка изтироб, озор
 Бир ҳамроҳ, бир ака ё мулкдай азиз;
 Майли, эркаловчи сўз айтиб маъсум,
 Мукофоти учун жонимни сўра;
 Аммо ўтмишимдан гап очма, дўстим,
 Дардимни дастурхон қилгим йўқ сира.

* * *

Ҳижрон сўзин қилса-да такрор,
 Қалбинг тўла умид ва ишонч;
 Сен дейсанки, ўзга ҳаёт бор,
 Ишонасан унга... хўш, мен-чи?..

Мен жафокаш! Мени қўй, тинч ёт:
 Бор бўлса ҳам қайда у олам,
 Юрагимга сиғмас қўш ҳаёт!
 Менга етар битта ҳаёт ҳам.
 Қисқа йўлда қийналган, дейлик,
 Узоқ йўлга тушарми қақшаб?
 Эзиб ташлар мени мангулик,
 Дам олмасдан яшашим – даҳшат!
 Абад кўмдим ўтмишни, бироқ,
 Келажакка эмасман интиқ,

Ўз тупроғин олди-ку тупрок,
Қайтиб бермас энди у ортик!..

* * *

Улуғ арбоб!
Йўқдир бунда мукофот –
Сенинг шавкатингга муносиб эваз!
Уни кўкдан излар нигоҳлар, хайҳот,
Одамлар ичидан уни тополмас.

Аммо ул шарафли жасоратингни
Беғараз садоқат сақлар яхшироқ,
Ўғлинг ҳам эшитиб сенинг отингни,
Қалбида кўзғолар фахрли титрок.

Бошинг узра қаттиқ азангни тутиб,
Келажак авлод ҳам сени сийлайди,
Кўзидан ёшини астойдил тўкиб,
“Бу одам ватанни севарди!” дейди.

* * *

Ажралишдик, аммо сувратингни мен
Авайлаб сақлайман кўксимда омон:
Яхши йилларимнинг арвоҳидайин
Шодлик бахш этар у кўнглимга ҳамон.
Мени жалб этса-да янги ишқ, ҳавас,
Унута олмадим сувратингни, ох,
Ташландиқ бутхона – бутхонадир, бас,
Йиқилган бут эса – барибир илоҳ.

* * *

Истамайман, аён деб билганларим
Топмоғини махфий қиссамдан хабар;
Қандай севиб, нечун қийналганларим
Фақат Худо билар, виждоним билар!..

Уларга берар қалб ҳиссий ҳисобот
Ва фақат улардан кутади карам;
Лозим кўрган бўлса азобни қай зот,
Ўзи берсин менинг жазоимни ҳам;

Жаҳолат таънаси, одамлар кини
Юксак қалбга ғамдан сололмас соя;
Қанча пишқирмасин денгиз тўлқини,
Йиқилиб тушмас-ку харсангтош қоя;

Бош уриб булутлар ичра қуёшга,
Бас келар икки зўр кучга у мангу,
Момақалдиروقдан, бўрондан бошқа
Ҳеч кимга ишонмас ўйларини у...

* * *

Сарғайган буғдойзор сокин мавж урса,
Шамолда шовуллаб турса ёш ўрмон,
Яшриниб яшил барг остига кирса,
Қизил олхўрилар боғларда пинхон;

Сепиб баргларига муаттар шабнам,
Лутф ила бош чайқаб бута тагидан,
Қизғиш шом пайти ё заррин субҳидам,
Кумуш марваридгул кулса ноз билан;

Бериб хира тушга қандайдир мазмун,
Муз жилға жарликда ўйноқлаб чунон,
Ўзи туғилган у тинч ўлка назмин
Шивирласа менга қилиб бир дoston;

Кўнглим ғашликлари кетар ўшанда,
Шунда манглайимдан ажинлар йитар —
Ердаги бахтимга шунда қўл етар,
Фалакда Худони кўраман шунда...

* * *

Гул боланинг туғилишини
Олқишлар бу кечиккан шеърим.
Дуо қилсин, қўлласин уни
Еру осмон малаклари жим!
Отасига бўлсин муносиб;
Онасидай, суюк, мулойим;
Бўлсин руҳан хотиржам, босиқ,
Ҳақиқатда хурлардай қоим.

Билмасин у муҳаббат жабрин,
Чалғитмасин шуҳрат хаёли;
Ўйнатмасин маъсум кўзларин
Ёлғон дунё, ёлғон жамоли;
Ёт завқлардан, ўз қувончидан
Изламасин теран сабаблар,
Шунда олам балчиқларидан
Қалби омон, кўнгли оқ чиқар!

* * *

Сўзлар борки, маъноси
Арзимас ё англамас,
Ва лекин ҳаяжонсиз
Уларни тинглаб бўлмас.

Бу сўзлар садосида
Истаклар бор телбавор!
Айрилиқ ёшлари ва
Висол титроқлари бор.

Алангадан ва нурдан
Туғилган сўзлар, о, бас,
Дунё шовкинларидан
Жавобини тополмас;

Бутхонада, жангда, ё
Қачон, қайда бўламан,
Эшитилса бу садо,
Дарҳол таниб оламан.

Ибодатим тўхтатиб,
Тинглайман уни хушлаб,
Жангда бўлсам, ҳаттоки
Чиқаман жангни ташлаб.

КЕЛИШУВ

Тушунарсиз дўстлигимизни
Лаънатласин оломон ойлаб,
Майли, ғийбат қилсинлар бизни,
Юз ўгирсин сендан оиланг.

Аммо кибор бутлар олдида
Тиз чўкмайман, бу ўта азоб;
Сенга ўхшаб билмайман бунда
Севги борми, борми ё ғазаб.

Сенга ўхшаб ўйнаб-куламан,
Ажратолмай ким инсу ким жин:
Чиқишиб соғ, телба билан ҳам,
Яшайман ўз юрагим учун.

Дунёвий бахт бизда қадрсиз,
Эъозланар бой одам фақат;
Гар хиёнат қилмасайдик биз,
Қилмасдилар бизга хиёнат.

Оломонда топишгандик биз,
Айирмоқда, мана, ғайрилиқ.
Хафа эди биздан севгимиз,
Хурсанд бўлар энди айрилиқ.

*Рус тилидан
Сулаймон РАҲМОН таржималари*





Ҳусайн ЖОВИД

ШАЙХ САНЪОН

Тўрт пардали фожеа¹

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

I

Ш а й х К а б и р – фозил ва орифлиги, пири комиллиги, мужтаҳидлиги билан машҳур, оқ соқолли нуроний бир шахс.

Ш а й х А б у з а р – Шайх Кабир оиласининг маҳрами, унинг уй ишларини назорат этиб борувчи бир чол.

З а х р о – Шайх Кабирнинг қизи.

А з р о – Заҳронинг ўртоғи, Шайх Абузарнинг қизи.

Ш а й х С а н њ о н – ўттиз ёшлардаги хушқомат талаба.

Ш а й х Ҳ о д и, Ш а й х С а д р о, А б у л у л о – Шайх Санъоннинг яқин дўстлари.

¹ "Шайх Санъон" саҳнага кўйилганда иккинчи парданинг биринчи саҳнаси билан иккинчи саҳнаси бир ерда кўрсатилади. Учинчи парданинг иккинчи саҳнаси билан асар сўнгидаги илова олиб ташланади.

ЖОВИДНИНГ ЖОВИДОН АСАРИ

Атоқли озарбайжон шоири, драматурги Ҳусайн Жовиднинг "Шайх Санъон" драмаси (1914) унинг энг бақувват асарларидан биридир. Асарга қадимий араб ривояти асос қилиб олинган. Бу ривоят Шарқда жуда машҳур бўлиб, бадий адабиётга, жумладан, шеъриятга Санъон образи юксак ишқ соҳиби сифатида кириб келган. Ҳатто баъзи ижодкорлар бу ривоятнинг сюжетида фойдаланиб асарлар яратганлар. Бинобарин, Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарида у алоҳида ҳикоят тарзида келтирилган. Ҳикоятнинг қисқача мазмуни шундай: Макканинг улуғ шайхларидан бўлган Санъон кетма-кет бир хил туш кўриб чиқади. Тушида нуқул гўзал тарсо қиз намоён бўлади ва шайх кўнглида унга нисбатан муҳаббат алангланади; бу санамни излаб Рум элига бориш буюрилади. Шайх ўз муридлари ҳамроҳлигида Рум элига боради ва тушида кўрган гўзалнинг кўшкени топиб, унинг остонасига бир ой бош уриб ётади. Унинг ишқи эл ичра афсона бўлгач, тарсо қиз бошчилигида "қуфр эли" шайх олдига тўрт шарт: май ичиш, белига зуннор боғлаш, Каломуллоҳни ўтда куйдириш ва бутпарастликни қабул қилиш шартларини кўядилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

107

Ш а й х М а р в о н – бир кўзи ожиз, ўрта ёшли киши.
 Ш а й х Н а и м – Шайх Марвоннинг маслаҳатдоши.
 Ш а й х А б у л л а ҳ ё, Ш а й х Ж а ь ф а р – ўрта ёшли зоҳид маслағидаги
 икки дўст. Фақат Абуллаҳёнинг соқоли ҳаддан ташқари узун.
 Ў ғ у з, Ў з д а м и р – икки бақувват йигит.
 Д а р в и ш – нуроний бир чол.
 Икки кўр араб, туюкаш, малаклар, бошқа шайх ва муридлар.

II

Х у м о р, Т а м а р а – ниҳоятда гўзал, назокатли, маъсума гуржи кизи.
 Н и н а – Хуморнинг ўртоғи.
 А н т о н, С и м о н – икки олифта йигит.
 П л а т о н – Хуморнинг отаси.
 С е р г о – Платоннинг хизматчиси.
 П о п – бақувват, нуроний бир руҳоний.
 Бошқа йигитлар, қизлар ва болалар.
 Шайхлар ва муридлар араб қиёфасида, гуржилар эса қадимий гуржи қиёфасида.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи сахна

Мадинаий мунавварада, Шайх Кабирнинг ҳовлисида уламога хос бир қабул хонаси. Хонанинг икки эшиги, уч-тўрт деразаси бор. Эшиклардан бири Шайхнинг ичкари ҳовлисига очилади. Деразалардан иккитаси орқали хурмозор ва бир гўзал боғ кўриниб турибди.

Парда очилади; Шайх Абузар хонанинг бир бурчагида аср намозини тугатиб, қўллари ва юзини кўкка қаратганича дуо билан машғул.

З а х р о (Азро билан бирга ичкари ҳовлидан чиқиб келади)
 – Шайх, ё Шайх!
 А з р о – Шайх!
 Ш а й х А б у з а р (муножот қилиб) – Ё Оллоҳ!
 З а х р о – Менга бок...

Журмонасига (жаримасига) тагин ундан бир йил тўнғиз боқиш ва бутпарастлар оташгоҳида гўлаҳилик қилишни талаб этадилар. Шайх буларнинг ҳаммасига рози бўлади. Орадан бир йил ўтгач, унинг ишқи ҳақиқий ишқ эканлигига иқрор бўлишади, тарсо санам ислом динини қабул қилиб, Шайх Санъон билан Макка сари отланади. Бироқ, сахро машаққатларига тоб бера олмай, йўлда жони узилади.

Хусайн Жовид ана шу ривоятни том маънода драматик асарга айлантира олган. У воқеани аниқ бир мамлакат – Гуржистонга кўчиради. Асарда шайхлар, муридлар, Маккада Шайх Санъонни севиб қолган Захро, жаҳонгашта дарвиш, кўзи ожиз йўловчилар, Гуржистонда яшовчи туркий халқлар вақиллари, тарсо санам (Хумор), унинг отаси, бу қизга ошиқ бўлиб қолган гуржи йигити, насроний динининг пешвоси бўлган поп ва бошқа қахрамонлар, персонажлар иштирок этишади. Асар драматик жанрнинг барча талабларига тўла-тўқис жавоб беради.

“Шайх Санъон” драмасида камида икки маъно бор: биринчи маъноси инсоний, башарий муҳаббатни тасвирлаш бўлса, иккинчи маъноси илоҳий ишқни улуғлаш, ҳаққа етмак учун барча синов ва машаққатларга бардош беришдир. Муаллиф ривоятни айнан кўчириб қўя қолмай, унга ислоҳлар киритган, кенгайтирган ва бойитган. Масалан,

Шайх Абузар (*муножот қилиб*) – Ло илоҳа иллаллоҳ!
 Захро (*яқинлашиб*) – Шайх Абузар!
 Шайх Абузар (*ўғирилиб*) – Не гап, қизим?
 Захро – Ҳамон Дом-дараксиздирму Шайх Санъон?
 Шайх Абузар – Мен уйига бордим икки-уч бора...
 Захро – Ҳаста эмасмикан Санъон бечора?
 Шайх Абузар – Қўшнилар дейдики, узун кечалар
 Ухламай чиқармиш то тонгга қадар.
 Ҳар сахар кетармиш биёбонларга,
 Қўшилмай қўйганмиш ҳеч инсонларга.
 Аҳволи пажмурда, мисоли мажнун,
 Билмаслар, бу ҳолга тушмиш у нечун?!
 Мадина аҳли ҳам кўп азобдадир,
 Унинг бу ҳолидан изтиробдадир.
 Захро – Ёлвориб мен сенга илтижо этгум,
 Бир хабар олиб кел...
 Шайх Абузар – Маъкул. Мен кетдим.

(Ўрнидан туриб чиқа бошлайди. Чиқаётганида Захрога маъноли бир қараб)

Бунда бир сир борким, этиб бўлмас фош,
 Не учун, билмайман, ажаб бу талош!?
 Азро – Ортиқча эмасми бу ишинг, Захро?
 Захро – Сен сўрма, мен айтмай, азизим Азро!...
 Азро – Сенда шундай гўзал бир жозиба бор,
 Кимки кўрса, қолмагай сабру қарор.
 Сени Санъоннинг ўзи излаб келур,
 Ишқ хуснга доимо мойил бўлур.
 Захро – Қолмади менда сира сабру қарор,
 Мен учун Санъонсиз ушбу олам тор.
 Олти йилдирки, зору дарбадарман,
 У боис гоҳ шод, гоҳ хунжигарман.
 Олти йилким, унга ипсиз боғликман,
 Унинг ишқида масту мустағрикман.
 Менда бўлса бир қадар хусну камол,
 Унда ҳам хусн бор, ҳам илму камол.

Навоийнинг “Лисон ут-тайр”ида Шайх Санъон куфр эли қўйган барча шартларни тўлатуқис адо этади, тарсолар унга май ичирадилар, шайхлар қиядиган хирқани ечиб, ўз либосларини кийдирадилар ва белига зуннор боғлайдилар, ҳатто “Каломуллоҳ”ни ҳам ўтда куйдирадилар:

*Ҳам муламмаъ¹ хирқани куйдурдилар,
 Ҳам “Каломуллоҳ”ни ўтқа урдилар.*

Хусайн Жовид сахнада “Каломуллоҳ”нинг куйдирилиши томошабинларда жуда оғир таассурот қолдиришини ҳисобга олган бўлса керакки, Шайх Санъон шу ўринда тарсоларга қарата, бу китобга Биби Марям ва насронийлар пайғамбари ҳазрати Исонинг номлари ҳам битилган, дейди. Шунда улар “Каломуллоҳ”ни ўтда ёқишга ботина олмайдилар.

Хуллас, “Шайх Санъон” драмаси ишқнинг тасаввуфона талқини, сурат ва сийрат, жаҳолат ва маърифат ўртасидаги фарқнинг гўзал бадиий тасвири, ҳам бирламчи мазмуни. ҳам мажозий маънолари билан севиб ўқиладиган, мароқ-ла томоша қилинадиган асарлардан бири бўлиб қолаверади.

Таржимон

¹ Муламмаъ – ялтироқ

- А з р о – Кимсасиз бир шўрликдир Шайх Санъон,
Сенда бор нажиблик, сенда – шуҳрат-шон.
Жаҳонга машҳур бир отанг бор, ахир,
Фозилу беназир инсон Шайх Кабир.
- З а х р о – Тўғри, жуда тўғри сўзларинг, аммо,
Насабга дахли йўқ бунинг мутлако.
Қора қулдан пастроқ бўлса-да, ишон,
Мен учун шарафли эрур Шайх Санъон.
- А з р о (*деразадан қараб*) – Ана, у келмоқда, кўзларинг ойдин...
З а х р о (*шошиб*) – Ким у? Ким келмоқда?
А з р о (*қўли билан кўрсатиб*) – Шўрлик кўп ғамгин...
З а х р о (*ўша ёққа қараб*) – Ох, Санъон! Аҳволи бунча ғарибдир.
Бизни ёлғиз қолдир...
(*хонадан чиқаётган Азрога*)
Сўнг ўзим бир-бир
Сенга сўзлайдирман ҳамма-ҳаммасин.

Жуда безовталиқ билан эшикка яқин бориб кутиб туради. Шайх Санъон кириб келади. Заҳрони кўрган заҳоти авзойи ўзгаради.

- Санъон, нечун тушдинг бундай ҳолга сен?
(*Шайх Санъон сукутда*)
Бошингга тушган бу бало, айт, нима?
(*Шайх Санъон жавоб бермайди*)
Айт, ахир, айта қол...
- Ш а й х С а н њ о н – Йўқ-йўқ, кийнама.
З а х р о – Кўнглингда бир дунё ғусса бор, сир бор,
Айт, ахир, бевафо, айт менга бир бор.
Кўзингга нечун ёш, бунча рангпарсан?
- Ш а й х С а н њ о н – Ҳозир кет, кейинроқ, кейин англарсан.
З а х р о – Билмадим, бу қандай толе экан – шум,
Наҳот менинг ҳолим сенга номаълум.
Олти йил асиринг бўлдим ягона,
Энди мен сен учун наҳот бегона?
Не ҳолга тушдинг сен? Шаҳд-шиддатинг йўқ,
Инсофинг йўқ сенинг, марҳаматинг йўқ.
Қани ваъдалару вафолар, айтгин,
Ниятинг менгами жафолар, айтгин?
Ўшал муҳаббатдан порлаган кўзлар
Энди ўзгача бир можаро сўзлар.
Ох, майли, гул каби сўлдиргин мени,
Тарк этма, яхшиси, ўлдиргин мени.
- Ш а й х С а н њ о н – Сени тарк этмоқ? Йўқ, мумкинмас асло,
Ёдингга келтирма буни ҳеч, Захро.
Сен бир малакдирсан, жон офатисан...
З а х р о (*Шайх Санъоннинг кўксига бош қўйиб*)
– Сен-да бир Холикнинг фазилатисан...

*Шу орада саҳна қоронгулашади, орқадан иккинчи парда кўтарилади.
Бир оз юқорида ниҳоятда афсонавий, жозибадор, жаннатга ўхшаши*

бир манзара намоён бўлади. Зар қанотли фаришталар қўл ушлашиб, қўлтиқлашиб, енгил табассумлар, ширин кулгилар оғушида кезиб юришади. Табиий малак қиёфасида бўлган Х у м о р ҳам улар орасида.

- Х у м о р – Шайх, кел! Севимли, суюк Санъон, кел!
Сенга лойиқ эмас у ерлар, юксал!
- Ш а й х С а н њ о н (*шошиб қолган, ҳаяжонда*) – Оҳ, у... нозли малак, жаннатий пари!
Мени чорлаётир самолар сари.
- З а ҳ р о – Сенга нима бўлди, Санъон, ажабо?
Кўзингга кўринди қандайин рўё?
- Ш а й х С а н њ о н – Қара, жаннат, ахир, жаннатда малак!
- З а ҳ р о – Қайда?
- Ш а й х С а н њ о н – Боқ, тингла, хозир сўзлаяжак.
(*Захро қаттиқ ҳайратда*)
- Х у м о р (*Шайх Санъонга*) – Қани, юксал! Аниси руҳим, кел!
Хаёлларга толма. Юксакка интил!
Кўзларингда порлар бир нури даҳо,
Юксал, юксал, эй шайх! Келгин, марҳабо!...
- Ш а й х С а н њ о н – Мендан не истайсан? Кет, кет, кет, ахир,
Ҳолу жон қолмади, инсоф эт ахир.

Хумор гурур ва истиғно билан кетмоқчи бўлади. Шайх Санъон чексиз бир изтироб ва надомат билан

- Кетмоқда... оҳ... кетма, зор этма мени!
Марҳамат айлагил, унутма мени!
Кетди, э-воҳ, кетди...
- З а ҳ р о – Айтгил, Санъон, ким?
- Ш а й х С а н њ о н (*Хуморга*) – Кетма, кел, оҳ менинг нозли малагим!...
- Х у м о р (*чекина туриб*) – Хайр энди, яхши қол, эй улуғ Санъон!
(*Ортдаги саҳна бекилади, саҳна ёришади*)
- Ш а й х С а н њ о н – Кетди, э-воҳ, ранжиб кетди... Альамон!

Мажнунона бир фарёд чекиб, ҳушидан кета бошлайди.

- З а ҳ р о (*дарҳол уни тутиб, бошини тизлари устига олади*) – Бу қандай фалокат, не ҳол, эй Худо?
- А з р о (*кириб келиб*) – Бу не даҳшат! Нима бўлди, ажабо?

Шу пайт эшик олдида Шайх Марвон билан Шайх Абузар пайдо бўлади.

- Ш а й х М а р в о н (*истеҳзоли бир оҳангда*) – Абузар! Бу холни тамоша айла,
Неки кўрган бўлсанг, ҳаммага сўйла.
Захро оғушида турар Шайх Санъон,
Иккиси бўлибдир бир тану бир жон.
- А з р о (*уларни кўргач, Захрога*) – Келишди, ё Танграм, тургил, кетайлик.

Юр, Захро!..
 – Бу шўрлик!..
 – Юргил, кетайлик!

Ҳар иккиси чиқиб кетади. Шайх Абузар билан Шайх Марвон келиб Санъоннинг бошига эгиладилар.

Шайх Абузар – Бу не пажмурда ҳол... Омон, Шайх Санъон!
 Шайх Марвон – Булар бари хийла, инон...
 Шайх Абузар – Шайх Санъон!
 Шайх Марвон – Овдаги тулкидай туришига боқ,
 Дамини чикармас, хоин, қув, олчоқ!
 Шайх Абузар – Бас қил!
 Шайх Марвон – Ишонма, бу тулкидир, тулки.
(истеҳозли кулади)
 Шайх Абузар – Бу нима деганинг! Хўп яхши билки!..
 Шайх Марвон *(истеҳозли кулади)*
 – Аҳли ҳол ишқ учун хушдан айрилар,
 Заҳрони чақирсанг, ўзига келар.
 Шайх Абузар – Бас қилгин, келмоқда, ана, Шайх Кабир.
 Шайх Марвон – Келсин, бунга қилсин бирон-бир тадбир...

Шайх Кабир бошиқа шайхлар ва муридлар билан кириб келади. Қаттиқ ҳайрат билан атрофдагиларга боқади. Шайх Ҳоди Санъоннинг бошини қўллари орасига олади.

Шайх Кабир - Ўғлим Санъон! Сўйла! Бу не ҳол, ахир?
(Шайх Абузарга)
 Дарҳол сув келтиргин!
 Шайх Ҳоди – Кечикма, югур! *(Шайх Абузар кетади)*
 Шайх Кабир – Сабабсиз рўй бермас бу мудҳиш аҳвол!
 Шайх Ҳоди – Ҳуши йўк... Кўз очгали йўқдир мажол.
 Шайх Кабир – Шубҳасиз, бу ҳолда бир фалокат бор.
 Ҳамма – Шубҳасиз, шубҳасиз бунда иллат бор.
 Шайх Марвон – Тўғри, ҳар амалнинг бордир боиси,
 Ўзи тортсин жазосин, тортсин ўзи.
 Шайх Кабир – Сўйла, Марвон, не жазо, қандай амал!?
 Шайх Марвон – Муҳтарам шайх! Бундан олти кун аввал
 Шайх Санъон ила биз баҳс айладик.
 Бақириб бизларга у сўйлади тик:
 “Меърожга чикса – руҳ чиқади, аён,
 Жисмонан меърожга чикмоқлик – ёлғон.
 Пайғамбар ҳам одам, дея урди дам,
 Қандоқ чиқсин, – дейди, – аршларга одам?”
 Ҳамма *(ҳайрат билан)* – Ё Оллоҳ!
 Шайх Ҳоди – Йўқ, ёлғон, бу гапга ишонманг, уммат!
 Шайх Санъон сўйлаган бу гаплар фақат
 Шубҳадир... Сиз уни тушунинг аммо,
 Шубҳадан ўзга ҳеч айби йўқ асло!

Сув келтиришади, Саънонга сув ичириб, бошини уқалайдилар.

- Ш а й х К а б и р – Шубхадир ҳар ҳақиқатнинг онаси,
Шубхадир ахли ҳикматнинг отаси.
Шубҳа айламакка ҳақлидир инсон,
Чунки ҳар кимсага эрурким аён:
Бутун борлиқларга нур сочар Холик,
Замоннинг, маконнинг унга фарқи йўк...
Йўқ эрса Холикқа хос бўлак маъво,
Аршларга чикмоқда бормикин маъно?
- Ш а й х Н а и м – Санъон бир меърожни этмайди инкор,
Ҳатто тавҳидга ҳам унда шубҳа бор.
“Холикнинг ўзини кўрмасдан, ахир,
Унга сиғинмоқдан тортинаман”, – дер.
- Ш а й х М а р в о н – Бу – айни залолат...
Ш а й х Ҳ о д и – Сен жим тур бирпас!
Ш а й х М а р в о н – Дейлик, мен жим турдим.
Лекин бу гап – рост!
- Ш а й х К а б и р (*Оғир бир ўйга ботганча*)
– Агар шубҳа ортса, ишонч ҳам ортар,
Маърифат нури шу шубҳадан порлар.
Янглишмаган, маним фикримча, Саънон,
Чунки Халлоқ учун шарафли макон
Эзгу, пок кўнгиллар бўлмоғи керак...
Кимки истар бўлса Оллоҳдан кўмак,
Изласин қалб шуълайи афлокидан,
Изласин ул ўз руҳи покидан.
Бўлса кимнинг руҳида, кўнглида нур,
Доим ҳақни хис этур, ҳақни кўрур.
Кимда файласуфона руҳ бўлса, бас,
Ҳаргиз Оллоҳдан у айри яшамас.

Шайх Санъон кўзларини очиб, атрофга сўлгин назар ташлайди.

- Ш а й х К а б и р – “Ва минал мой кулли шайъун хей”¹.
Ш а й х Ҳ о д и – Ҳар нарсага сувдан ҳаёт тайин, хей!
Ш а й х С а н њ о н – Оҳ...
Ш а й х Ҳ о д и – Санъон!
Ш а й х К а б и р – Аҳволинг нечук, ўғлим, айт?
Ҳ а м м а – Минг шукр!..
Ш а й х М а р в о н – Йўлингдан пушмон этгил, қайт,
Энди ҳеч шубҳа қилма!...
- Ш а й х С а д р о (*Марвонга*) – Бас, ёху!
Ш а й х С а н њ о н (*беҳол ўтирганича*)
“Ваҳдаҳу ло илоҳа иллаҳу”².
- Ш а й х К а б и р (*Шайх Марвонга*) – Уятинг борми ҳеч?
Ш а й х Ҳ о д и – Гунг бўлдинг нега?
Ш а й х Н а и м – Ҳали “Шақкулқамар” ҳикоятига
Минг хил бошқа маъно беражакдир, бас.
- Ш а й х К а б и р (*Наимга*) – Бас, сен ҳам жим бўлгин!..
Ш а й х Ҳ о д и (*аччиқланиб*) – Эҳ разил, пасткаш!..

¹ Барча нарсалар сувдан яралган.

² Ёлғизгина Ўзи (бор), Ундан бошқа илоҳ йўқ. (Ҳашр сураси.)

- Ш а й х М а р в о н (*Наимга, алоҳида*) – Ҳали Захро билан!...
- Ш а й х Н а и м – Хўш-хўш?
- Ш а й х М а р в о н – Ажойиб бир сир.
У ҳам ўзига хос бир разолатдир.
- Ш а й х К а б и р (*пичирлашаётган Шайх Марвон билан Шайх Наимга*)
– Бундаин маҳдуд рух, хўп яхши билинг,
Сизга жоиз эмас... Энди бас килинг!
(*тирсакланиб ўтирган Санъонга*)
Санъон, айт, не бўлди? Бу не ҳолдир, ҳай?
- Ш а й х С а н њ о н – Шайхим, сен сўрмагил, мен эса айтмай!
- Ш а й х К а б и р – Уч кун биз мунтазир. Сен қайда эдинг?
Қайлардасан, айт...
- Ш а й х С а н њ о н (*уялган ҳолда*) – Ох-х, мени афв этинг.
- Ш а й х К а б и р – Тортиниб яшамок жуда ҳам оғир,
Уялсанг, ўзингга қийиндир, ахир.
Бундай қийналмоқдан фойда йўқ сенга,
Не бўлса, тортинма, айтавер менга.
- Ш а й х С а н њ о н – Жуда даҳшатлидир мен кўрган рўё...
- Ш а й х К а б и р – Сўйла...
- Ш а й х С а н њ о н – Айтмоққа тил бормайди асло.

Шу орада Захро билан Азро ярим очик эшик ортида пайдо бўлиб, уларни катта қизиқиш билан эшитиб турадилар.

- Ш а й х Х о д и (*Санъонга*) – Бу тараддуд, ишонким, кўп бежодур.
- Ш а й х К а б и р – Ҳақиқат эмас бу, балким рўёдир.

Шайх Санъон ўрнидан туриб кўрган рўёсини айта бошлайди. Шай Кабир унинг сўзларини тинглар экан, боши билан тасдиқлаб, давом эт, деган каби ишоралар қилиб туради.

- Ш а й х С а н њ о н – Эй Шайхим! Атрофга ёкимли, инжа
Нурлар ёғилганин кўрдим тушимда.
Коинотга шуъла сочган бир кеча –
Ким кўрса айрилур шу он хушидан.
Рухни забт айлаган гўзал моҳтоб
Дам-бадам оламга сочарди мавж-нур.
Бир шайх келди шу пайт, юзида ниқоб,
Мени кўрган заҳот бўлди кўп масрур.
Гўё бола эдим... Очдию кучок,
Эркалади, отиб-тутиб ўйнатди.
Сўнгра елкасига ўтқазиб, узок
Мен билан яйради, кувнаб сайр этди.
Мен ўшал мухтарам шайхнинг, окибат,
Тарсаки ёғдирдим юзи-кўзига.
Ундан халос бўлсам дер эдим фақат,
Ёлворди, боқмадим ҳеч бир сўзига.
Хийла фурсат ўтди, ул шайхи пинҳон
Секин сўз бошлади: “Қара, эй Санъон!
Мана бу тубсиз жар, даҳшатли ўпқон –
Сенинг сўнг манзилинг. Бил, бу – Гуржистон!”

Боқсам, елкасидан отиб, итқитиб,
 Шайх мени беомон этажак ҳалок.
 Ёлворардим Ҳаққа тавалло этиб,
 Имдодимга етди бир нурли малак...
 Ш а й х К а б и р – Сўнгра?
 Ш а й х С а н њ о н – Сўнгра шайхга тикилганим пайт,
 Чуқур титроқларга солди бир ҳайрат.
 Ш а й х К а б и р – Ким у шайх?
 Ш а й х С а н њ о н Сўрма!...
 Ш а й х К а б и р Айт. Деганинг – дединг.
 Ш а й х С а н њ о н – Сен эдинг ўша шайх, ҳа-ҳа, сен эдинг!

Ҳамма чуқур ҳайратда. Шайх Кабир эса бошини маъноли тарзда оғир тебратиб, бир оз сукутга кетади.

Шайхим, мени кечир, бунда маъзурман,
 Нечунким, мазлумман, ожиз, манфурман.
 Ш а й х М а р в о н (*наст товуида, Наимга*)
 – Хўш, мана, кўрдингми? Бу қандок хоин!..
 Ш а й х Н а и м (*Шайх Кабирни кўрсатиб, айна оҳангдаги истехзо билан*)
 – Кўрайлик, нима дер экан бош коҳин!
 Ш а й х Ҳ о д и (*Санъонга тасалли бериб*)
 – Бу даҳшатлар, ишон, бари бежодир.
 Ш а й х С а д р о – Безовга бўлмагин, бу бир рўёдир.
 Ш а й х К а б и р (*Санъонга*) – Ўғлим, бир кун тутар жаҳонни отинг,
 Афсона бўлгай ҳақ йўлинг – иршодинг.
 Жоҳил-ориф, катга-кичик, камбағал-бойлар
 Сени излар, севар, тавофлар айлар.
 Бир куни халқ мени мутлақ унутгай,
 Сени-чи, ишқ аҳли бошида тутгай.
 Ҳамманинг юзида шубҳали бир ҳайрат.
 Ш а й х Ҳ о д и (*дўстларига*) – Бу не қисмат, ахир не разолатдир?!
 Ш а й х С а д р о – Шубҳасиз, бу буюк бир саодатдир.
 А б у л у л о – Ўзгалар гадоси бу шон-шухратнинг..
 Ш а й х К а б и р – Фақат умри қисқа бу саодатнинг.
 (*Санъонга*)
 Чунки сен рўёда кўрганинг ўпқон –
 Сени маҳрум этар бу файздан аён.
 Бошингга шундай кун кўрилмиш лойик,
 Бил, нафрат айлагай сендан халойик.
 Руҳинг тубан кетар, тубан кетар, рост,
 Сени тубан айлар бир кун эхтирос.
 Ш а й х М а р в о н (*Наимга*) – Бу фазилат эмас, разолат, ахир...
 Ш а й х Н а и м (*Марвонга*) – Бу саодат эмас, сафоҳат, ахир.

Шайх Санъон ҳайрат билан бир оз хаёлга чўмади. Сўнг йиғлагудек бир ҳаяжон билан Шайх Кабирнинг оёқларини қучади. Шайх Кабир унинг қўлтигидан тутиб кўтаради ва елкасига қўлини қўяди.

Ш а й х К а б и р – Сен онадан туғилгандинг Туронда,
 Кейин бир оз яшаб турдинг Эронда.

- Илму урфон излаб, фазилат излаб,
Охир Эрондан ҳам кетдинг олислаб.
Арабистон азмин этдинг ихтиёр,
Ҳали ёш экансан – ном топдинг донгдор.
Лекин сўнгги еринг, эй доно Санъон,
Охирги манзилинг бўлгай Гуржистон.
Гумроҳ бўлма зинҳор, бўл доим огоҳ,
Бир кун қабринг бўлгуси зиёратгоҳ.
Шайх Санъон – Шайхим, афу этгил, битта арзим бор.
Шайх Кабир – Сўйлагин, жигарим, қийналма зинҳор.
Шайх Санъон – Яширма, не боис фалокатимга,
Нима сабаб бўлур ҳалокатимга?
Захро – О-ҳ-ҳ!
Шайх Кабир – У фақат аёлдир, ҳа, фақат аёл!
Шайх Марвон (*истеҳозли бир қиёфада Шайх Абузарга*)
Заҳрони табрик эт, бор, суюнчи ол!
Шайх Санъон (*қўкка илтижо қилиб*)
– Эй буюк Тангри, эй Раҳим, эй Раҳмон!
Ҳар қулинг фикри, ҳоли сенга аён.
Мени сендан яхши билган, таниган
Бирон зот борми, айт, айтгил, меҳрибон!
(*Шайх Кабирга*)
Ўтгиз йил жаҳонда зоҳид бўлдим, зор,
Қиз, аёл нелигин билмадим зинҳор.
Ҳиссу ҳаёт мағлуб этолмас мани,
Эҳтироснинг душманман, душмани!
Менга бегонадир завқи нафсоний,
Кўнглимда жўш урар ишқи руҳоний...
Бошқа бир ишқ учун қалбимда, ишон,
Заррача жой йўқдир, йўқ, ёлғон... ёлғон...

Шу орада яна саҳнанинг шуъласи пасаяди, иккинчи парда кўтарилиб, аввалги жаннат манзаралари намоён бўла бошлайди.

- Хумор (*гинали бир оҳангда*) – Санъон!
Бунча тез унутдинг?
Шайх Санъон – Омон!...
Мен шошдим. Сен бунга ишонма!
Хумор – Ёлғон!...
(*Ҳамма қаттиқ ҳайратда.*)
Шайх Санъон – Кел, гулим, кела қол, ишонма асло!..
Шайх Кабир – Нима у?
Айт, ўғлим?
Шайх Санъон – Бу – ўша!... Қарагин, бу ўшадир, о!
(*Хуморга*)
Мени кечир!...
Хумор – Эй севимли Санъон, кел!
Кел, кел!.. Гарчи бўлсанг-да пушаймон, кел!
(*кетмоқчи бўлади*)
Шайх Санъон (*Хумор томон шошиб, мажнунона*)

Ш а й х К а б и р Кетмоқда... О-ҳ-ҳ, кетма!
 – Ким ахир у, ким?

Иккинчи парда аста-секин бекила бошлайди.

Ш а й х С а н ъ о н (*изтироб ва ҳаяжонда*)
 Кетмай тур!.. Кетмагил, нозли малагим!

Бориб Хуморни қучмоқчи бўлади, лекин ета олмай ҳушидан кетиб йиқилади.

Ш а й х К а б и р – Ё Оллох, ахир бу нечук афсона!?
 Ш а й х М а р в о н – Худди девонадир, худди девона!...

Шайх Санъоннинг бу даҳшатли аҳволини кўриб турган Заҳро жуда дардли ва чуқур оҳ тортиб, заиф бир ҳолда Азронинг қўлларига йиқилиб тушади; парда аста-секин бекила бошлайди.

ПАРДА

Иккинчи сахна

Маккайи мукаррамадаги каттакон бир йўл... Йўл четида бир қатор уйлар, узоқларда улкан жомеълар, хусусан, қора мато ўралган Каъба кўзга ташланади. Воқеа ўн йил кейин рўй бераётганлиги учун биринчи сахнадаги шахслар сезиларли даражада ўзгарганлар.

Парда очилганда қўлида офтоба кўтарган кичкина араб қизининг йўлдан ўтиб бораётгани кўзга ташланади. Шайх Садро билан Абулдуло иккинчи томондан чиқиб келадилар.

Ш а й х С а д р о – Бу не мудҳиш ҳаво!.. Ташналик, чанқоқ
 Ёкиб-ёндиromoқда этгудек ҳалок.
 А б у л д у л о (*Каъбани кўрсатиб*) – Байтуллоҳ бўлмаса бу жойда, балким
 Яшамагай эди ҳеч қачон ҳеч ким.
 Бунда истиқомат бир машаққатдир,
 Энди билсам, Мадина бир жаннатдир.
 Ш а й х С а д р о (*йўлдан ўтаётган қизга*)
 – Кел, қизим, бир култум сув бергин менга.
 (*Қиз мамнун бир қиёфада жилмайганича кўзани беради*)
 А б у л д у л о – Бу ҳаво ўт-оташ солар жонингга.
 Ш а й х С а д р о (*бир оз сув ичиб, кўзани қайтарар экан*)
 Оллоҳ ажр берсин, қизгинам, сенга.
 А б у л д у л о – Сув қандай? Муздекми?
 Ш а й х С а д р о – Сўрама!
 А б у л д у л о – Нега?
 Ш а й х С а д р о – Истасанг, ичиб кўр, рост эрур сўзим –
 Сув эмас, бу худди елимнинг ўзи.
 Чикарамоқчи эдик бир нафас ҳордик,
 Ё Оллоҳ! Руҳ бунда қийналди ортик.
 Ҳолим ёмон, эвоҳ, юрагим ғашдир,
 Ютганим оловдир, ўтдир, оташдир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ҳар иккиси оғир бир вазиятда чиқиб кетади. Шу орада Шайх Марвон билан Шайх Наим пайдо бўлади.

- Ш а й х Н а и м (*Шайх Марвонга*) – Хаёллар сурасан, инграйсан гоҳо,
Марвон, бу қандай дард, бу қандай бало?
Мадинадан чикқач ўзгарди холинг...
- Ш а й х М а р в о н – О-ҳ-ҳ, кўнглим яримта, юрак ярали.
Яхшийди кўр бўлса кўзларим маним,
Кошки кўрмасайдим Заҳрони, Наим!..
- Ш а й х Н а и м – Гап-сўзинг шу қадар чиройли, расо,
Наҳот ром этмадинг уни!?
- Ш а й х М а р в о н – Йўқ, асло!
Ташабусим эди мукамал, тўқис,
Хароб бўлажакдир ким бўлса ожиз¹.
Шунчалар ифлослик, шунча разолат,
Дам-бадам кўнглимда уйғотур нафрат.
- Ш а й х Н а и м – Ботинда не бўлса, зоҳирда аён.
- Ш а й х М а р в о н – Бир ёлғон келтирар баъзан шуҳрат-шон.
- Ш а й х Н а и м – Бунча гумонларинг беҳуда... Зеро,
Шайх Ҳоди, Абулуло ҳам Шайх Садро
Бир-бирдан закий, гўзалдир, инон,
Заҳродай муҳтарам эрур Шайх Санъон!
- Ш а й х М а р в о н (*газабли*) – Буни ҳеч ким билмас Халлоқдан бўлак.
- Ш а й х Н а и м – Йўқ, йўқ, манглайга бахт битмоғи керак.
- Ш а й х М а р в о н (*йўлга термулиб, тоқатсизланганича*)
– Улар қайда қолиб кетди, ажабо!
- Ш а й х Н а и м – Юр-чи, бир кори хол рўй бердимиз ё!

Ҳар иккиси ортга қайтади. Шу пайт кўзлари ожиз икки араб пайдо бўлади, биринчиси ҳазин ва эзгин оҳангда уд чалади, иккинчиси эса қайғули оҳангда ҳижоз мақомида қуйидаги газални ўқийди:

На ишқ ўлгайди, на ошиқ, на нозли офат ўлгайди,
На халқ ўлгайди, на Холик, на ашки ҳасрат ўлгайди.
На дард ўлгайди, на дармон, на бахт ўлгайди, на мотам,
На ошиёнаи вуслат, на бори фирқат ўлгайди.
Кўнгилда нури муҳаббат, кўзимда пардаи зулмат...
На нур ўлгайди, на зулмат, на бўйла хилқат ўлгайди.
Надир бу хилқати бемарҳамат, бу пардали хикмат,
Бу зулма қарши нетгай бирда-бир адолат ўлгайди.
Туганди тоқату сабрим, адолат! Оҳ, адолат!
На аввал онча саодат, на сўнг бу зиллат ўлгайди.

Газал тугар экан, туякаш қиёфасидаги бир араб тез ўтиб кета бошлайди.

- Б и р и н ч и к ў р – Ҳой азиз биродар!...
- Т у я к а ш – Мурудинг не, айт?
- Б и р и н ч и к ў р – Худо ҳақи, бизга Санъонни кўрсат.
- Т у я к а ш – Маккадан келмоқда ҳозир шу томон.
- Б и р и н ч и к ў р – Бизни қийнаётир бир дард беомон,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

- Унга Санъон топур эҳтимол даво...
 Т у я к а ш – Дардингиз қандай дард экан, ажабо?
 Б и р и н ч и к ў р – Эшитдикки, қанча-қанча кўру кар,
 Соқов, чўлок, майиб-мажруҳ баробар
 Шайх Санъонга илтижо этар эмиш,
 Ундан шифо топибон кетар эмиш.
 Биз ҳам кўрмиз, қилиб унга илтижо,
 Сўрайликким, бизга берсин у шифо.
- Т у я к а ш (*аччиқ-аччиқ қулиб*)
 Шундоқ кароматли бўлса гар Саънон,
 Нечун Шайх Марвонга айламас дармон?!
 Қани очиб кўрсин унинг кўзини,
 Томоша қилсин халқ бу мўъжизани.
- Б и р и н ч и к ў р – Шайхни кўрсат, балки топар бир тадбир...
 Т у я к а ш – Шунда кутиб тулинг, у келгай ҳозир.

Тужакаш кетади. Кўрлар маънос бир ҳолда хаёлга чўмишади. Шу пайт Захро билан Азро эркак қиёфасида номоён бўладилар. Захро эндиликда жуда ўзгариб кетган, озиб-тўзиб қолган. Сарик гул япроғи каби сўлгин, ҳаммиша хаёлчан ва маҳзун.

- А з р о – Хастасан, хаста... Нозанин Захро,
 Сени бир кун хароб этар бу ҳаво.
 Бу қандай рангу рўй? Бу қандай азоб,
 Нега Мадинадан чиқдик, во ажаб?
- З а х р о – Қолмади менда бир ихтиёр асло,
 Найлайн, бошқа ҳеч чора йўқ, Азро!
 Умрим битди. Топгин ўзинг бир тадбир...
 А з р о – Кўлимдан не келур, э-воҳ, Шайх Кабир
 Моне бўлди сенинг саодатингга,
 Ўз отанг сабабчи фалокатингга.
 Санъонга дедикки: “Ўзни қўлга ол,
 Душманинг аёлдир, ҳа, фақат аёл!...”
 Шайхнинг бу гапини эшитгани он,
 Санъон бўлиб қолди бошқа бир инсон...
- З а х р о – Энди ҳеч чора йўқ, кечгани кечди,
 Чунки Санъон сидкидилдан онт ичди.
 Барча аёллардан килур у нафрат,
 Ўзга хаёллар-ла яшайди фақат.
(ҳазин бир оҳ тортиб)
 Сўнгги дамда уни бир бор кўрсайдим,
 Юракда қолмасди ҳасратим, дардим.
- Т у я к а ш (*кетган йўлидан қайтиб ўтаркан, кўрларга*)
 – Муридлари билан келмоқда Санъон,
 Сўранг, балки сизга топар бир дармон...
 К ў р л а р – Тангри берсин сенга баракаю кут.
(Биринчи кўр удни тўрва ичига солиб қўяди.)
- З а х р о (*Азрога*) – Недир бўлди менга, оҳ, кўлимдан тут.
 А з р о – Сал четга чиқайлик, жоним, юрақол.
 З а х р о – О-ҳ-ҳ, ҳолим қолмади, тугади мажол.

А з р о – Адо бўласан-ку бу ҳолда, Захро!
 За х р о (*Арзонинг мадади билан бир чеккага чиқиб*)
 – Мен тирик жасадман, ишонгин, Азро!
 Шайх Санъондан токим ажраган замон,
 Кўзларимга зиндон кўринур жаҳон.

Шу орада шайхлар ва муридлар кўрина бошлайдилар.

Ш а й х М а р в о н – Ҳеч англай олмадим, бу қандай сафар?!
 Ш а й х Н а и м – Ҳа, шундоқ юрибмиз кезиб дарбадар.
 А б у л у л о – Бизларнинг бурчимиз итоат эрур.
 Ш а й х С а д р о – Ҳар хил сўз сўйламак жаҳолат эрур.
 Ш а й х А б у л л а ҳ ё – Не маъно беҳуда бу саёҳатдан,
 Махрум этар халқни у ибодатдан.
 Ш а й х Ж а ь ф а р – Менимча, ҳеч шубҳа йўқдир, инсу жин
 Яратилмиш фақат ибодат учун.
 Ш а й х С а д р о – Идрокинғиз шунга етмайди наҳот,
 Шайхинғиз кадрига етмайсиз, хайҳот.
 Агар кимнинг қалби кўр бўлса, аё,
 Шайх Санъон ҳолини англамас асло!
 А б у л у л о – Шайхимиз соҳиби каромат эрур,
 Неки айтса, айни шу ҳикмат эрур.
 Т у я к а ш (*шошиб қайтиб келади*)
 – Ажабо, шайх қайда?.. Бор тоқат битди,
 Юк оғир, туялар эзилиб кетди.
 Ш а й х М а р в о н – Табиий, юк босган жон эзилади.
 Ш а й х С а д р о – Бетоқат бўлма, Шайх ҳозир келади.
 Туякаш шошганича келган томонига кетади.
 Б и р и н ч и к ў р – Бизга мадад беринг!
 И к к и н ч и к ў р – Жим тургин ҳали!
 А б у л у л о (*йўлга тикилиб, биродарларига*)
 – Ана, келаётир Шайхнинг ўзлари!

Ҳамма бир чеккага чиқиб, Шайхнинг йўлига мунтазир туради, Шайх Санъон, Шайх Ҳоди ва Шайх Абузар жадал кириб келишади.

Ш а й х Ҳ о д и (*ҳаммага қараб*) – Азиз биродарлар, ўн йил илгари
 Шайх Кабир кетмишлар бақолик сари.
 Шайх Санъон ушбу кун баҳри ҳикматдир,
 Шайх Кабир қолдирган бир омонатдир.
 Ўн йилким, Шайх Санъон бизнинг пирымиз,
 Уни устод деб билдик ҳар биримиз.
 Азм этмишлар энди бул зот Туронга,
 Сўнгра ўтмоқчилар мулки Эронга.
 Бул тадорик мақсадин анланг, ахир,
 Кўп улуғдир бу сафар ҳам кўп оғир!
 Мен эса, ёнимда бир тўп дўстларим,
 Йўл тадоригин кўрурмиз Ҳинд сари.
 Кўп улуғ бу йўлдаги ниятимиз,
 Шу қадар бўлсин улуғ ҳимматимиз.
 Битта мақсадким, Муҳаммаднинг дини
 Қамраб олсин тез бутун ер юзини.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Куфру каффорат ниҳоят топгуси,
 Йўлдан озганлар ҳидоят топгуси.
 Дини ислом йўлининг ҳеч ҳадди йўқ,
 Қоплагай оламниким, сарҳади йўқ.
 Ушбу йўлда кимки қилса жон фидо,
 Унга имдод бергай Расули Худо...
 Шайхлар – Ҳа-ҳа, худди шундоқ....
 Муридлар – Тўғри, ҳаққи рост.
 Кўрлар – Шайхим, аё, шайхим!
 Шайх Абузар – Сабр этинг бир оз.
 Шайх Санъон (*порлаб турган қуёшни кўрсатиб*)
 – Дўстларим! Ташланг бу қуёшга назар,
 Унинг файзи ҳамма учун баробар.
 У турк, хинд, арабу аҷамни билмас,
 Шуъла сочиб ётар, нури кам бўлмас.
 Маънавий яна бир қуёш бор бироқ,
 У – ислом динидир, шуълавор, порлоқ.
 Жаҳонни нурларга ғарқ этади у,
 Ҳақни, ҳақиқатни шарҳ этади у.
 Бизнинг мақсадимиз улуғ, муқаддас,
 Лекин шуни зинҳор унутмангки, бас,
 Баъзи олимнамо хоинлар чиқиб,
 Кўймишлар исломга раҳналар сўқиб.
 Бир тўда айлаб жиҳоди бемаъно,
 Бош кўтаргай ҳақлигин айлаб даъво.

Шайх Санъон сўзлар экан, кўкни, Каъбани, ҳамойилидаги Қуръонни ишорат билан бир-бир кўрсатиб туради.

– Битгадир Холиқи коинот, ахир,
 Бу Қуръон, бу Каъба, ахир, битгадир.
 Ушбу бирлик дея ўзни чоғладик,
 Исботу ғайратга белни боғладик.

Шу орада Абулуло, Шайх Абуллаҳё ва Шайх Жаъфар ўзаро гаплашиб турадилар. Шайх Санъон сўзида давом этади.

Биродарлар! Бу йўлнинг заҳмати бор,
 Истироҳатлари йўқ, меҳнати бор.
 Зўрлик йўқ, зорлик йўқ, истаган қолсин,
 Кимдаки рағбат йўқ, ортага йўл олсин.
 Абулуло – Шайх Абуллаҳё ҳамда Шайх Жаъфар
 Қолмоқчи. Маъқулмас уларга сафар.
 Шайх Жаъфар (*Шайх Санъонга*)
 – Ихтиёр бизда, шайх! Маъзур тутгайсиз,
 Сафардан кўрқамиз. Бизсиз кетгайсиз.
 Шайх Абуллаҳё – Изн этгил, орқага қайтиб биз буткул,
 Фақат ибодатга бўлайлик машғул.
 Шайх Ҳоди (*маъноли ва истеҳзоли қаҳқаҳа билан Шайх Абуллаҳёга*)
 – Эгилиб-турмоқчи, емоқ-ичмоқчи,
 Сўнгра қил кўприқдан осон кечмоқчи!

(ҳар иккисига)

Ихтиёрингиз! Тул хотин ҳам бу кун
Жон фидо этгуси шу мақсад учун!
Воҳ ажабким, ҳазрати Расулulloх
Барча асҳоб – гоҳ Али, Умарни гоҳ
Ҳарбу зарбга муттасил йўлладилар,
Ҳақ йўлини доимо қўлладилар.
Не сабабдан? Айлангиз мени огоҳ.
Балки ҳагодир бу?

Шайх Жаъфар ва Шайх Абуллаҳ ё – Астафзуруллоҳ!..

Шайх Санъон *(ҳар иккисига)*

– Ҳечкиси йўқ, қайтинг Мадинага сиз,
Шуни унутмангки ва лекин ҳаргиз,
Қурук, бўш сажданинг йўқ оқибати,
Ҳақ севар фақат аҳли маърифатни.

Кўрлар

– Эй буюк шайх, мадад бер, мадад!..

Шайх Санъон

– Сиз нима истайсиз?

Биринчи кўр

– Шайхим, сен фақат

Додимизга етгил, ўзинг бер шифо!

Кўрмиз, бу дунёни кўрмаймиз асло.

Шайх Санъон

– Бундай мўъжизакор инсонни зинҳор

Яратгани йўқдир Ҳақ Парврдигор.

Мен ҳам бир бандаман ҳақир ва ожиз,

Ҳар хил ёлғонларга ишонмангиз сиз.

Дунёни кўришда йўқ ҳеч фазилат,

Қайғу бор, кулфат бор, азоб-азият.

Гарчи кўрмоқ ўзга бир неъмат эрур,

Кўрмаслик – энг буюк саодат эрур.

Биринчи кўр

– Бизни рад этма, оҳ, иноят қилгил!

Иккинчи кўр

– Нетар, ахир, шайх, бир каромат қилгил!..

Шайх Санъон

– Қачон кўр бўлдингиз, хўш, азизларим?

Биринчи кўр

– Онадан туғма кўр менинг кўзларим.

Шайх Санъон

– Аёл жинояти!.. Ҳирс савдосидир!

Бу гуноҳ инсоннинг эҳтиросидир!

Шум хаёллар нега туғиб-туғилур,

Оҳ, аёллар нега туғиб-туғилур!

(иккинчи кўрга)

Хўш, туғма кўрмисан сен ҳам бу каби?

Биринчи кўр

– Йўқ, йўқ, кўрлигимнинг бошқа сабаби!..

Бир аёлни севдим, қисмат шўр бўлди,

Ишқда йиғлай-йиғлай кўзим кўр бўлди.

Шайх Санъон

– Аёл жинояти!.. Ҳирс савдосидир!

Бу гуноҳ – инсоннинг эҳтиросидир!

(шайхлар ва муридларга)

Ҳар сафолатга аёллардир сабаб,

Ҳар фалокатга аёллардир сабаб.

Момо Ҳаво – ул эҳтиросли онамиз

Қилди бир зўр жиноят, изма-из

Бизни қувдирди боғи жаннатдан,

Айлади маҳрум қурби раҳматдан.

Ҳақдан инсонни жудо айлар аёл,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

- Бошга минг-минглаб бало шайлар аёл.
(*кўрларни кўрсатиб*)
Нега дод-фарёд чекар бу икки кўр,
Ҳаммасига шу аёл боис эзур!..
- Биринчи кўр – Шайхим, аё, шайхим, кўзимизни оч!
Иккинчи кўр – Ноумид этмагил, топгил бир илож.
Шайх Санъон – Нени кўрмоқчисиз, ҳайронман мен ҳам?
Ахир, зулм ичра ёнмоқда олам!
Кўрмайсиз бу ифлос ишларни асло,
Шу боис шукр этинг, Ҳаққа минг сано...
Туюкаш (*кириб келиб*) – Шайхим, буюрингиз!...
Шайх Санъон – Ҳа, баракалло,
Кетайлик, йўлчига йўл босмоқ авло...
(*Кетадилар*)
- Захро (*Азро билан бирга кириб келиб*) – Кетдилар, ох, кетдилар...
Азро – Захро!
Кўй, ўзинг қийнама!
Захро (*ёлвориб*) – Не қилай, Азро!...
Азро (*қўли билан кўрсатиб*) – Ана, қайтди Санъон, биз томон келур,
Келмоқда, қарагин, нақадар масрур...
Захро – Ох, сенга минг шукур, минг шукур, ё Раб,
Аммо қайтмоғига не бўлмиш сабаб?..

Шошганларича беи-олти қадам чекиниб кутиб турадилар. Шайх Санъон, Шайх Абузар, Шайх Абуллаҳё ва Шайх Жаъфар биргаликда қайтиб келадилар.

- Шайх Санъон – Шайх Абузар! Ёшинг ҳаммадан улуғ,
Бирок юрагингда иқтидоринг йўк.
Сен ҳам булар билан бўлиб дўсту ёр,
Равзайи Пайғамбар паноҳига бор.
Унда эт Ҳаққа мудом ҳамду сано,
Қолмиш эрди хаста холинда Захро.
(*ҳар учаласига*)
Ундан хабар олинг тун-кун муттасил,
Унутиб қўймангиз, бўлмангиз ғофил.
Ҳам назокатдир бу, ҳам савоб ишдир.
- Азро (*Шайх Санъонга яқинлашиб*)
– Захро сенга видо учун келмишдир.
(*Шай Санъонда чуқур чуқур бир ҳайрат... Азро Заҳрони кўрсатиб*)
Мана, титраб турган шўрлик қиздир ул,
Қаршингда турибди сўлаётган гул!...
- Шайх Санъон – Ох, Захро, мушфиқа, сўнаётган нур,
Санъон ҳузурингда доим тиз чўкур.
Сенга таъзим даркор, эхтиром даркор,
Сенда бир илоҳий покизалик бор.
Мени афу эт, эй шикаста ҳаёт!
Сен малаксан... Фақат... Афу эт... Ҳайҳот!..
- Захро – Ох, Санъон!.. Шафкат кил! Раҳм айла, Санъон!..
(*Азронинг қўлларига ҳушидан кетиб йиқилади*)
- Шайх Санъон (*оғир изтироб ва даҳшатли бир сукутдан сўнг*)

– Шайх Абузар! Ундан хушёр бўл, биллох,
Таскин бер, кўнглини кўтаргин, илло
Кўп оғир хастадир...
(Азрога)Хушёр бўл, Азро!
Сен ҳам ундан кўзинг узмагил асло.
(тўрт-беш қадам узоқлашиб)
Алвидо!.. Алвидо!.. Алвидо!.. Захро!..

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи сахна

Қофқозда, ҳозирги Тифлис атрофидаги кичик бир тоғ этагидаги хушманзара жой... Бир томонда Кур дарёси, иккинчи томонда тоққа ўрлаб кетган эгри-бугри сўқмоқ кўзга ташиланади. Қаршида икки-уч чодир тикилган. Муридлардан бир неча киши чодирлардан чиқиб, қўлларида офтоба кўтарганларича Курдан сув келтиришади.

Баҳор фасли... Гуржи диний байрами. Аср маҳали... Куёш ботиш арафасида... Шайх Санъон Шайх Садро билан бирга сайраётган булбулларни тинглаб, ҳайратга тушганча атрофни томоша қилиб юришибди...

Ш а й х С а н ъ о н (жозибадан ҳайратга тушиб) – Мана Қофқоз!..

Жозибали бир маъво!
Ё Оллоҳим, қандай гўзал бу ҳаво!?
Тенги йўқ бир маскан, тенги йўқ хилқат,
Гўё ерга энмиш фалақдан жаннат.
Ҳаммаси туш каби, худди бир хаёл,
Инсонни бу диёр лол этади, лол.
Бу яшил адирлар таҳсинга шоён,
Кўзга завқ, руҳларга солур ғалаён.
Ҳар ёнда оқ, қизил гуллар исёни,
Юракни ўртайди булбул фиғони.
Сувларнинг алласи дилларга таскин,
Ўрмонлар бағрига чорлайди сокин.
Бургут парвозида не-не викорлар,
Тоғларнинг бошида мангулик қорлар.
Булутлар нақадар ранг-баранг, сирли,
Оҳанглар бунча ҳам жозиб, сеҳрли?!
Офтобнинг меҳрига шубҳа-гумон йўқ,
Тунларнинг васфига шарҳу баён йўқ.
Ойнинг ёғдулари ёғиб ётган дам,
Кур наҳрининг ўзи бошқа бир олам.
Гоҳ теран сукутга толиб қолади,
Гоҳ йиғлаб дунёга фарёд солади.
Кўкларда кабутар парвози тинмас,
Бу ерда гўзаллик овози тинмас.
Кўнгилга нурафшон ҳайратлар солар
Долғалар ортидан келган долғалар...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қарвондек бу дарё жазм этиб борар,
 Йўклик оламига азм этиб борар.
 Бу шундоқ сафарким, мутлако мавхум,
 Гоя мавхум эрур, ибтидо мавхум.
 Инсонлар дунёдан шундоқ ўтурлар,
 Билмасалар – не учун келиб-кетурлар?!
 !

Шу пайт куйидаги қўшиқ эшитила бошлайди, барча ниҳоятда берилиб тинглайди.

Баланд тоғлар ошдим, ўрмонлар кечдим,
 Гўзаллар ичинда бир гўзал сечдим¹,
 Мен у кундан Яратганга онт ичдим,
 Дунё бир гўзалким, қайтмам ёримдан.
 Маним ёрим ол ёноқли малақдир,
 Эндигина очилган бир чечакдир,
 Қайтган номард, мен етмоғим керакдир,
 Дунё бир гўзалким, қайтмам ёримдан.

Бу қўшиқни айтаётган Ўздамир билан Ўғуз намоён бўлишади.

Ш ай х Санъ он – Тўхтанг, биродарларим!
 Ў з да ми р – Амр этингиз!
 Ш ай х Са др о – Қайси уруғдансиз? Надир динингиз?
 Ў з да ми р – Уруғимиз туркдир, динимиз – ислом...
 Ш ай х Санъ он – Жуда соз!...
 Ш ай х Са др о – Кўргайсиз биздан эҳтиром.
 Ш ай х Санъ он – Бу атрофда сизлар озми ё бисёр?
 Ў з да ми р – Тўққиз-ўнга яқин кишлоғимиз бор.
 Ў ғ у з – Шайхим! Ташрифингиз қайси ўлкадан?
 Ш ай х Санъ он – Каъбадан, мукаррама шаҳри Маккадан...

Ҳар иккаласи чуқур эҳтиром ва сидқу самимият билан Шайх Санъон ва Шайх Садронинг қўлини ўпадилар.

Ш ай х Санъ он – Биродар, исмингиз надир?
 Ў з да ми р – Кулингиз – Ўздамир...
 Ш ай х Санъ он – Жуда соз, уники?
 Ў з да ми р – Ўғуз...
 Ш ай х Санъ он – Қайга бормоқдасиз энди бу чоқда?
 Ў з да ми р – Бир оз юмуш бордир қўшни кишлоқда.
 Ў ғ у з (*йўлга тикилиб, ҳайратга тушган ҳолда*)
 Ўздамир, Ўздамир, қара бу ёққа,
 Ана, дали дарвиш бу ён келмоқда.

Шу пайт оқ либосли нуроний бир дарвиш йўл қиргоғида намоён бўлади. Ҳайратомуз ва кескин бир нигоҳ билан тикилиб қолади.

Ш ай х Санъ он – Ажабо!?
 Ў з да ми р – Ундан бир сўз олиш оғир.
 Ў ғ у з – Далидир, шайхим, бу жуда далидир.
 Ш ай х Са др о – Ким билсин, балки бир хийладир.
 Ў ғ у з – Асло!

- Ўздамир Бу дарвиш балодир, шафқатсиз бало...
 – Тингламайди зинҳор бирор кимсани,
 Ўзининг гапида йўқдир бир маъни.
 Емак-ичмагида йўқ сира тайин,
 Одамзотга яқин келмас атайин.
- Шайх Санъон (*дарвишга яқинлашиб*)
 – Кимдирсиз? Маслагу тариқатингиз
 Нимадир, илтимос, бизга айтингиз.
 Дарвиш жавоб бермайди.
- Шайх Садро (*хайратланиб*)
 – Ажаб!.. Бу ё гунг, ё тилсиз дарбадар.
- Шайх Марвон (*яқин келиб*)
 – Йўқ, йўқ, алданманглар, бу ҳам сеҳргар,
 Ҳамда ашаддий бир риёкор, қаллоб...
 Шайх Санъон – Назари бузуклар шундай дер, аммо
 Менга жуда таниш, яқин бу сиймо,
 Кўзидан ёғилиб турибди зако.
 (*дарвишга*)
 Бунчалар сукутга чўмдинг сен оғир,
 Қайси динга мансуб эрурусан, ахир,
 Қайси мазҳабдансан, қаердан, кимсан,
 Баён эт, дарвишим, не учун жимсан?

Дарвиш дашт-саҳро кезувчи дарбадар мақомида, беғам, бепарво, мажнунона бир оҳангда, фақат зангуласиз қўшиқ айта бошлайди. Шайх Санъон хайрат билан тинглайди. Бошиқа шайх ва муридлар ҳам бир-бир келиб унинг атрофига тўпланадилар.

- Дарвиш – Сўрма зинҳор! Бир дали-девонаман мен,
 Чирпираб учгувчи ул парвонаман мен.
 Отам – хайрат, онам – шубҳадир... Аммо
 Кимса билмас – мен ким? Шайхми, авлиё!
 Бу дунёни кезиб юрган сайёҳман,
 Шариатдан, тариқатдан йирокман.
 Ҳақиқат истагим, ёлғиз ҳақиқат,
 Етар энди шариат ё тариқат.
 Кулоқ солмасман энди ҳеч хитобга,
 Эътиқод қилмасман ҳеч бир китобга.
 Бали, Куръон, Забур, Инжилу Таврот
 Рўёким, изоҳи кўп мушкул, ҳайҳот!
 Ахир рўёга ўхшар алвоҳи олам,
 Бари афсона – жаннату жаҳаннам.
- Шайх Санъон – Бор экан дилингда анча сир-асрор,
 Нечун яширарсан, қилмассан ошкор.
 Инсондан қочмоқда бор қандай маъно,
 Яхшиси, бизларга бўла қол ҳамроҳ.
- Дарвиш – Гўё афсонадир ҳар бир саволинг,
 Кўзингдан аёндир фикринг, хаёлинг.
 Рухингда қулмоқда бир жозиб хулё,
 Бошингга тушгуси ажаб бир савдо.
 Ёлғизлик нелигин бир кун билурсан,

Бу рамзни бориб сўр, Оллоҳдан ўрган!
Агар фавқулбашар бўлмоқ тиларсан,
Йироқ бўл доимо бани башардан!...

(Аччиқ ва бепарво бир қаҳқаҳадан сўнг муридларни кўрсатиб)

Бу жоҳил элга парво қилма зинҳор!
Парво қилма жоҳил бу элга зинҳор!
Фақат ҳикмат қидир, ўзгаси бекор!

(Кескин ва маъноли бир қарашдан сўнг кетмоқчи бўлади)

Ш а й х С а н ь о н *(унга яқинлашиб)*

– Омон, эй пири муршид, марҳамат қил!

Д а р в и ш *(Узоқлашар экан, буюк бир гурур билан)*

– Чекил мендан, чекил, эй мардуми ғофил!

Тараддуд дарди бордир кўзларингда,
Чекил, кет! Йўқ садоқат сўзларингда.

Сени домига тортгай ўзга бир хулё,
Бошингга тушгуси бир оғир савдо.

Ш а й х С а н ь о н *(унга талпиниб)*

– Омон! Эй покдомон пирим, афу эт!

Омон! Тўхта, сўзим бор...

Д а р в и ш *(бепарво)* – Истамам, кет!

Дарвиш “кет!” маъносини англатадиган бир ҳаракат билан қўл силтайди. Файласуфона қарашлар билан, мажнунона қадамлар билан узоқлашиб кетади. Шайх Санъон улкан бир тарддуд ва хаёллар оғушида қолади. Маъюс тортганича бир чеккага чекинади.

Ш а й х С а д р о *(унга таскин бериб)*

– Шайхим, бир нарсани тушун бир кадар,

Сенга лойиқ эмас бу ғам, бу кадар.

Асло фойдаси йўқ, чекма ҳеч ташвиш,

Сен – буюк бир шайхсан, у эса – дарвиш.

Уч-тўрт мубҳам сўзга қилма ҳеч парво,

Бундай ақиданинг нафъи йўқ асло.

Ш а й х С а н ь о н

– Остин-устун бўлиб кетди жаҳоним,

Бирпас мени ёлғиз қолдиргин, жоним.

Шайх Садро итоат ва таъзим ила чекинади. Шу орада узоқлардан нафис ва дардли оҳангда чолғу асбоби янграй бошлайди. Шайх ва муридлар сув бўлиб тинглайдилар. Шайх Марвон ва Шайх Наим ҳамда муридлардан баъзилари қулоқларига бармоқларини тиқиб, бу оҳангни тўсмоқ истайдилар.

Ш а й х С а д р о *(ҳайрат ва танбиҳ оҳангида)*

Кўп ғаройиб ушбу аҳвол!.. Инчунун,

Беркитиб олмиш қулоғингиз нечун?

Ҳеч гуноҳ йўқ бу оҳангларда, яъни

Тингламай бўлгайми ҳеч бу нағмани!

Мусиқа, санъат, гўзаллик ўлмагай,

Ҳикмат асло унга моне бўлмагай.

Навбахор еллари чопгайдир бу кун,

Бир-бирин япроқлар ўпгайдир бу кун.

Ҳар бутокда булбул афғон айлағай,
Дилни нозли кулгулар қон айлағай.
Қолган ҳазрати Довуддан хуш садо
Ва ёхуд бир шеър, бир гўзал наво –
Муסיқа эрмасми дилга солган нур?

Ш а й х М а р в о н (*киноя ва истехзо билан*) – Шундоқ!

Бу пурҳикмат бир жиҳод эрур.

Ш а й х С а д р о Эътибор берсангиз гар жиҳод надир,
У ҳам ўзига хос бир мусиқадир!..

Ён тарафдаги сўқмоқдан олдинда чолғучилар бўлгани ҳолда безаниб олган гуржи қизлари, алвон кийимли болалар ва йигитлар чиқиб кела бошлайди. Шайхлар ва муридлар бир чеккага чиқиб уларни томоша қилиб туришади.

Қизлар ва болалар (*қуйидаги қўшиқни чолғу билан биргаликда айтадилар*)

– Эсар насими дилкушо,
Баҳор берар дилга шифо,
Чаман, чечак, қуёш, ҳаво –
Ки – жаннатий диёр этар.
– Сафолидир чаман, чечак,
Фақат на чора айламак –
Ки, ҳар боқишда бир малак
Кўнгилларни шикор этар.

Й и г и т л а р

Қизлар ва болалар

– Муҳаббат аҳли доимо
Бўлур балога ошино,
Жафога этмас эътино,
Нигорга жон нисор этар.
– Кўзларининг вафоси йўқ,
Жафоси бор, сафоси йўқ,
Бу сўзларнинг асоси йўқ,
На этса ёрга ёр этар.

Й и г и т л а р

Йигитлардан тўрт-бештаси шайхлар билан саломлашади, бири чолғучиларга “чал” дея бир қиз билан рақсга тушиб кетади. Ўғуз ва Ўздамир ҳам уларга яқинлашиб, қарсак чалиб туришади. Сўнг йигитлардан бир-иккиси Ўғузни қўл ва кўз ишоратлари билан ўйинга даъват этишади. У ҳам бир қиз билан лазгича ўйинга тушиб кетади. Рақс тугагандан сўнг ҳаммалари биргаликда аввалги лапарни куйлай-қуйлай олислаб кетишади. Ўздамир ва Ўғуз шайхлар билан енгилгина хайрлашиб, уларни ортидан кетишади.

Ш а й х М а р в о н (*Ўздамир билан Ўғузни кўрсатиб, истехзоли қаҳқаҳа билан*)

– Келгил, Шайх Санъонга англатгил бу дам,
Муслмон бўлдими шу иккиси ҳам?

Ш а й х С а д р о

– Улар зоҳирига боқмагин асло,
Юраклари қандоқ тоза, бериё.
Баъзи бир шайхлар бор бу дунё аро,
Зоҳири туп-тузук, юраги – қаро.
Шайтанат, васваса улар коридир,

Ёлғону риёлар ҳамдам, ёридир...
 Ш а й х С а н ъ о н (*паришон бир ҳолда дарвиш кетган томонга қараб*)
 – О, дарвиш, оламда сен ўзга олам!..

Ш а й х С а д р о

(*Санъонга яқинлашиб*)

Ш а й х С а н ъ о н – Шайхим, кўзингизда нечун бунча ғам?!
 Ш а й х М а р в о н – Қани дарвиш? Қайга кетди, айтингиз?
 Ш а й х С а н ъ о н – У бир телба экан, шаккок ва динсиз.
 – Телбалик ҳам бир фазилатдир ажиб,
 Динсиз ўлмоқ ҳам тариқатдир ажиб.
 Телбадир, лек сўзларида маъно бор,
 Дарбадар, лек бошида зўр савдо бор.
 Зоҳиран Мансур эмас, девонадир,
 Кўзларинда лек “Аналҳақ” ёнадир.

Ш а й х С а д р о (*кетиб бораётган Санъоннинг ортидан бориб*)
 – Шайхим, кетди дарвиш, олис кетди у,
 Билмам, қаерларга бориб етди у.

Ш а й х С а н ъ о н

Бас, бошқа сўзламанг, туганди ҳолим,
 Бир лаҳза сиз мени қолдиринг холи.
 Курнинг соҳилида ўзим тоқ-танҳо
 Кезинмак истаيمان...

Ш а й х М а р в о н

– Нечун, ажабо?!
 Наҳот истамайсиз биздек маҳрамни?

Ш а й х С а н ъ о н – Янгидан тирнаманг менинг ярамни.

Ш а й х Н а и м (*келиб*) – Шайхим!..

Ш а й х С а н ъ о н – Нарн тургин, жоҳил, бенаво!

Ш а й х С а д р о – Хўш, мен-чи?

Ш а й х С а н ъ о н (*қўл ишорати билан уни ҳам рад этиб*)
 Керакмас... мен ўзим... танҳо!...

Жадал одимлар билан узоқлашиб кетади. Ҳамма даҳшатли бир ҳайратда қотиб қолади ва шайх кетиб борар экан, парда туша бошлайди.

ПАРДА

Иккинчи сахна

Йўл четидаги кичик бир кўшк. Унинг қаршиисида гуллар очилиб ётган богча. Кундузи.

С е р г о (*қуйидаги кўшиқни айтганича богчани сўзориш билан машғул*)

– Узоқ кетдим гулимдан, севгилимдан,
 Айро тушдим ватанимдан, элимдан,
 Ўртанурман, ҳеч иш келмас кўлимдан,
 Ёр, ёр дея кеча-кундуз йиғларман.
 Қунлар ўтди, нозли ёрни кўрмадим,
 Упмадим, гул юзидан гул термадим,
 Гулюз билан даври даврон сурмадим,
 Ёр, ёр дея кеча-кундуз йиғларман.

А н т о н (*қўлида бир даста гул кўтарган ҳолда богча томондан чиқиб келаркан*)
 – Сергожон, Серго!..

Серго – Э, келинг, афандим!
 Антон *(бир оз чойчақа билан гулдастани Сергога беради)*
 – Лутфан буни элтиб Хуморга бергин...
 Серго – Тушундим!
 Мен унга нима дей тагин?
 Антон – Бу гулларни
 Антон берди деб айтгин.
(Чекиниб, кўринмас бир жойда пойлаб туради)
 Серго *(айвонга чиқиб, эшикка яқинлашади ва пастроқ овозда)*
 – Чик, Хумор, қайдасан, Хумор, менга бок!
 Хумор *(оқ либос кийган ҳолда чиқади, Сергонинг қўлидаги гулдастани кўриб)*
 – Бу гулни ким берди?
 Серго – Антон...
 Хумор *(газабли)* – Вой аҳмоқ!
 Олиб кет гулларни, қолсин ордона.

Эътиборсиз бир қиёфада ичкари кириб кетади. Серго қайтиб, тагин гулдастани Антонга беради.

Антон – Не деди?
 Серго – Рад этиб қайтарди яна...
 Наҳотки билмайсиз табиатини?
 Худо олсин унинг бу хислагини.
 Антон *(гулдастани ерга отиб топтар экан, заҳархандалик билан)*
 – Сен ҳам менинг холимга тушгин,
 Эзил! Тупроқларга қоришгин.
(маънос бир ҳолда чиқиб кетади)
 Серго *(ҳам Антонга, ҳам айвонга боқар экан, ҳайрат билан)*
 – Қиз эмас, бошга битган бир балодир,
 Оташким, оламга ўтлар солодир.
(бир томонга чекиниб кетади)
 Симон *(маънос ва хаёлчан одим ташлаганича йўлдан ўтиб борар экан, кўзи айвонга тушиб)*
 – Ох, бу кошонада яшар бир малак,
 Мен унинг дардида ҳамон жонҳалак.
 Олис осмонларга отилиб кетсам,
 Минглаб юлдузларни кезсам, сайр этсам,
 Ҳеч бири кўнглимни очмагай асло,
 Ёлғиз шу гўзалдир менга тасалло!
 Қалбимнинг ягона сарвари ўша,
 Пажмурда руҳимнинг гавҳари ўша.

Шу пайт Хумор қўлида ипак кашта кўтаргани ҳолда айвонга чиқади.

Симон *(уни кўрар-кўрмас)*
 – Қолмади менда сира сабру қарор,
 Раҳму шафқат айлагил, жоним Хумор!
 Хумор – Ортиқча кўпирма, лоф урма бекор,
 Кетавер, бу ерда сен турма бекор.
 Биламан, сиз ёниб-куймоқдадирсиз,
 Менда йўқ бу туйғу, менда йўқ бу хис!

Шайх Санъон (*толгин ҳолда йўлдан ўтиб борар экан, бошини кўтариб, Хуморга кўзи тушган заҳоти ҳайрат билан*)

– Бу нима! Бу ўша тушимми, э-воҳ!
Ўшами? Ло илоҳа иллаллоҳ!..

(*Яна тараддудланган ва маъюс одимлар ташлаганича йўлида давом этади*)

Симон (*бир оз ўйланиб тургач, Хуморга*)

– Не бўлур, келакол, бу фикрингдан қайт!..

Хумор

– Бас энди, тушингни сувга бориб айт!

Платон (*ширакайф ҳолда ичкаридан чиқиб*)

– Кимдир у бу ерда қийлу қол айлар?

(*қаттиқ таъсирланиб, паришон ҳолда узоқлашиб кетаётган Симонни кўриб*)

– Яна бир ошиқми арзи ҳол айлар?

Хумор бошини қуйи солади, шу орада Платоннинг дўстларидан бўлмиш йўгон ва дўрилдоқ овозли бир поп йўлдан ўтиб борар экан, Платонни кўради.

Поп

– Э, Салом, афандим, қандоқ ҳолингиз?

Платон

– Келинг, бирпас нафас ростлаб олингиз.

Бир-бири билан қўл сиқийиб кўришишади. Хумор ҳам попнинг қўлини ўпади.

Поп (*Хуморнинг сочларини силаб*)

– Яна бир ўзга ҳол кўрурман санда,
Шодлик йўқ севимли, гўзал чехрангда.
Майли, бориб менга жиндай сув келтур,
Сикилма, ҳар иш ўз пайтида битур.

Платон

– Сувни қўйинг, унда лаззат йўқ зинҳор,
Ичкари кирайлик, зўр шаробим бор.
Эски, роса олти йиллик майи ноб,
Подшоҳлар ичгулик ажойиб шароб.

Поп (*Хуморга диққат ила разм соларкан, маъноли оҳангда*)

– Майни яхши ният-ўйларга асранг,
Бир куни бўлажак тўйларга асранг.

Платон (*қаҳқаҳа уриб*)

– Бу яхши ният-ку, беҳуда аммо,
Бу сўзлар Хуморга мавҳум муаммо.
Унинг фикру зикри фақат узлат денг,
Эр қилмоқ Хуморга ўлим билан тенг!..

Поп

– Бу узлат беҳуда бир орзудир, бас,
Йўқ, йўқ, Хумор буни қилмагай ҳавас. (*Хуморга*)
Не-не зўр йигитлар сенгадир асир,
Сенинг бу ниятинг кулгилик, ахир.

Платон (*попнинг қўлидан ушлаб*)

– Қўйингиз, бу гаплар тўғри-ку, аммо
Унга таъсир этмас, тингламас асло.
(*попнинг кўксигади хочга шора қилиб*)
Мен Биби Марямга, руҳи Исога,
Бу улуғвор хочга ҳам калисога

Ахд этиб, юракдан қасамёд қилдим:
 Хуморни илк бора сўраб келса ким –
 Ким бўлса ҳам майли, қилмагайман рад,
 Бас, пичоқ суякка етди ниҳоят!
 – Сени мажбур этмиш қайси бир гумрох,
 Нечун онт ичдинг сен? Ахир бу – гуноҳ!...
 Савобми ё гуноҳ... бўлгани бўлди,
 Айтганим айтгандир, бас, сабрим тўлди.

Поп билан Платон ичкари кириб кетишади. Хумор қўлини манглайига тираб айвондаги ўриндиққа ўтирганича хаёлга толади.

Н и н а (богча томондан чиқиб келиб)

– Бу не паришонлик, бу қандайин ҳол?
 Ҳамиша ҳамдаминг маънос бир хаёл...
 Қанча киз ўстирса она Гуржистон,
 Сен каби малакни кўрмагай, ишон.
 Сенга катта-кичик – ҳар инсон мафтун,
 Сен нечун доимо паришон, махзун?..

Х у м о р

Нина, ҳамма гаплар ўзингга аён,
 Ўзга ҳеч чорам йўқ менинг, ўртоқжон!..
 Онам васиятин этмасам бажо,
 Қарғиши тутгайдир мени... Э Худо...
 Деганди: “Қизгинам, тинглагил мани,
 Эр қилмоқ – ўпқонга учмоқ дегани...
 Эркакларда йўқдир сидку садоқат,
 Узлатдан топурсан фақат фароғат!”

Н и н а

– Отангнинг жабридан, не қилсин шўрлик,
 Кўзига кенг дунё қиларди торлик.
 Отанг бош кўтармай ичавергач, ул
 Ғамдан ўлиб кетди мисли сўлган гул.

Ш а й х С а н њ о н (такрор қайтиб ўтаркан, Хуморни кўриб)

– О-х! Бу худди ўша! Кўрганим рўё...
 (яқинлашиб)

Х у м о р

Бу – ўша нозанин, тушдаги савдо!..

Ш а й х С а н њ о н

– Сен кимсан?..

Н и н а

– Бечора мафтун...

Х у м о р

– Ким билур... Эҳтимол...

Ш а й х С а н њ о н

– Эҳтимол, мажнун...

– Балки мажнундирман, этмайин инкор,
 Фақат боиси бу хусни мафтункор...

С е р г о (келиб)

– Бу ким?.. Ва нима деб дам урмоқда, бас?

(Шайх Санъоннинг ёқасидан тутиб бақирганича)

– Кимсан?.. Мақсадинг не?!

П л а т о н (қўлида шароб тўлдирилган қадаҳ тутганича поп билан ичкаридан чиқиб келаркан, газаб билан Сергога)

– Шошмагин бирпас!

Бир мусофир келса, иззат-икром эт,
 Нега ўшқирасан? Қани, даф бўл, кет!

(Серго бир томонга чекинади, Платон Санъонга)

Шайх! Бирон амрингиз борми, ажабо?

- Шайх Санъон – Англай олмай қолдим ўзим ҳам асло...
 Платон – Сўйланг, тараддудга ҳожат йўқ, зеро...
 Шайх Санъон – О-ох, бу – туш, бу ўша кўрганим рўё!
 Платон – Недир демоқчисиз шекилли, албат...
 Шайх Санъон (*Хуморга ишора қилиб*)
 – Истаганим фақат – тараххум, шафқат.
 Бир табассум бул гўзал дилбардан,
 Бир навозиш бул мовий кўзлардан...
 Поп (*баланд бир қаҳқаҳа билан*) – Афтидан, Хуморга ошиқ бечора.
 Шайх Санъон (*Хуморга*)
 – Мен нечун бунчалар зору овора,
 Айт ўзинг барчасин! Сўйла, паризот!
 Ҳаммасин бунча тез унутдинг, наҳот?
 Сен ўшал юлдуз эмасми порлаган,
 Мени “кел-кел!” деб ўзига чорлаган!..
 Платон (*ҳайрат билан Шайх Санъонга*)
 – Бу воқе бўлганди қайси маъвода?
 Шайх Санъон – Туннинг рўёсида, арши аълода.
 Поп (*заҳархандалик билан*)
 – Шубҳа йўқ, шубҳа йўқ, бу бир мажнундир.
 Платон – Афтидан, Хуморга бу ҳам мафтундир.

Шу орада шайхлар ва муридлар етиб келишади.

- Шайх Марвон – Шайх бунда...
 Шайх Наим – Хайрият, топдик ниҳоят.
 Шайх Садро – Ё Оллоҳ, аҳволи оғир-ку ғоят.
 Платон (*попга, наст овозда*)
 – Манимча, шайх жуда мухтарам бир зот.
 Поп – Фозил бир инсонга ўхшайди...
 Шайх Санъон (*шайхларга маъноли бир оҳангда*)
 – Хайҳот!..
 Шайх Садро – ~~Мухтарам шайх!~~ Сизни бир тўп оломон
 Унда кутаётир интизор, гирён.
 Бутун ислом аҳли тўпланиб минг-минг,
 Сизни кутаётир...
 Шайх Санъон – Бўлди, бас, кетинг!
 Энди фойда йўқдир мендан барибир,
 Ўзингизга топинг бошқа битта пир.
 Ҳаммаси тугади, ишондим энди,
 Эски ўзлигимдан мен тондим энди.
 Бошқа бир йўл сари равонаман мен,
 (*Хуморни кўрсатиб*)
 – Унинг ишқи билан девонаман мен.
 Шайх Марвон – Аввал аёллардан кўрқардинг ёмон,
 Не учун ўзгардинг энди беомон?
 Шайх Санъон (*Шайх Марвонга*)
 – Сен англай олмассан бу фарқни, бешак,
 Аёл эмасдир у, малақдир, малак!..
 (*жўшган ҳолда ҳаммага*)
 Қаранг, унинг ҳусни кимни этмас лол,

- Нигоҳлари бунча жозиб, безавол.
 Қўзлари гўзаллик тимсоли эрур,
 Ўзи илоҳийлик мисоли эрур.
- Ш а й х Н а и м – Шайхим, мақсадингни унутма зинҳор,
 Зиммангда буюк бир маъсулият бор.
 Каъба қаршисида ичган эдинг онт,
 Бир киз деб баридан кечасан, нахот?
- Ш а й х С а н њ о н – Ватаним, жамийки ниятим, Каъбам –
 Энди шу, ундан воз кечмайман ҳеч ҳам.
- П л а т о н (*нонга*) – Кошки онт ичмаган бўлсайдим... Йўк-йўк,
 Сен бирон чора топ.
- П о п
 (*Шайх Санъонга*) – Кўнглинг бўлсин тўк, Ҳозир воз кечади...
 – Майли-ку, бироқ
- Ш а й х С а н њ о н Бу кизга нисбатан ёшинг улуғроқ.
 – Маънавий бир ишкнинг олдида бари –
 Инсонлар тенг эрур, йўк ёшу қари.
- П о п – Анов бағрингдаги нимадир?
 Ш а й х С а н њ о н – Қуръон.
 П о п – Хўш, қани, исботлаб бер-чи сен бу он!
 Насроний бир гўзал, исовий бир киз
 Мусулмонга тегса, эрурми жоиз?..
- Ш а й х С а н њ о н – Токи Ҳақ бир экан, биттадир дин ҳам,
 Халқларни ажратган жоҳил, муттаҳам.
 Инсон туйғулари бирдир баайни...

Поп шароб тўла қадаҳни Платондан олиб Шайхга беради.

- П о п – Унда ичиб бер-чи мана бу майни.
 Ш а й х С а н њ о н – Зотан, шу майсиз ҳам сархушман ёмон...
 П о п – Йўк, йўк, ич, ичмасанг гапларинг ёлғон!

Шайх Санъон илтижولي нигоҳлар билан Хуморга тикилади ва қадаҳни олиб ичмоқчи бўлади, бироқ аввал бунга жасорат қила олмай, тараддудланиб қолади. Ниҳоят қатъий бир қарорга келиб, шаробни сўнги томчисигача ичади. Шайх Садро афсусли бир ифода билан тикилиб туради.

- Ҳ а м м а (*Шайх Санъон шаробни ичиб тугатаётганда*) – Шайх, тўхта!
 Ш а й х М а р в о н (*истеҳозли оҳангда Шайх Наимга*)
 – Мана бу – ривожи ислом!..
- Ш а й х Н а и м (*Санъонга*) – Ажабо, ичганинг эмасми ҳаром?
 Ш а й х С а н њ о н – Шариятда бордир ичмакда микёс.
 П о п (*чўнтагидан кичик бир хоч чиқариб Шайхга беради*)
 – Энди ол бу хочни ва бўйнингга ос.
- Ш а й х С а н њ о н (*олиб бўйнига осар экан, қаҳқаҳа билан*)
 – Марям ўгли Исо осилди дорга,
 Ҳожат борми эди яна такрорга.
 Шу нахот Исонинг арши меърожи,
 Мен кимман...
 Жонли бир дорнинг оғочи...
 Ш а й х М а р в о н – Сенга лойиқмиди ушбу иш, ёху!

- Ш а й х С а н ъ о н – Атиги бир парча кумуш эрур бу;
 Бунни осмоқ билан узукни такмоқ,
 Менимча, бир нарса, укдингми, ахмоқ!
 П о п (*Шайх Санъонга*) – Жим бўл! Гуноҳ эрур бундок истехзо...
 Ш а й х С а н ъ о н – Йўк-йўк, шундайин ҳам хазрати Исо
 Биз учун мухтарам, буюк бир сиймо...
 П о п – Бизлар мақсадингни англадик, аммо
 Энди Куръонни ол, оловда ёндир.
 Ш а й х С а н ъ о н – Уни куйдирмакда не маъно, ахир?

Ҳамма ҳаяжон ва ҳайратда.

- П о п – Ортикча ҳар қандай баҳона, узр,
 Куръонни ёқасан...
 Ш а й х С а н ъ о н (*Куръонни чиқариб беради*) – Ол, ўзинг ёндир!
 Ҳ а м м а – Шайх, Куръон ёқилмас!..
 Ш а й х С а н ъ о н – Аммо мақсад бор.
 Ш а й х С а д р о – Жим туринг, балки бир бошқа ҳикмат бор.
 Ш а й х С а н ъ о н – Куръон ҳукми мангу юксак, сарафроз,
 Ёнса – сиёҳ ёнур, ёнади қоғоз.

Шу орада ҳавони булут қоплайди ва шиддатли момақалди роқ бошланади. Бу қалди роқ парданинг охиригача ўқтин-ўқтин даҳшатли бир ҳолда такрорланиб туради.

- П о п (*Куръонни олмай, ўжарлик билан*)
 – Уни сен оловда ёкмагунча то –
 Бизнинг бу имтиҳон тугамас асло!
 Ш а й х С а н ъ о н – Ким Куръон ҳукмини менсимаса гар,
 Уни ўтда ёққан билан баробар.
 Беҳуда сен ўрлик қилмагин зинҳор,
 Бунда Марям билан Исо номи бор.
 Х у м о р в а Н и н а – О-ҳ!
 П л а т о н – Шайх, майли, кўяқол, ёкмоқ керакмас.
 Ҳ а м м а – Тавба, шайх, минг тавба!..
 Ш а й х С а д р о – Жим бўлингиз, бас!..
 Ш а й х С а н ъ о н – Ишқдан бошқасига йўк менда тоқат,
 Минг тавба!.. Барига айладим нафрат.
 Ш а й х Н а и м – Шайхим, унутмагин Каъбани.
 Ш а й х С а д р о – Жим тур!
 Ш а й х С а н ъ о н – (*Хуморга ишора қилиб*)
 Энди Каъбам будур, жаннатим будур.
 П о п (*Платонга*) – Ҳеч чора колмади. Не десанг, факат
 Энди бу йўқ демас. Қилгай итоат.
 П л а т о н – Ҳой шайх, энди битта шарт қолди ёлғиз,
 Сен роса икки йил боқасан тўнғиз.
 Ҳаммада норозилик, ғалаён.
 Ш а й х С а д р о (*Шайх Санъонга*)
 – Йўк, энди буниси энг ёмон таҳқир,
 Сен учун энг жирканч ҳақорат, ахир...
 Ш а й х С а н ъ о н (*Платонга*)
 – Унинг ишқи билан зор, дарбадарман,

Нима буюрсангиз қабул этарман.

Шайх ва муридлар “оҳ!” дея қаттиқ таъсирланган ҳолда ортга чекинадилар.

– Кетингиз, дўстларим, энди кетингиз!
 Бошқа бирор шайхнинг қўлин тутингиз.
 Менки ноилдирман бугун висолга,
 Топдим Ҳақ нурини, етдим жамолга.
 Майли, коинотни кезинг, сурунинг,
 Ҳақ нурин топмоққа сиз ҳам урунинг.
 Сиз шўрлик Санъонни ёддан чиқаринг,
 Бу телба инсонни ёддан чиқаринг.
 Ш а й х С а д р о – Муҳтарам шайх, ахир, тасаввур этинг..
 Ш а й х С а н њ о н – Бас, етар, мен кетинг дедимми – кетинг!
 Ш а й х М а р в о н – Қани у аввалги ғояйи аъмол?
 Ш а й х С а н њ о н – (қаҳрланган, газабланган ҳолда бақариб)
 Кўзимга кўринманг, даф бўлинг дарҳол!

Шайх Садро чуқур бир ҳайрат ва паршонлик билан хаёлга толади.

Муридлардан биринчи қисми (кучли таъсирланган ҳолда, афсуслар билан)

– Кетайлик, тўғри Каъбага борайлик,
 Холиқи коинотга ёлборайлик.
 Балки Оллоҳ марҳамат айлар,
 Шайхимизни мағфират айлар.
 И к к и н ч и қ и с м (Марвон ва Наим билан биргалликда)
 – Шайхимиз отди ҳукми Қуръонни,
 Шайхимиз сотди дину иймонни.
 Аввал эрди у пирликка муносиб,
 Чиқди энди дин мазҳабдан хоч осиб.
 Б и р и н ч и қ и с м – Кетамиз, Ҳаққа муножот этамиз,
 Кетамиз, шайх дея фарёд этамиз..
 И к к и н ч и қ и с м – Кетамиз, биз-да бу йўлдан озмайлик,
 Кетамиз, бўйнимиза хоч осмайлик..
 Ш а й х С а н њ о н – Кетингиз, ҳийла, фириб сизларга хос,
 Менга ишқдан юксак олам йўқ, холос!..

Барча шайхлар ва муридлар чекиниб кета бошлайдилар. Ёлғиз Шайх Садро энг охирида қолиб, маънос ва гамгин одимлар билан оғир, иккиланган ҳолда узоқлашиб кетади.

Парда

Давоми бор

*Озарбайжон тилидан
 Усмон ҚўҶҚОР таржимаси*



ОЗАРБАЙЖОН ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Самад ВУРҒУН

* * *

Агар сендан тонар бўлсам насибим оху зор ўлсин,
Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир диёр ўлсин.
Чаманзорим, боғим-боғчам тўкилсин, бори хор ўлсин,
Мазорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсин.

Қўй эй булбул! Тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдир,
Бу ерларда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдир.
Ўлим, эйвоҳ, бу неъматдир, бу бир шонли саодатдир,
Агар бевақт ўлар эрсам, рақибим бахтиёр ўлсин.

Фалақдан интиқом истар жўшиб руҳимда бўронлар,
На инсофни, на виждонни билар, ё раб, бу инсонлар.
Ёз, эй Вурғун, яна жўшсин бугун оламда тўфонлар,
Йиқилсин меҳвари олам, у тубдан тору мор ўлсин!..

ЎЙЛАР

Гоҳ-гоҳида овчи кўнглим тоғлардан ошиб,
Олис кетиб, узоқ-узоқ йўллар кезади.
Сокин ўтган куним билан у видолашиб,
Наъра тортиб, сурон солиб чўллар кезади.

Бир қушчанинг учишидан, билсангиз агар,
Нелар туяр бу шоирнинг сайёр юраги?
Инсоф билан айтилганда, бир жонли асар –
Яшил ўрмон, кўм-кўк дала, оху хурқаги...

Лочин учар уясидан шиддатли, тезкор,
Кўҳна тоғлар кифтин кўкка тираб туради.
Ким яшамас ўз қалбининг азмига ҳамкор,
Ким оламнинг ўсишига бефарқ юради?

Бу дунёнинг харитаси бир рангда эмас,
Азал бошдан ҳар сувратнинг ўз жилваси бор.
Кекса эман юз йил яшаб, чарчадим демас,
Йиқилса ҳам илдизи-ла қулар шиддаткор.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

102

У ўлмайдди, ўларми ҳеч оламда виқор?
Замон ўтар, ниҳол ўсар, битар қасрлар.
Бир кўлида ёз куёши, бирида баҳор,
Қанча байрам қаршилайди бизнинг насллар.

Гоҳи очиб кучоғимни, бир шамолсимон,
Карвон бўлиб элдан-элга кўчгим келади.
Юрагимда бир дунёнинг кучи бегумон,
Денгизлардан, уммонлардан кечгим келади.

Қоя мисол тўлқинларнинг метин сафлари
Шиддат билан кўкрагимга сола бошлар чанг.
Енгармиди иродамни тўлқин дафлари,
Ким истамас қилишни, эҳ, пўртана-ла жанг?!

Гоҳи палла, сокин оққан ариқ ёнида,
Ўйга толиб, дардлашаман бу юрак билан.
Орзуларим мисли дарё оқар қонимда,
Кимнинг қалби урмас ахир минг тилак билан?!

Истардимки, олис йўлда сувга зор турган
Бир кимсанинг қаршисида булоқ бўлсам;
Бир маслакли дўстларимнинг дунёда кўрган
Ташвишига, қувончига ўртоқ бўлсам...

Истардимки, қанотини ёзганда ҳижрон
Қовуштираман айри тушган дўст кўлларини.
Соғинишган севишганлар кўришган замон,
Шеърга солсам бу висолнинг шан йўлларини.

Бир чумчуқнинг уясини учирса шамол,
Тумшуғимда хас-чўп йиғиб ин куриб берсам.
Чағаларга ҳадя этсам дуркунлик, камол
Ва учирма қилиш учун шохларга терсам...

Истардимки, дуч келганим у етим гўдак
Ота десин, ҳам яйрасин мени кўрганда.
Ким истамас йиқилганга бўлувни тиргак,
Ким қувонмас биров кўмак бериб турганда?..

Кўз олдимдан дунё ўтар варақма-варақ,
Мен орзулар оламига шўнғиб кетурман.
Зиёратгоҳ эшигида тургандек бу чоғ,
Милтиқ тутган аскар каби сукут этурман.

Гоҳо эса, Ер остида қўлимда чироқ,
Шахталарда чўкич уриб, маъдан қазурман.
Сочи оппоқ ҳакамларга айланиб мен гоҳ,
Ватанимнинг ёвларига ўлим ёзурман.

Бурғу куриб, нефть чиқарган қахрамонларнинг
 Болтасидек қояларни уриб ёргим бор.
 Ер остига Ер устидан мард инсонларнинг
 Олқишини, саломини ташиб боргим бор.

Соч ёйганда далаларга баҳор қуёши,
 Ер юмшатиб, уруғ танлаб, сепсам дейман дон.
 Қари ҳўкиз ҳолдан тойса, айланса боши,
 Тортсам, дейман ўзим шунда омочни чакқон.

Шудгорларни ювиш учун отланганда сел,
 Тўсиқ бўлиб, шиддатини кеса олсайдим;
 Саратонда олов пуркаб ёнганида чўл,
 Навбаҳорнинг насимидек эса олсайдим...

Истардимки, келажакка бўлиб бир ёдгор,
 На шуҳратим, на ҳайкалим, на отим қолсин.
 Курашларда зафар топган мард қахрамонлар
 Сирасида асарларим, авлодим қолсин.

Дейдиларки, совир эмиш бир куни офтоб,
 Ўйлагунча у заволни, етгунча у дам,
 Бу дунёга неча минг йил келаркин шитоб,
 Чўзсам эди кураш билан умрни мен ҳам.

Ўз қўлимда инжу мисол ипга тизардим
 Ойларини, йилларини абадиятнинг.
 Самовотда қуёш билан бирга кезардим,
 Ер юзида бўлар эдим кўрки хилкатнинг.

Истардимки, қутлуғ кунлар чўлда, чаманда
 Юракларга оҳанг солган най бўла олсам;
 Мен ўзимни бу дунёда, дунёни менда
 Идрок этиб, маъно тўла май бўла олсам...

Бир орзунинг мевасидир ҳар кичик асар,
 Ўйланаман, тилга келур қалбимдан бир сас,
 Дейди: шоир, жуда соз-ку бу ширин ўйлар,
 Лекин Борлиқ бир юракка, афсуски, сиғмас.

Расул РИЗО

САДОҚАТ

Турнани отдилар
 айни сахар чоғ,
 Олис уфқларда
 қош қизарганда.
 Лолаларнинг нақши
 кўл узра – чирок,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Сосяси адирлар
қирда ўланда.

Турна ёлғизмасди,
жуфт эди турна,
Балки муҳаббатдан
сухбати борди...
Номард ўққа учди
бўлса-да ҳарна,
Долалар титради,
Ўтлар қизарди.

Керди канотини
иккинчи турна,
Юксалди кўкларга,
балки қочди у.
Балки бу маъносиз,
золим ўлимни
Кўриб телбаланди,
шундоқ шошди у.

Турна учди, учди,
қуйида қолди
Баланд булутларнинг
устки қатлари.
Кўкда бир кўринди
қатра ёш каби

Ва бирдан йиғди-ю
у канотларин,
Ерга келиб тушди
Оғир тош каби.

*Озарбайжон тилидан
Раззоқ АБДУРАШИД таржималари*

Низор РАФИБЕЙЛИ

ШОИР ҚАРДОШЛАРИМ

Гоҳ асабий, гоҳо чарчоқ,
Гоҳ тўфонли, гоҳ сокин, боқ;
Гоҳ ошиғу девонароқ
Менинг шоир қардошларим.

Ҳар суҳбатда сўзи бордир,
Гўзалларда кўзи бордир,
Ер юзида бир баҳордир
Менинг шоир қардошларим.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

105

ВИЖДОН

Икки йўлнинг ўртасида турганча,
Гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан кўрқаман.
Девдан эмас, пашшачалик кучи бор,
Ўзини дев санагандан кўрқаман.

Ул даргоҳда Ҳақ девони қурилгай,
Не топгансан, бари бир-бир сўрилгай;
Иддаоси бўйнимизга юк илган –
Авф этилган шараф-шондан кўрқаман.

Бу дунёдан бир умидим мезондир,
Мен кўрққан кас у мезонни бузгандир,
Тўқ кимсанинг қутуриши ёмондир,
Очдан эмас, мен тўйгандан кўрқаман.

Ким ҳамкордир нафс деган шайтонга,
У тупурар ҳақиқату виждонга;
Ахир виждон қиймат бергай инсонга –
Виждонидан кўрқмагандан кўрқаман.

АҚЛНИНГ КЎЗИ БОР

Дўстим, бир ғалати сўз айтдинг, зотан
Дедингки, кўрмасам – ҳеч ишонмайман.
Дедим, сен орифсан, мен бир авомман,
Мен кўз-ла кўрсам-да, инонмам, аммо.
Билмайман – кўзимга кўринган дунё
Аслан ҳақиқатми ё сирли рўё?..

Баланд-паст дунёда мен яшаб юриб,
Англадим ўнг-чап не, не бутун-ярим.
Билдим – ҳақиқатдир ақлим-ла кўриб,
Аммо кўзларим-ла кўрмаганларим.
Ақлнинг кўзи бор, у йўл кўрсатар,
Кўзда-чи, ақл йўқ, у бизни алдар.

АЛВИДО

Дўстларим, умримнинг сафоси битди,
Тоққа кетдим, дала-тузга алвидо.
Кўзга туман чўқди, бошга қор ёғди,
Баҳорга алвидо, ёзга алвидо.

Сен ишқни ҳар замон муқаддас дединг,
Қунларга ёпишмоқ пуч ҳавас дединг,
Кўпни истамадинг, озга бас дединг,
Дерман: кўп йўқ эса, озга алвидо.

Энди томиридан узилган менман,
 Ўрганган ошёни бузилган менман,
 Энди на сен сенсан, на-да мен менман,
 Энди биз бизмасмиз, бизга алвидо.

Бахтиёр, ярангдан оққан қон ҳар он
 Сени кечмишингга боғлар ҳар замон;
 Зулмат юрагингни ёғдулантирган,
 Йўлингга шам тутган кўзга алвидо.

Халил РИЗО

МЕН ЯНА ҚАЙТУРМАН ОЗАРБАЙЖОНГА

Бу ерда ҳаво оз... Ҳаво истайман –
 Ҳазар денгизининг ўзидай бўлсин!
 Бунда самосизман, само истайман –
 Қуёшнинг оламга сўзидай бўлсин,
 Ҳазар денгизининг ўзидай бўлсин!

Узинг занжирларни билакларимдан,
 Бузинг қулфларни тилакларимдан,
 Туширинг зиндонни куракларимдан!
 Ҳайр деб совуқ тун – қўллари қонга,
 Йўл олай жонажон Озарбайжонга!

Фақат онам, синглим, қондошиммас, бил,
 Ватаним – абадий саодатимдир!
 Минг-минг фарзандидан биридир Халил,
 Ватансиз икки бор, уч бор етимдир,
 Ватаним – абадий саодатимдир!

Ҳар сойи, ирмоғи – товшим, нафасим,
 Ҳар тоши бадалдир лаълу маржонга.
 Майли, чопинг, кесинг!.. Мен кесим-кесим
 Бўлсам-да, етсам бас Озарбайжонга!
 Ҳар тоши бадалдир лаълу маржонга.

Мутлоқ шарт қайтишим ота маконга,
 Бир оз кучли бўлиб, бир оз-да метин.
 Кур, Ораз наҳридай боғлиқман унга,
 Жониман, бағриман – шудир давлатим,
 Бир оз қудратлиман, бир оз-да метин.

Бузинг зиндонларни, очилсин бутун!
 Мен шу кун қайтайин Озарбайжонга,
 Қаҳқашон бўлайин, порлайин бу тун,
 Юзимдан нур ёғсин Милга, Муғонга,
 Мен шу кун қайтайин Озарбайжонга.

Оксоқолман, юртим, сен – ёш онамсан,
Боладай бағрингга жойланай бу кун,
Ойна Кўккўлимсан, Моралгинамсан,
Мен ойнинг нурига айланай бу кун,
Боладай бағрингга жойланай бу кун.

Озарбайжон яшар шу кўзларимда.
Менинг қайтишим-ла у юксалажак.
Кўшинлар келажак ҳақ сўзларимда,
Юртимга куч, ишонч, қудрат келажак,
Менинг келишим-ла у юксалажак.

Зумрад ёмғирингга, оқ туманингга,
Ўраниб-бураниб келажакман мен;
Тик, оёқ устида кела олмасам,
Йиқилиб-суришиб келажакман мен;

Нафасим узилса... Юзимни суртиб,
Тоғингдан, тошингдан қувват олурман;
Узилса қўлларим... тишим-ла тутиб,
Ёғийга сўнг бора қилич солурман,
Тоғингдан, тошингдан қувват олурман.

Йўлимга неча минг Азроил чиқса,
Умримни мозор-ла бўла олмасман;
Англа, эй имонсиз:
Озарбайжонсиз –
Мен яшай олмасман, ўла олмасман.

Мен Озарбайжонга келурман қайтиб,
Шонингни куйларман, олқиш дегайман;
Аччиқ тутунингни бол каби ютиб,
Ўтингни қаймоқдай суюб егайман;
Шонингни куйларман, олқиш дегайман.

Ярали бир бургут бўлсам-да магар,
Бир қанот билан ҳам учарман, инон.
Дарбанддан Салёнга, Занжонга қадар –
Барин етмиш қўл-ла кучарман, инон,
Бир қанот билан ҳам учарман, инон.

Кўтаринг бу оғир тошни устумдан,
Кўккўлдан сув сепинг бу ёнар жонга,
Балки минг йилларнинг боши устундан
Мен қайтиб келурман Озарбайжонга,
Кўккўлдан сев сепинг бу ёнар жонга.

Келинг, эй нафасим, эй қардошларим,
Малул-малул боққан орқадосларим,
Ёқадир оламини бу кўзёшларим,
Сиз мени қайтаринг Озарбайжонга...
Қараб шу қуёшга онт ичайинки,

Ўтмишман, бугунман, келажакман мен.
 Қолмас ҳеч шоирнинг йўли боғланиб,
 Отиб елкамдаги темир тоғларни,
 Ўзим Ватанимга келажакман мен,
 Ўтмишман, бугунман, келажакман мен.

Бағримга босурман сени, эй элим,
 Мени висол куни – у кун яшатур.
 Кўзимдан бир томчи ёш оқса, билинг,
 Демак, озод бўлган куним ўшадур,
 Мени висол куни – у кун яшатур!..

*Озарбайжон тилидан
 Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари*

Мамад ОРАЗ

ОНА ХАЛҚИМ, ЙИҒЛАМА

Деразада шамол тўниб йиғласа,
 Айвонига қушлар қўниб йиғласа,
 Юрагингда нола ёниб йиғласа,
 Ич-ичдан ён, фарёдлар бас, йиғлама,
 Йиғламоқнинг ўрни эмас, йиғлама.

Бу бир жангдир – эзилган бор, эзган бор,
 Ўлим ҳукмин қўлтиқлабон кезган бор,
 “Бизлар” бормиз, на “ман” борман, на “сан” бор,
 Йиғламагин, она халқим, йиғлама!
 Топталдингми яна, халқим, йиғлама.

Хайқир, кўнгил, бундан баттар чоғ қайда,
 Ёнаётган инсон, тупроқ, тоғ қайда.
 Синглим, энди йиғлаш учун вақт қайда?
 Қардош, юртош деб басма-бас йиғлама!
 Йиғламоқнинг ўрни эмас, йиғлама.

Эгилмақдир йиғламоқнинг ул юзи,
 Дардга тўза билмаганни дард узур,
 Йиғлаганни излаб топар дард ўзи,
 Шунини ёзмиш Тангри ўзи, йиғлама,
 Жим бўл энди, она қизим, йиғлама.

Бу тупроқда сўнгги қурбон мен бўлсам,
 Ўз ўтимда ёниб кулга тенг бўлсам,
 Юрим сари учган бир ўқдан ўлсам,
 Она халқим, ўғлим деб, бас, йиғлама,
 Йиғламоқнинг ўрни эмас, йиғлама!

ОҚАРМА, СОЧИМ, ОҚАРМА

Не учун сенга оқ тушди,
Қачон тушди, қандоқ тушди,
Юрагимга титроқ тушди,
Оқарма, сочим, оқарма!

Орзу сўнгсиз, умр ярим,
Ортар манглай ажинларим,
Борми сенда инсоф, шарм,
Оқарма, сочим, оқарма!

Мени ғамгин кўрса агар
Душман кулар, дўст ғам чекар.
“Ҳой амаки” дейди қизлар,
Оқарма, сочим, оқарма!

Тошдир қалъанг, тошдир жонинг,
Йўқдир туйғунг, йўқдир конинг.
Ёшман-ку, борми виждонинг,
Оқарма, сочим, оқарма!

Умр кечар, ёмон кечар,
Қалбимдан қора қон кечар,
Гўзаллар ёнма-ён кечар,
Оқарма, сочим, оқарма!

Узокдадир шуҳрату шон,
Кўзин тиккан менга замон,
Юрак ёшдир ҳали-ҳамон,
Оқарма, сочим, оқарма.

Истикболда зафарим бор,
Йўлдадирман, сафарим бор,
Ёзилмаган асарим бор,
Оқарма, сочим, оқарма!

*Озарбайжон тилидан
У. САТТОРИЙ таржималари*

Собир РУСТАМХОНЛИ

ТОПШИР МЕНИ

Тагин руҳга қайғу тўлар,
Ёғий тилар, замон талар.
Балки қўлинг малҳам бўлар,
Қўлларингга топшир мени!

Мен наслимнинг курашиман,

Қиличиман, кўз ёшиман.
 Ёлғиз қолган оққушиман,
 Кўлларингга топшир мени!

Дунё хушсиз, мозор экан.
 Севган кўзга санчар тикан.
 Гўдакларнинг “Ота!” деган
 Тилларига топшир мени!

БОҚА ОЛМАДИК

Қарғандикми, сеҳрландик –
 Тилсимдан чиқа олмадик.
 Юракларга иблис кирди,
 Юракни йиқа олмадик.

Дунё куч деб қўл берилган,
 Неъматимиз мўл берилган,
 Бошдан минг-минг йил берилган,
 Бирига сиға олмадик.

Кўз кўролмас қош деганни,
 Хушламаймиз хуш деганни,
 Қўл бериб, қардош деганни
 Қўлини сиқа олмадик.

Тарих туймас сасимизни,
 Ер унутар изимизни.
 Шарр қорайтмиш юзимизни,
 Оллоҳга боқа олмадик...

*Озарбайжон тилидан
 Тоҳир ҚАҲҲОП таржимаси*

Рамз РАВШАН

АЙРИЛИҚ

Яна бир шаҳарда юзма-юз келдик,
 Начора, бошқа бир шаҳаримиз йўқ.
 Эҳтимол, биз бахтли бўла олардик,
 Эҳтимол, бахтлимиз,
 хабаримиз йўқ.

Орадан шунча йил ўтиб кўрганда –
 Таний олмадим мен,
 мени кечиргин.
 Ўйлардимки, сенсиз ўлиб қоларман,
 Мен ўлмадим сенсиз,
 мени кечиргин!
 “Ўлмадим...” – деяпман, не билай, ахир,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Эҳтимол, мен сенсиз ўлиб қолганман,
Қабрсиз, кафансиз ўлиб қолганман.
Эҳтимол, биз унда айрилмасайдик,
На мен эндиғийдим,
на сен эндиғи –
Айрилдик, шайтонни кулдирдик унда:
Бу йилнинг,
бу ойнинг,
бу кундаги
Мана шу кўчанинг шу бурчидаги
мени ҳам, сени ҳам ўлдирдик унда.
Сўлимиз, соғимиз одамга тўла,
Қўл ушлашиб эрлар, хотинлар ўтар.
Ўзидан хабарсиз,
умрида минг бор
Ўзини ўлдирган одамлар ўтар,
Ўтар ўз конига ботган одамлар.
Дарвоқе, қон қани?
Қон, ахир, йўқдир...
Ҳамма гуноҳқордир дунёда,
аммо
Дунёда ҳеч кимнинг гуноҳи йўқдир.

Бизсиз битилмишдир бу толе, бу бахт,
Палахмондан учган бир жуфт тошмиз биз.
Балким, бу дунёда
ўн-ўн беш йилмас,
Бундан минг йил аввал айрилмишмиз биз.

Ҳалол йўлимизни қўйиб,
не учун
Адашдик, бир ўзга йўлдан кетдик биз.
Балким, минг йил аввал саҳв тушиб недир,
Минг йиллик хатога қурбон кетдик биз.

Алмашди ўрнини, балким, қиш-баҳор,
Қоришди дунёнинг шаҳари, кенти.
Балким, ўз ичида ўғай оналар
Ўғай болаларни кўтарар энди.

Умрим бошдан-оёқ ёлғондир, балким,
Толеим ўзгадир ростдан ҳам менинг.
Ҳув йўлдан ўтган қиз
онамдир, балким,
Эҳтимол, ўғлимдир бу ўғлон менинг.

Бу ёлғон умримда
сен ўзинг несан?
Балким, ҳеч севгилим эмассан менинг.
Онамсан,
синглимсан,

момомсан,
кимсан?!
Фақат Аллоҳ билар, кимимсан менинг.

Бизни ким айирар бу айрилиқдан,
Етмас додимизга на йўл, на кўприк.
Ўликсан, тириксан, ҳар несан, тўхта!
Тўхта, ҳеч бўлмаса, кўлингдан ўпай...

Дегайсан: “Ўлганман мен, ўликни ўпма...”
Кўлимнинг кафтида

кўлинг увушар.

Дегайсан: “Хайрингни берсин, кўлимни ўпма,
қарагин, кўлимдан қон иси келар...”

ЙЎҚЛОВ

Расул муаллим ва Нигорхоним хотирасига

Золим дунё – ўз ишида,
Келишида-кетишида,
Кел, йиғлайлик, етмишида
Севгилидек ўлганларга.

Юраги минг хил дард кўриб,
Кўзи минг хил сифат кўриб,
Гўзал-дилбар умр суриб,
Гўзал-дилбар ўлганларга.

Ўтиб бутазор тўсиндан,
Тиконларнинг орасиндан,
Қон сизса ҳам ярасиндан,
Кўлда чечак – ўлганларга...

*Озарбайжон тилидан
Карим БАҲРИЕВ таржималари*

Рустам БЕҲРУДИЙ

ШОМОН ДУОСИ

Бу куним ҳам шунчаки
ўтади, кечиб кетар,
Шу ёшгача не қилдим,
эй Тангрим, умр – ярим.
Мени ҳеч тинч қўймайди
ичимдаги ғам-кадар,
Тинч қўймас шаҳидларнинг
тунда кезган руҳлари.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Гуноҳкор жонимда гуноҳсиз руҳим
Негадир ҳамиша кўкларга боқур.
Не учун мени тинч яшашга қўймас,
Мен ҳам ўзгалардек одамман, ахир!

Мен ҳам ўзгалардек одамман, гарчанд...
Менинг ҳам жонимда ҳасрат, севги, ғам...
Бу маскан қайғуси, бу уй, бу фарзанд...
Наҳотки руҳимга қўшилиб учсам.

Наҳотки руҳимга қўшилиб учсам...
Юқсалсам, покласа мени бу фалак.
Мени қўйиб юбор, гуноҳкор жоним,
Покликдан не учун қўрқасан, юрак?

Покликдан не учун қўрқасан, юрак,
Нега одамларнинг ҳар юзи шундоқ?!
Бу дунё, бу дунё ўзидан қочар,
Гуноҳ ичидадир ер юзи шундоқ.

Эй руҳим, яшама гуноҳ ичида...
Шундоқ ҳам юзларинг қанча сарғайди.
Эй мени ўлдирмоқ истаган одам,
Руҳим фалакдадир, жоним алдайди.

Руҳим вужудимда азият чекар,
Тилимда сўзларга чевриллар оҳи.
Гуноҳкор жонимда, менадан хабарсиз,
Қафасда қолгандир руҳим, Илоҳи!

Салим БОБУЛЛОЎҒЛИ

БАЪЗИ КЎРИНИШЛАР

Қўлларни кўряпман қўлларни
дўст қўли бўш қолмас ҳавода
йиғлаётган юзларни тўсар
Қўлларни кўряпман, билакларни
билаклардаги кишанларни парчаламоқда

Қўлларни кўряпман кафтларни
бахтларни бахтсизликларни
тақдир чизиқлари умр битикларини
хиромантия¹ билан машғул бўлмасанг ҳамки
қадокларнинг бахтдан хабар бериши аён

Қўлларни кўряпман муштларни
кўнгилни синдирувчи бош суягига урилаётир
Қўлларни кўряпман, бармоқларни
уста пианиночиникига ўхшаб кетса-да
безбетларча кимнингдир чўнтагига тушаётир

¹ Хиромантия – кафтдаги чизиқларга қараб фол очиш.

Кўлларни кўряпман силашларни
шўрлик бир кимсанинг сочларига кўниб
бир лахза бўлса-да фонийликни унут айлаган

Кўлларни кўряпман, ажинзорларни
кексалар кулбасига боргувчи унутилган тўзонли
йўлларни ёдга солувчи

Кўлларни кўряпман бармоқларни
тирноқ-ла эт битган жойи ёрилиб кетган
авитаминоз¹ ташхиси қўйилган ҳаёт тарзидан сўзлар
титроқ дудоқларни қимтибон қаттиқ
фавқулодда ходисаларни абадий бекитган
Кўлларни кўряпман, нозик белларни кучиб
севги ҳақдаги энг ширин сўзларнинг
ҳақиқий маъносин англамоқдадир

Кўлларни кўряпман кўлларни
ияклар остига қадалиб
одамларни ўз асл шаклидан рози қилмоқда

Кўлларни кўряпман оёқлар остида топталган
Катларнинг устидан осилиб тушган
ушбу кун бола-чақасидан узоқда
бир она тушида босриқмоқдадир

Кўлларни кўряпман, кўлларни
кесилган бармоқлар тушларида ўз эгаси томон учмоқда

Кўлларни кўряпман, амалларни
ҳар илинжга узанган
севги мактубларини ёзган
эшикларни зарб билан қоққан
кўчат экиш учун ясалган белкурак сопидан тутганча
жасадни кўймоққа ер казиётир

Кўлларни кўряпман бармоқларни
умидсиз орзуларга қаршилиқ каби
уч бармоқ қовушган нуқтада энг қўпол рад жавоби
берилаётган

Кўлларни кўряпман кўлларни
қиммат курсиларнинг кимхоб жилдига
махлиё бўлганча фароғатли турмуш тарзин яратаркан
катта пуллардан –
демакки жиноятлардан
қалтироқ ва қўрқувлардан сўзлаётир

Кўлларни кўряпман бармоқларни
энг арзон фатоаппарат тугмасини босаркан
энг қимматли онларни – абадиёт элчиларини
суратга олаётир


¹ А в и т а м и н о з – витаминлар етишмаслигидан келиб чиқадиган касаллик.

Кўлларни кўряпман кўкларга узанган очик
дуо қилаётир
кўлларни кўряпман бу дуодан туғилажак дўмбок
кўлчаларни
бир кўринг, ҳаво хилъатини тутгани каби
малакларнинг этагидан тутмоқда улар

Кўлларни кўряпман, кўнғир сочларни тароқлаб
қора кўзлардан уйқуни куваётир
чаккасини чангаллаб турган кўлларни кўраётирман
сўнгги сигарета қолган кути узра
тинчиб қолур тонг насимида
воз кечади нуқта қўймоқдан

*Озарбайжон тилидан
У. САТТОРИЙ таржималари*





Наим КАРИМОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ҲУСАЙН ЖОВИД – БУЮК ОЗАРБАЙЖОН ДРАМАТУРГИ

XIX аср охири – XX аср бошида мустамлакачилик шароитида яшаган туркий халқлар ҳаётига янги даврнинг ҳаётбахш шабадалари кириб кела бошлади. Миср, Туркия, Ҳиндистон, Қрим ва Волга бўйида нашр этилаётган газеталардаги хабар, мақола ва сафар хотиралари муштарийларга Европанинг ривожланган мамлакатларидаги халқлар ҳаёти билан ғойибона танишиш имконини берди. Улар Европадаги халқларнинг савдо-сотик, соғлиқни сақлаш, мактаб ва маориф, адабиёт ва санъат каби соҳаларда эришган ажойиб ютуқлари билан шунчаки танишибгина қолмай, ўзларида ҳам уларга хос яшаш истаги пайдо бўлди. Бу уларнинг яшаш ва фикрлаш тарзига эришиш истаги эди. Улар Европа халқларидек яшаш учун: “Нима қилиш керак?” деган ҳамлетона саволга жавоб ахтариб, ишни мактаб ва маориф тизимини ислоҳ қилишдан бошлашга киришдилар. Шу тарзда Қрим, Кавказ, Волга бўйи ва Ўрта Осиёда миллий уйғониш ҳаракати бошланди. Туркистон ва Озарбайжонда янги миллий адабиётга тамал тошини қўйган Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Аҳмад Жавод, Микоил Мушфиқ, Ҳусайн Жовид каби ёзувчилар ана шу миллий уйғониш тўлкинида дунёга келдилар.

Шу муборак санокдаги ёзувчилардан бири – буюк озарбайжон шоири ва драматурги, “Шарқ Шекспири” Ҳусайн Жовиднинг туғилганига бу йил 130 йил тўлади.

Ҳусайн Абдулла ўғли Расизода 1882 йил 24 октябрда Озарбайжоннинг адабиёт ва санъат гуллаб-яшнаган қадимий маданий марказларидан бири Нахичеванда дунёга келган. Отаси руҳониёт оламига мансуб бўлса-да, шеърят ва мусиқага ихлос қўйган, халқ йўлидаги қўшиқ ва ашулаларга завқи баланд кишилардан эди. Бўлажак шоир оиласини яхши билган Рухулла Охундовнинг маълумот беришича, у йиғчи (марсиячи) мулла сифатида юртдошларининг дафн маросимларида иштирок этган. Яна шу манбадан маълум бўлишича, Ҳусайн ёшлигида озарбайжонларнинг шахсей-вахсей деган маросимларида “новхонлик” қилиб, марсия айтган.

Дастлабки маълумотини шу ерда олган Ҳусайн 1891-1896 йилларда диний мадрасада таҳсилни давом эттиради. 1896-1898 йилларда мунаввар инсон ва истеъдодли мураббий Муҳаммад Тоғи Сидқийнинг “Тарбия” деган янги усул мактабида таълим олишда давом этади. Мактабни тугатгач, Эрон Озарбайжонидаги йирик шаҳарлардан бири Табризга бориб, “Толибия”

1 Шахсей-вахсей – шиа имоми – имом Ҳасанни хотирлаб йиғи-сиғи ва ўз танига қонли жароҳатлар етказиш билан ўтказиладиган маросим.

мадрасасида диний ва дунёвий билимини оширади. У мадрасада араб ва форс тилларини, шунингдек, мумтоз шарқ шеърятини ўрганиб, Яқин ва Ўрта шарқ шоирларининг дурдона асарлари яратилган тилда қалам тебрата бошлайди. У ўзининг дастлабки асарлари билан мадраса муаллимлари ва шу ердаги адабий-маданий муҳитнинг эътиборига тушади. Аммо мадрасанинг ним ёруғ хужрасида ярим тунга қадар китоб ўқиб, шеър ёзиш Хусайннинг сихат-саломатлига салбий таъсир кўрсатиб, кўзлари хиралашиб қолади. Ўқишни ташлашга мажбур бўлган Хусайн Нахичеванга, ота-онаси бағрига қайтиб бориб, хусусий мутолаа йўли билан билимини ошириш чораларини кўради.

Хусайннинг ёши улғайгани сайин ҳаёт кечириш шароити оғирлаша бошлади. Йигирма икки ёшга қадам қўйган йигит Грузиянинг Кахетия вилоятига бориб, бир корхонага хизматчи бўлиб ишга киради. У шу давр мобайнида топган маблағи ҳисобига кўзини даволатиш ва Истанбул университетида олий таълим олиш учун 1905 йилда Туркияга боради.

Айрим манбаларда айтилишича, Хусайн Туркияга биринчи марта 1903 йилда борган. Ёзувчи шу йилларда, муаллимликдан ташқари, шароит тақозоси билан тижорат ишлари билан машғул бўлган ва Истанбулга гилам олиб бориб, бир йил давомида ҳам гилам савдоси билан шуғулланган, ҳам турк шоири Ризо Тавфикнинг хусусий мактабида таълим олган. Хусайн 1905 йили Туркияга иккинчи марта борганида, устози Ризо Тавфикнинг тавсияси билан Истанбул университетининг адабиёт бўлимига ўқишга киришга муваффақ бўлади. Адиб шу йилларда машҳур турк шоирлари ва ёзувчилари билан, Туркияда кечаётган қайноқ адабий ҳаёт билан танишади, ўзи эса ижод қилишда давом этади. Афсуски, кўз оғриғи унга университетни тамомлаб, олий маълумотли мутахассис бўлиш имконини бермади. Адиб 1909 йили ватанига қайтишга мажбур бўлади.

Айрим манбаларда айтилишича, Хусайн 1909-1911 йилларда дастлаб Елизаветпол (Ганжа)да очилган диний семинарияда, сўнгра Тифлисте муаллимлик қилади. Бошқа манбаларда қайд қилинишича, у яна Нахичеванга қайтиб келиб, ўз уйида хусусий мактаб очади. Шоирнинг тергов пайтида берган маълумотларига қараганда эса, у 1911-1912 йилларда Бокуда эронийлар учун ташкил этилган ва озарбайжонлар ҳам таълим олаётган мактабда муаллимлик қилади. Бироқ моддий қийинчилик ва муҳтожлик яна унинг йўлида тўғанок бўлиб, Елизаветполга кўчиб кетади.

Юкоридагилардан аёнки, Хусайннинг 1917-1918 йилларга қадар кечган ҳаёти дарбадарликдан иборат. Шу сабабли шоир ҳаётига доир дастлабки даврда бир-бири билан уйғун бўлмаган, аксинча, бир-бирини рад этувчи фактлар анча-мунча. Аммо бир факт ҳар икки манбада бир хил талкин қилинган. Бу 1912-1913 йилларда Хусайннинг Елизаветполда мударрислик қилгани ва мадрасадан кетганидан сўнг Тифлисга бориб, форс тилидан дарс берганидир. 1937 йилдаги тергов пайтида берган маълумотига қараганда, Хусайн Жовид шу йилларда Тифлистан кейин хасталик туфайли Кахетияга бориб, темир йўлда табелчилик қилган. Сўнгра Ессентукига бориб даволанган.

Хусайн 1909 - 1911 йилларда Нахичеванда яшаётган пайтлари, биринчи сахна асари “Она” пьесасини ёзади. Орадан икки йил ўтгач, 1913-1914 йилларда эса энг машҳур асарларидан “Шайдо” ва “Шайх Санъон” пьесаларини яратади.

У 1915 йили Бокуга келиб, “Сафо” мактабида уч йил хизмат қилади. Рухулло Охундовнинг шаҳодат беришича, драматург шу йилларда “шоир ва янгича услубли турк тили муаллими” сифатида обрў қозонади. Адибнинг “Марол”, “Шайдо” сингари дастлабки тажрибалари унга анча шухрат келтирди. Хусайн 1918 йилда Бокуда арманлар туфайли юзага келган нотинч вазият туфайли аввал Табризга, сўнгра Нахичеванга бориб яшайди. Она юртидаги “Руштия” мактабида дарс берган кезларида эса Мишкиноз хоним деган гўзал киз билан танишиб, у билан турмуш куради. 1919 йилнинг ўрталарида Бокуга кўчиб келиб, озодликдаги умрининг сўнгги кунларига қадар шу ерда яшаб ижод қилади.

1918 йилда мустақил Озарбайжон Демократик Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган. Орзиқиб қутилган бу воқеа Ҳусайн Жовидга қанот бағишлади. У янги миллий таълим тизимини яратиш ишига завқ билан киришади. Афсуски, 1920 йили Озарбайжон Демократик Республикаси, худди Туркистон Мухторияти сингари, Россия қўшинлари томонидан тугатилади ва шоир қайноқ ижтимоий ҳаётдан четлаштирилади. Лекин педагог шоир самарали ижод қилиш билан бирга умрининг сўнгги 17 йилини Бокудаги муаллимлар семинарияси – дорилмуаллимин билан боғлайди. Кези келганда айтиш жоизки, Максуд Шайхзода шу дорилмуаллиминда Ҳусайн Жовид, Абдулла Шоик, Жаббор Афандизода, Мадина хоним Ғиёсбейли ва бошқа машҳур олим, ёзувчи ва муаллимлардан таълим олган. Озарбайжон илм-фани ва маданиятининг бу ёрқин юлдузлари унинг гўзал инсон, улкан шоир ва мутафаккир бўлиб улғайишига муносиб ҳисса қўшганлар.

Ҳусайн Истанбул университетида таҳсил олган йилларида ўзига “абადий”, “мангу” маъносини англатувчи Жовид тахаллусини қабул қилган эди. У гарчанд ҳаёт чоғида абადий дарбадарликка маҳкум этилиб, шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб яшашга мажбур бўлган эса-да, вафотидан сўнг номи абадий барҳаёт кишилар қаторидан жой олди.

* * *

Ҳусайн Жовиднинг биринчи шеъри 1906 йили Бокуда нашр қилинган “Фиюзат” журналида, “Кечмиш кунлар” номли илк шеърлар тўплами эса 1913 йили Тифлидаги озарбайжон босмаҳонасида чоп этилган.

Ижодини лирик шеърлар ёзиш билан бошлаган Ҳусайн Жовиднинг ҳаёт йўли жуда мураккаб кечди. У тақдирнинг қалтис ўйинларига қарамай, ҳаётсеварлик, кўтаринкилик руҳида ижод қилиб, озарбайжон шеърляти ва драматургияси тарихига романтик ижодкор сифатида кирди. Шарқдаги анъанавий йўналишда ижод этган шоирлар янглиғ, у ҳам фақат бир Тангрига сажда қилиб яшади. Бу Тангри Гўзаллик эди. У ҳатто бир шеърида руҳиятида ҳукмронлик қилган шу ажиб ҳолнинг тасвирини шундай чизган эди:

*Ҳар қулнинг жаҳонда бир паноҳи бор,
Ҳар аҳли ҳолнинг бир қиблагоҳи бор,
Ҳар каснинг бир ишқи, бир илоҳи бор;
Маним Тангрим гўзалликдир, севгидир.*

Ҳусайн Жовид шеърляти ва драматургияси саҳифаларини варақласангиз, ана шу Тангрининг ёниқ кўзларидан таралган нурларни кўргандек бўласиз.

Романтик ижодкор муҳаббат янглиғ ўлмас ва абадий мавзуларга, балки тарихий ўтмиш ва халқ афсоналарига мурожаат этганида ҳам, улар бағридан неқбин ва ҳаётбахш ғояларни сизиб олди. Шоирнинг “Кечмиш кунлар” ва 1917 йилда нашр қилинган “Баҳор шабнамлари” тўпламларига кирган шеърларда табиат фасллари гўзалигидан олинган завқ-шавқ билан бирга жамият ҳаётидаги нохуш воқеаларнинг шоир қалбидаги акс садолари эшитилиб туради. Шу нарса кизикки, бу шеърларда бўлажак буюк романтик шоиргина эмас, балки етук драматургнинг ҳам қалби уриб туради.

“Кечмиш кунлар”дан жой олган шеърлардан бири “Бокуда” деб аталган. Бу шеър Шафиқа ва Масъуд исмли икки ёшнинг суҳбати асосига қурилган бўлиб, улар нефть булоқлари фаввора янглиғ отилиб турган денгизга яқинлашар эканлар, кўнгилларида мамлакат ва халқ тақдири билан туташ орзулар жўш уриб туради. Шоир ёшларнинг шу дақиқадаги руҳий ҳолатларини, дилларида жўш урган ҳис-туйғу ва фикрларни ифодалашда кичик сахна асарига хос унсурлардан фойдаланади. Бу шеър муаллиф ремаркаси ва қаҳрамонларнинг диалогларидан иборат қурилмаси билан анъанавий

шеърдан кўра кичик сахна асарига яқинрок туради. Бинобарин, мазкур асарни муаллифнинг илк сахна асари, дейиш ҳам мумкин.

Шундай ёзувчилар бўладики, улар ўз ижодларини шеърый асарлар билан бошлаган бўлсалар-да, наср, драматургия ёки адабиётшунослик соҳаларига ўтишлари билан уларнинг қалбидаги шеърый олови сўнади-қолади. Хусайн Жовид драматургияда буюк ижодий ютуқларни қўлга киритиб, бир-биридан баркамол сахна асарларини ёзган пайтларида ҳам шеърыйнинг олов ёлли тулпоридан юз ўгирмади. У нафақат озарбайжон, балки форс тилларида ҳам лиро-фалсафий шеърлар ёзишни тўхтатмади, Одам Атонинг жаннатдан қувилиши тўғрисида “Хубути Одам”, кечмиш хотиралари билан йўғрилган “Ёди мозий” каби шеърый асарларини, “Озар” достонини ёзди. 1917-1937 йилларда эса драматургия соҳасида самарали ижод қилиб, “Ўпқон” (1917), “Иблис” (1919-1920), “Амир Темур” (1922-1924), “Пайғамбар” (1924), “Князь” (1929), “Сиёвуш” (1933), “Хайём” (1935), “Иблиснинг қасоси” (1937) сингари сахна асарларини яратди. Бу асарлар марказида қалбида ғайрат-шижоати қайнаб-тошиб турган, жиловсиз куч ва эҳтирос соҳиблари образи туради. Улар ўзлари яшаган даврга сиғмаган ва шу даврнинг қонун-қоидаларини бузишга шайланган кишилар бўлганлари сабабли бу асарлар заминиде ўткир конфликтлар ётади.

Хусайн Жовид драматург сифатида ранг-баранг мавзуларга мурожаат этиб, турли даврларда яшаган ва турли соҳаларга мансуб кишиларни ўз асарларига бош қаҳрамон қилиб танлаган. Агар унинг пьесаларидан бири Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридаги қаҳрамон – Сиёвушнинг мардона ҳаётига бағишланган бўлса, бошқаси ислом оламининг муқаддас сиймоси Муҳаммад Пайғамбар ҳақида ҳикоя қилади. Биз, ўзбеклар, шу нарса билан фахрланамизки, озар адабига илҳом берган, унинг машҳур асарларидан бирига бош қаҳрамон бўлиб хизмат қилган реал тарихий шахс Амир Темурдир.

У.Шекспир трагедияларида бўлганидек, Хусайн Жовид драмаларида ҳам икки қарама-қарши куч ўртасидаги кураш асарнинг кескин ва муросасиз конфликтини кучайтириб ва оловлантириб туради. Шундай ҳол Амир Темурга бағишланган драмада, айниқса, яққол кўзга ташланади. Бугун, орадан неча аср ўтгач, айрим тарихчилар Амир Темур билан Султон Боязид ўртасида муросасиз кураш бўлмаганида, Европа ва Осиё китъаларидаги давлатлар тақдиригина эмас, балки жаҳон тақдири ҳам бошқа ўзанда кечган бўларди, дейдилар. Инсоният тарихи шундай бир жараённи, унда қандай нохуш ва даҳшатли воқеалар рўй беришидан қатъи назар, камдан-кам ҳоллардагина бу воқеаларнинг олдини олиш имконияти бўлган. Амир Темур билан Султон Боязид масаласига келганда, турк султониининг ҳали ҳарбий юриш бошламаган Амир Темурга нисбатан ҳақоратли муносабати нафақат унинг шармандаларча мағлуб бўлишига, балки йилдан-йилга қудрат қасб этиб бораётган турк давлатининг заифлашишига сабаб бўлди. Хусайн Жовид асарда масаланинг шу нозик томонига алоҳида эътибор берган. Унинг талқинидаги Султон Боязид ўзига ҳаддан зиёд ишонган ва такаббурлик даражасига кўтарилган давлат раҳбари бўлса, Амир Темур давлат аҳамиятига молик ҳар бир муҳим тadbирни аввал донишмандлар муҳокамасига қўядиган ва улардан дуои фотиҳа олгандан сўнггина ақл ва сабот билан амалга оширадиган доно арбоб сифатида кўрсатилади.

Хусайн Жовид Амир Темур драмасида унинг образини яратиш учун шундай расмий ва норасмий машваратларни тасвирлайди. У Султон Боязидни енгиб, жаҳонни титратган саркарда образини фақат қизил ёки мовий бўёқлар билан тасвирлашдан йироқ. Биз унинг талқинидаги Темур образида соҳибқироннинг инсоний сажияси ва фаолиятидаги шафқатсизликни ҳам кўрамиз. Аммо драматургнинг бош мақсади ва бадиий нияти бунёдкорлик, юртпарварлик фаолиятига қаратилган.

Драмада Амир Темур Испания элчисининг буюк ҳокон ҳақида айтган сўзларини тинглаб, бундай дейди:

“Оврупполиларнинг тиллари бошқа, диллари бошқадир. Ҳар ҳолда мамлакатимиз арслонлар юрти, бургутлар маскани бўлиб қолмоғи лозим. Эҳтимол бу юрт дунёда энг порлоқ маориф ва маданият ўчоғи, энг нафис санъат ва тижорат маркази бўлиб қолгай. Ҳа, душманларимиз кўрсинларким, турк авлоди фақат босиб-қирмоқдан эмас, яшамок ва яшнатмоқдан ҳам завқ олур, ёлғиз ёқиб-йиқмоқнигина эмас, балки тиклаб-яратмоқни ҳам билур. Зеро, ҳозирга қадар яратганларимиз ҳеч нарса эмас. Булар фақат маданият сари ташланган бир одим, келажак учун ибтидо, холос. Биз бошлаган юмушларимизни келгуси авлод камолга етказгай. Ёлғиз беш-ўн шаҳар эмас, бутун мамлакат тараққиёт ва гўзалликлар учун намуна бўлмоғи лозим. Биз фақат бунинг тамал тошини кўюрмиз. Бу тамал тоши узра мухташам бинолар қурмак, бу диёрни гулларга буркамак... бу масъулият кейинги наслларнинг, саботли авлодларнинг зиммасига тушгай”.

Қандай буюк орзулар!.. Драматургнинг Амир Темур тилидан айтган бу сўзларини ўқир эканмиз, назаримизда, у шу сўзларни асрлар оша бизга қарата айтаётгандек, ҳозир мамлакатимизда рўй бераётган бунёдкорлик ишларини башорат қилаётгандек кўринади.

Бу драматург Амир Темур образи моҳиятини тўла ва чуқур оча билганининг гўзал самарасидир.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, XX аср бошларида Озарбайжондаги миллий-озодлик ҳаракатининг Муҳаммад Эмин Расулзода, Алибек Хусайнзода, Аҳмадбек Оғаев сингари намояндалари Амир Темур образига мурожаат этиб, уни туркий дунёнинг улуғворлигини ифодаловчи тимсол сифатида тасвир этганлар.

Хусайн Жовид Амир Темур образини яратиш иштиёқи билан яшаган йилларда бу улуғ давлат арбобига сиёсий муносабат ёмон эди. Шунинг учун ҳам у ўз асарини ёзиш жараёнида ҳукмрон шўро мафкураси қаршилигига дуч келади. Аммо у томошабинлар ўртасида ҳам, санъат ва адабиёт аҳли ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлганлиги туфайли Амир Темур образини босқинчи сифатида талкин қилиш ҳақидаги таклиф ва талабларни мардона рад этади. Боқарида нашр қилинган “Коммунист” газетасининг 1925 йил 15 ноябрь сонидан берилган хабарга қараганда, асар Д.Буниётзода номидаги драма театрида сахна юзини кўрган. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, ҳукмрон кучлар драмада Амир Темур образи ҳаддан зиёд идеаллаштирилган, деган айб билан спектаклни сахнадан олиб ташлашга муваффақ бўлганлар. Орадан бир йил ўтгач, 1926 йилда Озарбайжон академик театри “Амир Темур”ни қайта сахнага қўяди. Спектаклдаги бош ролни машҳур артист Сидқий Рухулло катта маҳорат билан талқин этиб, томошабинлар таҳсин ва олқишларига сазовор бўлади. Яна шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, Хусайн Жовиднинг бу тарихий драмаси 1983 йилда Озарбайжон телевидениесида экранлаштирилди ва шу телеспектаклда истеъдодли артист Гамлет Хонизода ўз маҳоратини ёрқин намойиш этди.

* * *

Хусайн Жовиднинг “Пайғамбар” ва “Амир Темур” драмалари асосида яратилган спектакллар Озарбайжоннинг 20-йиллардаги маданий ҳаётида катта воқеа бўлган. Спектакль тугагандан сўнг драматург, томошабинларнинг истак-хоҳишларига кўра, сахнада кўриниши билан зал “гулдурос ва узок давом этган олқишлар”дан ларзага келган. У шу йилларда “Кавказнинг энг машҳур ва шон-шухратли шоири” сингари норасмий унвонларга муяссар бўлган. Аммо “пролетариат адабиёти”ни яратиш иши шиддат билан кечаётган пайтда унинг тарихий ўтмишга бағишланган асарлари, айрим адабиётчиларнинг назарида, “замонавий мавзулардан узоклашиш” эди. “Пролетар” шоир ва танқидчилари ўз найзаларининг заҳарли тилини “феодал ўтмиш куйчиси”га қаратадилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

158

1920 йилдан бошлаб Озарбайжон давлат университетида устозлик қилаётган Хусайн Жовид 1926 йили расман нафақага чиқиб, фақат театр техникумидагина педагогик фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлади.

Хусайн Жовид 1926 йили Озарбайжон Маориф халқ комиссарлиги йўлланмаси билан “замонавий Европа адабиётини ўрганиш ва даволаниш мақсади”да Германияга бориб, 10 апрелдан 1 октябрга қадар Ҳёте ва Шиллер ватанида бўлади. Бу, машҳур драматургнинг сўнгги хорижий сафари эди. 30-йилларнинг ўрталарида Рухулло Охундов форс тилини мукамал эгаллаган Хусайн Жовидни Умар Хайём шеърларини таржима қилиш учун Озарбайжон Фанлар академиясига таклиф қилади. Драматург бу таклифни фақат бир шарт билан қабул қилади. Унинг шарти эса Эронга – Умар Хайём ватанига ижодий сафар билан бориш эди. Аммо бу шарт бажарилмайди. Улуғ Хайём шеърларини озарбайжон тилига таржима қилиш режаси ҳам амалга ошмай қолади.

Вазият йилдан-йилга мураккаблашиб, шўро давлатининг тазйиқ ва таҳдид машинаси шиддат билан ишлай бошлаган йиллар... Хусайн Жовид яқинлашиб келаётган “қиёмат”ни олдиндан сезиб, бошланажак даҳшатли воқеаларни “Иблис қасоси” номли сўнгги драмасида башорат қилди. Айни вақтда туркий халқлар эпосига мурожаат қилиб, Кўрўғлига бағишланган драма ёзишга бел боғлади. Аммо машғум давр шу асарнинг якунланишига имкон бермади. Хусайн Жовид 1937 йил 4 июнда, ярим кечаси, НКВД ходимлари томонидан қамокка олинди. Шу кун унинг тақдири қаламкаш биродарлари Аҳмад Жавод билан Микоил Мушфиқнинг ҳам бошига тушди.

Хусайн Жовид буюк тарихий ва афсонавий шахслар ҳақидаги асарлар муаллифигина эмас, ўзи ҳам улар сингари кучли, қаноатли, ўта иродали шахс эди. Унинг иши бўйича тергов 711 кун узлуксиз давом этади. У ўзига қўйилган айбларни тан олмай, кучли иродасини намоиш қилади. 1939 йилнинг ўрталарига қадар Хусайн Жовид иши бўйича ҳукм чиқариш мумкин бўлмайди. Ниҳоят, 1939 йил 9 июнда СССР НКВД қошидаги Махсус кенгаш уни 8 йиллик қамок жазосига ҳукм қилади. Буюк шоир ва драматург 1941 йил 5 декабрда Тайшет яқинидаги “Мехнат-тузатув лагери”да вафот этади.

Озарбайжон халқи 1956 йил 6 мартда сеvimли адиб окланишига муваффақ бўлди. Шу вақтдан бошлаб унинг асарларини нашр қилиш, драмаларини қайта сахналаштириш имконияти туғилди. 1981 йили Хусайн Жовиднинг 100 йиллиги муносабати билан унинг уй-музеи ташкил этилди. 2002 йилда уй-музей ўз фаолиятини 1920-1937 йилларда ёзувчи яшаган кўркем бинонинг 3-қаватида бошлайди. Адиб хоки дафн этилган Нахичеванда эса муҳташам макбара барпо этилди.

Бу дунёи азимни икки қудратли куч бошқариб туради. Уларнинг бири Муҳаббат, иккинчиси эса Нафратдир.

“Амир Темур” драмасида Шоир ўзининг ҳам, соҳибқироннинг ҳам дил сўзларини ифодалаб, Султон Боязидга қарата бундай дейди:

“Ш о и р (*самимий ва жўшқин оҳангда*). Муҳаббат! Муҳаббат! Зотан, бутун башариятни халос этадиган ягона нарса – муҳаббатдир. Муҳаббатга асир бир чўпон қалби кин ва адоватга тўлган султон қалбидан буюк ва шарафлидир. Агар дунёнинг шонли юришлари, қонли урушлари оқибат-натижада бир муҳаббат, башарий бир муҳаббат туғдирмаса... бутун ҳаётга, бутун коинотга нафратлар бўлсин!” (*кўчирма Усмон Кўчқор таржимасида келтирилди*).

Бу буюк сўзлар асарда гарчанд шоир Кирмоний тилидан айтилган бўлса-да, у инсоният тарихини яхши ўрганган, муҳаббат ва нафрат кучини ўз ҳаётида синовдан ўтказган буюк Хусайн Жовид калбидан отилиб чиққани шубҳасиздир.



Сергей ЕСЕНИН



Сергей Есенин менинг болалик дўстим десам хато бўлмас. Ҳассос шоир ижодини мактаб ёшимдан яхши кўриб, талабалик йилларда таржималар қилганман. Мени адабиётга олиб кирган устозларимдан бири ҳам Сергей Есенин. Мана, “Жаҳон адабиёти” журналининг чорлови билан ўша ёшликдан кўнглимга жо бўлган еллардек шўх, шабнамдек тиниқ, ойдек ёруғ ва ғамнок сатрларга қайтмоқдаман. Есенин каби истеъдодлар ҳамма замон, ҳамма халқларнинг кўнгли мулкидир. Ўз она юртини Есениндек севган, кенгликларига ялангоёқ югуриб, қайғу-ғамларига фарёд чеккан эрка ва дардли шоир дунёда кам. Болалик тасаввуримда у мен учун ўзбек шоири эди, бугун ҳам шундай. Уни мен таржима қилмадим, у

ўзи шеърларини ўзбек тилида шивирлаб қулоғимга айтиб турди. Азиз ўқувчим, зора сиз ҳам шундай ҳис қилсангиз, деган орзуда уларни ҳукмингизга ҳавола қилдим.

Таржимон

БЕЗОРИМАН ҚЎШИҒИМДА ХАМ

* * *

Бизлар аста кетаётимиз –
Ҳаловатли сокин юртларга.
Фурсат балки менда ҳам тиғиз,
Отланишим керак сафарга.

Она замин, қум босган даштлик,
Оқ қайинзор ўрмон, чаманлар!
Юрагимда уйғотар ғашлик
Гала-гала кетаётганлар.

Мен бу ерни жуда севардим,
Суйдим бунда нимаки бўлса.
Севар эдим қарағайларим
Шафақ тушган сувга термулса...

Кўп хаёллар сурдим осуда,
Кўп қўшиқлар қилгандим ижод.
Шу замин, шу юрт оғушида
Бор бўлганим учун эдим шод.

Бахтли бўлдим кизларни ўпиб,
Чечакларни эзгилаб юрдим.
Ҳайдамадим итларни тегиб,
Уларни ўз укамдек кўрдим.

У юртларда йўқ бу чаманлар,
Оққуш бўйнин чўзмас жавдарим.
Шу сабаб ҳам кетаётганлар
Дилга титроқ солгувчи дардим.

Тополмасмиз ҳеч у томонда
Бу поёнсиз ўтлоқлардан из.
Шу сабабдан фоний жаҳонда
Яшаганлар мен учун азиз.

ВАТАН

Эй ватан, янги уйсан,
Томлари тилло.
Қулун отсан, кишнайсан,
Эшитар дунё.

Кенгликларинг сайр этсам,
Ғурурим баланд.
Шўх, бебошман, жон ўлкам,
Ўзингга монанд.

Тану руҳим чиниққан
Кўча жангида.
Куй айтар менга эман
Юрт оҳангида.

Севаман бор ёмонинг,
Ғуноҳларинг ҳам.
Тўлдириб шарқ осмонинг
Юлдуздай ёнсам.

* * *

Девор тагин паналаб келиб,
Ўтлоқ ичра сингир шаббода.
Мен киссавур, безори бўлиб
Ўтажакман ёруғ дунёда.

Кун уфқлар ортига ботган,
Келар ундан чорлагувчи сас.
Бу оламда йўлин йўқотган,
Дайдиб юрган битта мен эмас.

Далаларга далалар туташ,
Бошдан оёқ оппоқ қор босмиш.
Хоҳ литваний бўлай, хоҳ чуваш,
Ҳамма каби менда ҳам ёзмиш.

Умрим менинг сирларга ошно,
Ишонаман, мўъжизалар бор.
Адашган бир йўлчидек гўё
Қайтиб келар Исо халоскор.

Ишонаман, у келар қайтиб,
Дийдорига балки етарман.
Ё кўрсам-да сархуш тиржайиб,
Танимасдан ўтиб кетарман.

Кўзларимда ёш қуригандек,
Умид кўқдан овунчлар тўкмиш.
Лекин шодлик мовий тумандек
Қоронғулик қаърига чўкмиш.

Юрак тўла ғашлик ва малол,
Биттагина орзум бор энди:
Тор кулбамга кирса-да шамол,
Ер тепиб бир рақс тушса эди.

* * *

Шафқатсизга ҳамма нарса бор,
Раҳмдилнинг насиби – алам.
Энди менга нима ҳам даркор,
Ачинайин энди кимга ҳам?

Раҳмим келар дайди ит кўрсам,
Раҳмим келар ўзимга бироз.
Кўнгил мени қадам-бақадам
Майхонага келтиргани рост.

Эй шайтонлар, кулманг бировга,
Шу ватанга бегонами биз?
Ё сиз шимни қўйиб гаровга,
Бир шиша май олмаганмисиз?

Деразадан қарайман бир дам,
Рўпарамда ёлғизоёқ йўл.

У ҳам мендек кимсасиз, пурғам,
Кўз ёшига ғарқ бўлгандек хўл.

Ана, ўйнаб юрар болакай,
Тош ирғитса, ўшанга хурсанд.
Унда ҳам бор ташвиш, ҳарқалай,
Тинмай бурун ковлаш билан банд.

Бу ишингни ташлама, бола,
Чуқурроқ сол бурнингга бармоқ.
Ўйнаб, зинҳор шу кир қўл билан
Ўз қалбингни кавлама бироқ.

Ўйлаб кўрсам, мен ҳам боламан,
Кўчаларда тентираб бу кун –
Тиқин пўкак териб оламан
Қалб оғзини беркитмоқ учун.

* * *

Эй сен кўхна, сеҳрли қишлоқ,
Эй сиз, унинг сўқмоқ йўллари.
Сизни бўғиб турибди бу чоғ –
Шоҳ кўчанинг метин қўллари.

Хуркак далам, қор кўзгусига
Термуласан, кўксимда тугун.
Ўз ажалим рўбарўсига
Салом бериб чиқаман бугун.

Яраланган охудек қишлоқ,
Ўлаксахўр куш каби шаҳар.
Ўтлоқларнинг сийнаси юмшоқ,
Симёғочлар найзаси заҳар.

Табиатнинг нозик оқ бўйнин
Тутар қора чўян бармоқлар,
Нима бўпти! Ажал ўйинин
Кўп кўрган бу кўхна ўтлоқлар.

Кўп ёв босган, бу навбат шаҳар,
Қуритмоққа келди шўрини.
Худди шундай қуршаб овчилар,
Тўрт тарафдан отар бўрини.

Ана, сайёд мўлжаллаб овни,
Тепки босмоқ бўлгани замон –
Сапчиб, икки оёқли ёвни
Ғажиб ташлар бўри беомон.

Ваҳший дўстим, бил, сен томонман,
Қалб ёввойи руҳингга ошно.
Мен ҳам сендек қувғинди жонман
Темир юрак рақиблар аро.

Бугун улар ғолиб ва мамнун,
Қуршаб мени қўйдилар ночор,
Лек ёв қонин ичмоққа бир кун
Сўнги карра сапчимоғим бор.

Адо бўлсам паймонам тўлиб,
Қуйлаб қолар ёввойи созим.
У соҳилдан алқасос бўлиб
Увлар менинг дардли овозим.

* * *

Йиғламасман, қилмасам фиғон,
Ўтган ўтди, афсус айтмасман.
Олтин сочди бошимдан хазон,
Мен ёшликка энди қайтмасман.

Аввалгидек ўт олиб, шайдо –
Ёнмас чўғи совуган юрак.
Энди мовий кенгликлар аро
Ялангоёқ чопмасам керак.

Юрагимга чўкди ҳазинлик,
Йўқ у шодон, шўх-шўх сўзларим.
Қани ёвқур, мард ўспиринлик,
Қани завққа тўлган кўзларим?

Энди орзу-ҳавасларим кам,
Тушмиди ё ўнгмиди ҳаёт?
Кенг даладан бамисли кўклам
Ўтгандекман миниб учкур от.

Вафосиздир ўткинчи гардун,
Дунё билан хайрлашган он –
Яшаганинг, кўрганинг учун
Рози бўлиб шукур айт, инсон!

БЕЗОРИ

Тол баргагин ювганда ёмғир,
Япроқ юлиб ўйнар шаббода.
Юрак ҳам шўх, эрка шамолдир,
Безориман ёруғ дунёда.

Поёнсиз Рус, яшил Россиям,
Ахир мен бир куйчи боланг-да.
Бу жонивор шеъримни мен ҳам
Ялпиз бериб боқдим далангда.

Ой хумчаси фалакда гўё
Қайин сути билан тўладир.
Қора черков сукунат аро
Томоғимдан бўғмоқ бўладир.

Аммо кўркинч билмас бу жоним,
Шарпаларга тик боқар кўзим.
Томиримда қароқчи қони,
Бир йўлтўсар ўғриман ўзим.

Чечак териб, кўнгилни хушлаб
Юрганимга кулиб қарашар.
Асли менга ойболта ушлаб,
Йўлда одам овлаш ярашар.

Энди нетай, қочай қай ёққа,
Шеър даштида қувғинди бошим.
Маҳкум бўлдим айлантирмоққа
Достонларнинг тегирмон тошин.

Булажабдир дунё ишлари,
Шоир бўлмоқ экан пешонам.
Куйла, шамол, сендек сарсари
Безориман кўшиғимда ҳам.

*Рус тилидан
Эркин ВОҲИДОВ таржималари*





Сирожиддин САЙИД

ДОҒЛАР КЕТМИШ МАЖРУҲ КЎНГИЛДАН ЁХУД ХУРОСОНДА БИР ДАРВОЗА БОР

1975 йилнинг қаҳратон қиш палласи. Қишки имтиҳонлар чилласи ҳам яқинлашиб қолган. Ҳозирги “Ёшлар”, ўшанда Талабалар шаҳарчасидаги 2-ётоқхонанинг журналистика факультети талабалари жойлашган учинчи қавати. Қишин-ёзин “виз-виз” елвизак эсадиган узун йўлакнинг катта кўчага қараган деразаси олдида уч-тўрт талаба ёшлар (ўзимизча ҳаваскор шоирлар) шеърхонлик қиляпмиз. Бир маҳал бизнинг “гангур-гунгур” имизни эшитибми ёки назмий мажлисимизга кизиқибми, яқин хужралардан бирининг эшиги очилиб, ўрта бўй, сочлари ҳам, қошлари ҳам қуюқ ва қоп-қора хушрўйгина бир йигит биз томонга юриб кела бошлади.

— Акрамжон, — дея таништирди йигит ўзини. — Учинчи курсдан. Шеър ўқиясизларми?.. — деди-да, кейин бизни ажаблантириб, “Бўлмаса, эшитинглар” дея кўзларини юмиб олди-ю, дабдурустдан шеър ўқишга тушди:

*Бу дунёда мен бир йўловчи,
Шодон менга қўл силки, эркам.
Худди шундай тинч, эркаловчи
Зиё тўқар қуз фасли ой ҳам.*

*Исинурман ойнинг тафтига,
Илк бор ундан ором олур жон.
Аллақачон сўнган севгига
Умид боғлаб яшайман ҳамон.*

Акрамжон бизни том маънода ҳайратлантирган шеърни охиригача айтиб бўлгач, кўзларини очди. “Шеър

мана бунақа бўлади” дегандай синчковлик билан ҳаммамизга бир-бир қараб олгач, бир шеър билан бизни забт этганига ишонч ҳосил қилиб, кўзларини аввалгидай яна юмиб олди-да, давом эттирди:

*Шаҳинам, о менинг Шаҳинам,
Дединг, шимол Ватандир менга.
Далалардан сўйлайми сенга,
Ой нур сепган бошоқлардан ҳам,
Шаҳинам, о менинг Шаҳинам.*

Гўзал шеър, шеърдаги нозаниннинг гўзал, сеҳрли исми ва бундай дилбар сатрларни битган саодатли шоирнинг кимлигидан беҳабарлигимиз, бизни бирданига маҳв этган бу назмий ҳайрат қаршисига юпунгина шеърни даврамиз жуда ғариб ва нурсиз кўриниб кетди. Акрамжон бўлса ҳамон кўзларини юмганча, “ғалаба” нашидасидан маст бўлиб, янада дадилроқ ва ифодалироқ оҳангда шеър айтарди:

*Гўдакликдан маълум ҳар одам,
Бола бошдан деган гап тўғри.
Мабодо мен шоир бўлмасам,
Бўлар эдим безори, ўғри.*

*Жиккаккина шум бола эдим,
Тенгдошларим ичра “қаҳрамон”.
Қайтар эдим кўчадан доим
Бурним пачоқ, усти бошим қон.*

Ушбу шеърни алоҳида завқ билан ўқиган Акрамжон ҳар тўртликдан сўнг кўзларини бир очиб олиб бизга

назар ташлаб кўяр, шеърнинг: “*Болалигим кетди борини — Сагларда қолдириб бутун, Шеърларимда шум безорининг Хислатлари акс этар бу кун. Мағрурлигим ҳамон қолмаган, Ҳамон баланд ўтли кўкрагим. Болаликда бурним қонаган, Бугун эса қондир юрагим*”, — деган жойларини эса кўзларини юммасдан, ҳаммамизга бир-бир разм солиб ўқиди. Биз ўзимизни кандайдир безорилар тўдаси аро муштлашаётган, оғиз-бурнимиз қон ҳолда кўрар, шеър шуоирликдан бенасиб, худди хозир ўғриказзоблар галасига кўшилишиб кетаётгандек ҳис қилардик. Бу шеър бир лаҳза ичида бизнинг кўз ўнгимизда кенг ва қатта дунёни тенг иккига бўлди қўйди: Ё тўғрилиқ, ё ўғрилиқ.

Бутун олам музлаб ётибди, талабалар шаҳарчаси уйқуда, тунги йўллар қаҳратоннинг қиличларидек ярқирайди, дарахларнинг шохчалари кўл тегса карсиллаб сингудек музлаган, биз эса уч-тўрт юпун йигитча учинчи қаватнинг очик ойнаси олдида дийдираган дунёни иситмоқчидай бўлиб шеър ўқиймиз, шеър тинглаймиз. Акрамжоннинг ҳам бу ялдо кечасида ҳаргиз кириб кетгиси йўқ, вақт алламаҳалда ўртадаги эшиклардан бири очилиб, қуюқ ёйилган сочлар йўлакка соя солиб кўринди. Тундан ҳам қора сочлар орасидан уйқусираган ойимқизнинг “Уйқу берасизларми йўқми?!” деган нозу фирокли овозидан сўнг, учинчи қават яна ўзимизга қолди.

*Ўн беш ёшда бир қиз
Жигардан урди.
Ҳаёл дарёсида
Сузардим мафтун.
Дер эдим, у гўзал
Хурларнинг хури
Менга хотин бўлар
Вақт келиб бир кун.*

*Шоирлик дардига
Дучор бўлдим
Юрт кезиб кўнгулга
Изладим таскин.
На висол шавқ берди,
На ҳижрон, қайғу,
Ҳаёт алдоқлари
Қуритди ашким.*

Энг хайратланарлиси, Акрамжон шунча шеърни тутилмасдан, адашмай, сагларни чалкаштирмай ёддан ўкиб берар эди. У айни пайтда шоирлик ҳадисини обдон олган тажрибали устоздек, балки ўзи билмаган ҳолда ўқиётган шеърлари билан бизга шоирлик илмидан ҳам сабоқ бериб борар, ҳаётнинг, шеър ва шоирликнинг ранжу машаққатларидан вокиф этаётгандек эди: “*Менинг шоирлигим бир пул ўзимга, Менсиз ҳам шеърбознинг уруги сероб. Ўлсам ҳайкал қўйманг Рязанда менга, Ҳаста бу руҳимга солманг изтироб. Кўрамиз, ким бўлур бу жангда голиб. Янгради қишлоқнинг шаён мадҳияси. Нозик салонларни ларзага солиб Шеърим билан кирди Рязань бияси*”.

Шу сонияларгача шеърларнинг муаллифини ошқор қилмай, Акрамжон уни жўрттага айтмай келаётган бўлса-да, кейинги парчадаги “Рязань” сўзи бизни озроқ сергаклантиргандай бўлди. Таниш оҳанглару соғинчлар, мактабда рус адабиёти муаллимамиз Ирина Павловна завқу хаяжон билан шеърларини ўрис тилида ўкиб берган қайсидир шоирни ёдга солса-да, бироқ бунақанги ўзбекчасини эшитмаганимиз учун номини сираям эслаёлмадик.

— Энди “Аёлга мактуб” деган шеърни эшитинглар, — дея Акрамжон ниҳоят шеърнинг ўзи билан шоирнинг кимлигини ҳам охирида маълум қилди. Шеър жуда узун эди, ўқигувчи уни меҳр ва соғинч, алам ва изтироб билан, охиригача бекаму кўст, чин юракдан айтиб берди. У қандай ҳолатда айтилган бўлса, биз ҳам худди шундай ҳолатларга тушиб тингладик, қабул қилдик. Бу шеър ҳаётнинг айрилиқ ва алдоқлари ҳали даҳл қилмаган бизнинг булғанмаган қалб ва тасаввуримиз учун янгилик эди. Олдинда биз учун яшамокнинг кўп синоату синовларидан ташқари муҳаббат имтиҳонлари, севмоқ ва севилмоқ, висол ва ҳижрон азоблари ҳам борлигини маълум маънода “Аёлга мактуб”дан англагандай бўлдик:

*Ўша кун албатта
Ёдингиздадир,
Бурчакда қисилиб
Ожиз турганим.*

*Ғазабнок эдингиз
Ва голят оғир —
Сўз билан урдингиз
Бетимга маним.*

*Сизни ёдида
Доим сақлагувчи
Сергей Есенин.*

*Дедингиз:
Бас, етар,
Ажрамоқ керак,
Бетартиб умримдан
Тоқатингиз тоқ,
Изламоқ бўлдингиз
Оқилроқ эркак,
Менинг қисматим-чи,
Тубанлаб кетмоқ.*

Қаҳратон қиш билан совуқ тун аро, талабалик ётоқхонасининг учинчи каватидаги катта кўчагами, дунёгами қараган дераза олдида туриб Акрамжон ҳам, биз ҳам ҳали билмасдикки, жуда қисқа муддат ичида биз бу шеърлар жамланган бутун бошли тўпламни бир симиришда ёд оламиз. Бу шеърлар билан қанчадан-қанча талабалик оқшомларини иситиб, назмий давралару учрашувларга файз киритамиз. Уларни ёзган шоир ўз оғамиздай яқин, шеърлари эса сингилларимиз мисол бизга азиз ва қадрдон бўлиб қолишини биз ҳали билмас эдик.

Акрамжон шеърнинг “Севгилим, мен учун қийналдингиз кўп, Ғамгин кўзингиздан сезардим буни. Ахир мен шаробга бош билан чўкиб, Ғавгосиз ўтмасди бирор-бир куним”, деган сатрларини ўқиётимиз, “Сизлар ҳам эҳтиёт бўлинглар” дегандай бизга маъноли қараб қўйдим. Кейин худди ўзи шу ҳолатни бошдан кечираётгандай, бу савдолар ўзининг бошига тушган мисол дард ва изтироб билан “Аёлга мактуб”га яқун ясади.

*Мен тамом бошқаман,
Ёр бўлсам буқун
Сизни қийнамасдим
Балки у қадар.
Шонли меҳнат учун,
Эрк ва бахт учун
Боришга тайёрман
Ла-Маншга қадар.
... Майли, яшанг янги
Ёрнинг олдида,
Бахтли бўлинг, шудир
Тилагим менинг.
Сизга салом билан,*

Шу нуқтада ўша тунги “Шеърят кечаси” ниҳоясига етди. Акрамжон асли водийлик экан. Сермулоҳаза, оғир ва камгап бу йигитни ҳеч ким бир қарашда шунча шеърни ёддан билса керак деб ўйламасди. У биз билан хайрлашаётимиз “Мен ўқиган шеърлар Сергей Есениннинг устоз Эркин Воҳидов таржимасидаги “Замин дарғаси” китобида бор. Бу тўпламни ҳозир ҳам баъзи китоб дўконларидан топиш мумкин. Шеърга қизиқар экансизлар, сотиб олсанглар зиён қилмайди”, дея ухлагани кетди. Бирок ўзи билмаган ҳолда бизни бедор этиб, шеърини хужайраларимизни уйғотиб кетди.

Кейин мен бу китобни топиш бахтига мушарраф бўлдим. Узоқдан эмас, шундоқки “Эскижўва” бозорининг ичидаги китоб дўконидан, қишлоқ хўжалиги ҳақидаги кўп рисоалару қўлланмалар орасидан ярқ этиб чиқиб қолди-ку! Тахт теккан гадодай хурсанд бўлдим. “Ичкарида ҳам бир-иккитаси бор эди” дея сотувчи опа яна иккита китоб олиб чиқди. Жўраларимга совға қилдим. Кейин ўзимникини ўғирлатиб қўйдим. Таътилга борганда Сариосиёдаги китоб дўқониға кирсам, қай кўз билан кўрайки, биттагина “Замин дарғаси” бурчақкинда мени кутгандай зангоргина бўлиб турибди. Шаҳаншоҳлик яна насиб этганидан беҳад мамнун эдим. Қисқа фурсат ичида китобдаги “Ҳаёт йўлим”, “Синглимга хат”, “Аёлга мактуб”, “Ўтаётган Русь” сингари ҳажми анча катта шеърларни, “Форс тароналари” туркумининг ҳаммасини, “Ит ҳақида дoston”, “Қачаловнинг итига”, “Тонгда мени уйғот эртароқ”, “Бу дунёда мен бир йўловчи”, “Хайр энди, хайр, дўстгинам” сингари ўнлаб шеърлару “Анна Снегина” дostonининг бир қисмини ёдлаб олдим. Мушоираларда Есенин шеърларини Есенинона баралла ёд ўқишларимни талабалар олқишлар билан кутиб оладиган бўлишди.

Биринчи курсни тугатиб, ёзги таътилнинг охириги кунларини уйимизда

Сариосиёда ўтказдим. Ҳарбий хизматга кетган акамдан мулк бўлиб қолган “VЭF-12” радиоприёмниги ҳар кеча менга ҳамроҳ. Ойбиби момомларнинг ҳовлисидан ташқарида, болалигимизда мактаб стадиони бўлган майдондан кафтдеккина чимзор қолган. Ҳар кеч шу чимзорда ўтириб, “Адабий эшиттиришлар”ни тинглайман. Ерда чимзор устида, менинг ёнбошимда “VЭF”нинг биттагина яшил юлдузи хира нур сочади. Бир кеча “VЭF”нинг қулоғини бурашим билан адабий эшиттиришларни билдирувчи даракчи мусиқа тинди-ю, сокин маромда, оғир ва ширали овозда шеър янграй бошлади:

*Доглар кетмиш мажруҳ кўнгилдан,
Маст васваса кўзгамас тугён.
Мен дардимга Техрон гулидан
Чойхонада тополдим дармон.*

Таржималарни мутаржим устоз Эркин Воҳидовнинг ўзлари ўқимокда эди. Шеърлар қандай меҳр ва ҳарорат билан таржима қилинган бўлса, устоз тилидан худди шундай илиқлик ила янграмоқда эди.

Бу шеърятнинг мовий, зангор, заъфар ва фусункор оҳанглари мени ҳам бутунлай ғарқ этиб юборди. Рангин оҳанглару жозиб тароналар бир умрга мафтун этдилар. Мен — қалби жўшиб-жимирлаб турган ўсмир йигитча боқиб турган серюлдуз самонинг Шероз осмонидан кам жойи йўқ эди, заъфар ё мовий юрт деса арзигулик гўзал диёрнинг боласи эдим. Пастки қаратегинлар яшайдиган қишлоқдаги Зумрад, Латофат, Наргиз исмли париваш қизлар дилрабо юзларини ҳали ҳам инқоб остида пинхон тутар эдилар. Уларнинг катта-катта, қора-қора чиройли кўзлари бор эди. У кўзлар хотиротнинг кўп қаватли пардалари аро, неча йиллар ўтса-да, ҳозирга қадар аҳён-аҳён кўриниб кўядилар.

“Замин дарғаси”. Муқоваси ярим қайинзор, ярим зангор осмонни эслатувчи кафттекина китоб. Тушқун, қийин пайтларимда менга ҳамдам, қанча нурсиз кечаларимга зиё бахш этган, ёлғиз, изтиробли лаҳзаларда таскин-тасалли бериб, дўсти кадрдоним бўлган тўплам. Устоз Эркин Воҳидов бу

таржималарга том маънода бутун истеъдоди, ёшлигию меҳр-муҳаббатини, бор маҳорати билан ҳароратини сарфлагани ҳар бир шеърдан уфуриб туради. Ўзбек ўқувчиси бу шеърларни аслиятда ҳам ўқиши мумкин, бироқ уларда ўзбек тилидаги таржималардан баҳраманд бўлгани ўзбекона зарофат билан лаззатни топиши дарғумон.

Ҳозирги кунда Есениннинг китоблари ўзининг юртида уч минг, нари борса беш минг нусхада чоп этилмоқда. Тасаввур қилинг, “Замин дарғаси” ўша пайтда (XX асрнинг 1971 йили) бизда ўттиз беш минг нусхада нашр этилган. Шунча оммавий аҳадга қарамасдан, китоб қисқа муддат ичида сотилиб бўлинди. Уни сўраб юрганлар ҳозир ҳам учраб туради. Бутун бир шоирлар авлодини тарбиялаган, ёшу ўрта ёшли ижодкорларнинг назмий дид ва савиясини шакллантиришда чинакам адабий воқеа бўлган бундай китобларнинг сеҳри ҳам, қиймати ҳам йиллар ўтгани сайин кучайиб, ортиб бораверади. Рауф Парфидан тортиб, Муҳаммад Юсуфгача, Тилак Жўра, Муҳаммад Раҳмон, Усмон Азимдан то бугунги шеърятимизнинг навқирон вакили Шодмонқул Саломгача — кўпчилигимиз бу “олтинсоч, мовий кўз ўрис” шоири қолдириб кетган, ўзбек шоири ўзбекона миришкорлик билан парвариш этган қайинзор боғнинг ҳаётбахш ҳаволаридан баҳраманд бўлганмиз. Мисол учун, Тилак Жўранинг “Жўрангга ҳам қилмади вафо Сени хароб қилган оққушлар”, Муҳаммад Юсуфнинг “Онамга мактуб”, “Синглимга хат” сингари қатор шеърлари айнан Есенин оҳанглиридан илҳомланиб ёзилган.

Маълумки, шоир ўз сози, ўзининг овози билан шоир. Ҳақиқий истеъдодлар билан бирга уларнинг “садоқатли” тақлидчилари ҳам адабиётда абадийдир. Шу маънода Есениннинг ўша йилларда адабий жамоатчилик орасида жуда машҳур бўлиб кетган, ҳатто катта ҳофизларимизнинг қўшиқларигача кириб кетган “Ўзгаларнинг овози билан Тўтиқуш ҳам бийрондир, аммо — Куйла фақат ўз созинг билан Қурбақадек бўлса ҳам ҳатто” деган сатрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Адабиётда бутун бошли мактаб —

тажриба ва маҳорат мактаби ўрнини босадиган китоблар бўлади. “Замин дарғаси” ҳакли равишда шеърятимизда ана шундай баланд мақомни шараф билан бажарган, шу мавқеини бундан кейин ҳам сақлай оладиган китоблардан саналади. Дунёнинг ланг очик дарвозаларию “Интернет” отлиги “ойинайи жаҳоннамо” си каби кенг имкониятларга мушарраф бўлган бугунги ижодкор ёшларимиз айниқса, ўткинчи, энгил-елпи нағмаларнинг ялтироқ жилосига чалғимасдан, шундай жиддий мактаблардан бохабар бўлмоқлари ниҳоятда зарур.

Шунинг учун “Замин дарғаси” (балки бошқа ном бўлар) тўпламини, устознинг кейинги йилларда қилган янги таржималарини ҳам кўшиб мукаммал ҳолда қайтадан нашр этишга катта маънавий эҳтиёж бор.

Сергей Есенин ўзининг бир шеърда “Мен қишлоқнинг сўнгги шоири” деган аламли сатрларни битган. Яна бир рус шоири Андрей Вознесенский “Мен тараққиётнинг сўнгги шоири” дея ундан ҳам аламлироқ шеърини нолалар чеккан. Маълумки, Есенин бутун вужуди, бор қалби ҳамда шоирлиги билан Октябр тўнтаришига, большевиклар инкилобю шўро тузумига қарши бўлган. Шу алам, шу норозилик охир-оқибатда темир тузумнинг қўли билан гулдай шоирнинг жувонмарг бўлишига олиб келган. Андрей Вознесенский бўлса “Инсонни емиргувчи, ҳалок этгувчи ҳар қандай тараққиёт — ёвузликдир” дея бонг урган. Бу ёруғ олам ҳар қалай “Мен дунёнинг сўнгги китобхониман” деган сўзларни ҳеч қачон эшитмаса керак. Дунё туғангунга қадар китобга, китоб ўқишга бўлган завқу иштиёқ одам болаларида сўнмаслиги муқаррар. Бу туйғу, бу меҳр бор экан, демак, шоирлар ҳам туғилаверади. Ўзининг охириги шоири ким эканлигини дунёнинг ўзи ҳам ҳаливери билолмаслиги аниқ.

Ўз ижодини оқ қайинлар тароватю шабнамлар тиниклиги билан бошлаган шоирнинг сўнгги шеърларидан бири “Қора одам” деб номланади. “Қора одам, қора, қора, қоп-қора одам!” дея қора рангнинг шеърнинг охиригача қуюклашиб бориши кишини дафъатан кўрқитиб юборади. Мен бу шеърни грампластинкада ёзиб олинган Есениннинг ўз овозидан эшитганман: “Қора одам, қора, қора, қоп-қора одам!..” Шеър ҳам, шоирнинг товуши ҳам кишини жунжиктирадиган даражада ваҳимали туюлган. Есенин гўё тирик одамни эмас, қаттол тузумнинг қоп-қора ўпқонини, қора турмуш билан қоронғу тийра рўзгорни, қаролашиб бораётган ҳаётию қора ўлимни назарда тутаётгандек аламли бир видо билан айтган бу шеърни.

“Форс тароналари” туркумининг гўзал шеърларидан бири шундай сатрлар билан бошланади:

*Хуросонда бир дарвоза бор,
Остонаси гулга кўмилган.
Унда яшар бир парирухсор,
Хуросонда бир дарвоза бор,
Ҳайҳот, уни очолмадим ман.*

Ўзбек адабиётида бу дарвозанингни очилганига салкам олтмиш йил бўляпти. Унда яшаётган мангу малоҳатли ва назокатли, нафосати ила жозибаси ҳеч қачон эскирмайдиган парирухсор — шеърятнинг сеҳрли тароватю ойжамолидан баҳраманд бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Барча гўзаллардан фарқли ўларок бу париваш нозу истиғнони, муғамбирлик билан бевафоликни кўтармайди. Унинг ҳузурига садоқат ила, меҳр-муҳаббат ила юкиниб бормок керак. Садоқатли ошиқларни эса бу малаксиймо бир умр, ундан кейин ҳам сарафроз саодатманд айламоғини азиз устозларимизнинг ҳаёт йўли кўрсатиб турибди.



Марям ЁҚУБОВА

УЛУҒ ВА САДОҚАТЛИ МУҲАББАТ

Хотиралардан парча

РУҲИЙ ҲОЛАТ

Тез-тез ҳовли ёки кўчамизнинг у бошидан-бу бошига юриб, ўзлари билан ўзлари гаплашган ҳолатдаям асарни пишитардилар. Бу жараёнда ўнг ёки чап кўлларининг тирсагидан озроқ букиб, кўрсаткич бармоқларининг учигача силтаб-силтаб қаҳрамонларини “гапиртирар” эдилар. Монолог ва диалоглар пишиб етилгач, дарров уйга кириб, қоғозга ёки тик турганча ён дафтарга туширардилар. Бирор асарни бошлашдан аввал шу асар бўйича туғилган фикрларни ёнларидаги ёндафтарга, албатта, тушириб олардилар. Ана шу ёндафтарларда ёзилажак асар санаси, сабаби, уни ёзишдан олдинги ўзларининг руҳий ҳолатларини айтиб, персонажлар, қаҳрамонлар, образларни мухтасар тарзда “пишириб” олардилар. Шунингдек, Куръон оятлари, айрим арабча, форсча, русча сўзларнинг маъноларини ёзиб кўярдилар. Шундай қайдлардан иборат қирққа яқин ёндафтарчалар сақланганки, уларда аксарият асарларнинг хамиртурушлари, ижодий сафарлар давомида кўрган-кечган ҳолатлар, турли қаҳрамонларнинг сийратлари ўз аксини топган. Костюмларининг ташқи ўнг чўнтақларида доим иккита-учта ручка юрарди. Етмишинчи йилларнинг ўрталаригача, ҳатто “Улуғбек хазинаси”ни ҳам сиёҳли ручкада ёзганлар. Аксар ҳолларда столга газетани ёйиб, унинг устига тоза қоғозни кўярдилар. Чарчаган ёки хаёл сурган кезларида газета хошиясига айрим чизги ва белгилар, сўз ва рақамлар, ғаройиб ибора ва ҳикматли сўзларни ёзиб, айниқса, Пушкиннинг машҳур профилини чизиб кўйишни хуш кўрардилар. Чуқурроқ хаёлга чўкканларида эса бояги газета хошиясидан бир парчани йиртиб олиб, бош ва кўрсаткич бармоқлари орасида буклар, юмалатар ёки

АДИБ ҲАҚИДА

XX аср жаҳон адабиётининг забардаст вакиллардан бири, ўзбек насри ва публицистикасининг даргаларидан бўлган Одил Ёқубов ҳақида ҳозирда сўз айтиш анча осонроқ. Чунки 1926 йилнинг октябрида туғилиб, 2009 йилнинг декабрида дунёдан кўз юмган адибни 83 йиллик узоқ умри давомида неча авлод ижодкорлар ўз қаторларида содда, камсуқум, оддийгина, жўн бир алпозда кўравериб, жаҳоний миқёсдаги ижодий қувватини, истеъдод миқёсини, чўнг маҳоратини кўпда ҳис этавермаганлар, назаран, гўё сезмаганлар ёки балки эътироф этишга не бир ички куч монёклик қилгандек. Мана энди, адиб вафотидан орада бир неча сана ўтиб, бу қоянинг не қадар улугворлиги, адабий мартабаси борган сари яққолроқ билиняпти, ҳис этиляпти.

Шу кунларда “Ўзбекистон” нашриёти Одил Ёқубовнинг умр сўнггидаги “Осий банда” романидан боғларни, “Хотиралар” ва “Қарноқ” деб номланган эссесини илк бор бир муқова остида чоп этди. Китобни варақлаганинг сари юқоридаги юксак таърифларга тасдиқ чиқаверади. Эл-юрт учун, унинг қалб жароҳатлари учун малҳам ишташ, жонфидалик шунчалик бўлар экан-да, деб уйлаб қоласан. Москванинг баланд минбарларида туриб, ўзбек халқи шаънига бўҳтон ёғдираётган касларга қарата дадил ҳақ сўзни айтиш, ўз юртининг ор-номуси, ғурури учун ҳеч нарсадан тап тортмай фикрий муҳорабаларга кириш

чайнаб ўтирардилар. Бир нуктага қараганча узок ўйланиб қолардилар. Ана шундай ҳолатларда уларга халакит бермасликка, ўйларини бузмасликка ҳаракат қилардик. Олдиларига чойнақда чой, бир чакмоқ канд ёки новвот келтириб қўярдим. Бесасгина қадам босганимдан келиб-кетганимни билмай қолардилар. Ҳеч қачон қайноқ чой ичмаганлари учун қайноқ чой олиб келганимни айтишим шарт эмасди. Чой совигач, ўринлардан турган ҳолда чойнақнинг ўзидан бирикки хўплаб ичишни афзал кўрардилар. Ижод ўртасида толиққанларида катта тошойна яқинига келиб, соқоллари тоза олинган-олинмаганлигини кўздан кечирардилар-да, анчайин ўнг қўлларини кўтариб ёки шимларининг ўнг чўнтагида юрадиган майда тароклари билан соқларини текислаб, “хў...ў...ш” деб қўярдилар нимадандир мамнун бўлиб. Ва яна хаёлга чўмиб кетардилар. Ўзларига “қайтганларида”, болаларга қилиниши лозим бўлган вазифаларни топшириб, дам олишга ёки ишга отланардилар.

Ўзларига ярашадиган бу одат ва ҳолатлар деярли ўзгармади. Кўриниб турибдики, уларнинг ҳаммаси оддийгина, табиий.

НАФС

Ёзувчилар уюшмасига раис бўлганларида бизни ҳукуматнинг “хўжалик ҳовлиси” – “хоздвори”га бириктириб қўйишди. Ўша кезларда кўп буюмлар, айникса, озиқ-овқат бир оз танқис, бориғаям гастрономларда узундан-узун навбат. Бозорларда 2-3 маротаба қиммат, “хоздвор”да эса барча нарса муҳайё. Ўз нархида. Иштаҳани китиклайди.

Одил ака халқнинг аҳволини, нимани еб-ичаётгани, қандай яшаётганини яхши билардилар. Ҳукуматнинг “хўжалик ҳовлиси”дан ҳафтасига икки марта “дефицит” маҳсулотларни харид қилиш мумкин бўлса-да, фақат бир марта, ўшандаям энг зарур 3-4 хил маҳсулотга пул бериб, қатъий рўйхат билан юборардилар.

Ҳаёт эмасми, баъзан у кишининг нима дейишларини билсак ҳам, майда-чуйда қийинчиликлардан гап очиб қоламиз. Кўнглимдаги хоҳишимнинг “қойил” қилиб бажарилишига кўзим етмаса ҳам, бир оз таскин топармиканман, дейман-да. Ёки биронта фарзандимиз ниманидир истаб қолади. Ҳар доимдагидек ота билан болалар ўртасидаги воситачилигимни бошлайман. Дарров жавоблари тайёр:

– Эл катори юринглар. Бировдан олдин, бировдан кейин. Шукур қилинглар! – дердилар. Инсоф, камтарликка чақирардилар. Дабдабани ва ҳашаматни мутлақо тан олмасдилар. – Нафсни тийинглар! Уни идора қила билиш керак, – деб кўп такрорлардилар.– Сиз онасиз-ку, шундай керак-нокерак нарсаларни менга етказгунча фарзандларингизга тушунтиринг, уларни бориға қаноат қилишга ўргатинг... каби гапларни эшитганим қоларди, холос.

Юртбошимиз ибораси билан айтганда, “маънавий жасорат”нинг айна кўринишлари эди. Ваҳоланки, Одил Ёқубов ўша суронли йилларгача бўлган ижодининг миқёс ва даражоти, “Муқаддас”, “Қанот жуфт бўлади”, “Биллур қандиллар” қиссалари, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Кўҳна дунё” романлари каби бадиий юксак асарлари шавкату шуқуҳи билан тинчгина умргузаронлик қилавериши ҳам мумкин эди. Йўқ, шоир айтмоқчи, “бўронларда бордек ҳаловат” – у ўз умрининг сунги йилларигача уйғоқ виждон, юрагида кўр билан яшади. Тинимсиз ишлади, ижод қилди. Балки айна шу сифати ва фазилатлари туфайлидан яратилган асарлари, турли битиклари ва ирод этган нуқтлари боис адиб жаҳон миқёсига мензатулик мазмун ва шараф топди. Ҳа, ҳеч бир андиша-истиҳоласиз, Одил Ёқубов ҳақида жаҳон адабиётининг намояндаси, ўзбек адабиётининг классиги дея таъриф бериб, сўз бошлашга бугун тўла асос бор.

Этиборингизга ҳавола этилаётган шингил хотиралар адибнинг “улуғ ва садоқатли муҳаббати” “жуфт қаноти” – умр йўлдоши Марям опа Ёқубованинг эсдаликларидан лавҳалар. Улар самимияти ва ҳаётий ҳақиқати билан Одил Ёқубов олтиг улкан адабий, ижтимоий ҳодисанинг инсоний хислатлари, ўзига хосликлари ҳақидаги тасаввурларингизни кенгайтиради, янгилайди, деган умиддамиз.

Шуҳрат РИЗАЕВ

Одил ака ҳақидаги ушбу хотираларни битаётганимда таниш-билишларим келтириб берган, айрим ёзувчилар адиб вафотидан сўнгра айнан уюшмага у киши раҳбарлик қилган кезларда рўй берган баъзи воқеалар ва жараёнлар ҳақидаги аниқ дадил ва фактларга асосланмаган енгил-елпи “асарлар”ни варақлаб, очиғи, қаттиқ ранжидим. Ваҳоланки, Одил ака жонажон Ўзбекистонимизнинг турли гўшаларидан пойтахтга келиб қолган кўпчилик қаламкашлар ва ижодкорларга тенг кўз билан қарайдиган, ижодий ютуқларидан қувонадиган, камчиликларини юзига рўйирост айтадиган, ҳатто айримларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб юборадиган, турфа ғийбатнамо гапларга ишонавермайдиган танти ва сахий, бағри кенг ва қўли очиқ инсон эдилар.

Идеаллаштиришдан йироқман. Аммо Одил ака ёзувчи нафси билан иштаҳасини жиловлай олсагина йирик бир асар ёза олиши мумкинлигини аллақачон тушуниб етган эканлар. Бунинг устига, ўзларига хос назари баландлик, ҳар нарсага эътибор қилавермаслик энг яхши фазилатлари эди.

“МУҚАДДАС” ҚИССАСИ

Турли қийинчиликларга қарамай, ҳаётимиз ширингина ўта бошлади. Бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз кундан-кунга ортиб борди. Биз бир-биримизни нигоҳларимиз орқали тушунардик. Болаларимиз улғаяр, отаси янги асар устида ишлар, мен эса ҳовлидаги ўчоқдан бери келмай, “пишир-қуйдир” қилардим. Уйимиздан меҳмон аримасди.

Одил ака эллигинчи йилларнинг охири – олтмишинчи йилларнинг бошларида “Севги қиссалари” номи билан нашр этилган қатор қисса ва ҳикояларни ёздилар. “Аямажуз”, “Йўқолган юлдузим”, “Бахт қуши”, “Матлуба”, “Тилла узук” шу туркумдаги қиссалар эди. “Муқаддас” ҳам ўша кезларда ёзилган.

Бу қисса Одил аканинг талабалик йилларида кўрган-кечирганлари, кузатган ҳаётий воқеаларнинг акс садосидир.

“Муқаддас” қиссаси ҳақида нима дейишим мумкин? Агар сохта камтарликни йиғиштириб қўйиб айтар бўлсам, асар олтмишинчи йилларда ёшлар ўртасида анча-мунча баҳсларга сабаб бўлган. Хатлар ёмғирдай ёғилиб келгани ҳам эсимда. Бу мактублар ичида гоҳо юз, гоҳо икки юз талаба имзо чекканлари ҳам бўлган. Уларнинг аксариятида: “Энди нима бўлади? Шарифжон билан Муқаддас топишадими?”, “Муқаддас Шарифжонни кечирармикан?” деган безовталиқ изҳори баён қилинган бўлса, айримлари шундай ўтинчдан иборат эди: “Одил ака, илтимос, Муқаддасга айтинг, Шарифжонни кечирсин! Ахир, у шўрликнинг гуноҳи йўқ-ку!” ва ҳоказо ва ҳоказо...

Бир гал ишдан қайтган Одил ака қўлимга салмоқлигина қоғоз пакетни тутқаздилар-да, мийиғларида кулиб: “Бекобод металлургия заводидан юборишибди”, дедилар. Нима экан бу, деб очсам, ичидан бир даста хат чиқди. Қиссада Муқаддас Бекобод металлургия заводига ишга кетди, деган маъно келиб чиқадиган жумла бор эди. Бунни ўқиган соддадил китобхонлар: “Муқаддас Шарифжонни кечирсин!” дея завод раҳбарияти номига ўтинч мактубларини йўллашган экан.

Бу гапларни ўқиб, ҳайратланиш ҳам ёки мийиғда жилмайиб қўйиш ҳам мумкин, албатта.

Одил ака “Муқаддас”га келган хатларни алоҳида жойда тўплашимни истадилар. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу асар ҳақида фикр-мулоҳаза билдириб битилган хатлар битта каттагина қоғга жо бўлди.

“Соддадил китобхонларнинг қуёнчаклик билан ёзган бу хатлари мен учун танқидчиларнинг том-том мақтовларидан кўра азизроқ”, дер эдилар улар хамиша...

“УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ”

“Улуғбек хазинаси”нинг дунёга келишига туртки бўлган воқеа-ходисалар ҳақида ўқигансиз, деб ўйлайман. Мен бу китобнинг ёзилиш жараёни, унинг қийинчиликлари ҳақида ўйласам, қаламим қоғоз устида тўхтаб, хаёлот оламида сузиб кетаман.

Ховлида ўзимизнинг ва қариндош-уруғларимизнинг фарзандлари – жами 7 нафар ўғил боланинг қий-чуви. Каттаси ўн ёш, кичиги икки ёшда бўлган болақайларнинг чопиш-югуришлари, бир-бирлари билан кураш тушиб қилган тўполонларини кўз олдингизга бир келтириб кўринг-а! “Жим бўлинглар”, деган гап уларнинг қулоғига кирармиди. Хуллас, ховлида тарак-турук, бақир-чақир авжида.

Уйда эса асарнинг дастлабки қўлёзмаси ёзилмоқда, ўчирилмоқда, яна тузатиб ёзилмоқда. Тарихий асар эмасми, жуда зийраклик ва эътиборни талаб этади. Ўша даврнинг руҳини сингдириш, қахрамонларнинг қийим-бошларини тўғри тасвирлаш лозим. Тил масаласига ҳам алоҳида урғу берилиши шарт. Кўчиришга топширгунча бу ҳол неча марта такрорланарди. Машинкадан чиққан 3 нусха сараланиб, яна тузатиш ишлари бошланади. Хуллас, асарнинг туғилиши бир инсон боласининг туғилиши билан тенг.

“Улуғбек хазинаси” – тарихий асар, тарихни ёритишда эса аниқ ва мўътабар маълумотларга таяниш лозимлиги, бирор воқеа ёки ҳодисани хато кўрсатиш мумкин эмаслигини чуқур англаб етган Одил ака жуда эҳтиёткорлик ва масъулият билан ишларди. Машинкадан чиққан вариантларни кўриб чиқиш зиммамга тушгани сабаб мендан ҳам шуни талаб қилардилар. Асар устида сабр-бардош билан биргаллашиб тер тўкканмиз.

Шунинг учун “Улуғбек хазинаси” фақат Одил аканинг эмас, балки бутун оиламизнинг “фарзанди” (агар китобни шундай аташ мумкин бўлса) десам янглишмайман. Бу асарнинг яратилишига болалар ҳам ўз шовқинлари билан каттагина улуш қўшганлар.

Буюк шахс – Мирзо Улуғбек ҳаётининг ақл ва заковатга тўлган, айти маҳалда фожиали қисмини қамраб олган тарихий асар жуда машҳур бўлиб кетди. Дунёнинг 47 тилига таржима қилинди.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг “Олтин фонди”га кирган “Улуғбек хазинаси” ва “Диёнат” романлари асосида олинган беш қисмли телевизион спектакллар узоқ муддат экранлардан тушмай намойиш қилинган. Москва шаҳрида “Диёнат” романи асосида икки серияли тўла метражли бадиий фильм ишланган. Бундан ташқари, адибнинг 14 та асари асосида киноповестлар, теленовеллалар, видеофильмлар суратга олинган. Ўзбекистон ва бошқа қўшни ҳамдўстлик мамлакатларида барча асарлари радиопостановка қилинган.

САРЛАВҲА МАШАҚҚАТИ

Одил аканинг ўзларига хос бир одатлари ҳақида тўхталиб ўтсам. У киши ёзган асарларига муносиб ном танлашга алоҳида масъулият билан ёндашардилар. Яна аниқроқ айтадиган бўлсам, Одил ака асарларига сарлавҳа кўйишда жуда қийналар эдилар. Эсимда бор, “Қанот жуфт бўлади” деган қиссалари бошда “Давр табассуми” деб номланган, ҳатто ундан парчалар ҳам эълон қилинган эди. Худди шу каби, “Кўҳна дунё”нинг парчалари ҳам дастлаб “Қайтар дунё” номи билан эълон қилинган. “Излайман” қиссаси эса токи Одил ака бир қарорга келгунларича рус тилида “Гвардия капитани Даврон Ғозиев” номи билан чоп этилган.

Одил ака, айниқса, “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Кўхна дунё” романларини номлашда жуда кўп изланганлар. Баъзан кечалари ухلامасдан юзлаб номларни ўйлаб чиқардилар. Кўп ҳолларда: “Маря”-м, сиз ҳам ўйланг. Ахир, сиз кўлёманинг сиёҳи қуримасидан бошлаб машинкадан чиққан сўнги нусхасигача бир неча марта ўқигансиз-ку! Асарни ёзишдан асл мақсадим нималигини англаб етгансиз. Ана шу мақсадни ифода этадиган бир ном топишга сизнинг ҳам ёрдамнингиз керак бўлаяпти”, дердилар. “Диёнат” романини дастлаб “Пулсирот кўприги”, кейинчалик “Боқий умр” деб номлаганлар. Лекин бу номлардан кўнгиллари тўлмаган. “Бу номлар асарнинг мазмун-моҳиятига торлик қиляпти-а, сиз нима дейсиз?” деган саволларни кўп бора берардилар.

Бир куни кечкурун асарнинг чоп этишга тайёр нусхасни ўқиб ўтириб: “Топдим, хоним, топдим!” – деб қичқириб юбордилар.

Ёнгиналарида китоб варақлаб ўтиргандим, хайрат билан қарадим:

– Ҳа, тинчликми, нимани йўқотувдингиз? – деб сўрадим.

– Йўқотмагандим, йўқ, топа олмаётгандим, холос. Ҳозир “диёнат” сўзи хаёлимга ярқ этиб келиб қолди. Назаримда, ана шу гўзал сўз асар мазмунига ишора бўладигандек туюляпти. Асарни “Диёнат” деб номлайман. “Диёнат” – жуда кенг тушунча. Шу биргина сўз виждон, уят, ор-номус, тўғрилиқ, ростгўйлик, одамгарчилик, хуллас, жуда кўп маънони англатади. Мана шу ном асарда мен улуғламоқчи бўлган инсоний фазилятлар ва қораламоқчи бўлган нуқсонларга жуда мос келади. Мана энди излаганимни топдим, – дедилар.

– Жуда ажойибсиз-да! Тайёр асарга ном қўйиш ҳам қийин иш эканми? – дедим.

– Ҳа-да. Биласизми, Михаил Шолоховнинг машҳур “Очилган кўриқ” романи аввалига “Қон ва тер билан” деб номланган экан, – дедилар у киши. – Эрнест Хемингуэй юзлаб ҳикоялар ёзаркан-да, сарлавҳаларни кейин қўяркан. Борис Полевой бўлса, асар ёзишни унга сарлавҳа топишдан бошларкан. Баъзан ёзувчи ёзадиган асарининг сарлавҳасини олдиндан ўйлаб, ўша сарлавҳага қараб бутун асарнинг мазмунини бўйсундиради. Классикларнинг тажрибаси бу гапларда асос йўқлигини кўрсатади. Масалан, “Уруш ва тинчлик”нинг номини Толстой асар корректурасини ўқиётган пайтида топган. У улкан романини ёзиб тугатгунча ўнлаб сарлавҳалар қўйган. Лекин бу сарлавҳалар муаллифни қониқтирмаган, улар романга ёпишиб тушмаган. Бизга оддий кўринаётган “Уруш ва тинчлик” деган ном шу роман ёзиб бўлинганидан кейин, анча вақт ўтгач қўйилган. Хуллас, ҳаммада ҳар хил кечади бу жараён...

Асарга мавзу ва сарлавҳа танлашда айрим ҳолларда оиладаги муҳит ҳам аҳамият касб этади. Одил акани таниганлар, уйимизга келиб турганлар у кишининг ортиқча ҳашаматга, кибр-ҳавога тоқатлари йўқлигини яхши билишади. Уй жиҳозларининг оддий ва камтарона бўлишини яхши кўрардилар. Бироқ фарзандларимиз балоғат ёшига етиб, уйимизга куда-андалар, нозик дидли меҳмонлар ташриф буюра бошлашгач, Одил акага: “Меҳмонлар учун ажратилган хонага қандил олишимиз керак”, – дея хархаша қила бошладим. Аёл киши эмасманми, уйимизни замонга мослаб жиҳозлашни истардим. Биламан, уйда мен орзу қилган қандилга етадиган пул бор. Аммо у кишининг розилигини ололмай, ҳалак бўлиб юрган кунларимда уйимизга Одил аканинг узоқ ҳамқишлоғи келиб қолди. Ҳарбий хизматдан қайтаётган йигит: “Қишлоққа қуп-куруқ кўл билан бора олмаيمان, уч-тўрт сўм берсангиз. Кейин, албатта, қайтараман”, – деди. Менинг қошларим чимирилса ҳам, овозим чиқмайди. Шунда Одил ака ҳеч ҳам иккиланиб ўтирмай, қандилга аталган пулни бериб юбордилар. Йигит

кетгач: “Барибир пулни қайтариб бермаса керак. Агар мабодо олиб келса, кейин қандил оламиз”, дедилар. Тилимни тишлаганча қолдим.

Ниятим холис экан, бирор муддат ўтиб, қайси бир асарлари учун каттагина қалам ҳақи келди-ю, дардимга даво топилди...

Ана шу оилавий вазиятлар таъсирида “Биллур қандиллар” қиссаси ёзилган.

ТАҲРИР ВА ТАРЖИМА

Ижодий ишнинг ҳам энг қийин ва масъулиятли палласи таҳрир жараёнидир. Машинадан ёки компьютердан чиққан китоб муҳаррир кўлига келиб тушганидан бошлаб, токи нашрга рухсат берилгунига қадар бир неча марта қайта-қайта ўқилади.

Аслида Одил Ёқубовнинг асарлари у қадар таҳрирга муҳтож бўлмаса-да, у киши нашриёт муҳаррирининг асарни, албатта, ўқиб чиқишини зарур, деб ҳисоблардилар. Муҳаррирлар – нафақат асарни китобхонларга қандай етказиш сирларини билган, балки бугунги кун талабларидан ҳам хабардор кишилардир. Уларнинг кўли, кўзи таҳрирга мослашган. “Улар шу соҳанинг усталари, ҳар бир асар яхши муҳаррирларнинг таҳриридан ўтиши керак”, деган фикрда эдилар.

Шу ўринда бир гапни таъкидлаб ўтишни жоиз, деб биламан. Одил ака тил ва имло қоидаларини жуда яхши билардилар. Шу сабабли Одил Ёқубовнинг асарларидан келтирилган мисоллар умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчиларига мўлжалланган “Ўзбек тили” дарсликларига ўқувчиларга ўзбек тилининг кенг имкониятларини ўргатиш учун киритилган.

Одатда нашриёт муҳаррири таҳрир қилган нусхани биринчи бўлиб мен, кейин ўзлари, албатта, ўқиб чиқардилар. Ҳар бир сўз, ҳар бир жумла устида ишлардилар. Агар таҳрирдан норози бўлсалар, уни ўзларича тузатиб қўймасдилар, балки муҳаррирга қўнғирок қилар ва нима учун ўз фикрларида қолишни лозим топганларини эринмасдан тушунтирар эдилар. Ёзган ҳар бир жумлаларини, ифодаларини, ҳатто сўзларини қаттиқ химоя қилардилар.

Одил аканинг асарлари 60 дан зиёд тилларга таржима қилингани азиз мухлисларга маълум бўлса керак. 20 дан ортиқ асарлари эса рус тилида чоп этилган. Одил аканинг асарларини машҳур рус ёзувчилари В.Тендряков, А.Дудинцев, В.Карпов, В.Оскоцкий, Ю.Суровцев ва бошқалар таржима қилишган. Уларнинг ижодий ёзишмаларини ҳанузгача асраб келяпман. Одил ака рус тилининг қонун ва қоидаларини жуда яхши ўзлаштиргандилар, армияда руслар билан бирга хизмат қилганлари ва университетнинг рус филологиясини тугатганлари учун бу тилда ҳам ўз она тилларидек эркин ижод қилиш имкониятига эга бўлганлар. Шу сабабли асарларини таржима қилиш жараёнида бевосита иштирок этганлар. Айниқса, тарихий, миллий-этнографик аҳамиятга молик сўз ва жумлаларнинг таржима қилинишини қаттиқ назоратга олар, туркий тилга мансуб сўзлар таржимасининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратар эдилар. “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё” асарларидаги тарихий-этнографик сўзларнинг рус тилига таржима қилиниши жараёнида таржимон билан бақамти ишлаганлар. Зарур пайтларда воқеа ёки қаҳрамон талқини бузилмаслиги учун ўзлари айрим ўзбекча сўзларнинг рус тилидаги муқобиллари ва уларнинг синонимларини тавсия этардилар. Китобхонлар қалбидан жой олган “Кўҳна дунё” романлари ҳам қатор тилларга таржима қилинган ва турли мамлакатларда нашр этилди.

Рус тилида чоп этилаётган асарларини ҳам таҳрирдан кейин, албатта, ўқиб чиқардилар. Асар таржимони билан бирга ишлаганларига қоникмасдан

нашриёт муҳарририга ҳам фикр ва мулоҳазаларини айтардилар. Бундай узоқ мунозара ва муҳокама учун телефонда соатлаб суҳбатлашишларига тўғри келарди.

Китобларнинг таҳрир ва нашр жараёнларида менинг кўпроқ вақтим почта ва телеграф муассасаларида ўтар, шаҳарлараро телефон алоқа воситаларида соатлаб гаплашилгани учун тинмай пул тўлаб турардим. Баъзан ҳазиллашиб: “Асарингизга ажратилган қалам ҳақидан ҳам ортиб кетди бу тўловлар”, – десам у киши: “Оғринманг, хоним, оғринманг, агар ҳозир ана шундай талаб билан ишламасам, эртага китоб чиққанидан кейин афсусланиб қолишим мумкин. Кейинги пушаймон душманамга айланмасин”, – деган жавобни олардим...

ДЎСТНИНГ ЭЪТИРОФИ

Одил ака Чингиз Айтматовнинг бир неча ҳикоялари ва, айниқса, “Жамила” кассасини ўқиганларидан кейин унинг санъаткорлигига ўзгача ҳурмат билан қарардилар. Фақат Чингиз аканинг рус тилида ижод қилиши бир оз эриш туюларди уларга.

Чингиз Айтматов Москвадаги Олий адабиёт курсларини битириб, ўша жойда ишлаётганлиги боис Пиримқул ака билан таниш бўлган. (Ўша даврда Пиримқул Қодиров Москвада СССР Ёзувчилар уюшмасининг ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаган.)

Чингиз Айтматов Тошкентга қандайдир бир тадбирда иштирок этиш учун келганида Пиримқул ака уни уйига таклиф қилган. Одил ака Пиримқул аканинг уйида Чингиз Айтматов билан танишиб, у билан бир умрга дўст бўлиб қолганлар. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган илк учрашувни Одил ака жуда кўп гапириб юрардилар.

Чингиз Айтматов бизнинг хонадонда ҳам бир неча марта меҳмон бўлган. Биринчи марта 1974 йили Қирғизистоннинг ўзи туғилиб ўсган Талас водийсига Тошкент орқали бораётганида уйимизга келган.

Чингиз Айтматов ҳовлимизга кириб келиши билан мевалари етилиб, тагига тўкилиб турган ёнғоқ дарахтига разм солган ва дарахт остига энгашиб, беш-олтита ёнғоқни териб, шундай деган эди:

– Адил, бу дейман, ёнғоқларинг жуда кўп ҳосил берибди-ку! Бир оғайничилик қилиб бир-икки қоп ёнғоқ юбораркансан-да-а?

Кейин териб олган ёнғоқларини ёрдамчисига узатиб: “Чақиб, менга берасан, яна ўзинг еб қўйма”, – деган ҳазиллашиб.

Ҳовлимиздаги бу улкан ёнғоқ дарахти эллик йилдан зиёдроқ вақтдан бери бизни ўз мевалари билан сийлаб келаяпти. Дарахт тагидаги сўрида Одил акани йўқлаб келган ёзувчи ва шоирлар, мухлислару меҳмонларнинг энг қизғин суҳбатлари кечган.

Ўша куни Одил ака меҳмоннинг ҳурмати, деб кўпгина қаламқаш биродарларни уйга таклиф қилган эдилар. Дўстона ширин суҳбат, адабий мунозара тонггача давом қилган.

Чингиз Айтматов кейинчалик 1978 йилда турмуш ўртоғи Майрамхон билан меҳмонга келишганда, ёнғоғимиз эндигина гулини тўкаётган маҳал эди. Бу сафар ҳам Чингиз ака ёнғоқнинг тагига келиб, сўз қотди: “Эҳ Майрамхон, сен бу ёнғоқни емадинг–дунёга келмадинг. Жуда зўр ёнғоқ. Қара, гуллари ҳам йирик-йирик. Афсуски, сенга бу ёнғоқнинг таъмини кўриш насиб этмади. Лекин ҳосил пишса, Адил, албатта, бир қоп ёнғоқ юборади. Шундайми, Адил?” Одил ака қулиб бошларини силкитиб: “Бир қоп ёнғоқ сизлардан айлансин, ҳамма ҳосилини ҳам йиғиб-териби юбораман”, – дедилар.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Гарчи рус тилида гаплашиш иккала адиб учун ҳам қулай бўлса-да, Чингиз ака билан Одил ака ҳар доим қирғиз тилида гаплашишарди. (Одил ака қирғиз тилини ҳам яхши билардилар.)

Майрамхон жуда ширинсухан, гўзал ва дилбар аёл эди. Биз, аёллар, ижодкор билан яшашнинг машаққатию лаззати тўғрисида узок суҳбатлашганмиз.

1998 йилдаги ташрифида Чингиз Айтматов қўлига қадах кўтариб, қуйидаги сўзларни айтгани ҳозиргача қулоғим остида жаранглаб турибди. Чингиз ака:

– Адил! Кечроқ бўлса ҳам “Муқаддас”ни ўқидим. Менинг “Жамилам” ва “Сарвкомат дилбарим” эртароқ рус тилида чиқди. Аслида сенинг “Муқаддас”нинг аввалроқ чиққанда сен мендан ҳам машҳур бўлиб кетардинг. Лекин сенинг “Улуғбек”нинг нафақат ўзбекнинг, балки барча туркий халқлар адабиёти, ҳатто жаҳон адабиётининг хазинасидан жой олди, – деганида меҳмонлар қарсақ чалиб юборишган эди.

Уйимизда Мустай Карим, Довид Куғултинов, Қайсин Қулиев, Чабуа Амираджиби, Азиз Несин, Абдужамил Нурпеисов, Мухтор Шаханов каби ижодкорлар ҳам меҳмон бўлишган.

СОДДАЛИК

Устозлари орасида ҳам, тенгдошлари орасида ҳам Одил акадай соддаси бўлмаган, десам хато бўлмас. Улар на ҳашамроқ яшаш, на кўркамроқ кийинишни билардилар. Бирор марта кийим-бош излаб, магазинга кирганлари ёки бозорга тушганларини эслолмайман. Бунга кетадиган вақтлариниям тежаб, ижодга сарфлаганлар. Юқорида айтганимдек, бу ишни менга ишониб топширган эдилар. Йиллар ўтса-да, Одил аканинг қадди-қоматлари ўзгармай аслича сақлангани учун битта костюм ва битта пальто 10-15 йил эгниларидан тушмаган. Бошларига битта шляпани кийиб, бўйинларига битта галстукни боғлаб юрганлар.

Фарзандлар улғайиб, у кишининг ўта одмилигидан бир оз норози бўла бошлашди. “Ўртоқларимизнинг уйлари жуда серҳашам, жиҳозлари ҳам замонавий, гиламларини босса, оёқ кириб кетади. Дадамиз машҳур ёзувчи бўлсалар ҳам уйимизни жиҳозлашга эътибор бермайдилар”, дея менга нолийдиган бўлишди. Бироқ, мен бу гапларни Одил акага айтолмасдим, чунки у кишининг ўта камтарона турмуш кечиришлари ва соддаликларига йиллар давомида мослашиб улгурган ва бу ҳолат ўзимга ҳам маъқул келар эди. Бироқ дадаларининг бундан ўн-ўн беш йил аввал сотиб олинган кийимда юраверишларини кўрган болаларнинг ўзлари: “Дада! Бошқа кўйлак, бошқа галстук, бошқа плаш кийинг”, дейишса, у киши:

– Мени биров куёв қилармиди? – деб қўя қолардилар.

Одил ака болаларга, онам ёки бувимга кийим-кечак олиш ёки бошқа бирор эҳтиёж учун доим пул берсалар-да, ўзларининг кийим-кечакларини бошқа тенгдошларидек ўқтин-ўқтин янгилаб туришниям, уйни ҳашаматли қилиб жиҳозлаш, ясатиш ва таъмирлаб туришниям хушлайвермас эдилар. Буларнинг ҳаммаси, улар назарида, “чепуха” бўлиб, ижодга халал берарди. “Инсонга қўп нарса керакмас. Ҳаёт кечириш учун хотиржамлик ва қулайлик бўлса, бас!” – деган шиор уларнинг ҳаётий ақидалари эди.

Хуллас, Мирзо Улуғбекнинг тили билан айтганда, улар учун бир бурда нон, бир қумғон сув бўлса, бас эди.

ИЖОД ТАЙЁРГАРЛИГИ

Одил ака ўзларига қулай, тинч жойда ишлайверардилар. Бир парча ок қоғоз ва биргина қалам бўлса бас эди. “Мен энди ижод билан шуғулланаман”, дея бориб ўтирадиган алоҳида белгиланган ўринлари бўлмасди, жой танламасдилар. Фақат битта нарсани яхши кўрардилар: ижод вақтида осойишталик ҳукм сурса, атрофда чанг, бесаранжонлик сезилмаса бўлгани. Айрим вақтларда рўзгор ишлари билан овора бўлиб, стол чангини артишни унутсам, ишга ўтиришдан олдин уни ўзлари ҳафсала билан артардилар. Эътиборсизлигим учун танбех бермас ёки бировимизга “Буни артиб қўй!” – демасдилар.

Тонг сахар соат бешларда туриб, ўн беш-йигирма дақиқа бадантарбия қилардилар. Болаларни ҳам бунга мажбурлардилар. Сўнгра бир коса қайнатилган илиқ сувга озгина асал солиб, обдон эзиб эритар, уни аста, бўлиб-бўлиб, сибириб-сибириб ичардилар. Сўнгра соқолларини тоза киртишлаб, кейин столга ўтирардилар. Дам олиш кунларида ҳам одатларини канда қилмасдилар. Соқоллари ўсиб, дарвешнамо юрганларини бирон марта кўрмаганман. Уйдан ташқарига чиқиш режалари бўлмаса ҳам одатдагидай эрталабдан ювиниб, соқолларини киртишлаб, покиза бўлиб ижодга шўнғирдилар. Яхши асар ёзиш учун ёзувчи маънан, жисмонан ва руҳан бакувват бўлиши кераклигини яхши тушунардилар. Ижод қилиш учун ажратилган эрталабки соат 5 дан то 8 гача вақтларини ҳеч кимга бермасдилар. Жуда қизғанардилар. Зарурат бўлмаса, наҳорги ошларга бормасдилар. “Эрта тонгда асаблар ором олган, яхши ҳордиқдан кейин ақл янада пешланган, рух энгил, иштиёқ баланд бўлади”, – дердилар.

Одил ака тинмай ижод қилардилар. Одатларига кўра, тонгда бир оз ҳовлида айланиб келгач, ишга кетгунга қадар ҳам столга мук тушиб ишлардилар. Ижодга шунчалик шўнғирдиларки, бир неча марта нонуштага чақирсам ҳам ўрниларидан қўзғалмасдилар. Тонгги ижоддан кўнгиллари тўлгач, ёзиб ўтирган асарларининг бирон бобини папка ёки газета ичига жойлаб ишга кетардилар. Кетаётиб кўлимга тайёр қўлёзмаларни тутардилар. Қўлёзмаларни машинкада тердириш, устидан ўқиб, зарур жойларини тўғрилаш каби ишлар менинг зиммамда эди. Мен бундай масъулиятли ишни сидқидилдан бажарардим. Адибнинг сиёҳи қуримаган ижод намуналарини илк бор ўқиш мен учун жуда завқли эди.

“Бир жойда ўтиравериб бўғимларимиз ўз вазифасини унутиб қўймаслиги керак”, – дея бир кунда икки ярим - уч чақирим пиёда юришни ҳам канда қилмасдилар. Бу сайру саёҳат давомида хаёлларида ёзилажак асарнинг хомаки нухаси пишиб етиларди. “Кечқурунлари ишлашнинг хосияти камроқ”, – десалар-да, барибир, ҳар куни кечда ҳам икки-уч соат ишлардилар.

1958 йили “Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим” пьесасини ёзиб тугатдилар. Бу асар ҳам Ўзбек Миллий академик драма театрида муваффақиятли қўйилди. Ўша йилнинг охирида Одил ака Москвада чоп этиладиган “Литературная газета”нинг Ўзбекистон бўйича махсус муҳбири лавозимида иш бошладилар. Газетанинг топшириқларини бажариш баробарида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, туманлари, ҳатто хўжаликларини айланиб чиққанлар, десам муболаға бўлмайди. “Қадамим етмаган биронта хўжалик қолмади-ёв, чамамда”, дердилар ҳар гал хизмат сафаридан қайтганларида. Улар шундай сафарлар чоғида ўша жойда яшайдиган аҳолининг турмуш тарзини ўрганар, одамлар билан самимий суҳбатлашар, янги асарлари учун мавзу ва қаҳрамонлар топиб келардилар. Ўйлайманки, бўлажак асарлари ана шу тинимсиз меҳнат, “югур-югурлар”нинг меваси эди.

*Наирга тайёрловчи
Искандар ЁҚУБОВ*



Ер юзи харитасига кўз югуртирсангиз, минг-минглаб чегара-сарҳадларни илгайсиз. Бироқ санъат, маданият шундай мўъжизаки, на чегараларни тан олади, на расмий чекловларни. Билъакс, турфа тўсиқ-деворлар оша ўзига йўл топиб кетаверади, миллатию тилидан қатъи назар, тўппа-тўғри инсон қалбига кириб боради.

Дунё халқлари турфа, ҳар бири ўзигагина хос бўлганидек, уларнинг маданияти ҳам ўзгача бўлиши мутлақо табиийдир. Ўзига хосликни, бинобарин, ўзликни сақлаб, уни авлодларга етказиши миллат қадрини, халқнинг маънавий қиёфасини белгилайди. Муайян халқ маънавий қиёфаси хусусида сўз кетганда, бир жиҳатни таъкидлашга эҳтиёж сезамиз. Нафақат тугилиб ўсган юрти, балки жаҳон маданияти, адабиётида муносиб ном қолдирган шундай алломалар борки, улар шахсий ҳаётининг баъзи қирралари кимгадир эриш, кимгадир гайритабиий туюлиши мумкин. Одамзотнинг табиати шунақа ўзи, ёрқин полотнода аввало тариқдай қора догга эътибор беради. Аммо... буюклар шахсий ҳаёти, таъбир жоиз бўлса, дахлсиз ҳудуддир. Тақдир битигими бу, инсоннинг ўзига раво кўрган ҳаётими, хуллас, ҳар кимнинг бу дунёда танлаган ўз йўли, ўз қисмати бор. Ҳақиқий мухлис эса ижодкорнинг шахсини муҳокама қилмайди, ноёб иқтидоридан баҳраманд бўлади, холос. У ҳолда машҳурлар ҳаётидан мубоҳаса қилишининг не ҳожати бор, дейсизми?! Сатрлар аро илганмаган, парда орқасида пинҳона қолган, ранглар ортида яширинган, нота чизиқларига сингиб кетган, хуллас, ижодкорларнинг баралла айтолмаган қалб кечинмалари, юрак тугёнларини улар ҳаёти билан танишигандан сўнг кашф қилсак, не ажаб...



ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ


Ташкил топган сана:
1991 йил 18 октябрь.

Давлат тили: озарбайжон тили.

Пойтахти: Боку.

Майдони: 86 600 км²
(жаҳонда 111-ўрин).

Аҳолиси (2012 й.м.):
9 493 600 киши
(жаҳонда 91-ўрин)



* * *

Озарбайжон кўп асрлик маданиятни, тарихни, халқ турмуш тарзини, анъана ва урф-одагларини ўзида мужассам этган, аждодлар яратган қадриятларни, турли тамаддун унсурларини бугунда ҳам давом эттириб, бойитиб бораётган ажойиб мамлакатдир.

* * *

Расмий тили – озарбайжонча (туркий тиллар гуруҳига мансуб). Туркий тилларнинг жануби-ғарбий шаҳобчасидаги ўғуз кичик гуруҳига тегишли, лекин қипчоқ тиллар доирасидаги сифатларга ҳам эга. Қолаверса, озарбайжон тили Доғистонда ҳам расмий тил ҳисобланади. Дунёда қарийб 30 млн киши озарбайжон тилида гаплашади.

* * *

Озарбайжон жаҳонга кўплаб тафаккур эгаларини, олимлар, шоирлар, мусика усталари, мусаввирларни етиштириб берган. Низомий Ганжавий, Ҳоконий Ширвоний, Боҳманёр, Насимий, Фузулий, Насриддин Тусий, Шох Исмоил Хатоий, Мулла Паноҳ Вокиф, А.Боқиҳонов, М.Ф.Охундов, М.А.Собир, Ж.Маммақулизода, Ҳусайн Жовид, Ж.Жабборли, Самад Вурғун, Алиоға Воҳид, Узеир Ҳожибеков, Қора Қораев, Фикрат Амиров, Ниёзий, Расул Ризо каби кўплаб истеъдодлар ана шу диёрдан етишиб чиққан.

* * *

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Озарбайжонда саноат асосида нефть қазиб олиш жадал суръатларда ривожланиб борди. Ҳожи Зайналобдин

Тоғиев, Муса Ноғиев, Шамси Асадуллаев, Мургуз Муҳторов каби нефтчи бойлар хайрия жамғармалари тузишди, янги типдаги кўпдан-кўп бинолар қурилишида ёрдам беришди, натижада Боку шахрининг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ака-ука Нобеллар бу мамлакатдан Европага жуда кўп нефть олиб кетишлари эвазига халқаро Нобель мукофоти жамғармасининг шаклланишида ҳам Озарбайжон нефтининг улуши катта бўлди.

* * *

1994 йил 20 сентябрда Озарбайжон пойтахти Бокудаги “Гулистон” саройида “Аср шартномаси” номини олган битим тузилди. “Аср шартномаси” углеводород захираси миқдори бўйича ҳам, мўлжалланаётган инвестициянинг умумий ҳажми бўйича ҳам энг йирик битимлар рўйхатига киритилди. Озарий, Чирок, Қуёшли конлари чуқур сув ости маҳсулотларининг улуш бўйича тақсимланиши тўғрисидаги битим 400 саҳифада ва 4 тилда ўз аксини топди. “Аср шартномаси”да жаҳоннинг 8 мамлакати (Озарбайжон, Туркия, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Норвегия, Россия ҳамда Саудия Арабистони)дан 13 та компания қатнашди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мўлжалдаги нефть захиралари аввалбошда 511 млн тоннани ташкил этганди, бироқ кейинчалик бирламчи пармалаш ва янада ойдинлаштирилган маълумотлар нақд 730 млн тонна нефть борлигини кўрсатди ҳамда бу билан боғлиқ, яъни конларни қазиб учун зарур инвестиция ҳажми 11,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгиланди. “Аср шартномаси”дан келадиган умумий соф даромаднинг 80 фоизи Озарбайжонга, қолган 20 фоизи эса инвестицион компанияларга тегади.

* * *

Озарбайжон гиламлари халқ амалий санъати, турмуш тарзининг ўзига хос кўзгуси бўлиб, улар мантиқий мазмуни ва белгилар семиотикаси билан ажралиб туради. Бу гиламлар учун замон ва макон сарҳади йўқ: уларни жаҳоннинг кўплаб музейларида учратиш мумкин. Музейларда озар заминига алоқадор кўплаб нодир қўлэмалар, керамика, ипак ва ёғочдан тайёрланган ноёб ижод намуналари ҳам сақланади.

“БИЗ ИЛДИЗИ БИР ХАЛҚЛАРМИЗ”



Озарбайжон Республикасининг
Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси
Намиқ Рашид ўғли Аббосов

Журналнинг ушбу сониди озарбайжон ва ўзбек халқларининг адабий-маърифий, маданий алоқалари ҳақида ҳикоя қилишга ҳамда қардош озарбайжон адабиёти намуналарини тақдим этишга аҳд қилдик. Шу муносабат билан Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Намиқ Рашид ўғли Аббосовни сўхбатга чорладик.

Қуйида ана шу сўхбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Савол:

– Элчи жаноблари! Ўзбек ва озарбайжон халқларининг тарихий-маданий алоқалар илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. Бу борада сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

– Тўғри, халқларимизнинг тарихий-маданий алоқалари ҳақида кўп ёзилган ва ёзилмоқда. Озарбайжоннинг Қўбустон деган жойида қадим аждодларимизнинг қоятошларга чизиб қолдирган суратлари – петроглифлар бор. Тадқиқотлар бу су-

ратларнинг милоддан бир неча асрлар аввалги даврлардаёқ чизила бошлаганини тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг Навоий вилоятидаги Сармишсой деган жойда ҳам қоятошларга нақш этилган кўплаб ана шундай суратлар бор. Бу петроглифлар ҳам жуда қадимий бўлиб, уларда тасвирланган жониворларнинг анча-мунчаси кейинчалик бутунлай қирилиб кетган. Ҳар икки ўлкадаги бу суратларда иккала халқнинг турмуш тарзи, ов манзаралари, урф-одатлари ўз аксини топган. Демак, халқларимиз илк даврлардаёқ ибтидоий маданият яратишган ва бу маданият муттасил бойиб, ривожланиб борган.

Биз бир ўзакдан чиққан туркий халқлардан бўлганимиз учун ҳам бир-биримизнинг маданиятимизни бойитиб келганмиз. Айниқса, бу халқларимизнинг оғзаки ижодида, кўшиқлар, лапарлар, эртак ва халқ дostonларида яққол сезилади. Наврўз ҳақидаги кўшиқлар, меҳнат кўшиқлари, табиат фасллари билан боғлиқ кўшиқлар, жанговар кўшиқлар, ишқ-муҳаббат ҳақидаги кўшиқларимизда жуда кўп ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Ўзбекларнинг Гўрўгли дostonлар туркуми билан озарбайжон халқининг Кўрўгли дostonлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Ҳаётнинг ўзи ажодларимизнинг турли жабҳаларда яқиндан алоқада бўлишларини такозо этган ва шу орқали маданиятларимиз бир-бирини бойитиб борган.

Савол:

– Ўрта асрларда шакллана бошлаган ёзма адабиётимиз Шарқ Уйғонши даврига келиб юксак погоналарга кўтарилди. Илм-фан соҳасида ҳам, адабиёт ва санъат соҳасида ҳам ҳайратомуз муваффақиятлар қўлга киритилди. Бунда ўзбек ва озарбайжон халқларининг тил ва дунёқараиш борасидаги яқинлиги ҳам бирон-бир аҳамият касб этганми?

– Албатта. Ўрта Осиёлик машҳур олим Абу Наср Фаробий фаннинг кўпгина соҳаларида бўлгани каби мусиқа назарияси билан шуғулланган, куйларни нотага солган. Озарбайжонда ҳам XIV асрдаёқ Мароғавий деган мусиқашунос олим куйларни нотага ёзиб олган. XV асрда эса Урмавий деган мусиқашунос бу санъатни янада юқори даражаларга кўтарган. Бу далиллар олимларимизнинг фақат мусиқа амалиёти билангина эмас, балки унинг назарияси билан ҳам шуғулланганини исботлайди.

Халқларимиз ўртасидаги илмий алоқалар ҳам қадимий илдизларига эга. Озарбайжон олими Насридин Тусий расадхонаси билан Самарқанддаги Улуғбек расадхонасида олиб борилган изланишлар фалакиёт илмида ҳам халқларимиз жаҳон астрономия фанига салмоқли улуш қўшганидан далолат беради. Улуғбек вафотидан кейин унинг кўпгина шогирдлари турли шарқ мамлакатларига кўчиб кетиб, у ерда буюк олим изланишларини давом эттирганлар.

Энди бевосита адабий алоқаларимизга келадиган бўлсак, озарбайжон халқининг даҳо шоири Низомий Ганжавий илк бора форс тилида беш дoston ёзиб, хамсачиликка асос солди. Кейинроқ Алишер Навоий туркий тилда беш дoston яратиб, туркий хамсачиликни бошлаб берди. Навоий дostonлари форсий хамсачиликка тақлидан эмас, балки бутунлай янги руҳда яратилгани, уларда даҳо шоирнинг ўзига хос ижтимоий-бадий, эстетик, ахлоқий қарашлари акс эттирилгани боис ҳам жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олди. Муҳаммад Фузулий эса туркий шеърятни гўзал образлар, бетакрор ташбеҳлар, теран фалсафа билан бойитди. Ўзбек халқи Фузулий ижодини қадимдан севиб ўқиб келаётгани, кўпчилик унинг ғазалларини ёд билиши, Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида шоир ғазаллари асосида яратилган кўшиқларнинг тез-тез янграб туриши кишига хуш кайфият ва мамнуният бахш этади. Бу адабий алоқалар кейинги даврларда ҳам муттасил ривожланиб, кенгайиб бормоқда.

Савол:

– Дарвоқе, журналимиз адабий-бадиий журнал бўлгани учун ҳам ана шу кейинги адабий-бадиий, маданий алоқаларимиз тарихига кенгроқ тўхталиб ўтсангиз.

– XIX асрнинг охири – XX аср бошларига келиб адабиётларимиз дунёга юз тутди. Озарбайжонда Мирзо Фатҳали Охундов, Мирза Али Акбар Собир, Хусайн Жовид, Жалил Маммадукулизода каби қатор истеъдодлар етишиб чиқди. Бу даврга келиб адабий жанрлар ҳам кенгайди. Адабиётимизга том маънодаги драматургия, ҳикоячилик, қисса ва романчилик, шеърятга эса бармоқ ва сарбаст вазнлари кириб келди. Хусайн Жовид 10-йиллардан 30-йилларга қадар “Шайдо”, “Марол” “Шайх Санъон”, “Иблис”, “Ўпқон”, “Князь”, “Амир Темур”, “Хайём”, “Сиёвуш”, “Пайғамбар” каби етук драматик асарлар яратди. Машҳур озарбайжон санъаткори Сидкий Руҳиллонинг Ўзбекистонга келиб драматик асарлар саҳналаштиргани ва ўзи уларда роллар ижро этгани, кейинроқ бир гуруҳ ўзбек санъаткорларининг Озарбайжонда бўлиб, озарбайжон санъаткорлари билан ҳамкорликда драмалар, опералар саҳналаштиришгани маданий алоқаларимизнинг ёрқин далилидир.

Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ёзилиши биланок, кўп ўтмай озарбайжон тилига таржима қилиб нашр этилиши, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир, Зулфия каби ижодкорлар асарларининг Озарбайжонда ҳам севиб ўқирилиши, Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Наби Ҳазрий, Мирза Иброҳимов, Расул Ризо, Нигор Рафибейли каби Озарбайжон шоир ва адиблари ижодининг Ўзбекистонда ҳам оммалашиб кетгани халқларимизнинг бу соҳадаги алоқалари изчил ривожланиб келганидан дарак беради.

Адабий алоқалар ҳақида гап кетганда, Мақсуд Шайхзоданинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Озарбайжон фарзанди бўлмиш Мақсуд Шайхзода йигит ёшида – XX аср 20-йилларининг охирида Ўзбекистонга келди. Шу ерда истеъдодли шоир, драматург, адабиётшунос олим сифатида шаклланди. У ҳам бадиий ижоди, ҳам илмий тадқиқотлари билан халқларимизнинг, адабиётларимизнинг дўстлигига муносиб ҳисса қўшди.

Савол:

– Маълумки, халқларимиз мустақилликка эришгандан кейин адабиётларимизда сифат ўзгаришлари содир бўла бошлади. Адабиёт олдига қўйилган ғоявий-сиёсий тўсиқлар олиб ташланди, кўпгина қадриятлар қайта тикланди. Тарих ҳолисона ўрганила бошланди. Бу борада ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасида муштарак жиҳатлар мавжудми?

– Айтганингиздек, собиқ шўролар даврида адабиёт ва санъат олдига жамият мафкурасига мос ғоявий талаблар қўйилар эди. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиётимизни тўлиқ ўрганиш, тасаввуфий адабиётни тўлалигича халққа етказиш мушкул эди. Мустақилликдан сўнг бу тақиқ ва тазйиқлар барҳам топди. Озарбайжон адабиётида кўплаб тарихий асарларнинг пайдо бўлаётгани, уларда фақат Озарбайжон тарихигина эмас, балки умумтурк мавзуси қаламга олинаётгани бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Ўзбек адабиётида ҳам бу мавзунинг янгича талқин этилаётганлиги қувончли ҳолдир.

Бу муштараклик санъат соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Самарқандда “Шарқ тароналари” халқаро анжуманининг мунтазам равишда ўтказиб турилгани, унда жаҳоннинг бошқа халқлари қатори Озарбайжон санъат намояндларининг ҳам иштирок этиб, бир неча бор юкори ўринларни эгаллаганини

алоҳида таъкидлаб ўтиши лозим. Умуман, ўзбек мусиқий даҳосини ўзида акс эттирган “Шашмақом” билан озарбайжон муғомлари ўртасида кўпгина мушта-рак жиҳатлар бор. Дарвоқе, Озарбайжонда халқаро муғом анжумани мунтазам равишда ўтказиб келинади. Ана шундай анжуманлардан бирида ўзбек хонандаси Юлдуз Турдиева гран-при соҳибаси бўлган.

Умуман олганда, миллий мусиқамиз билан бир қаторда жаҳон мумтоз мусиқа санъатининг энг яхши анъаналари параллель равишда ривожланиб бормоқда. Узеир Ҳожибеков, Қора Қораев, Мутаваккил Бурҳонов, Мухтор Ашрафий анъаналарини янги авлод вакиллари муваффақият билан давом эттирмоқда. Жумладан, озарбайжон фарзанди Фирудин Сафаров Алишер Навоий номидаги катта ўзбек опера ва балет театрида ҳар икки халқ мусиқий санъатининг ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Савол:

– XXI аср ахборот асри деб аталмоқда. Компьютер техникасининг жадал суръатлар билан кириб келиши, халқаро Интернет тармоғининг ривожланиб бориши ёшларимизнинг билими ва дунёқарашига ўзининг кучли таъсирини ўтказмоқда. Янги авлоднинг шаклланиши ва камол топишида бу омилларнинг ўрни ва роли қандай бўлади?

– Дарҳақиқат, сиз тилга олган ахборот воситалари жаҳон киёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бир пайтлар биз кутубхоналарга бориб мук тушганча китоб мутолаа қилган бўлсак, ҳозирги авлод ўз хонасида ўтириб ҳар қандай маълумотни осонлик билан қўлга киритиш имкониятига эга. Бу ҳодисанинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор, албатта. Шунинг учун ёшларнинг билим олишига ва тарбиясига алоҳида эътибор бериш зарур деб ҳисоблайман. Ёшларнинг юксак маънавиятини шакллантиришда турли чеклов ва тақиқлар билан кўзланган натижага эришиш мушкул. Фақат ёшларга тўғри йўлни кўрсатиш, уларнинг баркамол авлод бўлиб шаклланишига ёрдам беришгина кутилган самараларни бериши мумкин. Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига катта эътибор берилмаётгани, таълим борасида алоҳида миллий дастур қабул қилиниб, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилаётгани ҳамда улар электрон воситалар орқали ҳаётга жорий этилаётгани, мактабларнинг янги ўқув жиҳозлари, жумладан, компьютер техникаси билан таъминланаётгани бизга яхши маълум.

Озарбайжонда ҳам бу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Янги қурилган, жиддий қайта таъмирланган, замонавий ўқув воситалари билан жиҳозланган мактаблар улуши 90 фоиз атрофидадир. Олис қишлоқларда ҳам шаҳарларникидан қолишмайдиган ўқув масканлари барпо этилдики, бу баркамол авлоднинг шаклланиши учун муҳим омилдир. Бу омиллар шак-шубҳасиз янги авлодни тарбиялаб етиштиради. Бу авлод эса янгича биз орзу қилган замонни шакллантиради.

Савол:

– Кейинги йилларда миллий алоқаларимиз ҳукуматларимизнинг сиёсати даражасига кўтарилди. Бу алоқаларнинг қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу муносабатларимизнинг истиқболи ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

– Алоқаларимизнинг ҳукуматлар сиёсати даражасига кўтарилиши янгидан-янги имкониятларнинг очилиши учун муҳим омилдир. Шу ўринда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган ва ўзаро чуқур ҳурматга асосланган маданий-гуманитар алоқалар ҳам тобора ривожланиб бораётганини қайд этиб ўтиш лозим. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2004 йил март ойида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида Тошкент шаҳрида Озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжनावий ҳайкалининг очилганини юқоридаги фикрнинг ёрқин мисолларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин.

Ўз навбатида Озарбайжонда ҳам ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятига, унинг жаҳон тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссасига нисбатан ҳурмат билан ёндашилади. 2007 йил май ойида Озарбайжонда Алишер Навоий қаламига мансуб “Мезон ул-авзон” асарининг озар тилидаги таржимаси тақдимоти бўлиб ўтди, 2008 йил сентябрь ойида эса Боку шаҳрида буюк ўзбек шоирига ҳайкал қўйилди. Озарбайжон пойтахтининг марказий кўчаларидан бирига жаҳонга машҳур олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи берилди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Озарбайжонга расмий ташрифи чоғида жумладан шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросим бўлиб ўтган.

2010 йилда Тошкент шаҳрида икки томонлама муносабатлар тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Озарбайжон халқининг атоқли фарзанди, ўзбек халқининг Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият марказининг очилгани икки томонлама маданий-гуманитар алоқалар тарихидаги яна бир муҳим воқеа бўлди. Мазкур маданият маркази 2003 йилдан буён фаолият юритаётгани ҳолда, қардош халқлар муносабатларининг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Озарбайжон маданият марказлари уюшмасининг таркибига кирди.

Жорий йилнинг 11-12 октябрь кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Озарбайжонга ташрифи, кўпгина соҳаларда тузилаётган шартнома ва битимлар, иқтисодий, маданий соҳаларда олиб борилаётган изчил амалий алоқалар халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу борада Озарбайжон ва Ўзбекистон сўзнинг ҳам асл, ҳам кўчма маъносида янгидан-янги йўллар ахтармоқда. Қадимда мамлакатларимиз ҳудудларидан ўтган Буюк ипак йўлининг давримизга хос бўлган янада самарали вариантлари устида иш олиб борилмоқда. Боку шаҳрининг қадимий тарихий-меъморий мажмуаси бўлмиш Ичаришаҳар деган жойида “Бухоро” қарвонсаройи бор. Демак, қадим-қадимдан қарвонларимиз жаҳоннинг турли бурчакларига қатнаб, нафақат тижорий моллар, айти пайтда китоблар, санъат асарларини ҳам ташишган. Улар орқали миллий маданиятларимиз бойиб борган. Бугунги кунга келиб бу вазифани қудратли нақлиёт воситалари бажармоқда. Демак, халқларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларнинг янада самарали бўлишига шак-шубҳа йўқ.

– *Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат, элчи жаноблари.*

Усмон ҚЎЧҚОР суҳбатлашди



УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

“БОР БЎЛМОҚНИ ИСТАМАЙМАН”

*Марина Цветаева
таваллудининг
120 йиллигига*

«Мени суйиб-ардоқлашса – хайрон бўламан, ёктиришмаса ҳам ажабланиман, лек менга нисбатан лоқайд бўлишса, хайратим ҳаммасидан кўра кўпроқ ошадди» – шоира ўзи хақида шундай ёзган эди.

Чиндан-да Цветаеванинг буюк шахси ва ижодига лоқайд бўлишнинг иложи йўқ. У одамни ўзининг дунёси, образлари, хис-туйғулари, муҳаббатга тўла калбига чорлайди, олов каби куйдириб, бўрондек учириб кетади.

Болаликнинг эртаги

“Четан шокиллари алвон бўлиб ёнганда, барглар тутдек ёзилганда келдим дунёга”. 1892 йил 8 октябрда Москванинг Трехпрудний тор кўчасида дунёга келган қизалоққа ўша пайтлари камёб бўлган Марина исмини қўйишди. Отаси Иван Владимирович таниқли олим, уч университет профессори, бугунги кунда дунёга машхур Нафис санъатлар музейи асосчиси эди. Онаси Мария Александровна эридан икки баравар ёш бўлиб, ажойиб пианино-

чи бўлганди. Ўзининг илк шеърларида Марина Тангрига тавалло қилиб: “*Менга ёшлик инъом этдинг – эртакларданда аълороқ, энди ўлим ҳам ҳадя эт – ўн етти ёшимданоқ!*” – деб ёзганди. У қисматининг фожиали, азоб-укубат-ла яқунланишини олдиндан сезгандек эди.

Маринадан кейин оилада Анастасия – Ася дунёга келди. Опа-сингилларнинг болалиги тор кўчадаги баланд девор билан ўралган ёғоч уйда, шохлари тарвақайлаб, кўкка бўй чўзган терак ва акациялар ўсиб ётган ҳовлида, энага ва хизматкорлар қарамоғида, Мавлуд арчаси-ю Пасха кулчалари ила, оналари роялда чалган мусиқа садолари остида ўтди. (“Онам бизни мусиқа уммониға ғарқ этарди”, дея хотирлайди шоира). 1919 йили Цветаевларнинг уйи бузиб ташланади. “*Момоларим хумор ифтихори, кўҳна Москва кулбалари, одми тор кўчалардан тамом кетмоқдасиз йўқликка томон...*” Ўша йили ёзда оила Ока дарёси бўйидаги Тарусага кўчиб ўтади. Цветаеванинг Тарусадаги дала-боғига кираверишда ёдгорликка муҳрланган ушбу сўзларни ўқиш мумкин: “Бу ерда Марина Цветаева дафн этилишни ихтиёр қилганди”.

Опа-сингиллар ўта қаттиқ-қўллик билан тарбияланади, айниқса, Марина. Она дуркун, тўлачадан келган, узоқни яхши кўра олмайдиган қизда ўзи етишолмаган орзу – буюк навозандани кўради. Чиндан ҳам Маринанинг пианино чалишга қобилияти кучли эди. Лекин қизалоқ тўрт ёшга тўлганда онаси: “Муся сўзларни тинмай қофияляпти. Балки, шоира бўлар?” – деб қайд қилиб қўяди кундаликларида. Бўлажак шоира шеър ёзишни 6 ёшидан, – биратўла рус, немис, француз тилларида

бошлади. Марина илк шеърий тўплами – “Оқшом альбоми”ни 1910 йилда ўзи йиққан пули эвазига нашр эттирди.

Такдиримни учратдим

Опа-сингиллар катта ҳаётга эрта қадам қўйишди. Москва адабий ҳаётида аллақачон ўз ўрнига эга, Максимилиан Волошин ва Валерий Брюсовлар сингари катта шоир ва адабиётшунослар назарига тушган Марина 1911 йили Коктебелга Волошинларникига келади ва шу ерда ўз бахтини – 17 ёшли Сергей Эфронни учратади. “Бу йигитнинг қанчалар жўшқин, олийжаноб эканлигини билсангиз эди. Бизнинг учрашганимиз – мўъжизанинг ўзи. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан айрилмаймиз”, – деб ёзган эди Марина. Соҳир туйғуларга ошурфта бу хушрўй йигит Коктебелга сил касалидан “тин олиш” ва оиласида рўй берган нақ икки худкушлик – ўзини-ўзи ўлдирган 14 яшар укасининг ҳамда жудоликка бардош беролмай ўз жонига қасд қилган онасининг ўлиmidан сўнг ўзини бироз бўлса-да, қўлга олиш учун келганди. Марина кимки унинг севимли тоши сердолик¹ эканлигини топса, ўша йигитга турмушга чиқишни ният қилиб қўйган экан. Учрашувларнинг бирида Сергей унга айнан шу тошни совға қилади. 1912 йилнинг январиде Марина ва Сергей никоҳдан ўтадилар, Полянадан уй сотиб оладилар, Италия, Германия, Франция бўйлаб сафар қилдилар. Ўша йили Эфронлар оиласида тўнғич фарзанд Ариадна – Аля дунёга келади. Марина ва Аля она-бола эмас, балки чин дугона, бир-бирига меҳрибон опа-сингил эдилар, гўё. “Аля! Улкан уфқдаги миттигина ҳилқат. Жар солиб ҳайқираман – жигарбандимдан қўлинг торт!” Бироқ онанинг фарёди бўғзида қолади. 1937 йили Париждан ўз

ихтиёри билан Собик Иттифокқа қайтиб келган Аля икки йил ўтиб хибсга олинади. Минг бир кийноққа солиниб, отасига қарши гувоҳлик беришига мажбур этилади. 15 йилга сургунга юборилади. Эри эса отиб ташланади.

1914 йили уруш бошланди. Сергей кўнгиллилар сафида санитар поездида урушга жўнайди. Аниқроғи, қалбининг даҳшатли изтиробидан қочишга уринади: суюкли рафикаси икки йиллик турмушлари давомида қайноғаси Пётрга (Пётр тез орада силдан вафот этади) илиқ туйғуларни туйишга улгурганди. Эндиликда эса... шоира София Парнокка оташин эҳтирос-ла меҳр кўрсатишни бошлаганди. Сергей ҳаммасини кечиради: “Менинг рафикамни одатий мезонлар билан айблаб бўлмайди. У – Ижодкор!” 1922 йили Волошинга шундай ёзади: “Марина – эҳтирослар ўчоғи”. Яна аёлининг “бўронли эҳтирослари”, очкўзларча “тутантирик учун ўтин” талаб қилаётган Маринанинг улкан қалби ҳақида ўй суради: “Мен аллақачонлар унинг оташин муҳаббатига тутантирик бўлишга ярамай колганимни гапиришга ҳожат бўлмаса керак”.

1917йилиоиладаиккинчиқизалок — бахтиқаро Ирина туғилди. Сергей инкилобни шўролар билан бўлган жангларда қарши олди. Кейин эса кўнгиллилар армиясига қўшилиб, 4 йил бедарак йўқолди. Марина икки гўдаги билан Борисоглебский тор кўчасидаги рутубатли уйда ночор аҳволда қолаверди. Кунлардан бир куни унинг уйига ўғри тушади ва хонадоннинг нечоғлик кашшоқлигидан даҳшатга тушиб, ҳатто Маринага пул таклиф қилади. 1922 йилда Марина тўнғичи Аляни олиб Берлинга, дараги чикқан эрининг қошига йўл олади. Бу пайтга келиб мурғак Ира фоний дунёни тарк этганди... Марина Цветаева

¹ Сердолик – ярим қимматбаҳо тош.

шеър-лари бежиз дарду изтироблардан иборат эмасди.

Сарсон-саргардонлик уларни мухожирликда ҳам тарк этмайдди. Чехияда ҳам, Францияда ҳам улар кашшоклик билан умр кечирдилар. 1925 йили Прагадаги чоғроққина кулбада Яратгандан тилаб олган ўғил фарзандлари – Георгий туғилади. Гўдаклигидан уни эркалаб, Мур деб чакиришади. Марина ўғлини жони-дилидан ортиқ севар, ер-у кўкка ишонмасди: “Ўғилларни суйиб-эркалаш лозим, ким билади, эртага уларни уруш кутаётгандир”. Мур онасининг ўлиmidан сўнг оч-ночорликда, дардга чалиниб, 44-йилнинг апрелида навқирон 19 ёшида бу дунёдан кўз юмади.

Парижда мухожирликда юрганда Эфрон ва Цветаевани ҳеч ким хушламайди. Оқ гвардия қахрамони Сергейни НКВД жосусликка ёллайди ва у 1935 йили Ватанга қайтиш уюшмасини бошқаради. 37-йилда эса сири фош бўлиб, собиқ Иттифоққа қочиб кетади. Марина яккаланиб қолади. У Россияга қайтишдан хайиқарди. Полиция маҳкамасида сўроққа тутилганда эри тўғрисида шундай деганди: “Унинг кимгадир бўлган ишончи поймол бўлиши мумкин. Аммо менинг эримга бўлган ишончим ўзгармайди. У энг ҳалол ва энг виждонли одамдир”. Паспортини қўлга киритгач, Марина 1939 йили ўғли Мур билан ватанига жўнаб кетади: “Мен ҳалок бўлдим”, – деган эди Марина пароход бортига кўтарилар экан. Бутун оилани НКВДнинг Болшеводаги дала-ҳовлисига жойлаштиришади. Тез орада Аляни, бир ой ўтиб эса Сергейни ҳибсга олишади. Марина ўғли билан совуқ дала-ҳовлида чирқиллаб қолади. Синглиси 10 йилга кесилиб кетади. Шундан сўнг яна азоб-укубатлар бошланади – тун-

ги ваҳималар, уйқусизлик, муз қотган поездларда қамоқдаги жигарларига егулик ташиш... 1941 йилнинг октябрида Сергей отиб ташланади. Бир неча ой давом этган сўроқ ва қийноқларда у бирор кишини сотмайди.

Марина ўғли билан Болшеводан, кейин Голицинодан бош олиб чиқиб кетгач (Ёзувчилар уйида уларга кунига бир маҳал тушлик бериб мурувват кўрсатишади, шунда ҳам ҳамма билан бир дастурхон атрофида ўтиришга рухсат этилмайди), улар бошпанасиз қоладилар. Баъзида она-бола қайнисинглисининг хонасидаги сандиқ устида тунашларига тўғри келарди.

1941 йил. Уруш. Ёв бостириб келмоқда. Марина кўрқувдан тош қотганди, гўё. Кунлардан бир куни ёлғизгина дилбанди: “Қишлоқи кампирдан фарқинг қолмабди”, дея онаизорини таҳқирлайди. Она-бола тез-тез жанжаллашиб туришарди. Ўша машъум кунларни эслаб Марина хогираномаларида шундай ёзади: “Мана бир йилдан буён ўзимни осиш учун кўзларим билан илгак ахтараётганимни бирон зот билмайди”. Мур Москвадан кетишни хохламайди – тагин жанжал чиқади. Марина узоқларга кўчиб кетаётган ёр-дўстларидан уни ҳам ўзлари билан олиб кетишларини ўтиниб сўрайди: “Энагалик ҳам, фаррошлик ҳам қилавераман, идиш-товоғ-у полларни, ойналарни ювишга ҳам тайёрман”. Улар Елабугада, омонат ёғоч кулбадаги чит парда билан тўсилган бурчакда кўним топишади. Чистополга сузиб кетаётган “сараланганлар” кемасига Маринани олишмайди. Марина Елабуга НКВДсига чакиртирилиб, ҳарбий асирлар лагерида таржимонликка тақлиф қилинган, деган тахмин ҳам бор. Бунинг эвазига Чистополдаги


турар-жойда расман рўйхатдан ўтишга рухсат берилади ва Мур иккаласи 30 августда Чистополга кўчиб ўтишлари керак бўлади. Марина ўшандаёқ барчасини обдон ўйлаб режа тузади, учта хат ёзиб қолдиради. (Уғлига ёзган хатида: “Болагинам! Мени кечир, ортиқ бардош беролмайман. Сени жуда яхши кўраман. Аммо бошқа чорам йўқ”, дейди.) Хатларидан бирида тишининг қавагида асраб юрган 150 рублни ҳам эсга олади, жасадини яхшилаб текшириб кўришларини, тириклайн кўммасликларини таъкидлайди.

31 августда Марина уйда ёлғиз қолади. Ўша куни Мур учун балиқ ковриб кўйишга ҳам улгуради.

Омборхонадаги сомон орасида ётган илгакни излаб топади. Арқонни эса Москвадан, Елабугага отланаётганда Пастернакдан олганди: “Мана, Марина, пишиққина, ҳатто ўзингни оссанг ҳам кўтаради!” Кейинчалик Пастернак ўзининг гўё башорат қилиб айтган бу “ҳазил”ини бутун умр чексиз надомат билан эслаб юрган... Мур онасининг дафн маросимига келмайди. Марина Цветаеванинг қаерга кўмилганлиги ҳануз номаълумлигича қолмоқда.

*Марина МУРЗИНА
 (“Аргументы и факты”
ҳафталигининг 40-сонидан олинди.)*

*Саиджалоил САИДМУРОДОВ
таржимаси*



АМЕРИКАНИНГ БИРИНЧИ ДРАМАТУРГИ

На мактабда ёлчитиб ўқиган, на университет таҳсилини охиригича урдалай олмаган, балоғат остонасидан ҳатлаб-ҳатламай, катта шаҳарнинг тунги ҳаётига сингиб кетган йигитчанинг келажакда буюк драматург, жаҳондаги энг нуфузли мукофотлар соҳиби бўлиши кимнинг ҳаёлига келибди, дейсиз?! Ҳаётда ўз йўлини топгунча пасту баланд кўчаларда улоқиб-адашиб

юриш, билиб-билмай қилган хатоларига аёвсиз товон тўлагандан кейингина кўзи мошдек очилиб, атрофга теран нигоҳ ташлаш кўпгина буюкларнинг қисматига битилган чоғи...

Америкалик драматург Южин Глэдстоун О’Нил 1888 йил 16 октябрда Нью-Йоркда, граф Монте-Кристо образи орқали машҳурликка эришган актёр Жеймс О’Нил оиласида дунёга келган. Адиб ҳаётининг илк йиллари, ўзининг таъбири билан айтганда, “мусофирхонаю поездларда” ўтган (бутун оила санъаткор отага ҳамроҳлик қиларди-да).

Ниҳоят, хонадон кўним топгач, Южинни аввал Нью-Йоркдаги католиклар мактаб-интернатида, кейинчалик Нью-Лондондаги мактабга берадилар. О’Ниллар кўним топган бўлса-да, оила осойишталигига путур етганди: Южиннинг онаси Элла гиёҳвандликка чалинади. Ушбу вазият болакайни қаттиқ ташвишга солади, нафақат тар-

бияси, таҳсилига ҳам катта таъсир ўтказди. Кимсан машҳур санъаткорнинг ўғли эканига қарамай, унинг исм шарифини аълочилар руйхатида учратиш амримаҳол эди. Принстон университетига ҳам аҳвол ўзгармайди: мутолаага меҳри бўлакча эканига қарамай, Южин биринчи босқичдаёқ ўқишни ташлаб, акаси Жеймсинг таъсирида катта шаҳарнинг тунги ҳаётига шўнғиб кетади. Шу тариқа йигирма ёшни қаршилаган йигитча отасининг норозилигига қарамай, Кэтлин исмли қизга уйланиб олади. Бироқ оилавий турмуш унинг қуюлишига айтарли таъсир этмайди. “Бахт”ини топган куёвтура тўйдан кейин кўп ўтмай “тахт” излаб Гондурасга, олтин конларига йўл олади. 1910 йилда Нью-Йоркда бирров кўриниш бергач (ўшанда ҳам ўғил кўргани муносабати билан), яна саргузашт излаб сафарга чиқади. Аввал Англия, кейин Аргентина... Бўлажак драматург том маънода дарбадарликда юради, вақти келса, тиланчилик қилади. Бундай оилавий ҳаётдан норози хотини, табиийки, Южин билан ажрашади. (Ўғли, кичик Южин О’Нил, кейинчалик театр танкидчиси сифатида танилади, аммо 40 ёшида ўз жонига қасд қилади.)

1911 йилда Нью-Йоркка қайтгандан кейин ҳам Южин О’Нил тайинли ишнинг бошини тутолмайди, аксинча, ичкиликка берилади. Ҳатто азбаройи тушқунликка тушганидан, жонига қасд қилмоқчи бўлади, бироқ машъум мақсадига эришолмайди. Жон ширинлик қиладими ё жасорати етмайдими – муҳими бу эмас. Асосийси, ана шу воқеликдан кейин унинг кўзи очилгандек бўлади. Ёшлигидан кўп мутолаа қилгани кўл келиб, Нью-Лондон газетасига мухбир бўлиб ишга жойлашади, ҳаётини янги тдан – оппоқ саҳифадан бошлашга қарор қилади. Аммо... дарбадарликда

кечган кунларнинг аччиқ меваси етилиб қолган экан: сил касалига чалинган Южин махсус шифохонада ярим йилча даволанишига тўғри келади. Хасталикда, тўшакка миҳланиб ўтган ана шу давр унга ҳаёт йўли, турмуш тарзи, қарашларини қайта кўриб чиқишга яна бир тўртки бўлади. Адибнинг ўзи ҳаётининг ушбу палласини “қайта туғилиш” деб атайди. Ундаги буюк санъаткор бўлиш истаги шу пайтларда куртак ёзади. О’Нил пьесалар машқ қилишга тушади, 1914 йилда Гарвард университетига Жорж Пирс драматургия семинарларида қатнаша бошлайди. Унинг илк тажриба маҳсули “Ташналик ва бошқа бир пардали пьесалар” тўпламидир. Саҳна юзини кўрган биринчи асари “Шарққа, Кардифф томон” деб номланади. Драматург ижоди аввалида кўпроқ денгиз мавзуини қаламга олади. Асосий қахрамонлари – денгизчилар, соҳил хизматчилари, оддий одамлар. Бу, ўша пайтлар театр санъатида урф бўлган аслзодаларнинг оилавий-маиший ҳаёти, ишқий саргузаштлари, ўзаро можаролари каби мавзуларга зид бўлиб, муаллифнинг янгича қарашлари, ўзига хос исёнининг бир кўриниши эди.

Драматург тинимсиз китоб мутолаа қилади, аммо ўзининг эътироф этишича, драма санъати сабоқларини устоз адиблардан эмас, ҳаётда кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларидан олади.

Южин О’Нилнинг 1920 йилда Бродвей саҳнасида намойиш этилган “Уфқ ортида” асари муаллифга Пулитцер мукофотини олиб келади. Бу бошланиши эди, кейинчалик Ю.О’Нил “Анна Кристи”, “Ғаройиб интерлюдия” ҳамда “Узун кун тунга уланади” пьесалари учун ҳам мазкур мукофотга сазовор бўлади.

1920-1943 йиллар оралиғида О’Нил йигирмадан зиёд драматик асарлар ёзади. Улар орасида драма, комедия, трагедия жанрларида,

кадим юнон афсоналари асосида яратилган пьесалар бор.

Оддий вагон кузатувчиси бўлган қоратанли Жонс исмли йигитнинг қотиллик содир этиб, Шарқий Ҳиндистондаги ороллардан бирига ҳукмрон бўлишидан ҳикоя қилувчи “Император Жонс” (1920) ўткир сюжетли драмаси нью-йорклик томошабинларни хайратга солади. О’Нил драматургияда янги йўналиш асосчиси сифатида тилга тушади. “Паҳмоқ маймун” (1922) асари янада катта шов-шувларга сабаб бўлади. Бироқ бу сафар адибни шак-кокликда айбловчилар пайдо бўлади. “Қайрағочлар остидаги муҳаббат” (1924) асарида оиладаги маънавий-ахлоқий муаммолар, фарзандкушлик фожиаси илгари сурилади. Кенг жамоатчилик эътиборини тортган мазкур пьеса бугун ҳам драматургиянинг юксак намуналаридан бири ҳисобланади. “Буюк маъбуд Браун» (1926) асари идеализм ҳамда материализм тарафдорлари ўртасидаги зиддиятга қурилади. Бунда муаллиф рамзлардан, ниқоб театри элементларидан самарали фойдаланади ва шу билан яна бир янги йўналиш – Америка авангард театри учун ўзига хос замин яратади.

1936 йилда О’Нил америкалик драматурглар ичида биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлади. Аммо оғир хасталикка чалинган адиб мукофотни топшириш маросимида қатнаша олмайди. Ўзининг миннатдорлик нутқини мактуб орқали жўнатади. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Бу мукофот нафақат менга, балки Америкадаги барча ҳамкасбларимга тааллуқли деб биламан; мен учун мазкур Нобель мукофоти Европанинг Америка театри салоҳиятини тан олишининг рамзий белгиси бўлиб қолади.”

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида адиб ўзигагина хос, энг пухта асарларини ёзади. “Марко-миллиончи” (1928) романтик сатираси, “Ғаройиб интерлюдия” драмаси

(1928), “Электранинг қисматида мотам битилган” (1931) трилогияси, “О, ёшлик!” (1933) комедияси шулар жумласидан. Нобель мукофоти қўмитаси О’Нил асарларини “мазмунан чуқур, серкирра, оригинал”лигини эътироф этган пайтда драматургнинг энг машҳур “Муз сотувчи ташриф буюрмоқда” (1939), “Узун кун тунга уланади” (1941), унинг мантиқий давоми бўлган “Такдирнинг ўғай фарзандларига аталган ҳилол” каби юксак маҳорат билан битилган пьесалари ҳали дунё юзини кўрмаган эди. Шу ва шу каби бошқа асарлари учун ҳам Южин О’Нил ҳақли равишда Американинг энг олди драматурги сифатида эътироф этилган.

Адибнинг ижодий ютуқлари, шон-шухрати қанчалик юксалмасин, шахсий ҳаётида муаммолар етарли эди. У 1918 йилда адиба Агнес Боултонга уйланиб, ундан икки фарзанд – ўғил ва қиз кўради (дарвоқе, қизи Уна 18 ёшида отасининг қаршилигига қарамай, машҳур комик актёр ва режиссёр Чарли Чаплинга турмушга чиқади.) Қисқа вақт – бор-йўғи уч йил нари-берисида (1920-1923 йиллар) Южин отаси, онаси, акасидан жудо бўлади. 1928 йилда рафиқаси билан ажрашиб, ёш актриса Карлотта Монтрейга уйланади.

Ёзувчи асарларида шахсий ҳаётида рўй берган, ўзи тўқнашган, бошидан ўтказган воқеаларга тез-тез мурожаат қилади. Яқин инсонлар, жумладан, оила аъзолари ўртасидаги мураккаб, оғриқли муносабатларни қоғозга туширади. Ўзи айтгандек, “кўзда ёш, жон-жонидан ўтиб кетган раҳм-шафқат туйғуси ила ҳар бир қаҳрамонини тушунишга” ҳаракат қилади.

Ҳаётининг сўнгги ўн йилида драматург айтарли ижод қилмайди. Асаб тизимига қаттиқ таъсир этган хасталик оқибатида ҳатто қўлига қалам тутолмайди, ҳаракатдан қолади. Гарчанд айрим мутахассислар О’Нилнинг баъзи асарларини

тили етарли даражада пухта эмаслиги, қахрамонлари майда ташвишларга кўмилиб кетганлигида айблашса-да, шак-шубҳасиз, у Американинг ҳаётий драматургияси асосчиси сифатида ном қолдирган.

“Инсон табиатини ҳис қилишда унга тенг келадигани йўқ, – деб ёзган эди америкалик таниқли театр танқидчиси Жорж Нейтан О’Нил

ҳақида, – сахна ва унинг имкониятлари борасида теран тасаввурга эга бўлган бу адибнинг асарлари мислсиз шиддати ва кенг қамрови билан ҳам бетакрордир. О’Нил театрини ҳақиқий университет деб аташ мумкин...”.

Южин О’Нил 1953 йил 27 ноябрда вафот этади.

ДАРВОҚЕ...

Южин О’Нил кўёви Чарли Чаплиндан атиги ярим ёш катта бўлган.



АКА-УКА ЛЮМБЕРЛАР: ИККИ ЁРТИ – БИР БУТУН...

Бугунги кино шинавандаларининг муаммоси йўқ: хоҳласа ёқтирган картинасини санъат кошонаси катта экранида, истаса уйининг бир бурчагидаги телевизор орқали томоша қилиши мумкин. Шунингдек, юзлаб қисмдан иборат сериалларни ўзида жо қилиш имкониятига эга компьютер мониторлари борки, доим хизматингизга тайёр... Хуллас, техника тараққиёти шунчалик юксалганки, замондошларимиз нафақат сеvimли картиналари муҳрланган дисклар жамланмасига эга, кўпларнинг ои-

лавий тадбирларни видеотасмага ёзиб, ҳаваскор фильмлар яратишга кўллари келиб қолган ҳатто. Бугунги мезонлар қаршисида бир гала ишчининг тургиниб-суртиниб корхона дарвозасидан чиқиб келиши акс этган 40 сонияли жўнгина лавҳа наинки ҳайратга, балки эътиборга арзимас ҳолдек туюлиши мумкин. Бироқ ҳаммаси айнан шундан бошланган – кинематографнинг илк қадами шу бўлганди. Мазкур санъат мўъжизасига ака-ука Огюст ва Луи Люмберлар асос солганди.

Огюст ва Луининг ёши ўрта-сидаги фарқ бор-йўғи икки йилни ташкил этади: тўнғичи 1862 йил 19 октябрда туғилган бўлса, укаси 1864 йил 5 октябрда таваллуд топган. Иккисининг ҳам киндик қони Франциянинг Безансон шаҳрида тўкилган. Болакайларнинг рассом оиласида туғилиб-улғайгани келажак фаолиятига таъсир кўрсатмай қолмаган. Куруқ сурат олиш билангина чекланмай, муайян ҳолатларни “жонлантириш” ғояси уларда болалиқдан туғилган бўлса, не ажаб.

Ака-укалар иқтидорли одамлар эди: Огюстда ташкилотчилик қобилияти юқори бўлса, укаси Лу-

ида ихтирочилик салоҳияти кўзга ташланарди. Акаснинг жонсараклик ила қилган ҳаракатлари Луининг кашфиётларини юзага чиқаришда катта аҳамият касб этади. Натижада Луи Жан Люмьер – кинематографни ихтиро қилган олим, француз киносаноати ва кинорежиссура асосчиси даражасига кўтарилди, 1919 йилда Париж фанлар академиясига аъзо бўлади.

Оғуст ташкилий ишларни зиммасига олган бир пайтда Луи кинематограф ва ихтирочиликнинг техник жиҳатлари билан машғул бўлади. У Саноат мактабида таҳсил олади, фотосураткашлик билан шуғулланади, отасига тегишли фотомашсулотлар фабрикасида ишлайди. 1895 йилда Луи Жан Люмьер “ҳаракатланувчи фотосуратлар”ни тасвирга олувчи махсус киноаппаратни ихтиро қилади. Аппаратга “кинематограф” номи берилди.

1895 йил мартда Парижда фотосаноатни ривожлантириш бўйича ўтказилган конференцияда ака-ука Люмьерлар жаҳонда биринчи мартаба ёпиқ тарздаги кино намойишини ташкил этадилар. Йиғилганлар эътиборига “Ишчиларнинг корхонадан чиқиб келиши” (бунда ака-укалар “фон” сифатида шахсий фабрикаларидан фойдаланганлар) номи остида қисқагина, атиги 40 сонияли лавҳа ҳавола этилди. Айнан шу сониялар тарихий бўлиб, дунёга кинематограф отлиғ санъат мўъжизаси кириб келгани ҳақида жар солади. Дарвоқе, ушбу кашфиёт устида бошқа мамлакатларда ҳам изланишлар олиб борилаётганидан хабардор Люмьерлар зудлик билан “синематограф” (кинематография аввалига шундай номланган) учун патентни қўлга киритадилар. Намойиш мутахассисларнинг мислсиз олқишларига сазовор бўлади, конференциянинг, қолаверса, ўша

кунларнинг бош мавзусига айланади.

Биринчи оммавий пулли томоша 1895 йил 28 декабрда Парижнинг Капуцинлар хиёбонидаги “Гран-кафе” ертўласида ўтказилади. Илк сеансда Люмьерлар 10 та ҳаётий лавҳадан иборат қисқагина фильм намойиш қиладилар. Жўнгина табиий жараёнларни тасвирга тушириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этадилар. “Ишчиларнинг корхонадан чиқиб келиши”, “Балиқ ови”, “Гўдак нонушта-си”, “Сувга бўккан сув сепувчи” лавҳалари шулар жумласидандир.

1896 йил январда Люмьерлар оламшумул “Ла Сьота вокзалига поезднинг келиши” лавҳасини намойиш этадилар. Тасвир томошабинларда катта таассурот уйғотади, қоронғу залга, тўппа-тўғри одамлар устига “бостириб келаётган” ҳақиқий поездни кўрган одамларни ҳайрат аралаш даҳшат чулғаб оларди, азбаройи кўркқанидан залдан урра қочганлар ҳам топиларди. Ўша йилдан бошлаб ака-укалар ўз кашфиётларини бутун жаҳонга танитишга киришадилар: Лондон, Нью-Йорк, Бомбейга сафарлар уюштирадилар. Кинематограф тез орада дунё бўйлаб тарқалади.

Люмьерлар тасвирга олган кадрларда ҳеч қандай ғайриоддий сахналар йўқ, уларда юксак санъат намуналари ҳам учрамайди. Қаҳрамонлари эса оддий одамлар: ўт ўчирувчилар, қайиқчилар, кир ювувчилар, қисқаси, баландпарвоз ғоялар эмас, кундалик ташвишлари билан банд меҳнаткаш омма эди, холос...

Орадан бир асрдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида санъат шинавандаларининг талаблари ҳам, қизиқишу даъволари ҳам мутлақо ўзгарган. XXI аср томошабини 3,5,7 – “D” форматда ишланиб, экрандан росмана чиқиб келаётган поезд тугул, динозаврдан

хам чўчимайди, мавжланаётган денгиз тўлқинларию ҳаққоний ифор таратаётган боғ-роғлар туфайли ортиқча ҳиссиётга берилмайди. Умуман, бугунги томошабинни қойил қолдириш – амримаҳол. Бироқ нима бўлганда ҳам, на тайинли сюжети бор, на аниқ бирор ғоя илгари сурилмаган, на профессионал актёрлардан фойдаланмаган Льюмьерлар мўъжизасига тан бер-

масликнинг иложи йўқ. Уларнинг номи ҳақли равишда кинематография тарихи зарварақларига катта ҳарфлар билан битилган. Бунинг исботини замонавий экранларда бўлмаса-да, Льюмьерлар номи берилган самодаги астероидлардан бирида, Францияда энг яхши хужжатли фильм учун тақдим этиладиган Луи Льюмьер номидаги йиллик мукофотда кўриш мумкин.



“КАМЕЛИЯЛИ ХОНИМ” САРА БЕРНАР

Тарихда муносиб ном қолдиришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, гап театр санъати ҳақида кетганда. Шоирдан шеър қолади, бастакордан мусиқа, расомдан картина... Актёрдан-чи? Телевидение аталмиш техника мўъжизаси юзага келгунга қадар, не-не маҳорат соҳиблари ижросидаги бетакрор образлар тасмаларга тушмай, изсиз йўқолиб кетган экан?! Улар ҳақида фақат замондошлар хотиралари, мутахассислар эътирофию ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ турли-туман, баъзан

бир-бирига зид фикр-афсоналар қолган, холос. Бу ҳол Сара Бернарга ҳам таалукли. Боз устига, у “Ҳаётимнинг икки томони” автобиографик китобида кўп гапларни “парда ортида” қолдирадики, бу ўзи ҳақидаги ҳақиқат ва уйдирмаларнинг баттар чувалашиб кетишига сабаб бўлади. Шунга қарамай, Сара Бернар (асли исми шарифи Генриетт Розин Бернар) XX аср бошларида “театр санъати тарихидаги энг машхур актриса” сифатида ном қолдиради.

Томирида яҳудий қони оққан Сара Бернар 1844 йил 22 октябрда Парижда туғилган. Уни дунёга келтирган онаси Юдиф ўшанда бор-йўғи 16 ёшда эди. Саранинг дунёга келишининг ўзи турли миш-мишларга сабаб бўлганди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, Юдиф Парижнинг донғи кетган жорияларидан бўлиб, ўзининг ҳусну малоҳати билан не-не аслзодаларни асир этиб, ном чиқарганди. Қизалокнинг туғилиши бойваччалар ҳисобига маликалардек ҳаёт кечираётган онасининг “ҳаловати”ни бузади. Шу боис гўдакни Англияга, энага қарамоғига юборадилар. Бегона аёл қўлида мурғак қизалок неча бор балолардан омон қолмайди, дейсиз: ҳали атак-чечак юришга улгурмай, қаровсиз қолиб ёнғинда

1 Камелия – доимий яшил бута ва унинг оқ, қизил гуллари.

халок бўлишига оз қолади. Бошқа энагага топширилганда эса тиниб-тинчимас қизалоқнинг оёқ-қўли синади. Ниҳоят, навбатдаги жазмани билан Европа бўйлаб сайру саёҳатда юрган Юдиф фарзандини ўз уйига олиб келишга мажбур бўлади. Қизалоқнинг туккан онасига кўникишига анча вақт кетганини инобатга олмаганда, ҳаётига маъно киргандек бўлади. Яқинлари ёнида, иссиқ-совуғи жойда, меҳр ҳам бордай. Устига-устак онасининг “ҳомийлари” ҳам нимжон, касалманд қизалоқни эътибордан четда қолдирмай, мурувват кўрсатиб турадилар. Бунинг натижаси ўлароқ, Сара аста-секин шифо топади, обрўли мактабларда таҳсил олади. Айтиш мумкинки, унинг санъат йўлига киришига ҳам “меҳмон амаки”лардан бири сабаб бўлади. Ўшанда онаси кимсан герцог де Морнининг назарига тушганди. Герцог қиздаги артистизм, ҳиссиётларга бой ички дунёни илғаб, Бернарнинг ўрни сахнада, деган қарорга келади. Де Морни бўлажак юлдузни аввал Драма санъати миллий консерваториясига, кейинроқ “Комеди Франсез” театрига жойлаштиришга кўмаклашади...

Сара Бернар илк маротаба катта сахнага 1862 йил 1 сентябрда “Ифигения” спектаклида чиқади. Бироқ унинг дебют роли муваффақият қозонмайди. Бу эса “таниш-билишлари орқали келиб қолган” актрисанинг иқтидорига шубҳа билан қаровчилар сафини кўпайтиради. Бундай қарашлар сабаб, кўп ўтмай Бернар театрни тарк этади. Аммо бу омадсизлик ўжаргина қизни чекинишга мажбур қилолмайди. Қанча қийинчиликни бошидан кечирмасин, Сара онасининг йўлидан кетмайди – нияти аён эркаклар кўмагида мақсадига эришишни ўзига эп билмайди. 1864 йилда

ўғли Мориснинг дунёга келиши туфайли ташвишлар икки ҳисса ортади: энди у нафақат ўзи, балки боласининг ҳаёти, келажаги учун ҳам масъул эди! С.Бернар, ниҳоят, Париждаги машхур театрларидан бири “Одеон”да ижод қилишни бошлайди. Аста-секин иқтидори сайқалланган актриса “Қирол Лир” спектаклидаги роли орқали кенг томошабин ва мутахассислар эътиборига тушади. Виктор Гюго асари асосида 1872 йилда сахналаштирилган “Рюи Блаз” спектаклида яратган Қиролича образи эса актрисани том маънода сахна қироличасига айлантиради. Вақт ўтиб, Бернар забт этмаган театр қолмайди ҳисоби: “Комеди Франсез”, “Жимниз”, “Порт-Сен-Мартен”, “Одеон” санъат қошоналарида юксак иқтидорини намоён этишдан ташқари, “Ренессанс” ҳамда “Насьон” театрларини ўз тасарруфига ўтказди. (Кейинчалик “Насьон” “Сара Бернар театри” номи билан юртила бошлаган.)

Кўплаб театр алломалари, жумладан К.С.Станиславский ҳам Бернар ижодини техник жиҳатдан етук дея баҳолаганди. Шунинг баробарида баъзи мутахассислар унинг маҳорати, ижро техникаси баланд-парвозлик, бир қадар сунъийлик билан йўғрилганини ҳам таъкидлайдилар. Хусусан, А.П.Чехов, И.С.Тургенев Сара Бернарнинг оламшумул шон-шухрати замирида туғма иқтидордан кўра, ўзлаштирилган назарий билимлар ҳосиласи ётади, деган мазмунда фикр билдирганлар. Бундай мулоҳазаларда мантиқ учқунлари ҳам йўқ эмас: Сара ўз устида жуда кўп ишлар, санъатга дахлдор асарларни синчиклаб ўқир, улардан керакли нарсаларни ўзлаштирарди ҳам. Бу мутлақо табиий жараён. Ахир, аксарият ҳолларда иқтидор ҳам машаққатли меҳнат ва изланишлар натижасидагина юзага

чиқади-да! “Томошалардан олдин матбуотда Бернар ҳақидаги шовшувларнинг кўпиртирилиши актрисага ясама машҳурлик келтиради”, деган иддаолар ҳам кулоққа чалинарди ўша пайтларда. Бироқ шовшувлар кўпроқ Саранинг шахсий ҳаётига таалукли эдики, санъаткорнинг ижоди ҳар хил пиндан ва эътирозлардан холи эканини вақт кўрсатди.

Бернар мохирона ижро этган кўлаб роллар орасида эркаклар образлари ҳам бор эди: Ҳамлет, Наполеоннинг бадбахт ўғли Орленок... Эътиборлиси, 20 ёшли Орленокни ўйнаганда Сара Бернар элик олти (!) ёшда эди. Ўн уч яшар Жульетта образини яратганда эса актриса нақ етмишга кирганди! Шунинг ўзиёқ Саранинг икtidори қай даражада юксак бўлганини тасдиқламайдими?! Эркаклар сиймоларини қойилмақом қилиб ижро этган актрисанинг донья Соль (“Эрнани”, Гюго), Маргарита Готье (“Камелияли хоним”, А.Дюма-ўғил), Теодора (“Теодора”, Сарду) ва бошқа образларни қандай яратганини тасаввур қилаверинг...

Сара Бернар жаҳонгашта санъаткор сифатида ҳам тилга тушганди. Россияда уни “Америка ва Европани забт этиб, Москвага жадал кириб келаётган аёл жинсидаги Наполеон” сифатида қизиқиш билан кутиб олишганди. “Бу афсонавий малика шаънига жаҳоннинг буюклари битган таърифу тавсифлар на Микеланжело, на Бетховеннинг тушига ҳам кирмаган”, деб ёзган эди “Московские ведомости” газетаси.

Бернар хонимнинг мамлакатлар оша қилган гастроль турнеларининг матбуотдаги тафсилотлари ҳарбий юришлардан олиб борилган репортажларни эслатиб юборарди: қаерга борди, кимларни таслим қилди, эътирофлар, танқидлар... Бундай пайтларда

Сара Бернарга оид хабарлар газеталарнинг биринчи саҳифасидан жой оларди. Шунинг учунмикин, жамоатчилик, айниқса, диний доиралар вакилларининг актрисага муносабати жуда баҳсталаб эди. Кимдир уни кўкларга кўтарса, кимдир “инсоният маънавий қиёфасига доғ тушириш учун ер юзига юборилган офат” дея, таъна тошларига кўмиб ташларди.

Санъаткор сифатида ўзга мамлакат, ўзга маданиятлар билан яқиндан танишиш, минг-минглаб мухлислар олқишига сазовор бўлиш ёқимли, албатта. Аммо тинимсиз сафарларнинг ўзига яраша машаққати ҳам бўлади. Рио-де-Жанейродаги гастроль чоғида Сара Бернарнинг оёғи қаттиқ лат ейди. Орадан ўн йилча ўтгач, ўша захм ўз асоратини кўрсатади, 1905 йилда оёқни кесиб ташлашга тўғри келади. Ногирон бўлиб қолганига қарамай, Бернар саҳнани тарк этмайди. Биринчи жаҳон уруши йилларида ҳам фронтга бориб санъатини намоиш қилади. 1914 йилда Фаҳрий легион ордени билан мукофотланади.

Сара Бернар учун ҳаёт ва ижод ўртасида чегара мавжуд эмасди. Театр унинг жону жаҳони бўлиб, ҳаётда ҳам ўзини саҳнада юргандек тутарди. Бетакрор табиати билан ҳаммадан ажралиб турадиган Бернар ўзи ҳақда шундай ёзганди: “Мен жуда эътиборгалабман, бироқ меҳмонга боришни хуш кўрмайман. Номимга юборилган мактубларни ўқишни, шарҳлашни ёқтираман, бироқ уларга жавоб ёзишни жиним суймайди. Ўзгаларга бажонидил маслаҳат беришим мумкин, аммо бировдан панд-насихат эшитишга тоқатим йўқ...”


Сара Бернарнинг биринчи турмуш ўртоғи фаранг аслзодаси, иккинчиси грециялик хушбичим актёр бўлган. Бироқ, таъкидлаш

жоизки, актрисанинг санъатга бўлган меҳри, муҳаббати олдида шахсий ҳаёти иккинчи даражага ўтиб қолганди. У охири нафасигача театрга хизмат қилди. Умрининг поёнида ҳам сахнага чиқиб, қиска кўринишли роллар ижро этар, айрим пайтларда уни сахнага тахтиравонсифат махсус мослама-

да олиб чиқадиган бўлишганди.

Сара Бернар 1923 йил 26 мартда 78 ёшида Парижда вафот этди. Буюк актрисани сўнгги манзилга кузатган мухлислари қабристонгача бўлган йўлга Саранинг севимли гуллари – камелияларни сочиб чикдилар.

Юлдуз ҲОШИМОВА тайёрлади



ОПЕРА САҢЪАТИНИНГ БУЮК ДАҲОСИ

Жузеппе Верди номи жаҳон мумтоз мусикаси, хусусан, опера санъатида ўз ўрнига эга. У яратиб қолдирган бир қатор ўлмас асарлар ҳар куни дунёнинг турли бурчакларида таралади, минглаб санъат ихлосмандларига битмас-туганмас маънавий озуқа бахш этади.

XIX аср италян операсининг бетақроп вакили Жузеппе Фортунини Франческо Верди 1813 йилнинг 10 октябрида Италиянинг Буссато шаҳри яқинидаги Ронколе музофотида таваллуд топган. Унинг отаси Карло Верди қишлоқ қовоқхонасини юргизар, онаси Луижи Уттини ип йигириш билан машғул бўларди. Жузеппенинг болалиги қишлоғидаги бошқа тенгқурлари каби қийинчиликда,

муҳтожликда кечган.

Верди ёшлигидан мусикага, санъатга меҳр қўяди. Дастлаб қишлоқ черкови руҳонийсидан орган чалиш сирларини ўрганди. Ўспириннинг мусикий иқтидори Буссатонинг йирик амалдорлардан бири Антонио Барреци назарига тушади. У Жузеппенинг мусика чалишини кузатаркан, қаршисида бўлажак буюк санъаткор турганига ишонади. Унинг тавсиясига биноан Жузеппе шаҳарга кўчиб ўтади ва шу ерда таълим ола бошлайди. Кейинчалик таҳсилни Италиянинг йирик маданият бешикларидан бири – Миланда давом эттиради. Верди ёшлик йилларида Шекспир, Данте, Гёте, Шиллер сингари дунё классиклари ижоди билан яқиндан танишади.

Вердининг илк сахна асари – “Граф Бонифачо” Миландаги “Ла Скала” театрида кўйилгач, бастакор катта шуҳрат қозонади. Театр раҳбарияти талаби билан у яна иккита сахна асари – “Бир соатлик қирол” ва “Навуходоносор” операларини яратади. 1842 йилда сахналаштирилган “Навуходоносор” унга катта шуҳрат келтиради. Ундан кейин яратилган “Ломбарди” ва “Эрнани” опералари ҳам санъат ихлосмандлари тарафидан илиқ кутиб олинади. Кейинчалик бу асарлар Париж театрларида кўйилади.

Жузеппе Буссатога қайтганида

Маргарита исмли қиз билан турмуш курган, бироқ уларнинг икки фарзанди гўдаклигидаёқ нобуд бўлганди. 38 ёшида Вердининг ҳаётига сопрано овозли таниқли хонанда Жузеппина Стреппони кириб келади. Верди унга бўлган муҳаббати рамзи сифатида машҳур “Риголетти” операсини яратади. Бу сахна асари француз адиби Виктор Гюгонинг “Қиролнинг дилхушлиги” пьесаси мотивлари асосида дунёга келганди. Операнинг 1851 йилда Венецияда ўтказилган намоиши катта муваффақият қозонади. Салкам икки асрдирки, мазкур асар санъатшунослар, соҳа мутахассислари томонидан опера санъатининг энг бебаҳо дурдоналаридан бири сифатида баҳоланиб келмоқда. Орадан икки йил ўтиб яратилган яна бир шоҳ асар “Травиата” операси ҳам ана шундай шоҳ асарлар қаторидан жой олган. Бу асар яна бир француз адиби Александр Дюма – ўғилнинг “Камелияли хоним” пьесаси асосида яратилганди. Шунингдек, Вердининг “Сицилия оқшоми”, “Труба-

дур”, “Бал-маскарад”, “Макбет” сингари асарлари ҳақида ҳам айнан шундай фикр билдириш мумкин. Ниҳоят, бастакор ижодининг чўққиси – “Аида” операси дунёга келади. Мазкур асар Мисрдаги Сувайш каналининг очилиши муносабати билан яратилган ва илк бор 1871 йилда Қоҳирада сахналаштирилганди. Асар қадимги Миср мифологияси асосида яратилган бўлиб, унда фиръавннинг лашкарбошиси Радамес ва Эфиопия маликаси Аиданинг муҳаббати ўз ифодасини топган.

Верди ижодий фаолияти давомида яна кўплаб бетакрор асарлар яратди. Аммо умрининг сўнгги йилларида оғир хасталик – фалаж уни тўшакка миҳлаб қўйди. Буюк бастакор 1901 йилнинг 27 январидан ҳаёт билан видолашди.

Бутун дунёнинг энг нуфузли сахналарида бўлгани каби пойтахт-тимизнинг Алишер Навоий номидаги Академик катта театрида ҳам Жузеппе Вердининг қатор асарлари сахналаштирилиб, томошабинларга тақдим этиб келинади.

БУ ҚИЗИҚ!

Верди ўз замондоши немис бастакори Вагнерни ашаддий рақиб деб ҳисоблаган. “Аида” операсини ёзиш таклифини дастлаб рад этган санъаткор бу вазифа Вагнерга топширилиши мумкинлигидан хабар топгач, дарҳол розилик билдирган. Ушбу опера ҳозиргача Мисрда, Қоҳира яқинида, Сфинкс ҳайкали ўрнатилган майдондаги амфитеатрда, очиқ осмон остида томошабинлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда.



ДУНЁ БОЛАЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ АДИБИ

Ҳар қандай миллий адабиётда болалар адиблари нисбатан камчиликни ташкил этади. Бу бежиз эмас. Болажонларга атаб асар битиш учун ижодкордан катта салоҳият, бағрикенглик талаб этилади. Салоҳиятни-ку, меҳнат ва изланиш эвазига кучайтириш мумкин, бироқ кўнгилни муайян ўзанга солиш анчайин қийин. Жажжи китобхонларнинг қалбини забт этиш учун болалар адиби бўлиб туғилиш керак! Бундай саодат эса ҳар қандай қаламкашга ҳам насиб этавермайди. Италиялик машҳур адиб Жанни Родари ўзининг юксак иқтидори ва беғубор кўнгли ила жаҳоннинг турли мамлакатларида яшаётган болалар қалбига, онгу шуурига йўл топган ардоқли адиблардан биридир.

Турган гапки, Жанни Родари ҳам бола бўлган, бироқ умрининг энг беғубор лаҳзалари қувончга тўла кечмаган. 1920 йил 23 октябрда Италиянинг Оменья шаҳарчасида ўртаҳол новвой оиласида дунёга келган Жанни гўдаклигидаёқ отасидан айрилади. Ушбу мусибатдан кейин кўп ўтмай онаси уч ўғлини (Жанни оиланинг кенжаси эди) олиб, туғилиб-ўсган қишлоғи – Варесоттога жўнайди. Жанни болалигидан мусиқа ва адабиётга ошно бўлади, скрипка чалиш сирларини кунт билан ўрганади, Ниц-

ше, Шопенгауэр, Толстой асарларини севиб мутолаа қилади.

Ўрта мактабдан сўнг уч йиллик семинарияни битирган Жанни Родари 17 ёшидан қишлоқ мактабида бошланғич синфларга дарс бера бошлайди. 1939 йилда Милан университетининг филология факультетига ўқишга киради. Унинг талабалик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келганди. Акалари Чезаре ва Марио фашистларга қарши урушга отланади. Жанни акаларига қараганда нимжон ва касалванд эди, шу боис ҳам уни фронтга олишмайди. Кўп ўтмай, Родарилар хонадонига совуқ хабар келади: Чезаре урушда ҳалок бўлганди... Шундан сўнг Ж.Родари мамлакатда фашистлар тузумига норозилик сифатида юзага келган Қаршилиқ ҳаракатига аъзо бўлади. Болаликнинг оғир дамлари, кетма-кет келган мусибат, сиёсий ҳаракатдаги фаолиқ Родарини эрта улғайтирган бўлса-да, бироқ унинг қалбидаги беғуборликка путур етказолмайди. У дунёни болалардек маъсум нигоҳ билан кўра оларди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1948 йилда Родари “Unita” газетасига муҳбир бўлиб ишга кириб, ўша йилдан эътиборан кичкинтойларга атаб китоблар ёза бошлайди. 1950 йилдан Римда ташкил этилган “Pioniere” болалар журнаliga бош муҳаррир этиб тайинланади. 1951 йилда унинг илк китоби “Қувнок шеърлар” дунё юзини кўради. Сўнг адиб бутун дунё болаларининг меҳрини қозонган “Чиполлионинг саргузаштлари” асарини яратади. Бу асар асосида дастлаб мультфильм, кейин эса бадиий фильмлар суратга олинади.

Тез орада Родарининг “Жельсамино ёлғончилар мамлакатига”, “Осмон ва заминдаги шеърлар”, “Янги йил арчалари сайёраси”, “Самодаги торт”, “Бекорчи лақабли Жованнинининг саргузаштлари” сингари асарлари болалар китоб жавонидан жой олади. Унинг асарлари бир қатор тилларга таржима

қилина бошлайди.

Жанни Родарининг эртақ, қисса ва ҳикояларида болаларча соддалик, беғуборлик яққол кўзга ташланиб туради. Шу билан бирга, у ўз асарларида янгича, ноанъанавий усул ва услублардан ҳам унумли фойдаланди. “Учтадан якуни бор эртақлар” тўпламида ана шундай янгича ёндашувни кўриш мумкин. Бу эртақларнинг ҳар бирида ўқувчига воқеаларнинг уч хил ечимини тақдим этади. Адибнинг барча асарлари болаларни ростгўй, довдюрак бўлишга, одамларга фақат эзгулик

улашишга даъват этади.

1970 йилда Жанни Родари болалар адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси учун Ганс Христиан Андерсен номидаги халқаро мукофотга сазовор бўлади.

Жанни Родари узоқ давом этган хасталиқдан сўнг 1980 йил 14 апрелда, Рим шаҳрида оламдан ўтади.

Адиб асарлари ўзбек тилида ҳам босилиб чиққан. 1990 йилда унинг бир қатор эртақ ва қиссалари “Рим эртақлари” номи билан нашр этилган.

ДАРВОҚЕ...

1973 йилда “Мосфильм” киностудиясида Жанни Родари асари асосида суратга олинган “Чиполлинонинг саргузаштлари” фильмида эртақчи ролини муаллифнинг ўзи ижро этган.

Рустам ЖАББОРОВ
тайёрлади

МУҚОВАМИЗДА..

МҮЙҚАЛАМДА ВАТАНГА МЕХР

Озарбайжон тасвирий санъатида ўз ўрнига эга таникли мусаввир Асаф Али Искандар ўғли Жаъфаров 1927 йилда Бокуда туғилган. Азим Азимзода номидаги Озарбайжон давлат бадиий санъат билим юрти, В.Суриков номидаги Москва бадиий санъат институтини тамомлаган.


Мусаввирлик санъатининг турли жанрларида сермахсул ижоди билан танилган Озарбайжон халқ рассоми Жаъфаров ҳар бир полотносида ўз даври ва замондошлари руҳиятини теран акс эттиради. Миллий урф-одатлар, тарихий қадриятлар унинг назаридан четда қолмайди. Озар халқи турмушини ўзига хос сюжетларга жо қилиб, картиналарида муҳрлайди.

А.А.Жаъфаров ижодида она заминнинг фусункор табиатига алоҳида ўрин берилади. Абшерон манзаралари “Баҳор”, “Абшероннинг олтин қумликлари”, “Жазирама кун”, “Анжир бутаси”, “Бокуда киш” асарларида намоён бўлган. “Настарин”, “Беҳи” сингари натюрмортларида муаллиф табиат инъомларини рангин буёқларда акс эттиради.



ЮЗ ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ ЯХШИ РАССОМИ

Бўладиган бола бошидан маълум! Ўзбекларнинг бу нақлини буюк мўйқалам соҳиби Пабло Пикассога нисбатан бемалум қўллаш мумкин. Сирасини айтганда, рассомлик Паблонинг қонида бўлиб, отаси ўз даврининг таникли мусаввирларидан эди. Пабло Диего Хозе Франциско де Паула Хуан Непомукено Криспин Криспиано де ла Сантисима Тринидад Руиз и Пикассо – қахрамонимизнинг тўлиқ исми шарифи нақ 93 ҳарфдан иборат бўлиб, “Пабло” билан бошланган номаи аъмоли онасининг шарифи – “Пикассо” ила яқун топади. Бўлажак рассомнинг таваллуди 1881 йилнинг 25 октябрь санасига тўғри келади. Киндик қони тўкилган гўша Испаниянинг сўлим Малага шаҳарчаси хисобланади.



Болакай етти ёшидан отасидан рассомчилик сабоқларини ўргана бошлайди. Унинг биринчи ижодий иши кабутар қанотларини чизиш бўлади. Ун уч ёшга тўлганида мустақил равишда улкан ҳажмдаги турли натюрмортлар яратишга киришади.

Паблога ўсмирлик чоғидаёқ Барселонадаги рассомлар академиясининг талабаси бўлишдек бахт насиб этди. Унинг ёшлиқдан фавкулудда истеъдоди билан ажралиб тургани замондошлари томонидан кўп бора эътироф этилган. Одатда тенгқурлари имтиҳонларга ойлаб тайёргарлик кўришса, Паблога бунинг учун бор-йўғи бир ҳафта етарли эди. Кейинчалик ота-онаси бўлажак рассомни Испаниянинг энг нуфузли таълим даргоҳларидан бири ҳисобланган “Сан Фернандо” санъат мактабига ўқишга беришади.

Ўқишдан кейин Мадридга келган Пикассонинг қаршисида кўплаб имкониятлар эшиклари очилади. Мусаввир улардан унумли фойдаланади. Пабло пойтахтда машҳур санъаткорлар ҳаёти ва ижодий услубларинини кунт билан ўрганади. Айниқса, Франциско Гойя, Диего Веласкес, Эл Греколарнинг хайратомуз асарларидан олам-олам завқ, маънавий озуқа олади. Ўша пайтда яратилган ва рассомнинг илк ижодий ишларидан ҳисобланган “Автопортрет” ҳамда “Она портрети” картиналари ҳозирда Барселонадаги Пабло Пикассога атаб бунёд этилган музейда сақланади.

Мадридда анча тажриба орттирган рассом ўша даврда жаҳон санъати маркази дея эътироф этилган Парижга отланади. Париж сафари, бу ерда ўрганганлари Пикассо ижодига қатта таъсир кўрсатгани бор гап. Негаки, рассом фаранг пойтахтида қадимги готика услубидаги хайкалтарошлик сирларини пухта ўзлаштиради, кўҳна шаҳарнинг барча музейларини томоша қилиб чиқади, ўқиб, уқиб, билимини оширади. Айнан ўша даврда (ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари) Пикассо ижодиётининг янги қирралари очила бошлайди. Орттирган тажрибаси натижасида аввал кубизм, сўнгра неоклассицизм ва сюрреализм йўналишида ижодини давом эттиради.





1935 йили Пикассо афсонавий қахрамон акс этган “Минотавромания”ни яради. У Минотаврни уруш ва ўлим тимсоли сифатида ноанъанавий кўринишда талкин этган эди. Кўп ўтмай Пикассони дунёга танитган мўъжизакор асари – “Герника” яратилади. “Герника” эни 8, бўйи 3,5 метр ҳажмдаги, бир қарашда жўнгина асардир. Картинани машҳур қилган унинг каттагина ҳажми эмас, ҳаётийлиги, муаллифининг сиёсий қарашлари акс этганлигида эди. Бу суратда рассом фашист авиацияси томонидан вайрон қилинган Испаниянинг кичик бир шаҳарчасини тасвирланганди. Шу йўналишда яна қатор санъат дурдоналари – “Генерал Франконинг орзу ва ёлғонлари” (1936 йилги фуқаролар урушига бағишланган), “Йиғлаётган аёл”, “Антибадаги тунги балиқ ови” асарлари яратилади.


1947 йилдан рассом Валлорисдаги хунармандчилик ва ҳайкалтарошликка ихтисослаштирилган “Мадур” фабрикасида иш бошлади. Ижодкор бу ерда бир қанча идишлар, одам танаси шакли берилган хумлар, жониворлар ҳайкалчаларини ясашга қўл урди. Фабрикадаги фаолият кейинчалик Пикассонинг ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам танилишига имкон яратди. 1958-йилда ишланган “Кентавр” скульптураси бу бо-радаги ютуқларидан бири эди.

Буюрассом тўксон икки йил (1881–1973) умр кўрди. Маълумотларга караганда, ундан 80 минг дона ижодий иш мерос бўлиб қолган. Бундай улкан мерос бир эмас, бир нечта музейларни тўлдириши аниқ. Шундай бўлди ҳам. Махсус музейлардан бири 1970 йилда, рассом ҳаётлик чоғида Барселонада очилган бўлса, иккинчиси 1985 йилда Парижда ташкил этилган. Париждаги музейга рассом номи берилган ҳамда у ерда Пикассонинг 200 га яқин расмлари, 150 дан ошиқ ҳайкалтарошлик асарлари сақланади.

ЭСЛАТМА!

 *Экспертлар хулосасига кўра, 2008 йилга қадар Пикассонинг расмий равишда сотилган барча суратларидан тушган жами маблағ 262 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Шу тариқа Пабло Пикассо дунёнинг энг қимматбаҳо мусаввири дея эътироф этилади.*

 *Унинг асарлари жиноятчилар томонидан ўғирланган картиналар сони буйича биринчи ўринда туради.*

 *2009 йилда “Таймс” газетаси томонидан қарийб бир ярим миллион санъат ихлосмандлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Пикассо сўнги юз йилликнинг энг яхши рассоми, дея тан олинган.*

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ!

2006 йилда Стив Винн исмли санъат ихлосманди Пикассонинг шоҳ асарларидан бири бўлган “Le Reve” (“Орзу”) картинасини америкалик машҳур миллиардер ва коллекциячи Стивен Коэнга сотишга розилик беради. Винн суратни 139 миллион долларга сотишга аҳд қилади, ваҳоланки, унинг ўзи асарни ўтган асрнинг 90-йилларида 48,4 миллион долларга қўлга киритганди. Бироқ харид амалга ошмайди. Бунга сабаб Виннинг эҳтиётсизлигидир. Анча кўздан қолган картина соҳиби бехосдан тирсаги билан суратга тегиб кетади ва ... асарни йиртиб юборади. Шу тариқа бир онда ҳам нодир санъат асари, ҳам 139 миллион доллардан мосуво бўлган Стив Винн ўз хатти-ҳаракатини “тарихдаги энг қўпол ва аҳмоқона хато” сифатида тан олади.

Гулҳаё АБДУҒАФФОРОВА
тайёрлади



УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР...

1 ОКТЯБРЬ

1912 йил. **Гумилёв Лев Николаевич**, атоқли рус олими – файласуф ва тарихчи. “Улуғ чўллар”, “Хаёлий салтанат изидан”, “Хуннлар Осиё ва Европада”, “Евроосиё ритмлари” каби асарлар муаллифи. Унлаб асарларни форсчадан рус тилига таржима қилган.

4 ОКТЯБРЬ

1847 йил. **Луи Анри Буссенар**, “Каллакесар капитан”, “Олмос ўғрилари” каби саргузашт романлар яратган машҳур француз ёзувчиси.

9 ОКТЯБРЬ

1874 йил. **Рерих Николай Константинович**, рус мусаввири, файласуф, жамоат арбоби. Археолог ва саёҳатчи сифатида ҳамда Ҳиндистон табиати тасвирланган картиналари билан жаҳонга танилган. Умрининг асосий қисмини Ҳиндистонда, Ҳимолай тоғларида дарвешона турмуш кечириб ўтказган.

12 ОКТЯБРЬ

1935 йил. **Лучано Паваротти**, италиялик машҳур опера кўшиқчиси, тенор.

15 ОКТЯБРЬ

1814 йил. **Лермонтов Михаил Юрьевич**, “Вадим”, “Замонамиз қахрамони”, “Иблис”, “Маскарад”, “Якка-ёлғиз йўлга чиқаман”, “Шоирнинг ўлими”, “Ибодат”, “Пайғамбар” каби шеърӣ, насрий асарлари билан дунёга танилган рус адиби.

16 ОКТЯБРЬ

1897 йил. **Илья Арнольдович Ильф** (асли исми шарифи Йехиел-Лейб Файнзильберг), ёзувчи ва журналист. “Ўн икки стул”, “Олтин бузоқ” сатирик романларини яратган (Евгений Петров билан ҳаммуаллифликда).

16 ОКТЯБРЬ

1854 йил. **Оскар Фингал Уайльд**, шоир, драматург, адиб сифатида инглиз, қолаверса, жаҳон адабиётида ёркин из қолдирган ижодкорлар сирасидан. Ажойиб лирик шеърлар, қатор дostonлар, драматик асарлар, ҳикоялар ҳамда фалсафӣ эртақлар муаллифи. Адибнинг “Дориан Грей портрети” асари интеллектуал роман жанрининг ёркин намунаси сифатида тан олинган.

22 ОКТЯБРЬ

1811 йил. **Ференц Лист**, австрия-венгриялик атоқли бастакор, мусиқачи ҳамда дирижёр. “Прелюдиялар”, “Фауст-симфония”, “Венгер рапсодияси” каби мусиқӣ асарлар муаллифи.

25 ОКТЯБРЬ

1825 йил. **Иоганн Штраус**, австриялик бастакор, дирижёр ва скрипкачи. Вальс устаси сифатида танилган. “Вена ўрмони эртақлари”, “Кўршапалак”, “Лўлилар барони” каби мусиқӣ асарлар яратган.

25 ОКТЯБРЬ

1928 йил. **Пиримқул Қодиров**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, адабиётшунос олим, XX аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири. Адабиёт саҳнасига илк бор “Студентлар” (1950) асари билан

кириб келган. Адибнинг “Уч илдиз”, “Қора кўзлар”, “Олмос камар”, “Юлдузли тунлар” (“Бобур”), “Авлодлар довони” сингари асарлари эл орасида севиб ўқилади. Л.Н.Толстой, А.Чехов, К.Федин, Х.Деряевлар ижодидан қатор асарларни ўзбек тилига ўгирган.

27 ОКТАБРЬ

1782 йил. **Никколо Паганини**, машҳур италян бастакори ва скрипкачиси, XIX асрнинг энг ёрқин мусиқачиларидан бири. Яккаҳон ва оркестр жўрлигидаги скрипка учун мусиқий асарлар муаллифи.

28 ОКТАБРЬ

1955 йил. **Билл Гейтс**, Майкрософт (Microsoft) корпорациясининг асосчиси, компьютер технологияларининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Форбс (Forbes) журнали 1996-2007 ва 2009 йилларда эълон қилган “Дунёнинг энг бой кишилари” рўйхатида етакчилик қилган.

30 ОКТАБРЬ

1871 йил. **Поль Валери**, Франциялик адиб, эссеавис, шоир, файласуф. “Жаноб Тэст хузурида ўтказилган оқшом”, “Навқирон Парка”, “Жоду” каби асарлари билан машҳур.

Саиджалол САИДМУРОДОВ
тайёрлади

ТАРИХДА БУ КУН ...

1 октябрь –

Халқаро мусиқа куни.

Мазкур сана (International Music Day) ўттиз етти йилдан буён бутун дунёда кенг нишонланиб келинмоқда. Шу куни ер юзининг турли чеккаларида таниқли санъаткорлар ва бадийий жамоалар иштирокида йирик концерт дастурлари уюштирилади. Санъат шинавандалари жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган дурдоналардан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, бастакорлар, ижрочилар, мусиқашунослар билан ижодий кечалар ўтказилади, чолғу асбоблари ҳамда мусиқа билан боғлиқ санъат намуналари кўргазмалари ташкил этилади. Бундай тадбирлар замирида дунё халқларининг барча қатламлари орасида мусиқий санъатни кенг тарғиб этиш, эллар ўртасидаги ўзаро ҳурматни янада камол топтириш, маънавий бойликни кадрлаш, фикр ва тажриба алмашилиш орқали жаҳонда тинчлик ва дўстлик барқарорлигига эришишидек эзгу ниятлар ётади.

Мусиқа кунини алоҳида сана сифатида белгилаш тўғрисидаги қарор ЮНЕСКО қошидаги Халқаро мусиқий кенгаш ташаббусига кўра, уюшманинг Лозаннада бўлиб ўтган 15-Бош ассамблеясида (1973йил) қабул қилиниб, 1975 йилдан буён амалиётда тадбиқ этиб келинмоқда.

Октябрь –

“Нобель”нинг янги соҳиблари эълон қилинадиган ой.

Адабиёт йўналиши бўйича 2012 йилги Нобель мукофоти совриндори деб хитойлик адиб Мо Янь эълон қилинди. Асли исми шарифи Гуань Мое (“Мо Янь” тахаллуси “сукут сақла” деган маънони англатади) бўлган ёзувчи асарларида “эртак, тарих ва замонавийлик уйғунлашган галлюцинатор реализм

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

учун” мазкур нуфузли мукофотга муносиб топилди. Адабий қарашлари Фолкнер ва Маркес ижодига қиёсланган Яньнинг ўз асарларида қадимги Хитой адабиёти ва миллий анъаналарига таяниши алоҳида эътироф қилинмоқда.

Аслида букмекерлар¹ мукофотнинг япониялик ёзувчи ва таржимон Харуки Муракамига берилишини башорат қилишган эди, бироқ ғолиблик 57 ёшли Гонгонг Очик университети филология фанлари фахрий докторига насиб этди.

Асарлари дунёнинг ўндан зиёд тилларига ўгирилган бўлса-да, Мо Янь номи кўпроқ унинг қаламига мансуб роман асосида суратга олинган “Қизил гаолян” фильми орқали халқаро миқёсда танилган.

Маълумки, Нобель жаҳондаги энг нуфузли халқаро мукофотлардан ҳисобланади. Мазкур мукофот шахсан Нобель васиятига биноан, 1901 йилдан буён беш йўналиш – физика, кимё, тиббиёт, адабиёт соҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқлар ҳамда тинчлик йўлида қўшилган ҳисса учун топширилади. Шунингдек, 1969 йилдан бошлаб иқтисодиёт йўналиши учун махсус мукофот таъсис этилган. Ҳар йили октябрь ойида мантикий яқунига етказиладиган ушбу жараён йил давомида жаҳон миқёсида олиб бориладиган катта тайёргарлик ишларидан иборатдир. Маълумотларга кўра, фақат адабиёт йўналишининг ўзигагина ҳар йили ўрта ҳисобда 350 нафар ёзувчи ва шоирнинг номзоди қўйилади. Апрель ойига келиб, номоздорлардан 15-20 нафаригина саралаб қолдирилади. Сўнгги босқичда эса 5 нафар ижодкор ғолиблик учун беллашади. Ниҳоят, октябрь ойида Швеция Қироллик фанлар академияси, Каролина институти Нобель ассамблеяси ҳамда Норвегия Нобель кўмитаси хулосасига кўра, ғолиб номи эълон қилинади. Совриндорларни тақдирлаш маросими, анъанага кўра, 10 декабрда Стокгольмда бўлиб ўтади.

Ҳар йили миқдори қайта белгиланадиган пул мукофоти (жорий йилда ушбу маблағ 1,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган)дан ташқари лауреатларга Нобель сиймоси туширилган медал ва махсус диплом топширилади.

4 октябрь –

1938 йилда ўзбек миллий адабиётининг забардаст вакиллари қатл этилган машъум сана сифатида тарихда қолган.

Айни шу куни қомусий олим ва адиб Абдурауф Фитрат, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий ҳамда оташнафас шоир, ёзувчи ва таржимон Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Шўролар ҳукумати ихтиёрига кўра “халқ душмани” сифатида отиб ташланган. Энг даҳшатлиси, уларни ўлим жазосига маҳкум қилиш ҳақидаги ҳукм... жазо ижросидан бир кун кейин – 1938 йилнинг 5 октябрида чиқарилган!

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида минг-минглаб “қатагон қурбонлари” қатори оқланган бўлса-да, буюк ижодкорларнинг муборак номлари истиқлол туфайлигина миллатнинг чинакам фарзанди сифатида намоён бўлди: уларнинг асарлари бир неча бор нашр этилди, ҳаётлари, ижодларига доир бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилди, қатор тадқиқотлар олиб борилди, миллат олидаги фидокорона хизматлари эътирофи сифатида мустақил мамлакатимизда илк бор таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди, номлари абадийлаштирилди.

¹ Б у к м е к е р – спорт, маданий, сиёсий, молиявий соҳалардаги натижаларни башорат қилиш эвазига фойда кўришни касб қилган одам.

21 октябрь –

1989 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинди.

Давлат тили мақоми берилгандан сўнг ўтган давр мобайнида она тилимизнинг ҳаққоний мавқеи тикланди, нуфузи ошди. Луғат бойлигимиз ёт унсурлардан тозаланиб, этимологик келиб чиқиши туркий (ўзбекча) бўлган сўзлар ҳисобига бойиди. Саксон мингдан ошиқ сўзни ўз ичига олган беш жилддан иборат изоҳли луғат тайёрланиб, чоп этилди. Жаҳон миқёсида ҳам ўзбек тилининг обрў-эътибори юксалиб, уни ўрганаётган хорижий мутахассислар ва қизиқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

30 октябрь –

Бу кун кичик ўқув қуролига оид катта кашфиёт – шарикли ручканинг илк намунасига патент олинган сана сифатида тарихга битилган.

Мазкур кашфиёт соҳиби расман Жон Лауд (АҚШ) ҳисобланади. У ўз ихтиросини 1888 йил октябрь ойида тақдим этган бўлса-да, тахминан ҳозирги кўринишдаги ручкалар ўтган асрнинг 30-йиллари охиридагина кенг тарқала бошлаган.

Ҳозирда барчамизнинг кўлимизу кўзимиз ўрганган ручка учун венгриялик журналист Жозеф Ласло Биро патент олган. Доимо ёнида сиёҳ олиб юриш мажбурияти ва перодан қоладиган доғлардан хуноб бўлган Биро қулай иш қуролини яратиш устида жиддий бош қотиради. Изланишлар ҳосиласи сифатида шарикли ручка дунёга келади. Уни кенг миқёсда ишлаб чиқариш ҳуқуқини Буюк Британиянинг Ҳарбий ҳаво кучлари сотиб олади. Биро ўз ихтиросини иккинчи марта бошқа қитъа – Лотин Америкасида ҳам пуллашга муваффақ бўлади: Аргентинадаги Eversharp компанияси омадли журналистга ўша даврда мислсиз бойлик ҳисобланган 1 миллион АҚШ доллари миқдорида пул тўлайди.

Янги маҳсулот арзон ва қулайлиги билан тезда халқ эътиборини тортади. Ихчамгина ўқув қуроли Аргентинада саёҳатда юрган америкалик савдогар Милтон Рейнолдснинг қўлига тушади. Ўз касбининг устаси бўлган Рейнолдс ушбу янгилик орқали қанча фойда кўриш мумкинлигини чамалайди. Суриштириб, ихтиро фақатгина икки мамлакатда рўйхатдан ўтказилгани, муҳими, жаҳоннинг энг катта бозори – АҚШга кириб улгурмагани, бу борада ҳеч қандай расмий ҳужжатлар имзоланмаганини аниқлагач, дарҳол ишга киришади. Савдогар 1943 йилда ўзганинг кашфиёти учун АҚШда патент олиб, оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Рейнолдс адашмагани: шарикли ручка яшин тезлигида шуҳрат қозонади, Нью-Йоркдаги биргина Жимбел дўконида бир куннинг ўзида 10 минг доналаб сотилади. Тўғри, кашфиёт муаллифи Биро ўз ҳақ-ҳуқуқларини суд орқали тикламоқчи бўлади, бироқ унинг уринишлари кутилган натижа бермайди.



Бу билан ручканинг “миллионлар туғиш” борасидаги вазифаси яқун топмайди. 1958 йилда франциялик Марсель Бик ручка механизмини янада соддалаштириб, таннарҳини ҳам арзонлаштирган ҳолда ВИС номи остида ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Шу тариқа бугунги кунда дунёдаги ўқув қуроллари бозорининг каттагина қисмини эгаллаган ВИС Corporation компаниясига асос солиниб, унинг соҳиби жаҳоннинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлиб қолади.

Resume

☪ Several pages of the magazine are dedicated to Azerbaijani literature, which consist of historical and cultural relations between Uzbekistan and Azerbaijan, as well as some examples from Azerbaijani literature and scientific research.

☪ In the column "Poetry zones", you may know read examples from Azerbaijan folklore and some poems by poets of the 20th century. Also, you will read new translations of poems by famous Russian poets M. Lermontov and S. Esenin

☪ In a drama by Azeri poet and playwright Husayn Javid written in 1914 «Sheikh San'on» the victory of love, self-development, smart faith and enlightenment over negligence is glorified.

☪ The present issue of the magazine contains a work by famous Japanese writer R. Akutagava «Country Under The Sea», translated from Russian by Oydin Niso.

☪ The life and creative activity of outstanding Uzbek writer Odil Yakubov are described in remarkable memories of his wife Maryam Yakubova.

Резюме

☪ Данный номер журнала посвящен литературе и культуре Азербайджана, а также, научным исследованиям в этой сфере. Уделено особое место беседе о культурно-исторических связях узбекского и азербайджанского народов, перспективах отношений между двумя государствами.

☪ В рубрике «Шеърят минтакалари» («Меридианы поэзии») вы можете ознакомиться с образцами азербайджанского фольклора и творчеством поэтов XX века данной страны, прочитать новые переводы стихов М.Лермонтова и С.Есенина.

☪ В драме «Шейх Санъон», созданной в 1914 году азербайджанским поэтом и драматургом Хусейн Джавидом воспевается любовь, совершенствование духовного мира человека, непоколебимая вера и торжество просвещения над невежеством.

☪ Произведение известного японского писателя Р.Акутагавы «В стране водяных» публикуется в переводе талантливой переводчицы Ойдин Нисо с русского языка.

☪ Нравоучительный путь жизни, а также некоторые моменты творчества выдающегося узбекского писателя Одил Якубова отражены в памятных записках его супруги Марьям Якубовой.